



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



Empowered lives.
Resilient nations.



ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚУВЧИ НИЗОЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2017



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚУВЧИ НИЗОЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2017

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги кафолатланган.

Мазкур қўлланма оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиққан низолар бўйича суд амалиёти таҳлили асосида амалдаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари эътиборга олинган ҳолда ушбу тоифадаги низоларни қонуний ҳал қилишда ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида тайёрланган.

Ушбу қўлланмада оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низоларнинг тушунчаси, уларнинг бошқа низолардан фарқи жиҳатлари, бундай низоларни кўришга тайёрлашда эътибор берилиши керак бўлган процессуал ҳолатлар, амалиётдан мисоллар, қабул қилинадиган ҳал қилув қарорларидан намуналар келтирилган.

Қўлланма судьялар, адвокатлар, ҳуқуқшукнослик соҳасидаги мутахассислар, талабалар ва оила ва никоҳ масалаларига қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

МУАЛЛИФ ВА НАШР УЧУН МАСЪУЛЛАР:

Холмўмин ЁДГОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари –
фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси

Ихтиёр КОСИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Азамат САЛАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати материалларидан фойдаланилди. Қўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва далиллар ўзгартирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.supcourt.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтида жойлаштирилган.

_____ наشريёти

ISBN: _____

Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: +998 71 239-02-67

МУНДАРИЖА

1 БОБ.

НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

- 1.1. Никоҳ тушунчаси ва шакли 11
- 1.2. Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари 13

2 БОБ.

БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ

- 2.1. Суд тартибида оталикни белгилаш 21
- 2.2. Оталик фактини белгилаш 29

3 БОБ.

ОТА-ОНА ҲАМДА ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари 35
- 3.2. Ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари. 43

4 БОБ.

ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи
ва мажбуриятлари 61
- 4.2. Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент
мажбуриятлари 85
- 4.3. Алиментларни тўлаш ва ундириш тартиби. 92

5 БОБ.

ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАВОБГАРЛИК

- 5.1. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш 97
- 5.2. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш 106

6 БОБ.

ЭР ВА ХОТИННИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. Никоҳ ФҲДЁ бўлимида қайд этилмаганда мулкий ҳуқуқ
ва мажбуриятлар 111
- 6.2. Эр ва хотиннинг умумий мулки 112
- 6.3. Эр ва хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш 115

7 БОБ.

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

- 7.1. Никоҳ шартномаси тушунчаси ва тартиби 127
- 7.2. Никоҳ шартномасининг шакли ва предмети 130

8 БОБ.

НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ

- 8.1. Эр-хотиндан бирининг вафоти оқибатида никоҳ тугатилиши 141
- 8.2. Суд тартибида никоҳдан ажратиш. 142

9 БОБ.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

9.1. Фарзандликка олиш	155
9.2. Фарзандликка олишни бекор қилиш	162

10 БОБ.

ДАВЛАТ БОЖИ

10.1. Фуқаролик ишлари бўйича судларида давлат божи	171
10.2. Давлат божи тўлашдан озод қилиш ва кечиктириш	173

11 БОБ.

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

11.1. Оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	183
11.2. Оталикка эътироз билдириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	185
11.3. Болани олиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	187
11.4. Боланинг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	190
11.5. Фарзанднинг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	193
11.6. Бола билан кўришиш вақтини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	197
11.7. Алимент ундириш ҳақидаги суд буйруғи намунаси	199
11.8. Фарзанд таъминотига қўшимча харажат ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	200
11.9. Алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	202
11.10. Алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	204
11.11. Фарзанд уч ёшга тўлгунга қадар хотиннинг таъминоти чун алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	206
11.12. Оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	208
11.13. Оналик ҳуқуқини тиклаш, болаларни ўз тарбиясига олиб бериш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	211
11.14. Оналик ҳуқуқинитиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	215
11.15. Уй-жойдан улуш белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	217
11.16. Мол-мулкни бўлиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	219
11.17. Никоҳдан ажратишни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг амунаси	221
11.18. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси	223

12 БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

225



КИРИШ

Барқарор тарзда равнақ топаётган мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустақамлашнинг муҳим шarti сифатида оила институтини ҳар томонлама ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар бир оилани, ундаги соғлом маънавий муҳитни асраб-авайлаш, эр-хотин, ота-оналар билан фарзандлар, қайнона-келин, қўни-қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибат ҳиссини шакллантириш бўйича бир қанча дастурий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб унинг инсон ҳуқуқларига оид асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” ҳамда “Болалар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси қоидаларига мос равишда оилани мустақамлаш, унинг ҳар бир аъзоси ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлақонли фойдаланишлари учун имкониятлар яратишга йўналтирилган миллий қонунчилик базаси яратилди ва юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг тарзда доимий равишда такомиллашиб бормоқда.

ОИЛАГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (63-модда).

- Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси.

- Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли Қарори;
- Олий суд Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли Қарори;
- Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли Қарори.

“Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 31 декабрда 2547-сон билан рўйхатга олинган).



Жумладан, халқимизнинг миллий ўзига хослиги, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одат ва анъаналаримиз, қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва ишонч рамзи сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига “Оила” деб номланган алоҳида боб киритилиб, унинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини, у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги қатъий кафолатлаб кўйилди.

Оилавий муносабатларни тартибга солувчи яна бир муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири - Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида ҳам оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида эканлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги Қонуни билан эса амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ушбу Кодекс оила билан боғлиқ муаммоли муносабатлардан бири сифатида фарзандликка олиш масалаларига бағишланган алоҳида 31-1-боб билан тўлдирилди ҳамда фарзандликка олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ваколати судларга берилди. Бундан кўзланган мақсад инсон ҳуқуқларини, хусусан ота-она ва болалар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Таъкидлаш жоизки, амалиётда кишилар ўртасида оила ва никоҳ муносабатлари билан боғлиқ турли англашмовчиликлар, хато ва камчиликлар, можаролар учраб туради. Бунга кўпинча низодаги тараф бўлган фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, амалдаги қонун ҳужжатларини яхши билмаслиги ёки иккинчи тарафнинг ҳуқуқини тан олмаслиги сабаб бўлмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июндаги «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида жамиятимиз ҳаётида, халқимиз орасида учраб турадиган, айниқса оила ва никоҳ соҳасида дуч келинаётган ўта долзарб, оғриқли ва ўткир муаммолар тўғрисида, хусусан, турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатларининг учраб турганлиги, ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бораётганлиги, бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолаётганлиги ҳақида гапириб, “... оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига



қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда”, деган эдилар.

Дарҳақиқат, жамият ва давлат учун оила, никоҳ, оналик, оталик ва болалик ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир, зеро ушбу тушунчалар жамият ва давлат шаклланишини таъминловчи муҳим омиллар ҳисобланади. Шу сабабли оила ва никоҳ масалаларига, учраётган муаммоларга ижтимоий-сиёсий, илмий ва оддий турмуш нуқтаи назаридан ёндошиш, мазкур муносабатларни қонун доирасида тартибга солиш, бу борадаги қонун ҳужжатларини реал воқеликдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига тушунтириш, оиланинг ҳар бир аъзоси, никоҳга кирувчи шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилиш талаб этилади.

Маълумки, оила ва никоҳ масалалари бўйича бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш судлар томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Лекин суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, фуқаролар томонидан оила ва никоҳ муносабатларига киришиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари орқали уларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан, имтиёзлардан фойдаланиш, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасида, судьялар ва бошқа масъул идоралар ходимлари томонидан эса амалдаги қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашда муайян хато ва камчиликлар ҳам учрайди.

Мазкур қўлланма юқоридаги каби хато ва камчиликларнинг олдини олиш, оила ва никоҳ муносабатлари юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг қонуний ҳал этилишига кўмак бериш мақсадида тайёрланди.

ОИЛА

Юридик таърифи қонунчиликда белгиланмаган бўлса-да, мазмун моҳиятига кўра, қоида тарикасида биргаликда яшовчи ва никоҳ, қариндошлик, фарзандликка олиш ва бошқа муносабатлардан келиб чиқувчи ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар иттифоқидир.

ОИЛА ВА НИКОҲ ҲУҚУҚҲИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Оила ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган никоҳ, қариндошлик, фарзандликка олиш ёки вояга етмаган, ота-она қарамоғисиз қолган шахсларни бошқача усулда оилага жойлаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар.



Қўлланмада никоҳ тузиш тартиби, унинг шартлари, тугатилиши, ота-она ва фарзандларнинг, эр ва хотиннинг мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фарзандликка олиш ва уни бекор қилишнинг процессуал тартиби, шу каби бошқа ҳолатлар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар, оила ва никоҳ муносабатларида низо ва келишмовчиликларга кўпроқ сабаб бўлаётган масалалар бўйича суд амалиётидан мисоллар, суд ҳужжатларининг намунавий нусхалари ва Олий суд Пленумининг қарорлари берилган.

Қўлланма фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари, судьяликка номзодлар, васийлик ва ҳомийлик органлари ходимлари, юридик таълим муассасаларининг ўқитувчилари, талабалари, илмий изланувчилар, шунингдек, оила ҳуқуқи билан қизиқувчи барча фуқаролар учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.

**1 БОБ.
НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ
ВА ШАРТЛАРИ**





1.1. Никоҳ тушунчаси ва шакли

Никоҳ тушунчасига таъриф бериладиган бўлса, бу эркак ва аёлнинг ихтиёрий ҳамда ҳуқуқларининг тенглиги асосида оила тузиш ва эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаришга қаратилган иттифоқидир.

Никоҳ шакли деганда уни қонун билан белгиланган қайд қилиш усули тушунилади.

НИКОҲ ТУШУНЧАСИ

Никоҳ бу эркак ва аёлнинг ихтиёрий ҳамда ҳуқуқларининг тенглиги асосида оила тузиш ва эр хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаришга қаратилган иттифоқидир.


Ўзбекистонда никоҳнинг қонуний шакли уни ФХДЁ органларида давлат рўйхати орқали қайд этилиши ҳисобланади.

Никоҳнинг давлат рўйхатидан қайд қилиниши ҳуқуқ белгилловчи аҳамиятга эга: шу пайтдан бошлаб

эр-хотинларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади, уларга никоҳ қайд қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади ва фуқаролик паспортларида уларни қонуний никоҳда турганлиги фактини тасдиқлайдиган белги қўйилади.

Суд амалиётидан турмуш ҳаётимизда учрайдиган никоҳнинг фактик ва шаърий шакли мавжуд, аммо иккиси ҳам ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди, яъни бунда эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлмайди.

Фактик никоҳ бу қонунда белгиланган тартибда никоҳни қайд қилмасдан туриб эркак ва аёлнинг биргаликдаги турмуши бўлиб, оила қонунчилиги нормаларига асосланган ҳолда ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.



Қонунчилигимизда фактик никоҳни, агар эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларида никоҳни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмай қолса, қонунда белгиланган ҳолларда уларнинг ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини белгилашга йўл қўйилади.




1 БОБ. НИХОҶ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 5-сонли қарорининг 13-банди тушунтиришларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 283-моддасининг 5-банди ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 22 августдаги Фармонига кўра фактик никоҳ муносабатларида бўлганлик факти фақат бундай муносабатлар 1944 йил 8 июлгача вужудга келган бўлса ва никоҳни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органида эр-хотиндан бирининг вафоти туфайли рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмасагина белгиланади.

Юқорида кўрсатилган вақтдан кейин вужудга келган фактик никоҳ муносабатлари юридик оқибат келтириб чиқармайди ва бундай фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар суд тартибида кўришлик учун қабул қилинмайди. Агар эр-хотиндан бири 1944 йил 8 июлгача бошқа фактик никоҳга кирган ёки бир вақтнинг ўзида қонуний никоҳда бўлган бўлса, шунингдек, бу муносабатлар томонлардан бирининг вафотига қадарли тугатилган бўлса, бундай фактларни суд белгилаши мумкин эмас.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЙД ҚИЛИНГАН НИХОҶЛАР ВА АЖРАЛИШЛАР Сони (МИНГ)





Суд мажлисида никоҳ муносабатларининг мавжудлигини (биргаликда яшаш, умумий хўжалик юритиш, болаларнинг борлиги ва уларни тарбиялаш ва бошқаларни) исботловчи далиллар текширилади. Фактик муносабатларни ҳақиқатда бўлган деб топиб, суд уни мазкур шахслар ўртасида вужудга келган вақти ва улардан бирининг вафот этган кунига қадар давом этганини аниқлайди.

Шаърий никоҳ бу диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ бўлиб, у ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

1.2. Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари

Никоҳ тузиш тартиби ва шартларини оила қонунчилигида белгилаб қўйилганлиги никоҳнинг барқарорлиги ва оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Никоҳни тузиш Оила кодексининг 13-моддасида белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.



Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Бу никоҳланувчилар учун яна бир бор ўзларининг мақсадларини ўйлаб кўриш имкониятини беради.

Шу билан бирга қонун никоҳланувчиларнинг ўзаро аризалари асосида бир ойлик муддатни қисқартириш мумкинлиги имкониятини ҳам белгилаб берган.


Унга кўра, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи узрли сабаблар бўлганда бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.



1 БОБ. НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Амалиётда бундай узрли ҳолатларга: узоқ муддатли хизмат сафарига кетиш, армия сафига чақирилиш, амалда фактик никоҳ муносабатларида бўлиш, госпитализацияни талаб қиладиган касаллик ва бошқа ҳолатларни киритиш мумкин.

НИКОҲДАН АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРНИ СУДЛАРДА КЎРИШ ДИНАМИКАСИ



Никоҳ ариза берилган кунда ҳам тузилиши мумкин. Бу никоҳланувчиларга алоҳида ҳолларнинг мавжуд бўлиши: ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқаларда никоҳ ариза берилган кунга тузилиши мумкин. Мазкур ҳолатлар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим (тиббий маълумотнома ва ҳ.к.).

Оила кодексига оила қонунчилиги институтига янги бўлган никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш жорий қилинди. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказилиши давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул ўтказилади.


НИКОҲДАН АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШ





Тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишдан асосий мақсад, уларнинг умумий соғлиги ҳақида маълумотларга эга бўлиш билан бирга, бўлажак эр хотин ва уларнинг авлоди учун хавфли бўлган касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш бўйича чораларни кўришга қаратилганлигидир.



Қонун агарда никоҳланувчилардан бири ўзида таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширган бўлса, иккинчиси никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлишлигини белгилаб берган.

Никоҳни тузиш учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

- жинсларнинг турли эканлиги, чунки никоҳ фақат эркак ва аёл ўртасида тузилиши мумкин;
- эркак ва аёлнинг никоҳни тузишга ўзаро ихтиёрий розилиги;
- никоҳ тузишдаги ёши.

Никоҳ – эркак ва аёлнинг ҳеч қандай истисносиз бўлган иттифоқидир.

Айрим хорижий давлатларда бир хил жинсга мансуб бўлган шахслар ўртасида оилавий шерикчилик асосида никоҳлар тузиш ҳоллари ҳам мавжуд. Шу давлатларнинг кенг жамоатчилиги уларни қатъий танқид орқали муҳокама қилиб келмоқда.



1 БОБ. НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ



Ўзаро ихтиёрий розилик деганда эркин, ҳеч қандай тазйиқсиз, ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши орқали никоҳни тузиш деб тушунилади.

Ўзаро ихтиёрий розиликни аниқлашга ҳуқуқий нормалар қаратилган: бу никоҳга кирувчи шахсларнинг аризаларида розилиklarини билдиришлари, никоҳнинг фақат уларнинг иштирокида қайд қилинишидир.



Ота-оналарнинг ёки бошқа шахсларнинг никоҳни тузишга розилиги талаб этилмайди. Аммо ёш никоҳланувчилар учун ота-оналар розилигининг мавжуд бўлиши, ёш оила барқарорлигини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади.



Никоҳ ёши – бу қонун билан белгиланган ёш бўлиб, унга етиши билан никоҳни тузишга рухсат берилади.

Оила кодекси никоҳ ёшини эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиллаган.

Вояга етиш билан ёшлар тўла қонли бўлган фуқароларга айланади: улар фуқаролик муомала лаёқатига, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига, ҳарбий мажбуриятга эга бўлади ва ҳ.к.

Оила кодекси никоҳ ёшини қисқартириш имкониятини ҳам беради.

Никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Мазкур қисқартириш қонунда фақатгина узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация) мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар:

– *лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар бўлса.*

Ҳеч ким илгари тузилган никоҳ эрнинг вафоти, никоҳдан ажратилиши, уни ҳақиқий эмас деб топилиши билан тугатилмагунга қадар янги никоҳни тузишга ҳақли эмас.

– *насл-насаб шахараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида бўлса;*

Уни монелик қиладиган боис бир тарафдан биологик бўлса, иккинчи тарафдан ахлоқий-этика характери билан боғлиқлигидир.

– *лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида бўлса.*


Муомалага лаёқатсиз шахс ўзининг ҳаракатларини англаган ҳолда никоҳга кириш масаласини ҳал қила олмайди. Руҳий касалликка чалинган шахс билан нормал оила кечириб бўлмайди, бу никоҳдан туғилган фарзандлар ҳам ақлан заиф бўлади.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш амалдаги ФПК талаблари билан тартибга солинади.



1 БОБ. НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

НИКОҲНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШ



Жамиятда оиланинг баркамол, етук ва соғлом бўлиши оиладаги муҳитдан ташқари эр-хотиннинг тарбиясига, унинг дунёқарashi, соғлом фикрлаши ва билимларни пухта эгаллаб, уларнинг кундалик турмушда қай даражада қўлланилишига ҳам боғлиқдир.

**2 БОБ.
БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-
НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ**





2.1. Суд тартибида оталикни белгилаш

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 62-моддасининг 1-қисмига асосан ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДЛАРДА КЎРИШ ДИНАМИКАСИ



Бундай тоифадаги ишларни судда кўришга тайёрлашда авваламбор, судларга тааллуқлик қоидаларига эътибор бериш лозим.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ФПК 241-моддасининг 1, 3-қисмларига кўра оталикни белгилаш тўғрисидаги даъволар жавобгар ёки даъвогар ўзи яшаб турган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин.

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан амалга оширилади

Суд томонидан амалга оширилади

Агар боланинг ота-онаси қандайдир сабабларга кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига унинг келиб чиқиши (насл-



2 БОБ. БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ

насаби) тўғрисида биргаликда ариза бермаган бўлсалар, оталик суд томонидан белгиланади.

Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза суднинг иш юритувиغا фақат бола туғилганлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этилганидан сўнг ва отаси ҳақидаги ёзув ОК 207-моддасининг 3-қисмига мувофиқ амалга оширилган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилганда қабул қилиниши мумкин. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида боланинг туғилганлиги қайд этилмаган бўлса, суд аризани қабул қилишни рад этади. Бундай ҳолда суд манфаатдор шахсга туғилишни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши шарт.

Боланинг отаси тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан амалга оширилган ёзув бола унда кўрсатилган шахсдан келиб чиққанлигини тасдиқловчи далил ҳисобланиши туфайли, туғилиш тўғрисидаги далолатнома ёзувида ОК 207-моддасининг 1- ва 2-қисмига мувофиқ боланинг отаси сифатида бошқа аниқ шахс кўрсатилган ҳолда ҳам суд аризани қабул қилишни рад этади.

Амалиётда оталик билан боғлиқ куйидаги талаблар учрайди:

- оталикни белгилаш тўғрисида;
- оталик фактини белгилаш тўғрисида;
- оталикни тан олиш фактини белгилаш тўғрисида;
- оталикка эътироз билдириш тўғрисида;
- оталик ҳақидаги қайдга эътироз билдириш тўғрисида.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар А.Валиева жавобгар Р.Матчоновга нисбатан судга оталикни белгилаш ҳақидаги даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2006 йил ноябрда В.Бориевга қонуний никоҳдан ўтиб турмушга чиққанлигини, эр-хотин биргаликда 2008 йил сентябрь ойига қадар яшаганлигини, фарзандлари бўлмаганлигини, кейинчалик 2010 йил январь ойида Р.Матчонов билан яшаб, биргаликдаги турмушларидан 2010 йил 5 декабрда Умид исмли фарзандлари туғилганлигини, В.Бориев билан никоҳдан ажралмаганлиги сабабли фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани ололмаётганлигини билдириб, 2010 йил 5 декабрда туғилган Умид исмли фарзандига жавобгар Р.Матчоновнинг оталигини белгилашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, 2010 йил 5 декабрда туғилган Умид исмли болага нисбатан 1979 йил 25 февралда туғилган Матчонов Руслан Мадриевичнинг оталиги белгиланган.



Фуқаролик иши бўйича боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси мавжудлиги, бундан ташқари жавобгар Р.Матчоновнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиб олинмаганлиги ва туғилган йили аниқланмаганлиги сабабли суднинг ҳал қилув қарори вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан бекор қилинган (4-131-сонли ажримдан кўчирма).

Оталикни белгилаш ҳақидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

- боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси;
- тарафларнинг биргаликда яшаб, умумий хўжалик юритганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома;
- тарафларнинг ёзишмалари;
- жавобгарнинг пул юбориб турганлиги ва бошқа моддий ёрдам бериб турганлигини тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатлар.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Г.Рўзметова жавобгар Я.Ибодуллаевга нисбатан оталикни белгилаш ҳақидаги даъво билан судга муурожаат этиб, жавобгар билан яқин муносабатда бўлиб, 2008 йил 13 апрелда ўғил фарзандли бўлганлигини, боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасида қонуний никоҳдаги турмуш ўртоғи Я.Отажонов боланинг отаси сифатида кўрсатилганлигини баён этиб, жавобгарни ўғлининг отаси деб белгилашни ва алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида отаси сифатида бошқа аниқ шахс кўрсатилганлиги туфайли бекор қилинган, фуқаролик иши янгидан кўрилиши учун биринчи инстанция судига юборилган. (ФСХ-135-12 – сонли ажримдан кўчирма).


Иш янгидан кўрилишида даъвогар даъвосидан воз кечганлиги, Я. Отажонов оталик юзасидан эътироз билдирмаганлиги сабабли даъво юзасидан иш юртиш тугатилган.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик мақсадида тарафларнинг илтимосномасига кўра оталикни белгилаш ҳақидаги иш ёпиқ суд мажлисида кўрилади.



2 БОБ. БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШ



Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья эътибор бериши бўлган ҳолатлар. Даъвогар ва жавобгар билан суҳбат ўтказиш орқали улар ўртасидаги ҳақиқий муносабатларни аниқлаш чораларини кўриши, низони тарафларнинг ўзаро розилиги билан ҳал этиш имкониятини аниқлаши, зарур ҳолларда, ОК 62-моддасида кўрсатилган шартларни тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиши лозим.

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ

Оталикни белгилашни сўраб судга муурожаат қилишга ваколатли шахслар

- ота-онадан бири
- боланинг васийси (ҳомийси)
- бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахс
- бола вояга етганидан кейин унинг ўзи

Агар суҳбат давомида жавобгар боланинг отаси эканлигини тан олса, суд тарафларга оталикни ОК 61-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига биргаликда ариза бериш орқали ихтиёрий расмийлаштириш имкониятини тушунтириши ва шу мақсадларда тарафларга муайян муддат бериши лозим.



Оталик тарафларнинг биргаликдаги аризасига асосан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан белгиланган ва боланинг туғилганлиги ҳақида гувоҳномаси тақдим этилганда, суд ФПК 100-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иш бўйича иш юритишни тугатади. Агар оталикни белгилаш ҳақидаги даъво билан бир пайтда алимент ундириш тўғрисида талаб қўйилган бўлса, ишнинг шу қисми суд томонидан умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим.

СУД АМАЛИЁТИ

Н.Алиева судга оталикни белгилаш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилиб, жавобгар Ж.Бўриев 2006 йилда туғилган қизи Ферузанинг отаси эканлигини белгилашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 100-моддасининг 1-қисмига асосан иш юритиш тугатилган.

Шаҳар суди раёсатининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан шаҳар суди раёсати қарори бекор қилиниб, қуйидаги асосларга кўра чиқарилган суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Н.Алиева билан Ж.Бобоев 2005 йилда никоҳдан ажрашган. Бобоева Феруза Жаводовна 2006 йил 14 сентябрда туғилган бўлиб, унинг туғилганлик ҳақидаги далолатномаси ёзувига отаси сифатида даъвогарнинг собиқ эри Жавод Бобоев ёзилган ва унинг ўзи боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасини олган. Ушбу далолатнома ёзувида ота-онанинг туғилган вақти, яшаш ва ишлаш жойи, маълумоти ва миллати тўғрисидаги барча маълумотлар ёзилган.

Бу ҳолда биринчи ва апелляция инстанцияси суди Фуқаролик процессуал кодекси 100-моддасининг 1-қисмига мувофиқ ишнинг судга тааллуқли эмаслиги сабабли тугатиш ҳақида қонуний тўхтама келган.

Оталикни белгилаш шартлари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари қонун билан белгиланганлиги сабабли, суд бундай иш бўйича келишув битимини тасдиқлашга ҳақли эмас.

Суд даъвогарнинг даъводан воз кечиши ҳақидаги талабини муҳокама қилишда даъвогарнинг даъвосидан воз кечишининг ихтиёрийлигига асосланганлигига, иккинчидан бу боланинг манфаатларига мос бўлишига ишонч ҳосил қилиши керак. Агарда даъводан воз кечиш қонунга ҳилоф ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ



2 БОБ. БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ

ва манфаатларига таъсир қилса, суд бундай воз кечишни қабул қилмасликка ҳақли. Бундан ташқари, суд даъвогарга даъводан воз кечишнинг оқибатларини тушунтириши ва такроран бундай даъво талаби билан судга мурожаат қилишга йўл қўйилмаслигини тушунтириши лозим.

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ҚЎЙДАГИЛАР ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШИ ЗАРУР

Боланинг онаси ва жавобгарнинг бола туғилишига қадар биргаликда яшаганликлари ва умумий рўзгор юритганликлари

Боланинг онаси ва жавобгар болани биргаликда тарбия қилганликлари ёки таъминлаб турганликлари

Жавобгар оталикни тан олганлигини ишончли тасдиқловчи бошқа далиллар мавжудлиги

* Оталикни белгилаш тўғрисидаги талабларни қаноатлантириш учун кўрсатиб ўтилган шартлардан биттасининг аниқланиши етарли

Умумий рўзгор юритганлиги ва бирга яшаганлик деганда жавобгарнинг боланинг онаси билан биргаликда яшаганликлари ва умумий рўзгор юритганликлари оилавий муносабатларга хос бўлган ҳолатлар (ҳомила пайдо бўлган вақтда ва бола туғилгунга қадар битта турар жойда яшаш, умумий бюджет юритиш, биргаликда овқатланиш, ўзаро ғамхўрлик, умумий фойдаланиш учун мол-мулк сотиб олиш ва ҳ.к.лар) мавжудлиги билан тасдиқланади.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар М. Юлчиева жавобгар О. Фозиловга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда жавобгар билан бирга яшаб 2006 йил 28 декабрда фарзандли бўлганлиги, жавобгар билан қонуний никоҳда бўлмаганлиги сабабли қизи Сурайёнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида ўзининг фамилиясини кўрсатганлиги, ҳозирги пайтда жавобгар фарзандига моддий ёрдам бермаётганлигини баён қилиб, жавобгарни фарзанднинг отаси эканлигини белгилашни ва алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ажрими билан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланиб, иш юритuvi тугатилган.

Фуқаролик иши апелляция, кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Вилоят суди раёсатининг қарори билан юқорида қайд этилган суд ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилган.



Юқорида қайд этилганидек, оталикни белгилаш ҳақидаги ишлар юзасидан судлар келишув битимини тасдиқлашлари мумкин эмас, чунки оталикни белгилашнинг шартлари ва тартиби қонун билан белгиланган.

Суд тарафлар ўртасида «О. Фозилов фарзанди Сурайё 18 ёшга тўлгунга қадар ҳар ой иш ҳақи ва бошқа даромадининг 25 фоизи миқдорида М. Юлчиева фойдасига алимент тўлаши, М. Юлчиева эса оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақидаги даъводдан воз кечиш» шартлари билан тузилган келишув битимини тасдиқлашда қонун талабига риоя қилмаган.

Сурхондарё вилоят суди раёсати юқорида кўрсатилган асослар бўйича туманлараро судининг ажримини бекор қилиб, ишни мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборган (5-04-2004-сонли қарор).

Тарафлар биргаликда яшашганми ва умумий рўзғор юритишганими, деган масалани ҳал этишда суд алоҳида олинган ҳар бир ҳолда ишнинг муайян ҳолатларидан ва тарафлар ҳаётининг объектив шарт-шароитларидан келиб чиқиши лозим.

Бола туғилгунга қадар тарафлар ўртасида бундай муносабатларнинг тугатилиши, ўз-ўзидан, оталикни белгилаш тўғрисидаги даъвони рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди, улар ҳомиладорлик бошлангунга қадар тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Болани биргаликда тарбия қилиш боланинг онаси ва жавобгар билан бирга яшаганлигида ёки жавобгарнинг бола билан муносабатга киришиб, унга нисбатан оталарча ғамхўрлик ва эътибор кўрсатганлигида намоён бўлади.

Боланинг биргаликда таъминлаб турилиши деганда, бола онаси ва жавобгарнинг қарамоғида бўлганлиги ёки жавобгар томонидан бола таъминоти учун муттасил ёрдам кўрсатилиб келинганлиги, бундай ёрдам миқдоридан қатъий назар, тушунилиши лозим.

Жавобгар томонидан оталик тан олинганлигини тасдиқловчи бошқа далиллар сифатида суд ишончли деб топган ҳар қандай фактик маълумотлар (хатлар, телеграммалар, фотосуратлар, анкеталар, турли инстанцияларга ёзилган аризалар), у боланинг отаси эканлигини тан олганлигини тасдиқловчи бошқа ҳаракатлар, шунингдек, гувоҳларнинг кўрсатувлари бўлиши мумкин. Бундай иқрорлик онанинг ҳомиладорлиги даврида ҳам (масалан, болалик бўлишни хоҳлаш, бўлажак боланинг онаси ҳақида ғамхўрлик), бола туғилганидан сўнг ҳам ифода этилиши мумкин.



СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар М. Тошева жавобгар Т. Камоловга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарни 2010 йил 6 июнда туғилган фарзанди С. Тошеванинг отаси деб белгилашни ва моддий таъминоти учун вояга етгунига қадар алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Аниқланишича, тарафлар 2008 йил декабрь ойидан оила қурмасдан эр-хотинлик муносабатида бўлиб, учрашиб юришган, даъвогар М. Тошева 2009 йилда ҳомиладор бўлган ва 2010 йил 6 июнда қизи Севинч туғилган, қонуний никоҳда бўлмаганлиги сабабли даъвогар фарзандига ўзининг фамилияси бўйича туғилганлик ҳақида гувоҳнома олган.

Фуқаролик иши кассация инстанциясида кўрилишида Т. Камолов ҳал қилув қароридан норози бўлиб, одам ДНКси биологик экспертизасини ўтказишни сўраган.

Кассация инстанцияси томонидан тайинланган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси Т. Камолов 2010 йил 6 июнда туғилган С. Тошеванинг биологик отаси эмаслиги ҳақида хулоса берган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ва экспертиза ўтказиш учун сарфланган харажатларни даъвогардан жавобгарнинг фойдасига ундириш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори (4-103-сонли ажримдан кўчирма) чиқарилган.

Даъвогар томонидан даъво талабида кўрсатилган ҳолатлар жавобгар томонидан тан олинмаганда ва боланинг отасини белгилаш учун етарли асослар келтирилмаган ҳолатда суд боланинг келиб чиқишини (масалан, ҳомила пайдо бўлиш вақтини, уруғлантириш қобилияти бор-йўқлигини ва ҳ.к.) аниқлаш мақсадида ОК 62-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган шартлар мавжуд бўлганда, ўз ташаббуси ёки тарафларнинг илтимосномаси бўйича иш юзасидан суд-тиббий экспертизаси, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлаши мумкин.

Суд исботлаш воситасининг мустақил шакли бўлган эксперт хулосаси, фуқаролик иши кўзғатилгандан сўнг фақатгина қатъий қонун талабига мувофиқ тайинланган ва ўтказилган суд экспертиза натижалари бўлиши мумкин.

Эксперт тадқиқоти объектини талаб қилиб олиш, суднинг эксперт ихтиёрига қўшимча материалларни тақдим қилиш таклифи ишда иштирок этувчи ҳар бир шахснинг ўзлари асос қилиб кўрсатаётган факт ва ҳолатларни исботлаш мажбуриятлари билан бевосита боғлиқ.



Тарафнинг узрсиз сабабларга кўра тадқиқот предмети экспертига топширишдан ёки экспертиза ўтказишда шахсан иштирок этишдан бош тортиши, низолашилаётган хулосага нисбатан қарама-қарши хулосага асос борлигидан гувоҳлик беради.

Суд тарафнинг экспертиза ўтказишдаги иштирок этишдан бош тортишини уни қасддан ёки тортишувлик процессида иштирок этишни хоҳламаслиги деб баҳолаши мумкин.

Шунга кўра, қайси тараф узрсиз сабабларга кўра экспертизадан бўйин товлайётганлигига, шунингдек, бу ҳолат у учун қандай аҳамиятга эга эканлигига қараб, суд экспертиза тайинлаш билан аниқланадиган фактни белгилаши ёки рад қилиши мумкин.

Суд-тиббий экспертизаси, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси хулосалари исботлаш воситаларидан бири ҳисобланади ва шу сабабли улар иш бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи бўйича баҳоланиши лозим.

Оталикни белгилаш ҳақидаги даъво аризаларидан тўланадиган божи миқдори

энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан тўланади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги қарори 1-қисми «д» банди

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида оталикни белгилашни қайд қилиш учун зарур бўлган маълумотлар (отанинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг туғилган куни, ойи, йили ва туғилган жойи, миллати, доимий яшаш ва иш жойи) кўрсатилиши лозим.

Бундай ишлар ўта мурракаб ишлар тоифасига кирмаслиги сабабли судлар мазкур даъволар бўйича фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриши лозим.

2.2. Оталик фактини белгилаш

Оталикни тан олиш фактини белгилаш ва оталик фактини белгилаш тўғрисидаги фуқаролик ишлари алоҳида иш юритиш тартибида кўрилади.



2 БОБ. БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ

Агар оталикни тан олиш фактини, оталик фактини белгилаш тўғрисидаги аризани бериш ёки кўриш вақтида судга тааллуқли бўлган ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, ариза кўрмасдан қолдирилади, аризачи ва бошқа манфаатдор шахсларга низони даъво ишларини юритиш тартибида ҳал қилиш ҳуқуқи тушунтирилади (ФПК 282-моддаси).



Ўзини боланинг отаси деб тан олган, бироқ боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахс вафот этган тақдирда, суд унинг оталикни тан олганлиги фактини белгилашга ҳақли (1968 йил 1 октябрга қадар туғилган болаларга нисбатан бундай факт фақат бола марҳум вафот этган пайтда ёки олдинроқ унинг қарамоғида бўлган ҳолдагина йўл қўйилади).

СУД АМАЛИЁТИ

К.Новикова оталик фактини белгилаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиб, ўғли Д.Новиковга нисбатан 2008 йил 24 августда вафот этган Ш. Шариповнинг оталик фактини белгилашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан К.Новикованинг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юзасидан аризани қаноатлантириш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.



Аниқланишича, К.Новикова Ш.Шарипов билан 2003 йилдан буён оилавий муносабатда бўлиб, бирга яшаб келишган, умумий хўжалик юретишган. Биргаликдаги турмушларидан 2009 йил 20 февралда ўғли Д.Новиков туғилган. Ш.Шариповнинг вафотидан кейин ўғли туғилганлиги муносабати билан унинг туғилганлик гувоҳномасини олишда фамилиясини К.Новикованинг сўзидан Новиков деб ёзилган. К.Новикова марҳум Ш.Шарипов билан 2003 йилдан Ш.Шариповнинг вафотига қадар, яъни 2008 йилгача биргаликда яшаб, умумий рўзғор юритганлиги маҳалла кўмитасининг далолатномаси, гувоҳларнинг, шу жумладан Ш.Шариповнинг опаси Н.Шарипованинг кўргазмалари билан ўз тасдиғини топган.

Юқориди қайд этилган Пленум тушунтиришларига мувофиқ К.Новикова бола туғилишига қадар Ш.Шарипов билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлигини эътиборга олиб, кассация инстанцияси оталик фактини белгилаш лозимлиги ҳақида қонуний хулосага келган (4Ф-136-12-сонли ажримдан кўчирма).

Бундай факт ишнинг муайян ҳолатларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ўзини бўлажак боланинг отаси деб онанинг ҳомиладорлиги даврида тан олган шахс вафотидан кейин туғилган болага нисбатан ҳам белгиланиши мумкин.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахс вафот этган ҳолда, суд оталик фактини, яъни боланинг ўша шахсдан келиб чиққанлиги фактини белгилашга ҳақли.

1968 йил 1 октябрдан кейин туғилган болаларга нисбатан оталик факти ОК 62-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шартлардан ҳеч бўлмаганда биттасини ишончли тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлгандагина белгиланиши мумкин.

Оталикни, оталикни тан олиш факти, оталик фактини белгилашга оид ҳал қилув қарорлари суд томонидан ҳар томонлама текширилган ва арз қилинган талабларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи маълумотларга асосланган бўлиши лозим.


Оталикни тан олиш факти суд томонидан вафот этган шахс болага нисбатан ўзининг оталигини тан олганлигини ишончли тасдиқловчи ҳар томонлама текширилган маълумотларга асосан белгиланиши мумкин.

Ўзининг болага оталигини тан олганлигини тасдиқловчи фактларга унинг ёзган хатларида болани ўзиники эканлигини тан олганлиги, таржимаи ҳоли, аризалари (боғча, мактаб ва бошқалар), гувоҳларнинг кўрсатмалари, агар судда уларнинг ёлғонлиги ва инсофсизлигига шубҳа бўлмаса (жумладан, марҳумнинг дўстлари ва яқин қариндошларининг кўрсатмалари) инобатга олинishi мумкин.



2 БОБ. БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ

ОТАЛИККА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШ



Мазкур тоифадаги ишларни кўришда судга барча манфаатдор шахсларга жалб қилиниши лозим (жумладан, марҳумнинг меросхўрлари, васийлик ва ҳомийлик органлари).

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ

Оталикни белгилаш

Даъво тартибда кўрилади

Оталик, агар боланинг ота-онаси қандайдир сабабларга кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига унинг келиб чиқиши (насл-насаби) тўғрисида биргаликда ариза бермаган бўлсалар, суд томонидан белгиланади

Оталикни тан олиш фактини белгилаш

Алоҳида тартибда кўрилади


Ўзини боланинг отаси деб тан олган, бироқ боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахс вафот этган тақдирда, суд унинг оталикни тан олганлиги фактини белгилашга ҳақли (1968 йил 1 октябрга қадар туғилган болаларга нисбатан бундай факт фақат бола марҳум вафот этган пайтда ёки олдинроқ унинг қарамоғида бўлган ҳолдагина йўл қўйилади).

Оталикни фактини белгилаш

Алоҳида тартибда кўрилади

1968 йил 1 октябрдан кейин туғилган болаларга нисбатан оталик факти ОК 62-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шартлардан ҳеч бўлмаганда биттасини ишончли тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлгандагина белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нухасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

- 
- Оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи
 - Ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи
 - Ҳимояга бўлган ҳуқуқи
 - Уз фикрини ифода этиш ҳуқуқи
 - Исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи

3 БОБ. ОТА-ОНА ҲАМДА ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ



3.1. Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг 1-моддасида бола тушунчасига таъриф берилиб, 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади.

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, шахснинг жисмонан ва маънавий ривожланиши шарт-шароитлари айнан оилада шаклланади.

БОЛАНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи

Ҳимояга бўлган ҳуқуқи

Ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи

Ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи

Исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи

Шу билан бирга оила бола учун унинг яшашини таъминлайдиган бошпанадир.

Шунинг учун ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқига эга.

Шунга кўра, оила қонунчилигининг асосий принципларидан бири бу болани оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилгандир.

Бола ота-онасининг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги унинг турмушдаги эҳтиёжларини қондиришга асос бўлади.

Бола ота-онаси билан бирга яшаш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик кодекси 21-моддасига мувофиқ, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

Ота-оналар алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади (Оила кодексининг 75-моддаси).



Боланинг ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши унинг оилада жисмонан ва маънавий соғлом улғайишига, мустақил ҳаётга тўла лаёқатли бўлишига замин яратади.

Боланинг инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга эканлиги тарбиянинг ажралмас қисмидир. Бундай ҳуқуқни эълон қилиши билан Оила кодекси оилавий тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири бўлган фарзандлар тарбияси билан боғлиқ бўлган турли ҳил низоларни ҳал қилишнинг асосий мезонини шакллантиради.

Ота-оналарнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларига қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар киради:

– фарзанднинг исмини (ФИО) аниқлаш ҳуқуқи. Фарзанднинг фамилияси ота-онасининг фамилияси билан аниқланади. Ота-онанинг фамилиялари турли бўлган тақдирда фарзандга ота-онанинг розилиги билан отасининг ёки онасининг фамилияси берилади, розилик бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органи кўрсатмаси бўйича ҳал қилинади. Боланинг шахсий исми иккитадан кўп бўлиши мумкин эмас. Туғилганлик актида биринчи ёзилган исм асосий деб ҳисобланади;

– фарзандларнинг фуқаролигини белгилаш;

– фарзандларнинг яшаш жойини белгилаш. Ота-онанинг яшаш жойи фарзанднинг яшаш жойи ҳисобланади. Агар ота-она айрим яшашадиган бўлса, фарзанднинг яшаш жойи ота-онанинг келишувига асосан ёки фарзанднинг хоҳишига қараб белгиланади;

– фарзандни тарбиялаш, унга ғамхўрлик қилиш ва назорат қилиш;

– фарзан номидан вакилликни амалга ошириш;

– фарзандларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш.

Фарзандларни мукаммалик билан тарбия қилишнинг шартлари бўлиб, бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан доимий кўришиши ҳисобланади.



ОК 66-моддасининг 1-бандига мувофиқ бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Бу ота-онанинг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши орқали оилавий муносабатларининг узилиши билан оғирлашиши мумкин, лекин бу ҳолат боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Ота-она турли давлатларда яшагани тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.


Фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамоққа олиш, ҳибсга олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

Оила кодекси 67-моддасининг 1-қисмига кўра бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда: бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ҳуқуқларни амалга ошириш йўлида қаршиликларни бартараф қилиш ва ҳ.қ тушунилади.

Оила қонунчилиги томонидан вояга етмаганнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш объекти ОКнинг 65–69 — моддаларида кўрсатилган асослар бўлиб ҳисобланади.

БОЛА ЯШАШ ЖОЙИНИ ЁКИ БОЛА БИЛАН КўРИШИШ ТАРТИБИНИ БЕЛГИЛАШ Тўғрисидаги
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДЛАРДА КўРИШ ДИНАМИКАСИ





ОКнинг 67-моддаси 2-қисмида белгиланганидек, боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), Оила кодексига назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.


Аммо боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар; муомалага лаёқатсиз деб топилганлар ҳимоя қила олмайди.

Шунингдек, спиртли ичимлик ёки наркотик воситалар истеъмол қилиш оқибатида ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар ҳам боланинг ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси сифатида иштирок эта олмайдилар.

Прокурор боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини биринчидан, ваколатли органлар томонидан қонун ижроси амалга оширилаётганлигини назорат қилиш, иккинчидан судда бевосита болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ишларда қатнашиш орқали ҳимоя қилади.

Суд болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни кўриш орқали айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлиги аниқласа, хусусий ажрим чиқариш йўли билан шу шахслар томонидан чора кўришлари ва амалга оширган чоралари ҳақида судга хабар қилишлари ҳақида муносабат билдиради.

БОЛА ЯШАШ ЖОЙИНИ ЁКИ БОЛА БИЛАН КЎРИШИШ ТАРТИБИНИ БЕЛГИЛАШ
ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШ





Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 28-моддасига кўра, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Шунга кўра, тўла муомала лаёқатига эга бўлган вояга етмаган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Бола учун ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган суийстеъмолликлар хавф туғдиради. Бу ОКнинг 79-моддасига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга асос ҳисобланади.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суийстеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ОК 67-моддасининг 5-қисми ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганга мустақил равишда судга мурожаат қилиш, суд процессининг иштирокчиси бўлиш ҳуқуқини беради.

Ота-оналар суийстеъмолликларидан жабр кўрган болалар, доимо ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилибгина қолмасдан, бу суийстеъмолликларни яширишади ҳам.


Шундан келиб чиқиб, ОКнинг 67-моддасининг 6-қисми боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганлигидан, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айни пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шартлигини, шундай маълумотларни олгач, васийлик



ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши шартлигини белгилаб қўйган.

БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 12-моддаси ва Оила кодексининг 68-моддасида оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақли эканлиги кўзда тутилган.

Мазкур ҳуқуқнинг мустаҳкамланиши боланинг оилада шахс эканлигини, унинг фикри билан, айниқса манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда ҳисоблаши таъкидланган.



Оила кодексига боланинг ўз фикрини ифода этиши учун унинг ёшининг чегараси белгиланмаган. Конвенцияда боланинг қарашларига унинг ёши ва етуқлигига мувофиқ муносиб даражада эътибор берилиши кўзда тутилган.

Бинобарин, бола ривожланишнинг етарли даражасига етганида оилада унинг ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала бўйича ўз қарашларини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу вақтдан бошлаб, болага тааллуқли ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама пайтида, бевосита, вакил ёхуд тегишли орган орқали миллий



қонунчиликнинг процессуал меъёрларида кўзда тутилган тартибда ўзининг фикрларини улар томонидан эшитиш имконияти берилади.


Хусусан, суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онасининг қайси бири билан яшаш истаги борлигини эътиборга олиши мумкин.

БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 7-моддаси 1-бандига мувофиқ, бола туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталишга ҳақли ҳисобланади.

Шунга кўра, ОК 69-моддасининг 1-қисмига мувофиқ бола исм, отасининг исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар фарзандига исм қўйишни танлашда эркиндирлар. Улар фарзандига ўзлари хоҳлаган исмни қўйишлари мумкин. Болага исм ота-онанинг келишувига биноан, ота исми – отасининг исмига кўра берилади.

ЎЗ БОЛАСИНИ ТАРБИЯГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚАНОАТЛИНИШТИРИШ



Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда келиб чиққан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Лекин, одатда, турмушда ота-она ўртасида боланинг исмини қўйишда келишув бўлмаган ҳолатлар кам учрайди, чунки ота-она



фарзанд туғилишидан олдин ўзлари, қариндош уруғлар олдиндан келишувга эришади.

Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин.


Миллий анъаналаримизга кўра турмушда ота-она келишган ҳолда боланинг бобосининг исми бўйича унга фамилиясини беради.

Бу ҳам ота-онанинг катта авлодга бўлган ҳурмати ҳисобланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ота-онанинг биргалиқдаги аризасига биноан бола ўн олти ёшга тўлгунча бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга, шунингдек, унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир.

Ўн олти ёшга тўлмаган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш ота-онасининг биргалиқдаги ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризаси асосида амалга оширилади.

Бола ўн олти ёшга тўлиши билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатини олгунга қадар, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида имловий хатоларни тузатиш ёки исмига қўшимча киритиш боланинг аризаси, яшаш жойидан расми елимланган ҳолдаги маълумотнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг нусхаси асосида амалга оширилади.





Масалан, имловий хато билан ёзилган «Адил» деган исми «Одил»га ўзгартириб тузатиш киритиш ёки «Азим» деган исмга «-бек» қўшимчасини киритиб, «Азимбек»ка ўзгартириш каби.

Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат – паспортни 16 ёшга тўлгандан сўнг олиш ҳуқуқига эга бўлган ўсмир ўзининг исм ёки фамилиясини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар ота-она алоҳида яшаса ва бола билан бирга яшовчи ота (она) болага ўз фамилиясини беришни хоҳласа, васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани боланинг манфаатларини ва она (ота)нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Ота ёки онанинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, шунингдек, ота ёки она болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларини бажаришдан узрсиз сабабларга кўра бўйин товлаган ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган давридаги фамилиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

3.2. Ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларни тарбиялаш ота-онанинг тенг ҳуқуқ ва мажбурияти бўлиб, болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқи боланинг туғилган вақтидан бошланиб, унинг вояга етиши, вояга етмаган никоҳга кирганда ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлиши билан тугайди.

Болани тарбиялаш ҳуқуқига ҳар бир ота-онанинг ажралмас ҳуқуқидан ва бу ҳуқуқдан у фақат қонунда белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинганда ва болани фарзандликка олиши билан йўқотади.



“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция 14-моддасининг 2-қисмига кўра, иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ҳамда тегишли ҳолатларда қонуний васийларнинг болага унинг ривожланаётган қобилиятларига мувофиқ келадиган усул орқали бола ҳуқуқини амалга оширишда раҳбарлик қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини ҳурмат қиладилар.

БОЛАДАН АЛОҲИДА ЯШАЁТГАН ОТА(ОНА)НИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Бола билан кўришиш ҳуқуқи

Боланинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқи

Тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ғимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи

Тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ғимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда сўзлаган нутқида “Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Такрор айтаман: мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор. Фарзандларимиз бизнинг ғуруримиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак, улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим...” деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистонда ўтган давр мобайнида бола ҳуқуқ ва манфаатларини ғимоя қилиш, болаларнинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий камолотини ривожлантириш давлатнинг доимий эътибор марказида бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва Фармонлари, давлат дастурлари асосида қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция 18-моддасининг 1-қисмига кўра иштирокчи-давлатлар бола тарбияланиши ва ривожланиши учун ота-онанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамойили эътироф этилишини таъминлашга қаратилган барча мумкин бўлган куч-



ғайратларни сафарбар этадилар. Ота-она ёки тегишли ҳолатларда қонуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар. Боланинг энг яхши манфаатлари улар кўрсатадиган асосий ғамхўрликнинг предмети ҳисобланади.

СУД АМАЛИЁТИ

Ш.Худойқулова судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2004 йил 25 августда туғилган ўғли Болибойни собиқ эри – жавобгар С.Баҳодировдан ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган.

С.Баҳодиров судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2003 йил 24 апрелда туғилган ўғли Шокирни собиқ хотини Ш.Худойқуловадан ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан Ш.Худойқулованинг даъвоси ҳамда С.Баҳодировнинг қарши даъвосини қаноатлантириш рад этилган.

Жавобгар С.Баҳодиров қўшма корхонада ҳайдовчи вазифасида ишлаб, хизмат зарурияти туфайли ҳафталаб иш жойида бўлиши, даъвогар Ш.Худойқулова эса ўзининг уйида новвойлик билан шуғулланиши, фарзандларига ўз вақтида ғамхўрлик қилиб, қаровсиз қолдирмасликка шароити мавжудлиги, бундан ташқари, вояга етмаган ака-ука Баҳодировлар бирга яшаб келиб, бир-бирларига боғланиб қолганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди томонидан юқорида қайд этилган қонун талаби, Пленум қарорининг тушунтиришлари эътиборга олинмаганлиги сабабли вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарорининг Ш.Худойқулованинг даъвосини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қисми бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган (3-230-12-сонли ажрим).

Ота-оналик ҳуқуқларига эга бўлган шахслар фарзандларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардирлар.

Болани фарзандликка олганда фарзандликка олувчи боланинг тарбияси учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасига кўра, вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган



болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш уларни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

СУД АМАЛИЁТИ

С.Бойматова жавобгар – собиқ эри М.Бойматовга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, фарзандларини жавобгардан ўзининг қарамоғига олиб беришни сўраган.

М.Бойматов С.Бойматовга нисбатан қарши даъво қўзғатиб, С.Бойматованинг уйида фарзандларини тарбиялаш учун етарли шароит йўқлигини, ўзида эса барча шароитлар мавжудлигини билдириб, фарзандларининг яшаш жойини ўзи билан белгилашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра С.Бойматованинг даъво талаби рад қилиниб, М.Бойматовнинг фарзандларининг яшаш жойини ўзи билан белгилаш ҳақидаги қарши даъвоси қаноатлантирилган.

Шаҳар суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шаҳар суди Раёсатининг қарори билан кассация инстанциясининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, С.Бойматова ва М.Бойматовлар 2002 йил 19 июлда қонуний никоҳ асосида турмуш қуришган. Биргаликдаги турмушларидан 2003 йил 22 сентябрда Шавкат ва 2006 йил 18 мартда Севинч исми фарзандлари туғилган.

Тарафлар ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли 2010 йил октябрь ойдан алоҳида-алоҳида яшаганлар ва суднинг 2011 йил 8 августдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилганлар.

С.Бойматова М.Бойматов билан ўзаро ажрашиб, ота-онасининг уйига кетган бўлиб, фарзандлари жавобгарнинг қарамоғида қолган.

Фуқаролик ишини кўришда суд вояга етмаган болаларни кичик ёшда, яъни Шавкат 9 ёшда, Севинч эса 6 ёшда эканлигини, физиологик жиҳатдан кўпроқ онасига боғланган бўлиши, уларнинг гигиеник жиҳатдан соғлом турмуш тарзи ва тарбиясида онанинг роли муҳим эканлигига эътибор қаратмаган.

Бундан ташқари, С.Бойматова ўзининг даъво талабида ва судда берган кўрсатмаларида собиқ турмуш ўртоғи М.Бойматов уни доимий равишда ҳақоратлаб, уриб, тан жароҳати етказганлигини маълум қилган.



Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2008 йил 2 майдаги ажрими билан М.Бойматов даъвогарни қасддан уриб, тан жароҳати етказганлиги учун унга нисбатан Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят иши, С.Бойматова оилани сақлаб қолиш мақсадида турмуш ўртоғига ишониб, уни кечириб, у билан ярашганлиги муносабати билан ЖКнинг 66-1-моддасига асосан иш юритувдан тугатилган.

Бундан ташқари, М.Бойматов хотинини рашк қилиб, иккинчи марта жиноят содир этган, яъни С.Бойматованинг ҳамкасби Х.Зоҳидовни уриб, унга тан-жароҳати етказганлик ҳаракатлари учун унга Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, туман судининг 2011 йил 12 июлдаги ҳукмига кўра у айбли деб топилган ва ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан жарима жазосига тортилган.

Суд томонидан М.Бойматов эрталабдан кечгача ишда эканлиги, фарзандлари эса 79 ёшли буvasи ва 74 ёшли бувисининг тарбиясида бўлиб, М.Бойматовнинг ўзи болалар тарбияси билан тўлиқ шуғулланиш имкониятига эга эмаслиги аниқланган.

Баён этилган ҳолатларга суд қонуний баҳо бермаганлиги сабабли Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан кассация инстанциясининг ажрими ва шаҳар суди раёсат қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун кассация инстанциясига юборилган (ФСХ-278-12-сонли ажримдан кўчирма).

Болани тарбиялашда нафақат ота-оналар, балки оиланинг бошқа аъзолари ҳам иштирок этади.

Уларнинг боланинг ҳаётидаги ўрни қандай бўлишидан қатъий назар, болаларни тарбиялашда ота-она бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.


Фарзандининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ота-оналарнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари бўлиб ҳисобланади. Ота-оналар ўз болаларининг ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар. Шунингдек, ҳимоя қилиш объекти доирасига боланинг уй-жойга, мерос ва бошқаларга бўлган ҳуқуқлари киради. Ота-оналар 14 ёшга тўлмаган боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ, ёши катта бўлган ўсмирларга эса ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашадилар.

ОК 75-моддасининг 1-қисмига кўра ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас.

Оила кодексига ота-оналарнинг болага нисбатан қайси ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмаслиги аниқ кўрсатилган.



Биринчидан, ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас, иккинчидан болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак.



Оила кодекси 75-моддасининг 3-қисмига кўра, ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Бунда нафақат ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш, балки ота-оналарнинг боланинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлари ҳам назарда тутилган.

Ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Бунда вояга етмагanning қайси яшаш манзилида рўйхатдан ўтказилиши эмас, балки бола ота-онанинг қайси бири билан доимий бирга яшаши асосийдир.



Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 3-банди тушунтиришларига кўра суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Х. Бегалиев жавобгар М. Юсуповага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2008 йил 27 июлда туғилган ўғли Т. Бегалиевни ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад қилинган.

Судда аниқланишича, Х. Бегалиев ва марҳума Н. Соипова 2007 йил 10 августда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган, турмушлари давомида 2008 йил 27 июлда Тоир исмли фарзандлари туғилган.

2009 йил 9 сентябрда Н. Соипова касаллик туфайли вафот этган.

Вояга етмаган Т. Бегалиев 2011 йилнинг март ойига қадар отаси – иш бўйича даъвогар Х. Бегалиевнинг қарамоғида бўлган. 2011 йил март ойида марҳума Н. Соипованинг онаси М. Юсупова вояга етмаган Т. Бегалиевни олиб кетган. Яккабоғ туман васийлик ва ҳомийлик комиссиясининг хулосасида 2008 йил 27 июлда туғилган Т. Бегалиев отаси Х. Бегалиевнинг тарбиясида қолдирилиши мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди ишни кўришда Х. Бегалиев ўз боласини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эгалигини эътиборга олмаганлиги сабабли вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган (3-328-11-сонли ажримдан кўчирма).

Болани олиб бериш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар қуйидагиларни эътиборга олишлари керак:



- боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини;
- ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини;
- болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнгили кўйганлигини;
- ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини;
- ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни;
- болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулоти тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар).

Ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани олиб бериш учун асос бўла олмайди.

Суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онасининг қайси бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин.

Болаларнинг фикрини, уларнинг тарафларга бўлган муносабатини аниқлаш халқ таълими бўлими томонидан болаларнинг яшаш шароитини текшириш вақтида амалга оширилади. Иш ҳолатларига кўра суд томонидан боладан сўраш зарур деб топилса, бундай сўровни боланинг ёшини ва ривожланганлигини эътиборга олиб, педагог қатнашувида, унга манфаатдор шахслар таъсир этмайдиган вазиятда амалга ошириш лозим.

СУД АМАЛИЁТИ

Р. Толипов судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарлар Т. Пўлатова ва С. Пўлатовларнинг қарамоғидаги фарзандларини ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Р. Толипов фуқаро Г. Пўлатова билан 2000 йил 22 мартда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган, биргаликдаги турмушларидан 2001 йил 4 февралда Рустам, 2002 йил 10 декабрда Умида ва 2006 йил 26 сентябрда Озода исмли уч нафар фарзандлари туғилган.

Оилавий келишмовчиликлар сабабли Г. Пўлатова фарзандлари билан 2009 йил февраль ойидан ота-онасининг уйида яшаб келиб, 2010 йил 5 декабрда вафот этган. Унинг уч нафар вояга етмаган фарзандлари бобоси ва бувисининг қарамоғида яшаб келган.

Туман ИИБ томонидан берилган маълумотномада Р. Толипов вояга етмаган фарзанди Рустамни уриб, унга тан жароҳати етказганлиги баён қилинган.



Вояга етмаган фарзандларнинг тўнғичи 10 ёшга тўлган Рустам билан ўтказилган суҳбат давомида ўзи ва укалари бобоси ҳамда бувисига ўрганиб қолганликларини ва дадаси билан яшашни хоҳламаслигини баён қилган.

Биринчи инстанция суди ҳар иккала тарафнинг турар жойлари вояга етмаган фарзандларнинг яшashi ва тарбияланиши учун етарли шарт-шароитга эга эканлигини, даъвогар бошқа шахсларга нисбатан ўз фарзандларини тарбиялашда устун ҳуқуққа эга бўлсада, даъвогарнинг шахси ва болаларга бўлган муносабатини, вояга етмаган фарзандлар бобоси ва бувисига кўпроқ меҳр қўйиб, уларнинг қарамоғида яхши тарбия олаётганлигини инobatга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад этган ва мазкур хулоса билан кассация инстанцияси ҳам келишган (4Ф-261-11 ажримдан кўчирма).

Боланинг ота-онадан бирига боғлиқлиги сабабларини доимо аниқлаш керак. Агарда у боланинг тарбияси антипедагогик усулларини қўллаши, ота-онадан бирига болани қарши қўйиши, унинг обрўсини сунъий равишда тушуришга путур етказиши, болани ўз томонига оғдириш билан англанса унга танқидий баҳо бериш лозим.

Болага кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилаётгани тўғри тарбиянинг амалга оширилишининг асосий шартидир.

Агарда оилада бир неча фарзандлар бўлса, уларни ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, одатда, улар бир-бирига боғлиқ бўлиб, бир оилани ташкил қиладилар, уларнинг ажратилиши салбий таъсир қилиши мумкин.

Низони ҳал қилишда кўп ҳолат боланинг ёшига боғлиқдир. Кичик ёшдаги болалар кўпинча она тарбиясига муҳтож, ўсмирга эса отанинг обрўси кўпроқ керак бўлади. Шу билан бирга боланинг фикри албатта инobatга олинади.

Ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини инobatга олишда асосан унинг болага тарбиячилиги, шахсий фазилатлари (адолатлилиги, тўғрисўзлиги, одамийлиги ва ҳ.к.), ота-онанинг иш характери (узоқ хизмат сафарида бўлиш, тунги иш, бўш вақтининг камлиги ва ҳ.к.) оилавий тарбияни қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Оилада боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсларнинг (ўғай ота, ўғай она ва бошқа қариндошлар) нинг бўлиши ҳам боланинг манфаатини ҳимоя қилишга эътиборсиз ҳолат.

Ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлиги билан бола тарбиясининг сифати ўртасида тўғридан-тўғри тобелик мавжуд



эмас, шунинг учун ота-онанинг моддий маиший аҳволи асосий аҳамият касб этмайди.

Кўп ҳолатда ота-онадан бирининг оғир касаллиги ваз қилиб келтирилади.

Бунда мутахассисларнинг касалликка дучор бўлган ота (она) нинг фарзандини тарбияси билан шуғуллана олмаслиги ҳақидаги хулосасини олиши лозим. Ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда тўсқинлик қиладиган мутахассис хулосасининг мавжуд эмаслиги низони умумий асосларда кўришга асос бўлади.

Айрим ҳолатларда фарзанд тарбияси билан ота-оналар эмас, балки уларнинг қариндошлари, кўпинча боланинг бобо-бувиси машғул бўлади. Бу ҳолатда фарзанднинг тарбияси билан шуғулланаётган шу шахсларни ишга жалб қилиш лозим.

Боладан алоҳида яшаётган ота (она)га боланинг таълим олиш масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқи тегишлидир. Бироқ тарбияни бевосита амалга оширувчи ота (она) умумий таълим муассасаси таълим турини танлаш ҳуқуқига эга бўлса, иккинчиси бундай ҳуқуқлар билан таъминланмаган. У фақат боланинг таълим олиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда зарур бўлган маслаҳат ва тавсияларни бериши мумкин.

Бола билан кўришиш ота-онанинг шахсий ҳуқуқларига тегишли. Шунинг учун бу ҳуқуқларни амалга оширишда қаршилиқ кўрсатилишига шарт-шароит яратилиши ҳуқуқбузарликдир. Бу нафақат ота-онадан бирининг, балки боланинг ҳам ҳуқуқлари бузилишидир. Шунинг учун Оила кодекси 76-моддасининг 2-қисми бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишига, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилиқ қилмаслик кераклигини белгилаб қўйган. Одатда, ота-оналар ўртасида бола билан кўришиш ҳуқуқини амалга оширишдаги муаммолар улар ўртасида оилавий муносабатлар тугатилганда келиб чиқади.

Бу муаммони Оила кодекси 76-моддасининг 2-қисми энгиллаштириб ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она) нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақли эканлигини белгилаб берган. Хусусан, бунда тарафлар учун ҳар хил ҳолатлар акс эттирилиши мумкин: кўришиш жойи, давомийлиги ва ҳ.к. Бу келишувнинг бирор-бир томондан бажарилмаслиги ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.



Чунончи бола билан кўришиш ҳуқуқининг бузилиши ота-онанинг аҳамиятга эга бўлган шахсий ҳуқуқи бўлгани боис ОҚнинг 76-м 3-қисми алоҳида яшаётган ота (она)нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Шунга кўра бу ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ низо мавжуд бўлган тақдирда ота-она(ёки улардан бири) судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Низо албатта суднинг топшириғига кўра ўзининг хулосасини берадиган васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суд аниқ ҳолат(боланинг ёши, унинг соғлиги, ота-онадан бирига боғланганлиги ва ҳ.к.)дан келиб чиқиб бола билан кўришиш шаклини ўзининг ҳал қилув қарорида мустақамлайди. Боланинг манфаати талаб этиладиган бўлса даъво рад этилиши мумкин. Лекин бундай рад этиш чуқур асослантирилган бўлиши лозим.

Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда айбдор ота-онага нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади. Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Боладан алоҳида яшаётган ота (она) тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Ота (она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф-хатар бўлгандагина уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин. Ахборот беришнинг рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Боланинг тарбиясида кўпинча бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар иштирок этади. Турли хил хусусиятларнинг сабабларига кўра ота-она (улардан бири) яқин қариндошларнинг бола билан кўришишига эътироз билдиришлари мумкин. Бундай ҳолатда яқин қариндошлар ҳимоя ҳуқуқига ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларига мурожаат қилишларига ҳақли. Васийлик ва ҳомийлик органлари боланинг манфаатидан келиб чиқиб қарор қабул қилади. Модомики, бу органнинг қарорини мажбурий ижрога қаратиш имконияти мавжуд эмас экан, боланинг яқин қариндошларига бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади. Бироқ судга мурожаат қилишининг шарти агарда ота-она (улардан бири) қаршилиги сабабли васийлик ва ҳомийлик органлари



қарори ижро этилмаган тақдирдагина йўл қўйилади. Суд боланинг манфаатларини ва боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда низони ҳал қилади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда айбдор ота(она)га нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

СУД АМАЛИЁТИ

С. Сатимова жавобгар Б. Бўриевага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, синглиси Б. Сатимова жавобгар билан 1999 йили турмуш қурганлигини ва уларнинг биргаликдаги турмушларидан 2000 йилда туғилган Улуғбек, 2002 йилда туғилган Шуҳрат исмли фарзандлари борлигини, 2005 йилда улар суд орқали никоҳдан ажрашганлигини, 2006 йил 15 декабрда синглиси вафот этганлигини, жавобгар болаларидан хабар олмаслигини баён қилиб, синглисининг фарзандларини ўзининг тарбиясида қолдиришни сўраган.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан Б. Сатимованинг даъвоси қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан Олий суд раисининг ўринбосари томонидан келтирилган протест қаноатлантирилиб, С. Сатимова вояга етмаган болаларга нисбатан ҳомий қилиб тайинланмаганлиги сабабли апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган (ФСХ-42-06-сонли ажримдан кўчирма).

Мадомики, ота-она болани шахсан тарбиялаш имкониятига эга экан, бошқа шахслар томонидан боланинг ушлаб турилиши ота-оналик ҳуқуқининг бузилиши бўлиб ҳисобланади. Уларни ҳимоя қилиш учун ота-оналар қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан боланинг қайтарилишини талаб қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Ота-онанинг болани талаб қилиши фақат суд ҳимояси орқали амалга оширилади. Ҳаттоки, боланинг ушлаб турилиши аниқ ота-онанинг ҳуқуқларини бузганда ҳам суддан ташқари бўлган таъсир чораларини қўллашга йўл қўйилмайди. Суд жараёнида вужудга келган барча ҳолатлар ҳар томонлама баҳолаш эҳтиёжидан келиб чиқади. Бу талабларни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган қарорга келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад этишга ҳақли.



Агар суд ота-она ҳам, болани ўз қарамоғига олган шахс ҳам болага лозим даражада тарбия беришни ҳамда уни камолотга етказишни таъминлай олмайдилар деб топса, болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 17-банди тушунтиришларига кўра болани қариндошлари ва бошқа шахсларнинг тарбиясига беришга, агар улар унинг васийлари ёки ҳомийлари қилиб тайинланган бўлсалар, йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 88-моддасига асосан суд томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар кўрилаётганда боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъий назар ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши керак.

СУД АМАЛИЁТИ

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар Ш. Матёқубовнинг жавобгар Д. Рахимовага нисбатан болалар билан учрашиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилиб, даъвогар Ш. Матёқубовнинг 2007 йил 5 июлда туғилган қизи Мапура Матёқубова ва 2008 йил 7 октябрда туғилган ўғли Равшан Матёқубов билан ҳар ойнинг биринчи ва охириги ҳафтасининг шанба кuni кўришиши ва уларнинг тарбиясида иштирок этиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди Хива шаҳар васийлик ва ҳомийлик органи иш кўрилишида ишга жалб қилмаганлиги, тегишли акт ва хулоса олмаганлиги сабабли фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган (4-208-сонли ажрим).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 26, 27-бандлари тушунтиришларига кўра болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган суддаги барча низоларни кўришда уларнинг ҳимояси юзасидан



ким томонидан даъво кўзғатилганлигидан қатъий назар ишда иштирок этиш учун халқ таълими бўлими жалб қилиниши лозим. Қайд этилган орган даъво тақдим қилмаган бўлса, у суд томонидан давлат бошқарув органи сифатида ўзига юклатилган мажбуриятларини бажариш мақсадида хулоса бериш учун процессда иштирок этишга жалб қилнади (Оила кодексининг 88-моддаси).

Халқ таълими бўлимининг даъво талаблари моҳияти бўйича хулосасини суд бошқа иш материаллари билан биргаликда баҳолайди. Бу хулоса билан келишмаганлик суд томонидан иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорида асослантирилган бўлиши лозим.

Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилишни таъминлаш мақсадида судлар, муайян низонинг хусусиятларини эътиборга олиб, уларни кўришга пухта тайёрлашлари керак. Болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхасини, мактабдан тавсияномани, нотинч оиланинг назорат қилинганлиги тўғрисидаги материалларни, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг мудирини тасдиқлаган васийлик ва ҳомийлик органларининг асослантирилган хулосасини, шунингдек болаларнинг тарбияланиш шароитларини ва ота-онани таърифловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш лозим. Бу ишлар фақат халқ таълими бўлимидан боланинг яшаш шароитлари текширилганлиги тўғрисидаги акт ва унга асосланган хулоса олингандан сўнг кўрилиши мумкин.

Судлар боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг бола билан кўришиш, учрашув вақтини белгилаш ҳақидаги даъволар бўйича фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Фарзанднинг яшаш жойини белгилаш,
Бола билан кўришиш, учрашув вақтини белгилаш
ҳақидаги даъво аризаларидан тўланадиган божи миқдори
энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан тўланади

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги
«Давлат божи ставкалари ҳақида»ги қарори 1-қисми «д» банди*

Даъвогар даъво аризани тақдим этишда қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши лозим:

- никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини;



– халқ таълими бўлими томонидан тасдиқланган васийлик ва ҳомийлик органларининг ота-оналарнинг яшаш шароитлари ҳақида тузилган далолатнома;

– шунингдек, болаларнинг тарбияланиш шароитларини ва ота-онани таърифловчи ҳужжатлар;

– давлат божи тўланганлиги тўғрисида чипта (квитанция).

Судлар фарзанднинг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги даъволар бўйича фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриши лозим.



Алимент тўлаш тўғрисида
КЕЛИШУВ

4 БОБ. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ






4.1. Ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига мувофиқ, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Мамлакатимизда соғлом ёш авлодни камол топтириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар амалдаги қонунчилик тизимида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг тегишли бўлим ва бобларида белгиланган қоидалар ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига жиддий муносабатда бўлиши, уларга ғамхўрлик қилиши ҳамда болаларнинг таъминоти масалаларига масъулият билан ёндашишини талаб этади.

БОЛА ТАЪМИНОТИ УЧУН АЛИМЕНТ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДЛАРДА КЎРИШ ДИНАМИКАСИ



Вояга етмаган болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республикаимиз оила қонунчилигига биноан муайян ҳолларда вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисида судга даъво-ариза ёки ариза (суд буйруғи тартибида) билан мурожаат қилиш ваколатли шахсларга берилган. Бундай даъво-ариза башарти:



4 БОБ. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ


– ота ва она ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув бўлмаган ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда;

– ота-онадан бири ўзининг вояга етмаган боласига (болаларига) таъминот беришдан бўйин товлайётган бўлса, вояга етмаган болани тарбиялайётган алимент олишга ҳақли, ота (ёки она) қандайдир сабабга кўра алимент ундириш тўғрисидаги даъво ёки ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаётган бўлса, ота-онанинг бирига нисбатан кўзғатилади;


– агар ота ва онанинг ҳар иккаласи ўзининг вояга етмаган боласига таъминотни ихтиёрий равишда бермаётган бўлса, ваколатли шахслар томонидан ота-онанинг ҳар иккаласига нисбатан судга даъво-ариза ёки алимент ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддаси талабига мувофиқ вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга ундириладиган алимент миқдори тўловчининг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадларига нисбатан улушларда белгиланади.



Ушбу кодекснинг 99-моддасига кўра агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир қисми; икки бола учун – учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун – ярми миқдорида ундирилади.



Вояга етмаган болаларга ўртача даромад даражасига эга бўлган тўловчининг ойликдаги улушларида алимент ундирилиши айниқса мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина вазиятларнинг келиб чиқиши ота-онанинг иш ҳақига улушларда алимент ундирилиши мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бу ҳолатда ОК судга вояга етмаган болаларга қатъий суммада алимент белгилаш имкониятини беради. Алимент миқдорининг қатъий суммада белгиланишининг эҳтиёжи алимент тўлаш шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёинки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмасагина келиб чиқиши мумкин. Алиментнинг болага қатъий суммада ундирилиши боланинг таъминотида барқарорликни таъминлайди. Қатъий суммада белгиланган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланади.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент миқдорини ҳисоблаш тартиби	
1 йилда ундирилайдиган алимент миқдорини аниқлаш учун:	
1 фарзанд учун	$(\text{Ўртача ойлик иш ҳақи}^* \times 12 \text{ ой}) / 4$
2 фарзанд учун	$(\text{Ўртача ойлик иш ҳақи}^* \times 12 \text{ ой}) / 3$
3 ва ундан ортиқ фарзанд учун	$(\text{Ўртача ойлик иш ҳақи}^* \times 12 \text{ ой}) / 2$
<p>* Ўртача ойлик иш ҳақи жавобгарнинг охириги иш жойидаги ўртачага ойлик иш ҳақи (даромади)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Агар жавобгар ишламаган тақдирда давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.</p>	



4 БОБ. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 105-моддаси 1-қисм 4-бандига биноан алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб давлат божи белгиланади.


Вояга етмаган болалар таъминоти учун давлат божини ҳисоблаш тартиби	
(Ўртача ойлик иш ҳақи × 12 ой) миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг:	
20 баробаригача бўлса	Ўртача ойлик иш ҳақи × 5%
20 баробаридан 40 баробаригача бўлса	Ўртача ойлик иш ҳақи × 10%
40 баробаридан 80 баробаригача бўлса	Ўртача ойлик иш ҳақи × 15%
80 баробаридан кўп бўлса	Ўртача ойлик иш ҳақи × 20%

* Ўртача ойлик иш ҳақи жавобгарнинг охириги иш жойидаги ўртачага ойлик иш ҳақи (даромади)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Агар жавобгар ишламаган тақдирда давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикасида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Фуқаролик ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги 14-сонли қарорининг 21-бандига асосан, алимент ундириш ҳақидаги барча даъволардан (бола, ота-она, эр-хотин ва бошқалар таъминоти учун) давлат божи 12 ой учун алимент тўловлари жами суммасидан, агар алимент ундирилган муддат 12 ойдан ошмаса, шу давр учун алимент тўловлари жами суммасидан ҳисоблаб чиқилади.

Тўловлар суммаси жавобгарнинг охириги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Жавобгар ишламаган тақдирда давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

БОЛА ТАЪМИНОТИ УЧУН АЛИМЕНТ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШ






Буйруқ тартибида иш юритиш

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги дастурий маърузасида олтинчи устувор йўналиш бўйича асосий вазифа суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича белгиланган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттиришдан иборат эканлиги, жумладан даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган эди.

ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАР УЧУН АЛИМЕНТ УНДИРИШ ҲАҚИДА ЧИҚАРИЛГАН СУД БУЙРУҚЛАРИ



Шунга кўра, ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, судларнинг мустақиллигини, суд ишларининг ошкоралигини таъминлаш ҳамда суд ишларини соддалаштириш борасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда ушбу ислоҳотлар натижаси одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда ўз самарасини бермоқда.



Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси бўйича киритилган қонун лойиҳаси асосида Олий Мажлиснинг 13-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги, жумладан амалдаги фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибида иш юритиш ҳақидаги алоҳида 201-боб билан тўлдирилганлиги ҳам суд ишларини соддалаштириш борасида амалга оширилган ишларнинг биридир.

Амалдаги фуқаролик процессуал кодексига киритилган қоидаларнинг аҳамияти шундан иборатки, муқаддам вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризалари бўйича ҳам фуқаролик иши юритилган, ҳар иккала тараф суд мажлисига чақирилиб иш ҳал қилинган бўлса, қонун қабул қилинган мазкур тоифадаги аризалар бўйича судья ишни кўрмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлади. Бу ўз навбатида фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратади.

Суд буйруғи тартибида иш юритиш фуқаролик иш юритиш тартибига кўра соддалаштирилган ва қисқартирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 238-2-моддасида назарда тутилган талаблар арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилади.



Суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарадиган ҳужжатдир.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилганидан кейин ва суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади (ФПКнинг 238-1-моддаси).

Суд буйруғи қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

- агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;
- агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;
- агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса;
- агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;
- агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса (ФПКнинг 238-2-моддаси).

Суд буйруғи чиқарилганидан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборади.

Суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қарздор арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли.

Агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья суд буйруғини бекор қилиб, бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримда судья ундирувчи арз қилган талаб даъво ишларини юритиш тартибида тақдим этилиши мумкинлигини тушунтиради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари ажрим чиқарилганидан кейин уч кундан кечиктирмай тарафларга юборилади.

Юқорида қайд этилганидек, агар вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилади.



СУД АМАЛИЁТИ

Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судининг 2006 йил 7 июлдаги суд буйруғи билан қарздор И. Обидовдан ундирувчи М. Розикованинг вояга етмаган бир нафар фарзанди учун вояга етгунга қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдориди алимент ундирилиши белгиланган.

Қарздор И. Обидов судга ариза тақдим қилиб, унда суд буйруғи чиқарилганидан хабари бўлмаганлигини, суд ижрочиларининг қарорини олганидан сўнг суд буйруғи чиқарилганидан хабар топганлигини билдириб, суд буйруғини бекор қилишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судининг 2011 йил 16 декабрдаги ажрими билан И. Обидовнинг суд буйруғини бекор қилиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, ундирувчи М. Розикованинг қарздор И. Обидовга нисбатан алимент ундириш тўғрисидаги аризаси бўйича 2006 йил 7 июлдаги суд буйруғи бекор қилинган. Ундирувчи М. Розиковага судга умумий тартибда даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Амалдаги ФПК 2389-моддаси талабига кўра, суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қарздор арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқ чиқарган судга юборишга ҳақли.

ФПКнинг 23810-моддасига кўра, агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья суд буйруғини бекор қилиб, бу ҳақда ажрим чиқаради.

Мазкур ҳолатда судья қайд этилган қонун нормалари талабига зид равишда, яъни белгиланган муддат ўтганидан кейин, орадан 5 йил вақт ўтганига ҳамда бу вақт оралиғида суд буйруғига асосан И. Обиджонов алимент тўлаб келганлигига эътибор қаратмасдан, асоссиз равишда суд буйруғини бекор қилган.

Шунга кўра, фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судининг 2011 йил 16 декабрдаги ажрими шу суднинг 20 декабрдаги ажрими билан бекор қилинган, аризачи И. Обиджоновнинг суд буйруғини бекор қилиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган (4-308-12-сонли ажримдан кўчирма).

Агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги талаб оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлса, ёхуд аввал чиқарилган алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғи бекор қилинган бўлса, бундай талаб даъво аризаси шаклида топширилиб, фуқаролик иш юритиш тартибида кўрилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра ота-оналарнинг вояга етмаган болаларига, шунингдек, вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот бериш мажбуриятлари тенгдир.



СУД АМАЛИЁТИ

Носирова судга даъво билан муурожаат қилиб, 1996 йил июнь ойидан бошлаб Тошматов билан қонуний никоҳдан ўтмасдан турмуш қурганликларини, 1997 йил 2 августда Назира исмли қизи туғилганлигини кўрсатиб, боласи учун алимент ундиришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Вилоят суди раёсати қуйидаги асосларга кўра суд ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборган.

Аниқланишича, боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида боланинг отаси сифатида жавобгар эмас, балки бошқа шахс бўлган Эрматов кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 62-моддасининг 1-бандига кўра ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Ушбу қонун мазмунига кўра, болага оталик белгилангандан сўнггина алимент ундириш масаласи кўриб чиқилади.

Аниқланишича, суд қайд этилган қонун нормасига амал қилмасдан, ФХДЁ органлари томонидан оталик тўғрисида киритилган ёзув боланинг унда кўрсатилган шахсдан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланишини эътиборга олмасдан, боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида отаси сифатида кўрсатилмаган Тошматовдан алимент ундириш ҳақида барвақт хулосага келган. Бундай ҳолда суд аввал боланинг отаси ким эканлигини аниқлаб, шундан сўнг алимент ундириш ҳақида тўхтамга келиши лозим эди (7 р/ф-сонли қароридан кўчирма).

Алимент тўлаш мажбуриятини тарафлар, ота-она ўзаро келишилган ҳолда алимент келишувида белгилаб олишлари мумкин. Ушбу келишув қонунда белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилган ва расмийлаштирилган бўлиши ва боланинг (болаларнинг) манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Ота-она етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида келишувга эриша олмасалар, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг:

- бир бола учун – тўртдан бир қисми,
- икки бола учун – учдан бир қисми,
- уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдоридан ундирилади.

Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.



4 БОБ. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ	АЛИМЕНТ ОЛУВЧИ	АСОСЛАР	АЛИМЕНТ МИҚДОРИ
Етарли маблағга эга бўлган бобо, бувилар	Вояга етмаган невараларига	Ота-онаси йўқ ёки улардан таъминот ололмайди	Пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади
Етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли неваралар	Бобо ва бувига	Ўзларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки хотинидан (собиқ эри ёки хотинидан) таъминот ололмайди, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож	

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Х. Аҳмадов судга даъво аризаси билан муружаат қилиб, суд буйруғига асосан ундан жавобгар С. Аҳмадованинг фойдасига 2007 йил 1 февралдан бошлаб икки нафар фарзандининг таъминоти учун улар вояга етгунга қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадидан 1/3 қисмда алимент ундирилиши белгиланганлигини, шу кунга қадар икки нафар фарзандига алимент тўлаб келаётганлигини, ваҳоланки, 2005 йилдан буён ўзи билан катта фарзанди Акбар, қизи Наргиза эса жавобгар билан яшаб келаётганлигини кўрсатиб, жавобгар фойдасига тўлаётган 1/3 қисмдаги алимент миқдорини 1/4 қисмга ўзгартиришни, С. Аҳмадовадан ўзининг фойдасига фарзанди таъминоти учун 1/4 қисмда алимент ундиришни ҳамда 2007 йил 1 февралдан бошлаб тўлаган алимент миқдорининг ярмини ўғли таъминоти учун қайтаришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан Х. Аҳмадовнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, даъвогар Х. Аҳмадовдан жавобгар С. Аҳмадованинг фойдасига 2000 йил 9 февралда туғилган Акбар ва 2002 йил 16 январда туғилган Наргиза фарзандларининг таъминоти учун 1/3 қисм миқдоридан ундирилаётган алимент миқдори 1/4 қисм деб белгиланган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Фуқаролик иши шаҳар прокурорининг апелляция протестига асосан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясида кўрилиб, тарафларнинг вояга етмаган ўғли Акбар даъвогар Х. Аҳмадов билан биргаликда 2005 йилдан буён яшаб келиши аниқланганлиги, бундан ташқари тўланган алимент миқдорини қайтариб олишга



асос бўлувчи Оила кодексининг 143-моддасида белгиланган ҳолатлар мавжуд эмаслиги сабабли даъвогардан ундирилаётган алимент миқдорини 1/4 қисм деб белгиланиши ва тўланган алимент миқдорининг ярмисининг қайтарилиши тўғрисидаги даъво талабларини қаноатлантиришнинг рад этилиши асосли, деб топилган.

Шубилан бирга, туманлараро суди томонидан вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенглигига эътибор берилмаганлиги ва жавобгар С.Аҳмадовдан вояга етмаган ўғли Акбарнинг таъминоти учун алимент ундириш рад қилиниб, хатоликка йўл қўйилганлиги сабабли апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, бекор қилинган қисмида жавобгар С.Аҳмадовдан даъвогар Х.Аҳмадовнинг фойдасига 2011 йил 1 ноябрдан бошлаб, 2000 йил 9 февралда туғилган Акбар исми фарзандининг таъминоти учун вояга етгунга қадар ҳар ойда барча даромадининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундирилиши ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган (Зф-578-11-сонли ажримдан кўчирма).

Судлар вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризаларни кўришда қўйидагиларга эътибор қаратиши лозим!!!

Ундирувчи алимент ундириш юзасидан суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан ўз хоҳишига кўра қарздорнинг доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга ёхуд ундирувчи ўзи яшаб турган тумандаги судга мурожаат қилишга ҳақли.

Алимент ундириш тўғрисидаги аризалар билан судга мурожаат қилинганда давлат божи талаб қилинмайди.

Алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғи устидан шикоят берилган ёки берилмаганлигидан қатъий назар суд буйруғи дарҳол ижро этилади. Алимент ундириш бўйича суд буйруғи уч кун ичида чиқарилади.

Амалиётда оила аъзолари ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари билан боғлиқ қуйидаги талаблар учради:

- Вояга етмаган фарзандларни таъминлаш учун алимент ундириш тўғрисида;
- Вояга етган, меҳнатга яроқсиз, ёрдамга муҳтож фарзандларни таъминлаш учун алимент ундириш тўғрисида;
- Ота-онани таъминлаш учун алимент ундириш тўғрисида;
- Ўзининг вояга етмаган ёки меҳнатга яроқсиз ака-ука (опа-сингил)ларини таъминлаш учун ака-ука (опа-сингил)лардан алимент ундириш тўғрисида;
- Ҳақиқий тарбияловчиларни таъминлаш учун алимент ундириш тўғрисида;
- Ўғай ўғил ва ўғай қизларни таъминлаш учун алимент ундириш тўғрисида;
- Ўғай ота ва ўғай онани таъминлаш учун алимент ундириш тўғрисида;
- Алимент миқдорини камайтириш тўғрисида;



4 БОБ. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- Алимент миқдорини кўпайтириш тўғрисида;
- Алимент тўлашдан озод қилиш тўғрисида;
- Алимент миқдорини ўзгармас пул суммасида белгилаш тўғрисида ва алиментларни бир йўла тўлаш тўғрисида (алимент тўлаши лозим бўлган шахс узоққа кетиши ҳолатида);
- Алиментлар ҳисобига мулкни тақдим қилиш тўғрисида ёки алиментларни бошқа йўл билан тўлаш тўғрисида;
- Алимент тўлаш бўйича қарзлардан (тўла) озод қилиш тўғрисида;
- Фарзандни таъминлаш бўйича қўшимча харажатларни ундириш тўғрисида;
- Ота-онани таъминлаш бўйича қўшимча харажатларни ундириш тўғрисида;
- Алиментлар тўғрисидаги шартномани ўзгартириш тўғрисида;
- Алиментлар тўғрисидаги шартнома билан боғлиқ бошқа талаблар.

Суд буйруғини чиқаргандан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборади.

Суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида қарздор арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли. Агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья суд буйруғини бекор қилиб бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш ҳақидаги ажримда судья ундирувчи арз қилган талаб даъво ишларини юритиш тартибида тақдим этилиши мумкинлигини тушунтиради.

АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ	АЛИМЕНТ ОЛУВЧИ	АСОСЛАР	АЛИМЕНТ МИҚДОРИ
Етарли маблағга эга бўлган ака-ука ва опа-сингиллар	Вояга етмаган ака-ука ва опа-сингилларига	Ота-онаси йўқ ёки улардан таъминот ололмайдди	Пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади
	Вояга етган ака-ука ва опа-сингилларига	Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож, агар ота-онаси, эри ёки хотини (собик эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса	

Даъвогар алимент ундириш тўғрисидаги даъво билан ўз хоҳишига кўра жавобгарнинг доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга ёхуд даъвогар ўзи яшаб турган тумандаги судга мурожаат қилишга ҳақли.

Қонунга кўра алимент даъво тақдим этилган кундан бошлаб ундирилади.



Алимент ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори унинг устидан шикоят берилган ёки берилмаганидан қатъий назар дарҳол ижро этилади.

Даъвогар даъво аризани тақдим этишда куйидаги ҳужжатларни илова қилиши лозим:

– никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ёки никоҳдан ажратилганлиги ҳақида суднинг ҳал қилув қарори ёхуд никоҳдан ажратилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси, болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, болаларнинг даъвогар қарамоғида эканлигини тасдиқловчи далиллар (маҳалла фуқаролар йиғини ва уй-жой бошқармасидан маълумотнома);

– бундай тоифадаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса ўн кундан кечиктирилмай, бошқа ҳолларда эса йигирма кундан кечиктирилмай кўрилиши лозим.

Амалдаги қонунчиликка асосан вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун ота-оналардан алимент ундирилиши мумкин.

Ота-онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Вояга етган фарзандлар, агарда улар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлсалар суд тартибида алимент ундириш ҳуқуқига эга бўладилар. Амалдаги қонунчиликда умумий пенсия ёшига етган ёхуд биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлган болалар меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланади. Учинчи гуруҳ ногирони бўлган вояга етган болалар, агарда улар ТМЭК хулосасига мувофиқ тавсия этилган ишни эгаллай олмасаларгина ота-оналаридан алимент олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Вояга етган болалар уларнинг иш ҳақи, пенсия, нафақа ёки бошқа даромадлари ўртача яшашини таъминлашига етмайдиган тақдирда ёрдамга муҳтож деб топилади.

Томонларнинг моддий шароити деганда алимент олишга даъвогар бўлган ота-она ва болаларнинг ҳар бирининг таъминланиш даражаси тушунилади. Бунда шу шахслар томонидан олинadиган барча иш ҳақлари ёки даромадлари; даромад келтирадиган мулкнинг



мавжудлиги; суд қарорлари ёки бошқа асосларга мувофиқ шу шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий тўловлар инobatга олинади.

Бундай тоифадаги ишларни кўришда суд ота-онанинг моддий аҳволини ҳамда меҳнатга лаёқатсиз болаларининг моддий ёрдамга муҳтожлигини аниқлаши лозим.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар М.Хусаинова жавобгар А.Хусаиновга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат этиб, суднинг буйруғига кўра фарзанднинг таъминоти учун алимент ундириш белгиланганлигини, бироқ жавобгар кам миқдорда алимент тўлаб келаётганлигини кўрсатиб, фарзанди вояга етгунига қадар жавобгардан ҳар ойда алимент миқдорини 150.000 сўм миқдорига қатъий суммада ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, А.Хусаиновдан М.Хусаинованинг фойдасига 2007 йил 2 сентябрда туғилган Дилбар Хусаинованинг таъминоти учун 2011 йил 23 февралдан бошлаб вояга етгунига қадар ҳар ойда 70.000 сўм миқдорига қатъий суммада алимент ундирилиши белгиланган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, А.Хусаинов М.Хусаинова билан 2007 йил 16 мартда турмуш қуришган. Биргаликдаги турмушларидан 2007 йил 2 сентябрда туғилган Дилбар исмли фарзанди бор.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2009 йил 19 майдаги буйруғи билан А.Хусаиновдан М.Хусаинованинг фойдасига 2007 йил 2 сентябрда туғилган Дилбар исмли фарзанднинг моддий таъминоти учун 2009 йил 18 майдан бошлаб бола вояга етгунига қадар ҳар ойда иш ҳақи ва бошқа даромадининг 1/4 қисми миқдорига алимент ундириш белгиланган.

Аниқланишича жавобгар А.Хусаинов доимий иш жойига эга бўлиб, ундан ундирилаётган алимент миқдорини қатъий суммада белгилаш учун Оила кодексининг 102-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлмасда, суд даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шунингдек, суд жавобгарнинг ойлик иш ҳақи ошиши билан, даъво талабининг қаноатлантирилиши вояга етмаган фарзанд манфаатларига зид ҳолатни келтириб чиқаришига эътибор қаратмаган. Ушбу ҳолат апелляция инстанциясининг ҳам эътиборидан четда қолган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори ҳамда вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, М.Хусаинованинг алимент миқдорини қатъий суммада ундириш ҳақидаги талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган. (ФСХ-258-12-сонли ажримдан кўчирма).

Тарафларнинг моддий ва оилавий шароитининг ўзгариши сабабли манфаатдор шахс алимент миқдорини кўпайтириш ёки камайитириш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Агар болаларни меҳнатга лаёқатлилиги тикланса ёки ёрдамга муҳтожлиги тўхтаса, алимент тўлаётган ота-она бундан буён алимент тўлашдан озод қилиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар – болаларнинг туғилганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси, болаларнинг ногиронлиги ҳақида ДМЭК (даволаш меҳнат



экспертиза комиссияси)дан маълумотнома, ёрдамга муҳтож болалар ота-онасининг моддий аҳволи ҳақида маълумотнома, меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг ногиронлиги туфайли оладиган нафақа миқдори тўғрисида ижтимоий таъминот бўлимидан маълумотнома.

Мазкур тоифадаги даъво аризалар бўйича даъвогардан давлат божи тўлаш талаб қилинмайди.

Бундай тоифадаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса **10 кундан кечиктирмай**, бошқа ҳолларда эса, **20 кундан кечиктирмай кўрилиши лозим**.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар С.Боқиева жавобгар Ш.Султоновга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар билан қонуний никоҳдан ўтиб 4 ой биргаликда яшаганлигини, турмушларидан бир нафар Асилбек исмли фарзанди туғилганлигини, ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин ҳам жавобгар хабар олмаганлигини, моддий таъминламаётганлигини, жавобгар ҳозирда никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво қўзғатганлигини, фарзандини витаминларга бой овқат ҳамда замонавий шахсий гигиена воситалари билан таъминлашга имконияти йўқлигини кўрсатиб, фарзанди 2 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда 500.000 сўмдан қатъий суммада қўшимча харажатлар учун пул ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Ш.Султоновдан С.Боқиеванинг фойдасига бир нафар 2011 йил 1 июндан туғилган Аслбек Султоновнинг таъминоти учун 2 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда 100.000 сўмдан қўшимча харажатлар ундирилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Кассация инстанцияси фуқаролик иши материалларида Оила кодексининг 103-моддасида белгиланган ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан келишмаган. (4-306-12-сонли ажримдан кўчирма).

Алимент ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори апелляция, кассация шикояти берилган-берилмаганидан қатъий назар дарҳол ижро этилиши шарт.

Оила қонунчилигида белгиланган алимент тўлаш мажбуриятидан ташқари ота-оналар фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан,



СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Э. Ишонхонова жавобгар Х. Болиевга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришганлигини, турмушларидан икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, суднинг қарори билан тарафлар никоҳдан ажратилганидан сўнг жавобгардан фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундирилганлигини, иккинчи фарзанди кўз касаллиги бўйича туғма ногиронлиги сабабли ҳар икки ойда даволанишга муҳтож эканлигини кўрсатиб, 1997 йил 16 октябрда туғилган Хуршиджон исмли фарзанди вояга етгунга қадар жавобгардан қатъий суммада моддий таъминот ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, Х. Болиевдан Э. Ишонхонованинг фойдасига 1997 йил 16 октябрда туғилган Хуршиджон Болиевнинг моддий таъминоти учун 2011 йил 12 ноябрдан то увояга етгунга қадар ҳар ойда 40.000 сўмдан қатъий суммада кўшимча харажатлар учун моддий таъминот ундириш белгиланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан туманлараро суди томонидан даъвогар Э. Ишонхоновадан фарзандининг соғлиғини тиклашда қилинган харажатларни тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олинмаганлиги ва ушбу далиллар асосида жавобгардан ундирилиши лозим бўлган қатъий суммадаги пул миқдорини ва даволаниши лозим бўлган вақт-давр аниқланмаганлиги (шунингдек иш юзасидан бошқа процессуал хатоликка йўл қўйилганлиги) сабабли ҳал қилув қарори бекор қилинган ва фуқаролик иши янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган (4-165-12-сонли ажримдан кўчирма).

Судлар вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент тўлайдиган ота-онадан болаларнинг таъминоти учун зарур бўлган кўшимча харажатларни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича ишларни кўришда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим!!!

Болаларнинг таъминоти учун қилинадиган кўшимча харажатлар алимент тўловларидан бири ҳисобланади. Ота-онанинг боланинг таъминоти учун зарур бўлган кўшимча иштирок этишининг шартлиги фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши, ўзгалар томонидан қарамоққа муҳтожлиги ва бошқалар) туфайли келиб чиққан ҳолларда амалга оширилади. Кўшимча харажатлар учун ундириладиган миқдор кўшимча харажатларнинг ўзидан ошмаслиги лозим.

Кўшимча харажатларни ундириш тўғрисидаги даъво аризалари билан мурожаат қилинганда даъвогардан давлат божи тўлаш талаб қилинмайди.



Даъвогар даъво аризани тақдим этишда куйидаги ҳужжатларни илова қилиши лозим:

- никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси ёки никоҳдан ажратилганлиги ҳақида суднинг ҳал қилув қарори;

- болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори (буйруғи) нусхаси;

- боланинг туғилганлиги ҳақидаги ёки оталикни белгилаш тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси;

- боланинг оғир касалланганлиги, шикастланганлиги туфайли қўшимча харажатлар зарурлиги ҳақида тиббий экспертиза хулосаси, тиббий муассасалардан олинган маълумотнома;

- ота-онанинг моддий ва оилавий аҳволи ҳақида маълумотнома.

Бундай тоифадаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Алимент миқдорини камайтириш.

Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилишини талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақли.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Р.Қаршиев судга жавобгар З.Рўзметовага нисбатан алимент миқдорини ҳар бир бола учун 25.000 сўмга камайтириш ҳақидаги даъво билан мурожаат этиб, биринчи турмуш ўртоғи вафот этганлигини, жавобгар билан 2007 йилда никоҳ



тузганлигини, турмушларидан 2 нафар фарзандлари борлигини, суднинг ҳал қилув қарори билан жавобгарнинг фойдасига фарзандларининг таъминоти учун алимент ундирилганлигини, ўзи қарилик нафақасида бўлиб, оилада фарзандлари, келинлари ва неваралари билан биргаликда 10 жон бўлиб яшашларини, фарзандлари ва келинларининг ҳеч бири ишламаслигини, фақат ўзи нафақа олишини, шу сабабли моддий қийналишини билдирган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, даъвогардан жавобгар фойдасига фарзандларининг таъминоти учун 100.000 сўмдан қатъий суммада алимент ундирилиши белгиланган.

Алимент миқдорини камайтиришга Оила кодексининг 105-моддасида белгиланган асослар мавжуд эмаслиги сабабли фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган (4-319-сонли ажримдан кўчирма).

Болалар давлат ёки нодавлат ташкилотларининг тўлиқ таъминотида бўлганлиги сабабли алимент миқдорини камайтириш ёки тўлашдан озод қилиш.

Болалар давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлганлиги ҳолатида алимент тўловчи алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ариза билан алимент олувчи шахс яшаётган ҳудуддаги туман судига мурожаат қилишга ҳақли.

Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда манфаатдор тараф белгиланган тартибда алимент ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақли.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим: даъвогардан болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қароридан нусха, болалар давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида ўтганлиги тўғрисида маълумотнома, алимент тўловчининг оилавий ва моддий шароити ҳақида маълумотнома, давлат божи тўланганлиги ҳақида чипта.

Алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан **1 ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим.**



Алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод этиш суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган кундан эътиборан ҳисобга олинади.

Болалар муассасаларига жойлаштирилган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги даъволар.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича судга тегишли болалар муассасаларининг маъмурияти ва прокурор даъво кўзғатиши мумкин.

Вояга етмаган болани тарбия муассасасига жойлаштирилиши ота-онадан алимент мажбуриятларини тугатирилиши учун асос бўлмайди, фақат ОК 105-моддасининг 3-қисмига мувофиқ ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилишда суд томонидан инobatга олинаши мумкин.

Болалар тарбия муассасалари деганда, болалар уйи, ногирон болалар интернати, ақли заифлар ҳамда жисмоний камчилиги бўлган болаларнинг соғлиғини қайта тиклаш марказлари ва бошқа тиббий ҳамда тарбия муассасалари тушунилади.

Болалар муассасаларига жойлаштирилган болалар учун алимент фақат болаларнинг ота-онасидан Оила кодексининг 99-моддаси тартибда боланинг фойдасига ундирилади. Болаларнинг ҳомийлари бўлмиш вояга етган ака, опалари ҳамда бобо-бувиларидан алимент ундирилмайди.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим: болаларнинг туғилганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси, болаларнинг болалар муассасаларига жойлаштирилганлиги ҳақида суднинг ҳал қилув қарори, васийлик ва ҳомийлик органидан маълумотнома, ота-онанинг моддий аҳволи ҳақида маълумотнома.

Мазкур тоифадаги даъво аризалари бўйича даъвогардан давлат божи тўлаш талаб қилинмайди.

Бундай тоифадаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Алимент ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори апелляция, кассация шикояти берилган-берилмаганидан қатъий назар дарҳол ижро этилиши шарт.

Мазкур тоифадаги даъволар фақатгина вояга етмаган болани ота-онасидан олиб, уни болалар тарбия муассасасига жойлаштирилганда



ҳамда ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса қўзғатилиши мумкин.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Р. Тагиров жавобгар Н. Гатаулинага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2 нафар фарзанди мактаб-интернатга ўқишга қабул қилинганлиги сабабли уларнинг моддий таъминоти учун алимент тўлашдан озод қилишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди фарзандлар мактаб-интернатга ўқишга қабул қилинганлиги сабабли тўлиқ давлат таъминотида эканлиги ҳақидаги хулосага келиб, даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 2007 йил 9 сентябрдаги суд буйруғига асосан қарздор Р. Тагировдан ундирувчи Н. Гатаулинанинг фойдасига 2 нафар фарзандининг моддий таъминоти учун 2007 йил 9 сентябрдан бошлаб то улар вояга етгунига қадар қарздорнинг ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларидан 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган ва қарздор алимент тўлаб келган.

Тарафларнинг фарзандлари С. Тагиров 2007 йилда ва Р. Тагиров 2006 йилда мактаб-интернатга ўқишга қабул қилинган.

Кассация инстанциясида сўралган жавобгар Н. Гатаулина фарзандлари таҳсил олаётган мактаб-интернатда фаррош вазифасида ишлашлигини, олаётган иш ҳақи фарзандларини моддий таъминоти учун етарли эмаслигини, болалари ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ўзи билан бирга бўлиши ҳақида тушунтириш берган.

Қонуний кучда бўлган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 4 майдаги ҳал қилув қарорига биноан даъвогар С. Тагировнинг жавобгар Н. Гатаулинага нисбатан болаларни олиш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2010 йил 17 декабрдаги ажрими билан С. Тагировга нисбатан суд буйруғи бўйича фарзандларининг таъминоти учун алимент тўлашдан бош тортганлиги учун амалдаги Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши Н. Гатаулина билан ярашганлиги туфайли ҳаракатдан тугатилган.

Кассация инстанцияси юқоридаги ҳолатларни инobatга олиб, фарзандлар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари мактаб-интернатда эмас, балки онаси қарамоғида бўлиши, уларни онаси таъминлаб турганлигини эътиборга олиб, туманлараро судининг қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш ҳақида қонуний хулосага келган (4-29-сонли ажримдан кўчирма).



Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъволар.

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналарга таъминот бериш мажбурияти фақат вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларга суд тартибида юклатилади.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналарига ғамхўрлик қилиш мажбуриятини мажбурий ижро қилиб бўлмайди, бироқ бир ёки бир неча болаларнинг ота-онасига шахсан қараганлиги ҳар бир боладан алимент миқдорини белгилашда суд томонидан инобатга олинади.


Бундай тоифадаги ишларни кўришда суд даъвогарнинг меҳнатга лаёқатсизлиги ва унинг моддий ёрдамга муҳтожлигини аниқлаб, алимент берувчининг фарзандларини, моддий ва оилавий шароитини ҳисобга олиши лозим.

Ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз ота-онага алимент тўлаш тўғрисидаги даъво бир, бир неча ва умуман барча меҳнатга лаёқатли вояга етган болаларига нисбатан қўзғатилиши мумкин.

Меҳнатга лаёқатсиз деганда 55 ёшга тўлган аёллар, 60 ёшга тўлган эркеклар ва 1, 2, 3-гурӯҳ ногиронлари тушунилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги талаб алимент тўлаши шарт бўлган шахсларнинг ҳаммасига эмас, балки айримларига нисбатангина қўйилган бўлса, суд алимент миқдорини белгилаш чоғида меҳнатга лаёқатли вояга етган барча болаларини назарда тутиш ҳуқуқига эга.

ОТА-ОНА ТАЪМИНОТИ УЧУН ФАРЗАНДИДАН ПУЛ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДЛАРДА КЎРИШ ДИНАМИКАСИ





Меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож она-она фойдасига ундириладиган алимент ҳар ой тўланадиган қатъий суммада белгиланиб, унинг миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмасликни тақозо этади.

Агар ота-онанинг ўз болалари ҳар томонлама камол топиши, тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилишдан, уларга таъминот беришда иштирок этишдан ва бошқа шу каби ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ҳолати аниқланса, суд болаларни ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ота-онага таъминот бериш мажбуриятларидан озод қилиши мумкин.

Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлash болаларга алиментдан тўлашдан бўйин товлаганлиги, болаларни тарбиясини амалга оширмаганлиги ёки улар ҳақида ғамхўрлик қилмаганлиги билан тавсифланади.

Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлash ҳолатлари ФПКнинг барча исботланиши воситалари билан тасдиқланади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар:

– жавобгарнинг туғилганлиги ҳақида гувоҳномадан нусха, даъвогарнинг ногиронлиги ҳақида ДМЭК (Даволаш меҳнат экспертиза комиссияси)дан хулоса;

– даъвогар ва жавобгарнинг оилавий ва моддий шароитлари ҳақида ҳужжатлар (иш ҳақи, оладиган нафақаси ва бошқа даромадлари ҳақида маълумотномалар);


– алимент ундиришни талаб қилувчи ота-онани болага нисбатан ота-оналик мажбуриятларини бажармаганлигини тасдиқловчи далиллар (суднинг ҳукми, тергов ва жамоат ташкилотларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар);

– даъвогарнинг вояга етган бошқа фарзанди мавжудлиги ва бу фарзандига нисбатан алимент тўлаш талаби тўғрисида даъво кўзғатилмаганлигини тасдиқловчи далиллар (боланинг туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маҳалла кўмитасидан маълумотнома).

Меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож ота-оналар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.



ОТА-ОНА ТАЪМИНОТИ УЧУН ФАРЗАНДИДАН ПУЛ УНДИРИШ
ТЎҒРИСИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШ



Бундай тоифадаги даъволар бўйича даъвогардан давлат божи тўлаш талаб қилинмайди.

Даъво қаноатлантирилганда суднинг ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши шарт.

Суднинг бир неча ҳал қилув қарорлари бўйича ундириладиган алимент миқдорини белгилаш.

Бошқа-бошқа ота-онадан туғилган вояга етмаган болалар учун суднинг бир неча ҳал қилув қарорларига асосан бир ота (она)дан ундирилаётган алиментнинг умумий миқдори Оила кодексининг 99-моддасида назарда тутилган миқдордан ошиб кетса, алимент тўловчи ота (она) алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи кимнинг фойдасига чиққан бўлса, ўша шахсларнинг ҳар бирига нисбатан алиментнинг миқдорини тегишинча камайтириш тўғрисида даъво тақдим этиши мумкин.

Суд судларнинг барча ҳал қилув қарорларига биноан тўланиши лозим бўлган Оила кодексининг 99-моддасида белгиланган алимент миқдоридан келиб чиққан ҳолда болаларга нисбатан судларнинг ҳал қилув қарорлари мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган алиментнинг тенг улушдаги янги миқдорини белгилайди.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Э.Нурмухамедов судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг 2009 йил 9 сентябрдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Н.Тоировага бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақлари ва қўшимча даромадларининг 1/4 қисми миқдорида, суднинг 2011 йил 13 майдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ў.Бойматованинг фойдасига икки



нафар фарзандининг моддий таъминоти учун $\frac{1}{3}$ қисми миқдорида алимент ҳамда Ў. Бойматованинг фарзанди уч ёшга тўлгунига қадарли ҳар ойда қатъий сумма 75.000 сўмдан тўлаб келаётганлигини, ҳозирги кунда ишламаётганлигини, саломатлиги йўқлигини баён қилиб, шунга кўра алимент миқдорини камайтиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар Э. Нурмухамедовнинг жавобгарлар Н. Тоирова ва Ў. Бойматовага нисбатан алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш рад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан уч ва ундан ортиқ бола учун ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг ярмиси миқдорида ундирилади.

Э. Нурмухамедовнинг иш ҳақи ва бошқа даромадининг Н. Тоировага бир нафар фарзанди учун $\frac{1}{4}$ қисми миқдорида, Ў. Бойматовага икки нафар фарзанди учун $\frac{1}{3}$ қисми миқдорида алимент ундирилиши белгиланганлиги сабабли уч нафар фарзанди учун тўланиши лозим бўлган алимент миқдори қонун бўйича $\frac{1}{2}$ (яъни $\frac{6}{12}$) қисми ташкил қилиши лозим бўлсада, амалда $\frac{7}{12}$ қисмда алимент тўлаб келган.

Оила кодексининг 115-моддаси 2-қисми талабларига кўра, уч нафар болага тўланиши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг $\frac{1}{2}$ қисми миқдоридаги алимент болаларнинг ҳар бирига тегишли бўлган алиментнинг тенг улушдаги янги миқдори $\frac{1}{6}$ қисми ташкил этади ($\frac{1}{2} : 3 \text{ қ } \frac{1}{6}$).

Юқорида қайд этилган ҳолатларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан туманлараро судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинган. Унга кўра, даъвогар Э. Нурмухамедовнинг жавобгарлар Н. Тоирова ва Ў. Бойматовага нисбатан алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилган. Даъвогар Э. Нурмухамедовдан жавобгар Н. Тоированинг фойдасига фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2009 йил 9 сентябрдаги суд буйруғига асосан бир нафар фарзанди таъминоти учун тўлаётган ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисми миқдоридаги алимент тўлови даъвогар Э. Нурмухамедовнинг ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг $\frac{1}{6}$ қисмига камайтирилган. (4-430-11-сонли ажрим).

Алиментнинг миқдорини камайтиришга асос бўлган ҳолатлар тугаган тақдирда, вояга етмаган болалари учун алимент олувчи шахс Оила кодексининг 99-моддасида кўрсатилган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Бошқа-бошқа оналардан туғилган болалар учун тўланадиган алимент миқдори белгиланган миқдордан ортиқча равишда



ундирилганлиги сабабли алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги даъволар.

Бир неча ҳал қилув қарорлари асосида бошқа-бошқа она (ота) лар фойдасига ундириладиган алимент миқдори умумий ҳисобда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасида белгиланган миқдордан ошган тақдирда алимент тўловчи ҳар бир алимент олувчига нисбатан алимент миқдорини камайтириш тўғрисида даъво кўзғатиши мумкин. Суд бундай ҳолатда ҳар бир бола учун унинг ҳиссасига мувофиқ янгидан алимент ундириш миқдорини белгилайди.

Бундай тоифадаги даъволар алимент олувчилар доимий яшайдиган ҳудуддаги судларнинг судловига тааллуқли.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар – алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорларидан нусха, алимент тўловчининг ўртача иш ҳақи, оилавий ва моддий шароити ҳақида маълумотнома, давлат божи тўланганлиги ҳақида чипта.

Мазкур тоифадаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Алиментнинг янги миқдорда ундирилиши суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисобланади.

4.2. Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари

Эр-хотиннинг бир-бирига таъминот бериш мажбурияти фақат қонуний никоҳда турган шахсларга юклатилади. Фактик никоҳ муносабатларига турган шахсларга бу татбиқ қилинмайди.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар М.Қосимова жавобгар Б.Дониёровга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгарни фарзандига нисбатан оталигини белгилашни, фарзандининг моддий таъминоти ҳамда ўзининг моддий таъминоти учун алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво



талаблари қаноатлантирилган.

Жавобгар Б. Дониёров 2010 йил 14 сентябрда туғилган Бобир Қосимовнинг отаси деб белгиланган.

Жавобгар Б. Дониёровдан М. Қосимованинг фойдасига бир нафар фарзанди 2010 йил 14 сентябрда туғилган Б. Қосимовнинг моддий таъминоти учун 2011 йил февраль ойидан бошлаб то у вояга етгунига қадар жавобгарнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилиши белгиланган.

Жавобгар Б. Дониёровдан М. Қосимованинг фойдасига фарзанди 2010 йил 14 сентябрда туғилган Б. Қосимов уч ёшга тўлгунига қадар 2011 йил февраль ойидан бошлаб ҳар ойда қатъий суммада 30.000 сўмдан алимент ундирилиши белгиланган.

Аниқланишича, тарафлар 2010 йил 9 мартда шаръий никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган, никоҳлари ФХДЁ бўлимида қайд этилмаган. Тарафларнинг биргаликдаги турмушларидан 2010 йил 14 сентябрда Бобир исмли ўғли туғилган. Тарафлар оилавий келишмовчилик сабабли ҳозирги кунда бирга яшамайди.

Вилоят суди апелляция инстанцияси тарафларнинг никоҳи ФХДЁ бўлимида рўйхатга олинмаганлиги сабабли эр-хотин, деб ҳисобланмасликларини ва улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келмаганлигини инobatга олиб, ўз ажрими билан ҳал қилув қарорининг М. Қосимованинг фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги даввосини қаноатлантириш ҳақидаги қисми бекор қилиб, шу қисмда мазкур даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги янги ҳал қилув қарорини чиқарган. (3-39-сонли ажримдан кўчирма).

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 117-моддасига мувофиқ, эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан I гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр)дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга.

СУД АМАЛИЁТИ

сўраган.

Даъвогар Б. Бабаева жавобгар Ё. Бабаевга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат этиб, фарзанди Ш. Бабаев вояга етгунига қадар моддий таъминоти учун жавобгардан ойлик даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент ва фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар ўзининг таъминоти учун ҳар ойда 200.000 сўмдан ундиришни



Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгар Ё. Бабаевдан даъвогар Б. Бабаеванинг фойдасига 2009 йил 6 августда туғилган Шокир исмли фарзанди таъминоти учун барча даромадларидан ҳар ой 1/4 қисм миқдорида то вояга етгунига қадар 2010 йил 2 сентябрдан алимент ундириш белгиланган. Даъвонинг ўзининг таъминоти учун алимент ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарорининг даъвогар Б. Бабаеванинг фойдасига фарзанди 3 ёшга тўлгунига қадар ўзининг таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги даъво талабини рад қилиш ҳақидаги қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича даъво талабини қисман қаноатлантириш ва жавобгар Ё. Бабаевдан даъвогар Б. Бабаеванинг фойдасига 2009 йил 6 августда туғилган Шокир исмли фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар 2010 йил 2 сентябрдан бошлаб ҳар ойда қатъий суммада 40.000 сўмдан алимент ундирилиши ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Туманлараро суди томонидан юқорида қайд этилган қонун талабларига асосан эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шартлиги, бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида ёрдам беришга қодир бўлган эрдан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга эканлигини инobatга олинмаганлиги сабабли, кассация инстанцияси томонидан ҳал қилув қарорининг шу қисми бекор қилиниб, даъвони қисман (яъни, ҳар ойда 40.000 сўмдан ундириш) қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори чиқарилган (4Ф-256-11-сонли ажримдан кўчирма).

Ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз хотин (эр) таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъволар.

Мазкур тоифадаги даъволарни кўришда суд даъвогарнинг меҳнатга лаёқатсиз ва уни моддий ёрдамга муҳтожлигини ҳамда жавобгарнинг моддий ёрдам бериш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши лозим.

Хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртадаги бола туғилган кундан эътиборан уч йил давомида меҳнатга лаёқатсиз ёки ёрдамга муҳтож бўлишидан ёхуд бўлмаслигидан қатъий назар, эридан таъминот (алимент тўлашни) талаб қилишга ҳақли.

Хотин (эр)нинг фойдасига ундириладиган алимент миқдори иккала тарафнинг оилавий ва моддий шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳар ой тўланадиган қатъий суммада белгиланади ва бу сумманинг миқдори энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.



4 БОБ. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ШАХСЛАРИНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ	АЛИМЕНТ ОЛУВЧИ	АСОСЛАР	АЛИМЕНТ МИҚДОРИ
Эр (хотин)	Эрга ёки хотинга	Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож	Пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади. Энг кам иш ҳақининг 1/3 қисмидан кам бўлмаслиги лозим.
		Ўртадаги ногирон бола 18 ёшга тўлгунча	
	Болалиқдан I гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ва ёрдамга муҳтож		
	Хотинга	Ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб 3 йил давомида	

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар – никоҳ ҳақида гувоҳнома нусхаси, ногиронлиги ҳақида ДМЭК (Даволаш меҳнат экспертиза комиссияси) хулосаси, даъвогарнинг ҳомиладорлиги ёки фарзанд туғилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, даъвогар ва жавобгарнинг оилавий ва моддий шароити ҳақида маълумотнома. Мазкур тоифадаги даъво аризалар бўйича даъвогардан давлат божи тўлаш талаб қилинмайди.

Мазкур тоифадаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши шарт.

Никоҳдан ажратилгандан кейин меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр) таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъволар.

Оила кодексининг 47-моддасига мувофиқ никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади.

Мазкур қоида никоҳ тугатилиши пайти қонунга кўра суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган пайтдан бошланиши тан олинган (1998



йил 30 апрелдан 2010 йил 15 сентябргача) даврга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан уч йил давомида агарда ҳомиладорлик никоҳдан ажратилгунга қадар бўлган бўлса, етарли маблағга эга бўлган собиқ эрдан алимент талаб қилишга ҳақли.

Ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан 1 гуруҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр) да агарда ҳомиладорлик никоҳдан ажратилгунга қадар келиб чиққан ёки никоҳдан ажратилгандан сўнг уч юз кун ичида бола туғилган бўлса, етарли маблағга эга бўлган эр (хотин)дан алимент ундирилиши сақланиб қолади.

АЛИМЕНТНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТўЛАМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида алимент олувчига неустойка тўлайди.

Меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож собиқ эр (хотин) собиқ хотин (эр)дан моддий таъминот беришини талаб қилишга ҳақли, бироқ бундай ҳолатлар учун меҳнатга лаёқатсизлик ва ёрдамга муҳтожлилик шартларидан ташқари қонунда яна бошқа талаблар ҳам назарда тутилади. Бу талаблар собиқ эр (хотин)нинг меҳнат лаёқатсизлиги бошланган вақтни белгиловчи муддатга дахлдордир. Эр (хотин)нинг меҳнатга лаёқатсизлиги никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралгач, бир йил давомида бошланган бўлса, меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож эр (хотин) алимент олиш ҳуқуқига эга.

Эр ва хотин расмий никоҳда узоқ вақт турган бўлсалар, никоҳдан ажралгандан кейин кўпи билан беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин (эр) собиқ эр (хотин)дан моддий таъминот олиш ҳуқуқига эгадир. Қоида тариқасида, камида ўн йил амалда бўлган никоҳ муносабатлари узоқ давом этган никоҳ деб топилади.

Хотин (эр)нинг фойдасига ундириладиган алимент миқдори иккала тарафнинг оилавий ва моддий шароитларидан келиб чиққан ҳолда ойма-ой тўланадиган қатъий суммада белгиланади ва бу сумма энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 117 ва 118-моддаларига мувофиқ таъминот олиш учун асос бўлган шартлар



тугаган тақдирда ва никоҳдан ажралган ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин янги никоҳга кирганда алимент олиш ҳуқуқи тугайди. Эр ёки хотин суднинг ҳал қилув қарорига биноан алимент олиб келган бўлса, бундай алиментдан озод бўлиши ҳам суднинг қарори билан ҳал қилинади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида мана бу ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим: никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси ёки никоҳдан ажралганлик ҳақида суднинг ҳал қилув қароридан нусха, даъвогарнинг ёрдамга муҳтожлиги ва меҳнатга лаёқатсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ДМЭК хулосаси), даъвогар ва жавобгарнинг оилавий ва моддий шароити ҳақида маълумотнома. Мазкур тоифадаги даъво аризалар бўйича даъвогардан давлат божи тўлаш талаб қилинмайди.

Мазкур тоифадаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши шарт.

АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Суд тартибидида ундириладиган алимент тўлаш қуйдаги ҳолларда тугатилади:

- Бола вояга етганда ёки вояга етмасдан туриб тўла муомала лаёқатига эга бўлганда
- Фойдасига алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда
- Суд алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмай қолган деб топганда
- Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи собиқ эр ёки хотин янги никоҳга кирганда
- Алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда

Эр (хотин)нинг таъминоти учун ундириладиган алиментдан озод қилиш тўғрисидаги даъволар.



Эр ва хотинни бир-бирларига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиш ёки бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклаш суднинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади.

Эр-хотин никоҳда қисқа вақт мобайнида бўлса, эр (хотин)ни ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз хотин (эр)га таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиши ёхуд бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин.

Никоҳда қисқа вақт мобайнида бўлганлик тушунчаси қонун билан белгиланмаган. Эр-хотиннинг никоҳда қисқа вақт мобайнида бўлгани суд томонидан аниқ иш ҳолатларидан келиб чиқиб белгиланади.

Алиментлар тўлаш тўғрисидаги келишув шартлари

Ушбу шартномада алиментлар тўлаш тартиби, муддати, миқдори ва фарзандни таъминлаш бўйича барча шартларни келишиб олиш мумкин. Шартномада, шунингдек, алимент олувчи алимент маблағларни фақат фарзандни таъминлаш учун ва унинг озиқ-овқат, кийим-кечак ва оёқ кийим, тегишли таълим олиш ва ривожланиш, дам олиш борасидаги эҳтиёжларини қондириш йўлида сарфлаш мажбуриятини белгилаш мумкин. Шартномада алиментлар қайси усул билан тўланишини кўрсатиш мумкин:

- вақти-вақти билан тўланадиган ўзгармас миқдорда;
- бир йўла тўланадиган ўзгармас миқдорда;
- мулкни тақдим қилиш йўли билан;
- шартномада келишилган бошқа усуллар билан;
- юқорида кўрсатилган тўловнинг турли усулларини бирлаштирган ҳолда.

Алиментларни тўлаш тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши шарт.

Албатта, 1 йил мобайнида давом этган никоҳ қисқа муддат деб топилши мумкин. Бу ҳолатда таъминот бериш мажбуриятидан озод қилишга асос бўлади. 1 йилдан 5 йилгача бўлган никоҳ, собиқ эр-хотиннинг ёши ва никоҳнинг тугатилиши асосларини инобатга олган ҳолда қисқа муддат деб топилши мумкин. Бу ҳолатда суд никоҳда бўлган вақтни инобатга олган ҳолда мажбуриятни муайян муддат билан чеклашга ҳақли бўлади.

АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ ШАХС ЧЕТ ДАВЛАТГА КЕТАЁТГАНДА...

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида

Қонунга мувофиқ ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан **алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиши ШАРТ!**

Алимент тўлаш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда

Судга куйидаги талаблардан бири билан мурожаат қилишга ҳақли:
 - алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши ва алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида;
 - алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш тўғрисидаги талаб;
 - алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб.



Алимент тўлашдан озод қилиш масаласи алимент олувчи шахснинг доимий яшаб турган жойидаги суд судловига тааллуқли.

Эр (хотин)дан алимент олаётган хотин (эр)ни давлат таъминотидаги ногиронлар уйига жойлаштириш ёки уни нодавлат ташкилотларнинг таъминотига (ҳомийлигига) ёки масалан, уй (квартира)нинг олди-сотди тўғрисида шартнома тузилган тақдирда, уни умрбод таъминлаш шarti билан хусусий шахсларга топшириш ҳоллари, агар қўшимча харажатларни тақозо этадиган фавқулодда ҳолатлар (алоҳида парвариш қилиш, даволаш, озиқ-овқат билан таъминлаш каби ҳолатлар) мавжуд бўлмаса, шу сабабларнинг ўзи алимент тўловчини алимент тўлаш мажбуриятидан озод қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Никоҳдан ажралган, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин янги никоҳга кирганда алимент тўлаш тугатилади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида мана бу ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим: эр (хотин)нинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қароридан нусха, тарафларнинг моддий ахволининг ўзгарганлиги ва жавобгарнинг ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (даъвогар ва жавобгарнинг иш ҳақи, оладиган нафақаларининг ва бошқа даромадлари ҳамда уларнинг қарамоғида бўлган шахслар тўғрисида маълумотнома), алимент олувчининг янги никоҳ тузганлиги ҳақида маълумотнома, давлат божи тўланганлиги ҳақида чипта.

Алимент тўлашдан озод қилиш суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан ҳисобланади.


4.3. Алиментларни тўлаш ва ундириш тартиби

ОК алимент тўлашнинг икки турини назарда тутди: ихтиёрий (тарафларнинг келишувига мувофиқ) ва суд тартибида.

Алимент талаб қилиш ҳуқуқига фақат оила қонунчилиги билан ваколат берилган шахслар эгадирлар.

Алиментни суд тартибида ундириш талабига даъво муддати татбиқ этилмайди.

Шунга кўра алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъий назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади. (ОК 136-м. 1-қ.)



Одатда, алимент судга мурожаат этилган пайдан бошлаб ундирилади.

Ўтган давр (уч йиллик муддат доирасида) учун алимент агар таъминот учун маблағ олиш чораларини судга мурожаат қилгунга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги аниқланса, ундириб олиниши мумкин.

Бош тортганлик алимент тўлаши шарт бўлган шахс алимент тўлаши тўғрисида келишув тузишдан бош тортганлиги, ўзининг яшаш жойи ёки даромадларини яширганлиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар мавжудлиги билан ифодаланади.

ОКнинг 139-моддасига мувофиқ алимент қарзини ундириш алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув ёки суднинг қарори асосида келиб чиқади.

Қарздорликнинг вужудга келиши турли сабабларга кўра юз бериши мумкин.

У қарздорнинг айбли хатти-ҳаракатлари – алимент тўлашдан бўйин товлаганлиги билан ҳам, ундирувчининг айби, масалан нотариал тартибда тасдиқланган келишув ёки ижро варақани тақдим қилмаслиги, ўзининг турар-жойи ўзгарганлиги ҳақида хабар бермаганлиги, алимент олишдан бош тортганлиги ва ҳ.к. билан ҳам юзага келиши мумкин.

Шу билан алимент қарздорлиги тарафларга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ҳам келиб чиқиши мумкин, қарздорнинг оғир касаллиги, алимент тўлашга маблағнинг етишмаслиги, ойлик иш ҳақини ўз вақтида бермаганлиги ва ҳ.к.


Алиментлар ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент тўлаши



шарт бўлган шахснинг айби билан ундирилмаган бўлса, алиментлар уч йиллик муддатдан қатъий назар, ўтган барча вақт учун ундирилади.

Алимент қарзини тўлашдан озод қилиш учун судга икки ҳолатнинг уйғунлиги зарурлиги: суд томонидан алимент қарзининг вужудга келишининг узрли деб топилганлиги ва алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг моддий ва оилавий аҳволи йиғилган алимент қарзни тўлашга имкон бермаслиги асос бўлади.

Шу ҳолатлардан фақат бирининг мавжудлиги алимент қарзини тўлашдан озод этишга асос бўла олмайди.





**5 БОБ.
ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИДА
ЖАВОБГАРЛИК**



5.1. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш

Ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларни ажратиб бўлмайдиган тоифага киради.

Аммо улар ўз мақсади бўйича ишлатилмаганда ота-оналик ҳуқуқини йўқотиши оқибатида маҳрум қилиниши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш боланинг туғилишни қайд қилиш ёзувида ота-онани сифатида кўрсатилган ота-оналарга нисбатан қўлланиладиган оилавий-ҳуқуқий таъсир чоралари ҳисобланади.

Ҳали пайдо бўлмаган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.


Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳам ота-она, ҳам бола учун жиддий ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган охирги чора ҳисобланади.


Ота-оналик ҳуқуқидан: *биринчидан*, ота-она (улардан бири) нинг яхши тарафга хулқ-атворини ўзгартириш имконияти йўқолган бўлса, *иккинчидан* фақат суд, *учинчидан* ота-онанинг айби бўлган тақдирда маҳрум қилишга йўл қўйилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ота-оналарнинг онгли ҳаракатлари натижасида бўлиши мумкин.

Амалиётда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш/чегаралаш билан боғлиқ қўйидаги талаблар учрайди:

- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида;
- Ота-оналик ҳуқуқини қайта тиклаш тўғрисида;
- Ота-оналик ҳуқуқини чегаралаш тўғрисида;
- Ота-оналик ҳуқуқини чегаралашни бекор қилиш тўғрисида.






Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 15-бандидаги тушунтиришларига кўра ота-она (улардан бири) Оила кодексининг 79-моддасига биноан ота-оналик ҳуқуқидан ўзларининг айбли хулқ-атворига кўра агар улар ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, ўқув-тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.



Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш – бу ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмаслик тушунилади. Болаларнинг ёшларига қараб ота (она)нинг ҳар бир муайян ҳолатдаги ҳаракати (ҳаракатсизлиги) болани ҳалокатга олиб келиши мумкин.



Ота-она (бири)нинг алимент тўлашдан бош тортиш факти суднинг ҳукми билан тасдиқланиши шарт эмас. Ота-она (бири)нинг алимент тўлаш, ўз болаларини моддий таъминлашдан доимий равишда қочишга уринганига ишонч ҳосил қилишнинг ўзи кифоядир.

Узрсиз сабабларга кўра боласини туғруқхонадан ва бошқа болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаларидан олишдан бош тортиши туғруқхона ва болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаси комиссиялари томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Ота-онанинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганликлари уларнинг болаларининг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёргарлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаганлигида намоён бўлади.



ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ОҚИБАТЛАРИ

Болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлади.

Шу жумладан:

- боладан таъминот олиш;
- болали фуқаролар учун белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш - ўз боласига таъминот бериш мажбуриятдан озод қилмайди.

Ота-онаси (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола куйидаги ҳуқуқларни сақлаб қолади:

- турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини (агар у фарзандликка олинган бўлмаса);
- ота (она)си ва бошқа қон-қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкӣ ҳуқуқларини, жумладан мерос олиш ҳуқуқини.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласи суд томонидан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида 6 ой ўтгач йўл қўйилади.

Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади.

Ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш – бу ҳуқуқлардан болаларнинг манфаатларига зид равишда фойдаланиш, масалан, ўқишига, жамоат топшириқларини бажаришига тўсқинлик қилиш, тиланчиликка ундаш, уни спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ўргатиш, жиноят қилишга, вояга етмаган болани жиноий йўл билан даромад топишга жалб қилишдир.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича кимлар даъвогар бўлиши мумкин


- ота-онанинг биттаси (уларнинг ўрнини босувчи шахс);
- фарзанднинг ўзи 14 ёшидан кейин;
- васий шахс;
- бола яшаётган оиладаги шахс;
- бола яшаётган соғлиқни сақлаш ташкилоти, ўқув ёки бошқа болалар муассасасининг вакили;
- васийлик органлари вакили;
- прокурор.

Болалар билан шафқатсиз муомалада бўлиш жисмоний ва руҳий қийнашда, тарбиялашнинг йўл қўйиб бўлмайдиган усулларини қўллашда, болаларининг инсоний ғурурларини камситишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.



Агар болаларга нисбатан ота-она эмас, балки оила аъзолари шафқатсиз муомалада бўлсалар, боланинг ота ва онаси бунга қаршилик қилмасалар, бундай ота-оналарнинг ота-оналик ҳуқуқлари Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ чекланиши мумкин.

Ота-онанинг сурункали ичкиликбозликка ёки гиёҳвандлик касалига учраганлиги тегишли тиббиёт хулосаси билан тасдиқланган бўлиши керак. Бундай асос билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарни муомалага лаёқати чекланган деб топилганлигидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин.



Боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота-она томонидан қасддан жиноят содир қилиш ўта оғир ва жамоат учун хавфли ҳисобланади. Бундай асосларга кўра ота (она)ни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга фақат суднинг ҳукми бўлгандагина йўл қўйилади.


Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш/чегаралаш вояга етмаган фарзандларга алимент тўлаш бўйича мажбуриятдан озод қилмайди.

Болани ота (она)сининг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота (она)си томонидан қасддан жиноят содир қилганлиги асосига кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда бола жиноят объекти унинг ота (она)



5 БОБ. ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАВОБГАРЛИК

си бўлган ҳолларда зарар кўришини ҳисобга олишлари лозим. Бундай асосларга кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳам айбдорга нисбатан суднинг ҳукми бўлиши лозим.



Олий суд Пленумининг юқорида қайд этилган қарорининг 16-бандига асосан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш охириги чора эканлигига судларнинг эътибори жалб этилган. Алоҳида ҳолларда ота ёки онанинг айбли хулқ-атвори тасдиқланган тақдирда ҳам суд унинг хулқ-атвори хусусиятларини, шахсини ва бошқа муайян ҳолатларни эътиборга олиб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъвони рад этишга ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларига унинг ота-оналик мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш мажбуриятини юклаб, жавобгарни болалар тарбиясига нисбатан ўзининг муносабатларини ўзгартириши зарурлиги тўғрисида огоҳлантиришга ҳақли. Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъвони рад этиб, кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мавжуд бўлганида, агарда боланинг манфаатлари шунга тақозо қилса, ота-онадан боласини олиш ҳамда уни васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига топшириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишга ҳақли.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Ш. Жўраев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Г. Жўраевани 2008 йил 28 июлда туғилган қизи Г. Фахриевага нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2011 йил 18 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Аниқланишича, тарафлар 2005 йилда қонуний никоҳдан ўтиб оила қуришган. Биргаликдаги турмушларидан 2 нафар вояга етмаган 2007 йил 20 июлда туғилган Фарход



ва 2008 йил 28 июлда туғилган Гавҳар исмли фарзандлари бор. Тарафлар ўзаро келишмовчиликлар туфайли бирга яшамайди, ўрталаридаги никоҳ 2009 йилда суд қарори асосида бекор қилинган.

Биринчи инстанция суди даъвогар Ш.Жўраевнинг даъво талабини қаноатлантиришда жавобгар 2008 йил 28 июлда туғилган Гавҳар исмли фарзандини 12 кунлик чақалоқ бўлишига қарамасдан даъвогарнинг уйида қолдириб кетганлигини, кейинчалик тарафлар ўзаро ярашганликларини, шундан кейин ҳам жавобгар боласига ғамхўрлик қилмасдан, даъвогарга қолдириб кетганини, жавобгар 2010 йил 7 сентябрдан бошлаб боласининг ҳолидан хабар олмаганини инobatга олиб, даъвони қаноатлантиришни лозим деб топган бўлса-да, бироқ Г.Жўраевнинг Ш.Жўраевга нисбатан даъвоси қаноатлантирилиб, суднинг 2010 йил 18 октябрдаги ҳал қилув қарори билан Гавҳар исмли фарзанди Г.Жўраевага олиб берилганлигини, жавобгар боласини олишга ҳаракат қилганлигини, юқоридида қайд этилган қонун ва Олий суд Пленум қарори талабларига ҳамда оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга етарли асослар мавжуд эмаслигига аҳамият бермасдан, даъвони қаноатлантиришни лозим деб топиб, асоссиз хулосага келган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан туманлараро судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган. Унга кўра, даъвогар Ш.Жўраевнинг жавобгар Г.Жўраевага нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъвосини қаноатлантириш рад қилинган (4-226-11-сонли ажрим).

Бундай тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашда куйидагиларга эътибор бериш лозим!!!

Ота-оналарнинг маҳрум қилиниши мумкин бўлган ота-оналик ҳуқуқи – бу уларга боласини вояга етгунча тарбиялаш, унинг манфаатларини ҳимоя этиш ва унга вакиллик қилиш, боласини бошқа шахслардан талаб қилиб олиш, унинг фарзандликка олинишига розилик бериш ва ҳоказолар учун берилган ҳуқуқлардир. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналар болалари билан туғишганлик фактига асосланган ҳуқуқларини: вояга етган болаларидан нафақа олиш, улар вафот этган тақдирда нафақа билан таъминланиш, болаларининг мулкига ворис бўлиш ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларини ҳам йўқотадилар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва



ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

Ота-она (улардан бири) Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасида кўрсатилган сабабларга кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Даъвогар даъво аризасини тақдим этишда қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши лозим:

- болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- болаларнинг яшаш шароити ҳақида далолатнома;
- халқ таълими бўлими васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг хулосаси;
- ота-онанинг муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги ҳақида тиббий муассасалардан маълумотнома;
- ота-оналарга нисбатан тавсифнома;
- ота-онанинг алимент тўлашдан бўйин товлаганлиги тўғрисидаги суд қарорлари нусхалари;
- болаларнинг ҳаёти ёки соғлигига қарши қасддан жиноят содир қилганлиги ҳақидаги суд ҳукми нусхаси;
- давлат божи тўланганлиги ҳақида чипта (квитанция).

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум ҳилиш ҳақидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакили иштирокида кўрилиши шарт.

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИ ЧЕКЛАШ ОҚИБАТЛАРИ

Ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она куйдаги ҳуқуқлардан маҳрум бўлади
- болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан;
- болали фуқаролар учун имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш - ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Бундай тоифадаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъволар жавобгарнинг яшаш жойидаги, агарда яшаш жойи номаълум бўлса, даъволар унинг мол-мулки турган жойда ёки унинг сўнгги

яшаган жойида тақдим этилиши мумкин.



Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг татбиқ этилиши индивидуал таъсир чораси сифатида суд жараёнида ота-онанинг ҳар бирини ота-оналик бурчига қандай қараганлигини аниқлашни талаб қилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва боланинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги фақат битта ота-онага нисбатан даъво талабини кўраётган судга унинг яшаш жойини аниқлаши боланинг турмушидаги ўрнини аниқлашни юклайди.

Даъвони кўриб чиқиш натижаси: уни қаноатлантиришдан рад қилиш, даъвони қаноатлантириш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни рад қилиш ва ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ҳақида қарор қабул қилиш бўлиши мумкин. Даъвони рад қилишга, одатда, суд томонидан келажакда боланинг ҳуқуқларини ота-она томонидан бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантириш ҳисобланади. Бу таъсир чораси профилактик характерга эга бўлиб, айрим ҳолатларда ўзини оқлаган. Шу билан бирга даъвони рад қилиш жиддий асослантирилган бўлиши лозим. Бундан ташқари суд зарур ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органларига нохуш оилани келажакда назорат қилиш учун ажрим чиқариши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишлар тўғридан-тўғри давлат манфаатлари ва ота-оналарнинг ҳуқуқларига таъсир қилиб, улар боланинг тақдирига боғлиқ. Шунинг учун бу тоифадаги ишларда ОК 80-моддасининг 3-қисмига мувофиқ прокурорнинг иштирокида прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органлари бир тарафдан давлат, иккинчи тарафдан уларга юклатилган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаларини ифода этади. Ва ниҳоят учинчидан низо юзасидан малакали хулосасини билдиради.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онанинг ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она, шу болага нисбатан қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан маҳрум қилинади. Булар 3 гуруҳга бўлинади.



**ҚАРИНДОШЛИК
ФАКТИГА
АСОСЛАНГАН
ҲУҚУҚЛАР**

1-гурух:

- болаларни шахсан тарбиялаш;
- бола билан кўришиш;
- боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- келгусида ўзининг вояга етган фарзандларидан таъминот олиш;
- ўғли (қизи) вафот этганда қонун бўйича мерос олиш.

2-гурух:

- икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ҳолда ўтказиш;
- дам олиш кунларида қўшимча ишларга жалб қилиш;
- уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларида қўшимча ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмаслиги;
- ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорига ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни бериш ва ҳ.к.

3-гурух:

- бола туғилганда бериладиган нафақалар олиш;
- боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил олиш.

5.2. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш

Ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши учун суд ота-оналик ҳуқуқини тиклаш асослари мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши зарур. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-отанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади.



ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИ ТИКЛАШ АСОСЛАРИ

Ота-оналик ҳуқуқи куйидаги ҳолларда тикланиши мумкин:

- - ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирса;
- - ота-она (улардан бири) турмуш тарзини ўзгартирса;
- - ота-она (улардан бири) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирса.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш – охири чора бўлиб, уни доим ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бундай вазиятларда унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чораси сифатида суд ота-оналик ҳуқуқини чеклаш билан ундан болани олиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши фақат суд томонидан амалга оширилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклашнинг умумий асослари сифатида болани ота-онаси билан бирга қолдириш хавфлилиги кўрсатилади.

Бу оилада болага унинг соғлиги, ҳаёти ва тарбияси учун ҳақиқий хавф борлигини англатади.

Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. (ОК 83-м. 2-қ.)

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИ ЧЕКЛАНИШИНИ БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Агар ота-она (улардан бири)нинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланишига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, суд ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан болани ота-онасига (улардан бирига) қайтариш ва ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган чеклашларни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Оғир ҳолатларни бошдан кечириши бола учун оилада хавф келиб чиқиш сабабларига асос бўлган яна бир ҳолатдир. (Масалан, бола билан шафқатсиз муносабатда бўлаётган угай ота билан ёхуд сурункали алкоголизмга чалинган оиланинг бошқа аъзолари билан бирга яшашида онанинг қаршилиқ қилиш ҳолатига эга эмаслиги).



Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқидан чеклашга йўл қўйилади. Ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, вассийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт.

Шундай қилиб ота-оналик ҳуқуқини чеклаш бу нохуш оилани соғломлаштиришга қаратилган қадам ёхуд ота-оналик ҳуқуқини маҳрум қилиш билан боғлиқ оқибатлардан келиб чиқадиган ота-оналик муносабатларини тугатиш йўли бўлиб ҳисобланади.



**6 БОБ.
ЭР ВА ХОТИННИНГ
МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА
МАЖБУРИЯТЛАРИ**



6.1. Никоҳ ФҲДЁ бўлимида қайд этилмаганда мулккий ҳуқуқ ва мажбуриятлар

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 13-моддасининг 1, 2-қисмларига асосан никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Оила кодексининг 18-моддасига мувофиқ, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар, ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

Амалиётда эр-хотиннинг мулккий ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ қуйидаги талаблар учрайди:

- эр-хотиннинг биргаликдаги мулки деб топиш тўғрисида;
- никоҳга қадар олинган мулк деб топиш тўғрисида ва никоҳга қадар мулкни талаб қилиш тўғрисида;
- ўртасидаги умумий мулкни бўлиш тўғрисида;
- умумий мулкдаги улушни аниқлаш тўғрисида;
- эр (хотин)нинг умумий мулкдаги улушни ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 20-банди 4-қисмида никоҳни ФҲДЁ органларида қайд этмасдан

бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулккий низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилиши тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар С. Таджиев судга мурожаат этиб, отаси марҳум Т. Таджиев билан жавобгар ўғай онаси С. Комилова 1961 йилдан 1996 йил 15 апрелгача бирга яшашганлигини, никоҳлари қонуний расмийлаштирилмаганлигини, биргаликдаги турмушларидан фарзанд бўлмаганлигини, Косон туман ҳокимининг 2008 йил 6 июндаги қарорига асосан Косон туман, Илғор ҚФЙ, Абай қишлоғида жойлашган уй-жой жавобгар С. Комилованинг шахсий мулки деб белгиланганлигини, С. Комилова мазкур уй-жойни Т. Тўраевага сотганлигини билдириб, туман ҳокими қарорини ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни, уй-жойни марҳум Т. Таджиев ва С. Комиловаларнинг умумий биргаликдаги мулки деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан уй-жойни умумий мулк, деб топиш ҳамда олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш



ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилиб, даъвонинг туман ҳокими қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарорининг уй-жойни умумий мулк, деб топиш ҳамда олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисидаги қисми бекор қилиниб, мазкур даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Бунда кассация инстанцияси суди низоли уй-жой марҳум Т. Таджиев билан жавобгар С. Комилованинг биргаликдаги турмушлари даврида қурилган бўлсада, улар қонуний никоҳдан ўтишмаганлиги сабабли низоли уй-жой эр-хотиннинг биргаликдаги мулки мақомига кирмаслигини, бундан ташқари мулкни умумий мулк, деб топиш учун Фуқаролик кодекси нормаларида белгиланган ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигини инобатга олган (4-44-12-сонли ажримдан кўчирма).

6.2. Эр ва хотиннинг умумий мулки

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси эр ва хотиннинг умумий мулкка қонун ёки шартнома орқали эга бўлишнинг икки тартибини белгилайди.

Эр-хотиннинг биргаликдаги мол-мулки қаторига қуйидагилар кирadi:

- эр-хотиннинг умумий даромадлари эвазига сотиб олинган турар-жой ва нотурар-жойлар, ер майдонлари, транспорт воситалари, мебель, маиший техника;
- эр-хотиннинг умумий даромадлари эвазига сотиб олинган қимматбаҳо қоғозлар, қўйилмалар, кредит муассасаларига киритилган капиталдаги улушлар;
- эр-хотин билан никоҳ даврида ортирилган бошқа барча мол-мулк;
- эр-хотиннинг меҳнат фаолияти, тадбиркорлик фаолияти ва интеллектуал фаолияти натижалари;
- махсус мақсадли кўрсатмаларга эга бўлмаган нафақа ва бошқа тўловлар.

Шунга кўра, ОКнинг 23-моддасига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр-хотинларнинг мулккий ҳуқуқий муносабатларида мулкларнинг орттирган вақти ва манбалари катта аҳамият касб этади.



Барча ҳуқуқий тизимларда эр-хотиннинг мулклари уларнинг никоҳ қайд этилгунга қадар ва никоҳ давомида орттирган мол-мулкларига ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддасига мувофиқ эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш муҳимки, биргаликдаги мулкка никоҳ даврида уйда хўжалик ишлари ва болалар парвариши билан банд бўлган ҳамда бетоб бўлган ёки ўқишда бўлган эр (хотин) ҳам эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

ЭР ВА ХОТИННИНГ УМУМЙ МУЛКИ

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдан эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари

Эр ва хотиннинг никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари (агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса)

Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасининг 2-қисмига кўра бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, чорва моллар, паррандаларга, етиштирган маҳсулотига,



қишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи фермер хўжалигига қарашлидир.

ЭР ВА ХОТИННИНГ ШАХСИЙ МУЛКИ

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки

Эр ва хотиннинг ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки

Қимматбаҳо буюмлар ва зебу-зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам

Уларнинг мол-мулкни бўлиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223- ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Эр ва хотин уларнинг биргалиқдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда, одатда, тенг ҳуқуқларга эга бўлади.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини, бу кўчар мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимларини тузаётганда эр-хотинларнинг ишончномага муҳтож эмаслигини англатади. Шубҳасиз, эр (хотин)нинг умумий мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ розилигининг тахмини ҳақиқий ҳолатга мос келмаслиги мумкин, бу пайтда битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги масаласи келиб чиқади.

Шунга кўра, ОК 24-моддаси 2-қисмига мувофиқ, эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

Кўчмас мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни амалга оширишда махсус қоидалар белгиланган.



Бу мол-мулкларга давлат рўйхатидан ўтказилишини талаб қиладиган кўчмас мол-мулклар, бино, иншоот, қурилма, нотурар жой, квартира ва ҳ.к.лар киради.

Бундай ҳолатда умумий мол-мулкни тасарруф қилиш эр-хотиннинг иккаласининг ҳам розилиги асосида амалга оширилади. Эр-хотиннинг олдиндан келишуви ҳақидаги талабларга риоя этилиши битимларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошираётган органлар томонидан таъминланади.

ОК 24-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

6.3. Эр ва хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш

Эр-хотиннинг умумий мулкни бўлиш, одатда, улар никоҳдан ажратилганда вужудга келади.

Уларнинг умумий мулкни бўлиш никоҳ даврида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 27-моддасига мувофиқ, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажрალიшгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Кўп ҳолатда эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Бироқ улар ўртасида низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.



Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин) га унга қарашли улушдан ошиқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин.

СУД АМАЛИЁТИ

Б.Қаршиева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, собиқ турмуш ўртоғи М. Қаршиев билан умумий мулклари бўлган мисгарлик устахонасини натура шаклида бўлишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан Б.Қаршиеванинг даъво талаби қаноатлантирилиб, 50 кв. м да жойлашган мисгарлик устахона биноси М. Қаршиевнинг фойдаланишида қолдирилиб, Б. Қаршиеванинг фойдасига устахона биносидаги улуши ҳисобига 3.495.821.50 сўм ундирилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажримига кўра, ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, устахона биноси суд курилиш-техник экспертизаси хулосасига асосан улушлардан бирмунча чекланган ҳолда иккига бўлиб берилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан иш бўйича қабул қилинган вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари ва мусаввирлари «Хунарманд» уюшмаси вилоят бошқармасининг маълумотномасида хусусий устахона бўлинган тақдирда оддий темирчилик буюми ишлаб чиқариш учун ўта зарур бўлган ягона технологик жараён бузилиши қайд этилган.

Кассация инстанцияси низоли устахона бўлинган тақдирда, ундан мақсадли фойдаланиш учун имконият бор-йўқлиги хусусида тегишли мутахассисларнинг асослантилган хулосасини олиш ёки экспертиза ўтказиш масаласини муҳокама қилмаган (ФСХ-330-11-сонли ажримдан кўчирма).

Оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли



ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

ЭР-ХОТИННИНГ УМУМИЙ МОЛ-МУЛКИНИ БЎЛИШ

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра:

Никоҳда бўлган даврда амалга оширилиши мумкин

Никоҳдан ажралишгандан кейин амалга оширилиши мумкин

Кредиторнинг талабига кўра ундирувни эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига қаратишда амалга оширилиши мумкин

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки улар никоҳда турган даврда бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкининг бўлинмай қолган қисми, шунингдек, эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда орттирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкини ташкил қилади.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 25-бандида эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолида бериш масаласини ҳал этишда суд мулкнинг хусусияти ва нима учун мўлжалланганлигини, уни сотиб олиш шартлари ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Чунончи, автомобилни бўлишда суд эр-хотиндан қайси бири ундан амалда фойдаланганлигини, техник ҳолатига қараб келганлигини, уни бошқариш учун ҳуқуқи борлигини ва ҳ.к.ларни эътиборга олади.

Уйни асл ҳолида бўлиш масаласи суд томонидан фуқаролик қонунчилиги нормаларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши лозим (ФК 223-моддаси).

СУД АМАЛИЁТИ

Ё.Исматов судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар Х.Исматова билан оилавий турмушлари даврида тўпланган мол-мулкларни тенг ҳиссада бўлиб, ажратиб беришни сўраган.
Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув



қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган. Низоли уй-жой тарафларнинг умумий мулки деб топилган. Жавобгар Х. Исматовдан даъвогар Ё. Исматов фойдасига низоли уйнинг 1/2 қисми ҳисобидан 10.367.483 сўм пул компенсацияси ундирилган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, бекор қилинган қисми бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинган. Унга кўра низоли уй-жой тарафлар ўртасида натура шаклида бўлиниб, жавобгар Х. Исматовдан даъвогар Ё. Исматовнинг фойдасига уй-жойнинг 1/2 қисмидан кам бўлган қисми ҳисобига 1.182.232 сўм компенсация пули ундирилган.

Аниқланишича, фуқаролик иши бўйича суд курилиш-техник экспертизаси ўтказилиб, унинг хулосасига кўра низоли уй-жойни тенг икки қисмга бўлиш имконияти мавжуд эмас, уй-жой тенгликдан чекинган ҳолда икки қисмга бўлиниши мумкин.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 25-бандига мувофиқ, уйни асл ҳолида бўлиш масаласи суд томонидан фуқаролик қонунчилиги нормаларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши лозим (ФК 223-моддаси).

Апелляция инстанцияси Ё. Исматовнинг уй-жойдан улуши арзимас ҳисобланмаслиги, ажратиб бериш имконияти мавжудлиги, уй-жойдан фойдаланишдан катта манфаатга эга эканлигини инобатга олиб, биринчи инстанция судининг Ё. Исматовнинг улушини пул тариқасида ундириш ҳақидаги хулосаси билан келишмаган (3-293/12-сонли ажримдан кўчирма).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарори 20-бандининг 2-қисмида, судларга суд томонидан фақат ишни кўриш вақтида амалда мавжуд ҳамда эр-хотиннинг бирида ёки учинчи шахсларда (масалан, ижара, мулкдан текин фойдаланиш, омонат сақлаш ва ш.к. шартномалар бўйича) бўлган умумий мол-мулк бўлиниши лозимлиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Н. Абдуллаева жавобгар Т. Абдуллаевга нисбатан судга даъво ариза мурожаат этиб, жавобгар билан 1995 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан 5 нафар фарзандлари борлигини, ҳозирги кунда ўзаро келишмовчиликлар сабабли бирга яшамаётганлигини, 5 нафар фарзанди билан ота-онасининг уйида яшаётганлигини кўрсатиб, биргаликдаги мол-мулкни бўлиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, даъвогар Н. Абдуллаеванинг фойдасига жавобгар



Т.Абдуллаевдан 4 номдан иборат мол-мулк ҳамда чорва молларидаги улуши ҳисобига 7.025.000 сўм ундирилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарорининг чорва молларидаги улуш ҳисобига 7.025.000 сўм ундириш қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича мазкур даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Даъвогар Н.Абдуллаева даъво аризасида 3 та қора мол, 40 та қўй ва 35 та қўзилар борлигини кўрсатса-да, иш кўрилишида тарафларнинг 1 та сигири, 7 та қўйи ва 5 та қўзилари бўлганлиги, мазкур чорва молларини жавобгар тарафлар бирга яшаб келган вақтда сотганлиги ва пулни даъвогарни ҳамда фарзандларини даволатишга сарфлаганлиги аниқланган.

Апелляция инстанцияси даъвогар Н.Абдуллаева даъво аризасида кўрсатган 3 та қора мол, 40 та қўй ва 35 та қўзилар бўлганлигини исботловчи далиллар келтира олмаганлигини, шунингдек, мавжуд бўлган чорва моллари тарафлар биргаликда яшаган даврда тасарруф этилганлигинини эътиборга олиб, туманлараро судининг мазкур даъво талабларини қаноатлантириш лозимлиги ҳақидаги хулосаси билан келишмаган (3/86-11-сонли ажримдан кўчирма).

Бундай тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашда куйидагиларга эътибор бериш лозим!!!

Эр-хотиннинг бўлиниши лозим бўлган биргаликдаги умумий мол-мулки деганда, улар томонидан никоҳ давомида орттирган мол-мулклар, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган ва Ўзбекистон Республикаси ФК 81, 82, 209-моддаларига кўра фуқароларнинг мулк ҳуқуқи объекти бўла оладиган кўчар ва кўчмас ҳар қандай мол-мулклар тушунилади, башарти улар ўртасида тузилган никоҳ шартномасида мол-мулкка нисбатан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса.

Суд томонидан фақат ишни кўриш вақтида амалда мавжуд ҳамда эр-хотиннинг бирида ёки учинчи шахсларда (масалан, ижара, мулкдан текин фойдаланиш, омонат сақлаш ва ҳ.к. шартномалар бўйича) бўлган умумий мол-мулк бўлиниши лозим.

Мулкни бўлишда, шунингдек, эр-хотиннинг умумий қарзлари (Оила кодекси 28-моддаси учинчи қисми) ва оила манфаатлари йўлида вужудга келган мажбуриятлар бўйича талаб қилиш ҳуқуқи инobatга олинади. Бироқ судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўйни, шунингдек, никоҳ маросимлари билан боғлиқ бошқа тадбирларни



Ўтказиш бўйича қарзлар ва бошқа харажатлар инобатга олинмайди (Оила кодекси 44-моддаси).

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Д. Гизатуллина даъво аризаси билан судга муурожаат қилиб, унда жавобгар Р. Гизатуллин билан 1994 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганликларини, ўрталарида икки нафар фарзандлари борлигини, биргаликдаги турмушлари давомида уй-жой сотиб олишганлигини, 2008 йил 1 апрелда суд орқали никоҳдан ажратилганликларини, шунга кўра турмушлари давомида сотиб олинган уйнинг ўзига тегишли қисмини натура ҳолида ажратиб беришни сўраган.

Ўз навбатида Р. Гизатуллин судга қарши даъво аризаси билан муурожаат қилиб, 2002 йил сентябрь-декабрь ойларида у АҚШ давлатидан Д. Гизатуллинага 2.000 АҚШ доллари юборганлигини, ушбу пуллар эвазига Д. Гизатуллина 2003 йил май ойида АҚШга 5 ойга кетиб, 2003 йил сентябрда 7.000 АҚШ доллари, 2004 йил 18 октябрда 10.546 АҚШ доллари олиб келганлигини, шунга кўра ушбу пулларнинг тенг ярмини Д. Гизатуллинадан ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судининг ҳал қилув қарорига кўра Д. Гизатуллинанинг даъво талаби қаноатлантирилиб, низоли уй-жой тарафлар ўртасида натура тартибида (яшаш хоналари ва ёрдамчи ҳамда хўжалик қурилмалари кўрсатилган ҳолда) бўлиб берилган. Р. Гизатуллиннинг қарши даъво талабини қаноатлантириш рад қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, бекор қилинган қисми бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган. Унга кўра Д. Гизатуллинадан Р. Гизатуллиннинг фойдасига 4.000 АҚШ доллари 2004 йил 1 октябрдаги АҚШ доллари курси бўйича 4.342.000 сўм ундирилган.

Аниқланишича, 2002 йил 16 сентябрда Р. Гизатуллин АҚШдан Д. Гизатуллинага 1.000 АҚШ доллари жўнатган, Д. Гизатуллина 2004 йил 18 октябрда АҚШдан қайтишда 10.546 АҚШ доллари олиб келганлигини тасдиқловчи божхона декларацияси мавжуд, қолган 7.000 АҚШ доллари Д. Гизатуллина томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қирилганлигини тасдиқловчи далиллар судга тақдим қилинмаган.

Апелляция инстанцияси томонидан тарафларнинг умумий мулки, деб топилган 10.546 АҚШ доллари тарафлар томонидан судда иш кўрилгунга қадар сарфланганлиги ёки сарфланмаганлиги, ўтган 7-8 йил мобайнида низоли пул маблағлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳолати аниқланмасдан, Р. Гизатуллиннинг қарши даъво талабини қаноатлантириб барвақт хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан апелляция инстанциясининг пул маблағларини бўлиш ҳақидаги Р. Гизатуллиннинг қарши даъво талабини қаноатлантириш қисми бекор қилиниб, шу қисми янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган (ФСХ-310-12-сонли ажримдан кўчирма).



Никоҳни ФҲДЁ органларида қайд этмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкий низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилади.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр-хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари Фермер хўжалиги ва Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар билан белгиланади.

Судлар эр-хотиннинг умумий мулкани бўлишда шуни назарда тутишлари лозимки, Оила кодекси 27-моддаси олтинчи ва еттинчи қисмларига кўра вояга етмаган болалар эҳтиёжи учун олинган нарсалар (кийим-кечак, оёқ кийими, мактаб ва спорт анжомлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар), шунингдек, эр-хотин томонидан уларнинг умумий мулки ҳисобидан улар ўртасидаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ҳам эр-хотиннинг умумий мол-мулкани бўлишда ҳисобга олинмайди.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар У.Алибоев жавобгар Ф.Алибоевага нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, Ф.Алибоева билан 1975 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан уч нафар вояга етган фарзандлари борлигини, суднинг ҳал қилув қарорига асосан жавобгар билан никоҳдан ажратилганлигини, мол-мулк бўйича низо судда кўрилмаганлигини кўрсатиб, никоҳ давомида орттирилган уй-жой, автомашина ва бошқа уй-жой буюмларни бўлишни сўраган.

Ф.Алибоева судга турар-жойни умумий мулк деб топиб, ундан фойдаланиш тартибини белгилаш ва уйга киритиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ажрими билан даъводан воз кечиш қабул қилинганлиги сабабли даъвонинг уй-жой буюмларни бўлиш ҳақидаги қисми иш юритишдан тугатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар У.Алибоевнинг жавобгар Ф.Алибоевага нисбатан никоҳ даврида орттирилган уй-жой, «Нексия» русумли енгил машинасини бўлиш ҳақидаги даъвоси, Ф.Алибоевнинг уй-жойни умумий мулк деб топиш, уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш ва уйга киритиш ҳақидаги даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

Низоли уй-жой У.Алибоев билан Ф.Алибоеваларнинг умумий мулки деб топилган ва тарафларнинг унинг яшаш хоналаридан фойдаланиш тартиби, ёрдамчи иморатлардан умумий фойдаланиш тартиби белгиланган.

«Нексия» русумли автомашина Ф.Алибоевнинг эгалигида қолдирилиб, ушбу



автомашина ҳисобидан Ф. Алибоевадан У. Алибоев фойдасига 4.787.989 сўмни ундириш белгиланган.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарорининг турар-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш, автомашина ҳисобидан пул ундириш ва давлат божи қисми бекор қилиниб, бозор баҳоси 49.510.090 сўм бўлган низоли уй-жой У. Алибоев эгалигида қолдирилиб, ундан Ф. Алибоевнинг фойдасига 16.541.045 сўм ва давлат фойдасига 827.052 сўм давлат божини ундириш белгиланган.

Даъвогар Ф. Алибоевнинг У. Алибоевга нисбатан турар-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъво талаби қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 6-бандида тушунтирилишича, улушли мулкдаги уй-жойларни бўлиш масаласи мулкдорлар ўзара келиша олмагандагина суд тартибида ҳал қилинади.

Улушли ёки умумий мулкда бўлган уй-жойларни бўлишда судлар низоли уй-жойда мавжуд бўлган хоналар ва фойдаланишда бўлган умумий майдонни ҳисобга олиб, ҳисса бўйича тенг ёки ҳиссадан унча кўп, унча кам бўлмаган ҳолда бўлишни, ёхуд айрим хоналарни қайта қуриш ҳисобидан уй-жойни бўлиш имконияти мавжудлиги тўғрисида тегишли экспертиза хулосаларини инobatга олишлари зарур. Суд бундай мулкдаги уй-жойларни бўлишда тарафларга ажратилган барча хона ҳамда қўшимча ва ёрдамчи иморатларни ўз қарорида аниқ кўрсатиши лозим. Улушли мулк сифатида бўлган турар-жойлар мулкдорларга уларнинг улушини асл ҳолда ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдор томонидан компенсация тўланишига мулкдорларнинг розилиги билан йўл қўйилади. Мулкдорларнинг улуши шу турар-жойга нисбатан бошқа мулкдорнинг улушидан анча кам бўлса, улушга тенг тақсимлашнинг имкони бўлмаса, мулкдор низоли уйда яшамаётган бўлса, у бошқа уй-жой билан таъминланган бўлса, мулкдан фойдаланишда катта манфаатга эга бўлмаган ҳолларда суд ушбу мулкдор розилик бермаган тақдирда ҳам улушли мулкнинг қолган иштирокчилари зиммасига мазкур мулкдорга компенсация тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Гарчанд, апелляция инстанцияси суди низоли турар-жойни умумий улушли мулк, деб топган бўлсада, низоли турар жойдаги тарафларнинг улуши тенглиги, Ф. Алибоева турар-жойдан фойдаланишда катта манфаатга эгалиги ва у турар жойдаги улушининг компенсация қилинишига рози эмаслиги ҳолатларини инobatга олмасдан, уйни натура ҳолида тўлиғича У. Алибоев эгалигида қолдириб, Ф. Алибоевага эса улушини компенсация қилиниши ҳақида асоссиз хулосага келган.

Баён этилганларга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича



судлов ҳайъатининг ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, фуқаролик иши янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган.(ФСҲ-243-12-сонли ажримдан кўчирма).

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда суд айрим ҳолларда Оила кодекси 28-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ вояга етмаган болалар манфаатларидан ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаатидан келиб чиқиб, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан чекинишга ҳақли.

Эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолда бериш масаласини ҳал этишда суд мулкнинг характери ва қандай эҳтиёж учун мўлжалланганлигини, сотиб олиш шартларини ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни инобатга олиши лозим. Эр-хотиннинг мулки бўлган автомобилни бўлишда суд эр-хотиндан қайси бири ундан ҳақиқатда фойдаланганлигини, техник ҳолатига қараб келганлигини, уни бошқариш учун ҳуқуқи борлигини ва бошқаларни эътиборга олади.

ЭР-ХОТИННИНГ УМУМИЙ МОЛ-МУЛКИНИ БЎЛИШ

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра:

Никоҳда бўлган даврда амалга оширилиши мумкин

Никоҳдан ажралишгандан кейин амалга оширилиши мумкин

Кредиторнинг талабига кўра ундирувни эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига қаратишда амалга оширилиши мумкин

Мол-мулкни бўлиш ҳақидаги фуқаролик ишлари судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим, никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг бирлагиқдаги умумий мулкни бўлиш ҳақидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади. Даъво муддатининг ўтиши эр ёки хотин ўзининг ҳуқуқи бузилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ҳисобланади.

Эр-хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган уй-жой эр ёки хотиннинг қайси бири номига расмийлаштирилганлигидан қатъий назар, агар никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг умумий мол-мулки ҳисобланади.



Уй-жойни бўлишда агар тарафлар ўзаро келиша олмасалар, бу масала бўйича суд-қурилиш экспертизаси тайинланиши лозим.

Уй-жойни бўлиш ҳақидаги талабга нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади. Даъво муддатининг ўтиши эр ёки хотин ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ҳисобланади.

Уйни асл ҳолида бўлиш масаласи суд томонидан фуқаролик қонунчилиги нормаларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши лозим (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 223-моддаси).

Бўлиниши лозим бўлган мол-мулк қиймати ҳал қилув қарори чиқариладиган кундаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Уйнинг қиймати низоли уй турган жойдаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Даъвогар даъво аризани тақдим этишда қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши лозим:

никоҳдан ажратилганлиги ҳақидаги суднинг ҳал қилув қароридан нусха ёки никоҳдан ажратилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, уй-жойга нисбатан ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар (уй-жой қуриш учун ер ажратилганлиги ҳақида тегишли ҳокимнинг қарори, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномалари, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома, уй-жойнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома), уй-жойнинг никоҳ давомида қурилганлиги ёки сотиб олинганлигини тасдиқловчи далиллар, ваколатли ташкилот томонидан уй ва унинг қисмлари умумий баҳоси тўғрисида берилган маълумотнома, давлат божи тўланганлиги ҳақида чипта (квитанция).

Бундай тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича даъволар судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим.

7 БОБ. НИКОҲ ШАРТНОМАСИ





7.1. Никоҳ шартномаси тушунчаси ва тартиби

Эр-хотин ўртасидаги мулкӣ муносабатлар оилада вужудга келадиган бошқа барча муносабатларнинг орасида муҳим ўрин эгаллайди.

Оила қонунчилигида никоҳ шартномаси эр-хотин ўртасида ёки никоҳ тузаётган шахсларнинг никоҳ даврида ёки никоҳ бекор қилинганда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишувидир.

Амалиётда никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган қуйидаги талаблар учрайди:

- никоҳ шартномасини ўзгартириш тўғрисида;
- никоҳ шартномасини бекор қилиш тўғрисида;
- никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида.

1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси қабул қилиниши билан миллий қонунчилигимиз учун янгиланган никоҳ шартномаси институти киритилди. Ушбу институтнинг қонунчилигимизга киритилиши эр-хотинлар учун илк бор ўз мулкining ҳуқуқий ҳолатини мустақил белгилаш имкониятини яратади. Шу тариқа, эр-хотин ўртасидаги мулкӣ муносабатлар императив эмас, балки диспозитив тарзда тартибга солина бошлади. Бунинг натижасида эр-хотин никоҳ даврида тўплаган мол-мулкларини аҳоли турмуш тарзининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, шунингдек, ўзларининг муайян манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Никоҳ шартномаси тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 29-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёки эр-хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

Ушбу модданинг мазмунидан келиб чиқиб, никоҳ шартномасининг қуйидаги белгиларини фарқлашимиз мумкин.

Биринчидан, никоҳ шартномаси – бу келишувдир; иккинчидан, никоҳ шартномаси субъектлари никоҳланувчи ёки никоҳ тузиб бўлган шахслар, яъни эр-хотиндир; учинчидан, никоҳ шартномаси эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжатдир.

Қонунда берилган таърифдан келиб чиқиб, никоҳ шартномаси тарафларнинг тенглигига асосланган ва уларнинг умумий иродасини ифодаловчи ўзаро келишув деб баҳолаш мумкин.



7 БОБ. НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди. (ЎзР Оила Кодекси 31-модда).

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси эр ва хотин никоҳ давомида орттирган мол-мулкига нисбатан қонунда белгиланган тартибда ва шартнома билан белгиланган тартибни назарда тутди.

Эр ва хотин мол-мулкнинг қонунда белгиланган тартиби тушунчаси, уларнинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ва никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланишини билдиради. Демак, эр-хотин мол-мулкнинг қонунда белгиланган тартибига кўра эр ва хотин никоҳ давомида орттирган биргаликдаги умумий мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Шунингдек, Оила кодексининг 23-моддаси эр-хотин мол-мулкнинг қонунда белгиланган тартиби ва шартномавий тартибини боғлаб турувчи муҳим қоида ҳам назарда тутди. Яъни эр-хотин мол-мулкнинг қонунда белгиланган тартиби никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлсагина, амал қилади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, эр-хотин мол-мулкнинг қонунда белгиланган тартибини никоҳ даврида орттирилган биргаликдаги мулкка нисбатан умумий қоида сифатида баҳоланиб, ўз-ўзидан амал қилади, шартномавий тартиб эса махсус тартиб бўлиб, махсус битим-никоҳ шартномаси тузилишини тақозо этади.

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилиши мумкин

Никоҳ даврида тузилиши мумкин

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.



Оила кодекси никоҳ шартномаси билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар доирасини белгилаб, мол-мулкнинг шартномавий тартибига биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибларини киритади.

Қонунда белгиланган биргаликдаги мулк тартиби билан шартномада белгиланадиган биргаликдаги мулк тартиби ўртасида, албатта, фарқ мавжуд. Шартномавий тартибга мувофиқ, эр-хотинга никоҳ қайд этилгунга қадар тегишли бўлган мол-мулк ҳам умумий биргаликдаги мулк деб белгиланиши мумкин. Масалан, хотин никоҳ қайд этилгунга қадар уй-жойга, эр эса дала-ҳовлига эга бўлган. Қонунда белгиланган тартибга кўра, бу мол-мулк эр ва хотиннинг ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади, бироқ никоҳ шартномасида бу мол-мулклар биргаликдаги умумий мулк деб белгиланиши ҳам мумкин.

Улушли мулк тартибининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 216–227-моддаларида баён этилган бўлиб, бундай мулкнинг умумий биргаликдаги мулкдан асосий фарқи шундаки, улушли мулкда эр-хотиннинг умумий мулкдаги улушлари нисбатини ўзгартириш мумкин. Масалан, эр-хотин уй-жой сотиб олиб, никоҳ шартномасига мувофиқ уйнинг учдан икки қисмини бир тараф, учдан бир қисмини эса иккинчи тарафнинг мулки сифатида белгилашлари мумкин.

САВОЛ

Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари никоҳ шартномаси предмети бўлиши мумкинми?

ЖАВОБ

Мумкин эмас, чунки никоҳ шартномасида эр-хотиннинг никоҳ даврида ёки никоҳдан ажратилганда уларнинг фақат мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинади.

Масалан, никоҳ шартномасида эр-хотин фарзанд кўришга ҳақли эмас деб, агар ушбу қоида бузилганда эр фарзандни тан олмаслик ҳуқуқига эга ва тузилган никоҳ эса бекор қилинади деб белгилаши мумкин эмас. Шунингдек шартномада эр-хотиннинг хиёнат қилмаслик мажбурияти ҳам белгиланиши мумкин эмас.

Эр-хотин мол-мулкига нисбатан алоҳида эгалик қилиш тартибига мувофиқ, оиланинг бутун мол-мулки ёки унинг бир қисми эр-хотин ўртасида тақсимланиб, уларнинг ҳар бирига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Масалан, эр-хотин автомобиль ва гараж сотиб олиб, автомобиль эрга, гараж эса хотинга тегишли эканлигини белгилашлари мумкин.



САВОЛ

Никоҳ шартномасига эр ёки хотиннинг ахлоқ нормаларига зид бошқача хатти-ҳаракатлари учун мулкий жавобгарлик ҳақидаги шартларни киритиш мумкинми?

ЖАВОБ

Фикримизча, йўқ. Никоҳ шартномасида эр-хотин у ёки бу мулкни топшириш мажбуриятларини эр-хотиннинг никоҳ давридаги хулқи билан боғлаш тўғри бўлмайди. Ақс ҳолда, у ёки бу мулкни топшириш орқали эр-хотиннинг номулкий муносабатларига дахл қилинади, никоҳ шартномасида эса ўз табиатига кўра, эр-хотиннинг мулкий муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Бундан ташқари никоҳ шартномасига эр-хотиннинг бир-бирига садоқатли бўлиш ҳақидаги шартларнинг киритилиши ҳам мумкин эмас.

Никоҳ шартномасига мувофиқ, у ёки бу мулкка нисбатан алоҳида эғалик қилиш тартиби белгиланган бўлса, эр ёки хотин ўзига тегишли мулкни иккинчи тарафнинг розилигисиз, ўз хоҳишича тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай мол-мулкдан иккинчи тарафнинг фойдаланиши ёки бу мулкка эғалик қилишига фақат мулкдорнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, эр-хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби тушунчаси, эр-хотиннинг барча мол-мулки ёки мол-мулкнинг бир қисмига нисбатан, шунингдек, эр-хотиннинг биргаликда ёки ҳар бирининг алоҳида оладиган даромадларига нисбатан биргаликдаги улушли ёхуд алоҳида эғалик қилиш тартибини билдиради.

Эр-хотин никоҳ шартномаси билан бутун мол-мулкларининг тақдирини белгилашлари мумкин, бироқ никоҳ шартномасида назарда тутилмаган ва никоҳ шартномаси билан тартибга солинмаган ҳолатлар юзага келганда Фуқаролик ва Оила кодекси нормаларига амал қилинади.

7.2. Никоҳ шартномасининг шакли ва предмети

Битимнинг шаклига бўлган талаб унинг ҳақиқийлигини белгиловчи муҳим шартдир. Амалдаги қонунчиликка кўра никоҳ шартномаси ёзма ва битта ҳужжат шаклида тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Никоҳ шартномасининг нотариал тасдиқланмаганлиги унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-



Ўзидан ҳақиқий эмасдир ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат туғдирмайди. Никоҳ шартномасининг шаклига қўйилган бундай талаблар никоҳ шартномасининг нафақат эр-хотин, балки учинчи шахслар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигидандир. Агар никоҳ шартномаси кўчмас мулкка таалуқли бўлса, у қонунга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлади.

Никоҳ шартномаси икки томонлама тузиладиган, консенсуал битим ҳисобланади.

Эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда умумий рўзғор юритиш тушунчасини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Умумий рўзғор юритиш тушунчаси биргаликда яшаётган эркак ва аёлнинг (никоҳда бўлиши шарт эмас) ўз мол-мулкларидан фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф қилиш тартибини билдиради. Бу тартиб бир қатор шартларга риоя этилишини тақозо этади.

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

Никоҳ шартномаси қуйидагиларни белгилаши мумкин:

Эр ва хотин барча (мавжуд ёки келажақда қўлга киритилиши мумкин бўлган) мол-мулкнинг ҳуқуқий тартиби

Эр ва хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини (оила харажатларини қўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулк шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва ҳ.к. бўйича)

Эр ва хотиннинг ўзаро моддий таъминот беришини

Никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни

Эр ва хотиннинг мулк шартномаларига оид бошқа қоидалар

Никоҳ шартномаси назарда тута олмайдиган шартлар (қоидалар):

Эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чекловчи шартлар (қоидалар)

Эр-хотин ўртасидаги шахсий номулк шартномаларни тартибга солувчи шартлар (қоидалар)

Эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи шартлар (қоидалар)

Меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидалар (шартлар)

Эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартлар (қоидалар)

1. Эркак ва аёл битта турар-жойда, яъни битта турар-жой ҳисобланган бинода яшаши лозим. Эркак ва аёл кўп қаватли уйларнинг



турли хонадонларида яшаётган ҳолларда умумий рўзғор ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

2. Эрак ва аёл ўртасида мол-мулкдан фойдаланишда ўзаро ишонч ҳақида сўз юритишга асос бўлувчи шахсий муносабатлар мавжуд бўлиши лозим.

3. Мол-мулкдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш эрак ва аёлнинг ўзаро розиликлари асосида амалга оширилиши лозим.

4. Мол-мулкдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш, умумий рўзғор юритаётган иккала тарафнинг ҳам манфаатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Умумий рўзғор юритиш Оила кодексининг 23-моддасида назарда тутилган эр-хотиннинг умумий мулкнинг қонуний асосларига таянади.

САВОЛ

Кўпчилик олимлар никоҳ шартномасини текинга тузилган битимлар сафига киритишади. Бирок, ҳақиқатдан ҳам шундайми?

ЖАВОБ

Агар ҳар қандай никоҳ шартномасини текинга тузиладиган шартномалар қаторига киритадиган бўлсак, унда шартномага ҳақ эвазига амалга ошириладиган шартларни киритиш имкони йўқолади. Бундай шартлар шартнома талабларида мавжуд бўлган тақдирда эса, ҳақиқий эмас деб топилади. Бу ҳолат эр-хотиннинг бир-бири билан муайян турдаги битимларни тузиш ҳуқуқини чеклайди.

Оила кодексига эр-хотин мол-мулкнинг шартномавий тартибининг киритилиши билан фуқаролик қонунчилиги бўйича эр-хотин эга бўлган мулк ҳуқуқ ва мажбуриятларининг шартномавий предмети ҳам белгиланган. Никоҳ шарномасининг предмети ҳақида гап кетганда, биринчи галда, қайси турдаги мулк ҳақида гап бораётганлигини аниқлаш лозим бўлади. Аксарият ҳолларда бундай мулк эр-хотиннинг муайян ашёлари ёки ашёлар йиғиндиси тушунчаларини қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига кўра эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирилган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари ҳисобланади.



У ёки бу мулкни эр-хотиннинг умумий мулки деб ҳисоблаш, эр-хотиннинг ушбу мулкни орттиришдаги улуши ёки мулкнинг баҳоси ва таркибига боғлиқ эмас.

Эр-хотин ўртасида ҳақ эвазига тузиладиган битимларни тузиш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласини ҳал этишда эр-хотиннинг никоҳ даврида мулкӣ ва номулкӣ муносабатлари муҳим роль ўйнайди. Эр-хотин ўртасида умумий ва шахсий мол-мулклардан фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф қилишнинг қандай тартиби ўрнатилганлигига қараб улар ўртасида ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар тузиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мумкин. Бу ерда гап нафақат юридик расмийлаштириш, балки эр-хотин ўртасидаги ҳақиқатда мавжуд мулкӣ муносабатлар ҳақида кетмоқда.

Кўриниб турибдики, умумий рўзғор юриятаётган шахслар ўртасида ҳақ эвазига битимлар тузиш ҳеч қандай мазмунга эга эмас ва уларнинг ўзаро муносабатларининг табиатига ҳам мос эмас. Бироқ никоҳда бўла туриб, ўз мол-мулкларини мустақил тасарруф этувчи эр-хотинлар учун ҳақ эвазига тузиладиган битимлар жуда ҳам зарур. Эр-хотиннинг ўзаро бундай битимларни тузиш ҳуқуқини чеклаб қўйиш, уларнинг фуқаролик қонунчилиги билан кафолатланган ҳуқуқларини чеклаш демакдир.

Оила кодекси никоҳ шартномасини тузишда етарлича эркинлик берилишини белгилаб берган ва никоҳ шартномасига ҳақ эвазига тузиладиган шартларнинг киритилиши бўйича чекловлар мавжуд эмас.

Никоҳ шартномасининг шартлари

Никоҳ шартномасининг мазмуни тушунчаси эр-хотин умумий мол-мулкнинг ҳуқуқӣ ҳолатини белгиловчи шартларини билдиради.

САВОЛ

Никоҳ шартномасида эр-хотин томонидан белгиланган мажбуриятларни таъминлаш мақсадида муайян санкциялар белгиланиши мумкинми?

ЖАВОБ

Ҳа, мумкин, бу санкциялар жарима ёки неустойка шаклида бўлиши мумкин. Бироқ шуни муҳимки, бу санкциялар айнан мулкӣ характердаги ҳаракатларни бажарганлик ёки бажармаганлик учун белгиланиши лозим (пул тўловларнинг амалга оширмаганлиги, мулкни ўтказиб бермаганлик ва ҳ.к.). Акс ҳолда шартноманинг бу шarti эр-хотиннинг номулкӣ муносабатларини тартибга солганлиги сабабли ўз-ўзидан ҳақиқӣ эмас деб ҳисобланади. Бундан ташқари, бундай чоралар эр-хотиннинг мол-мулкӣ



умумий бўлмаган, яъни никоҳ шартномасига асосан эр-хотин мол-мулки алоҳида эгаликда бўлган ёки эр-хотин никоҳдан ажралган ва уларнинг мол-мулки бўлинган ҳоллардагина кучга эга бўлади.

Оила кодекси никоҳ шартномасига у ёки бу шартларни киритишда фуқароларга анча катта эркинлик яратиб берган. Шартнома қисқагина, бир варақдан иборат ҳажмда ҳам, кенг ва батафсил, 10–15 варақдан иборат ҳам бўлиши мумкин. Қонун буни чекламайди, бу ҳолатлар фақат шартнома тузувчи тарафлар ва шартноманинг мақсадига мувофиқ белгиланади.

Эр-хотин никоҳ шартномаси тузиш орқали умумий мулкнинг қонун билан белгиланган ҳолатини ўзгартиришлари: эр-хотиннинг бутун мулкига ёки унинг бир қисми ёхуд эр-хотиннинг ҳар бирининг ўз мулкига нисбатан умумий, улушли ёки алоҳида мулкий ҳуқуқларини белгилашлари мумкин.

Эр-хотиннинг бутун мол-мулкни умумий мулк деб белгилаш тушунчаси эр-хотинга никоҳ тузгунга қадар тегишли бўлган ҳар қандай мулк бирлаштирилиши ва бу мулкка эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи белгиланишини билдиради. Бу ҳолда эр-хотиннинг алоҳида мулкка эгалик қилиши истисно этилади.

Эр-хотиннинг улушли мулки деганда эр-хотиннинг бутун мол-мулки уларнинг умумий улушли мулкига бирлаштирилиши тушунилади. Улушли мулк ҳуқуқи эр-хотиннинг умумий мулкига нисбатан ҳам, алоҳида мулкига нисбатан ҳам белгиланади.

Эр-хотиннинг бутун мол-мулкига нисбатан алоҳида мулкий ҳуқуқлар тушунчаси эр-хотин ўртасида умумий мулк умуман бўлмаслигини билдиради. Барча мол-мулк бўлинган бўлиб, эр-хотиннинг ҳар бири фақат ўзи учун ашёлар сотиб олади.

Никоҳ шартномаси никоҳ қайд қилингандан кейин тузилган ҳолларда, шартномада нафақат эр-хотиннинг ҳар бирининг мол-мулки, балки уларнинг умумий мулки ҳисобланган барча кўчар ва кўчмас мулкларни ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Ашёнинг эскиришини ҳисобга олган ҳолда, унинг баҳосини ёки ашё сотиб олинган вақт, ашёнинг қиймати ва аҳволини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Агар ашё ўзига хос хусусиятга ёки рақамга эга бўлса, буларни ҳам никоҳ шартномасида кўрсатиб ўтиш зарур.

Никоҳ шартномасига айнан қандай шартлар киритилиши лозимлигини аниқлаш учун никоҳ шартномаси қандай мақсадларда тузилаётганлигига эътибор қаратилиши лозим. Никоҳ шартномасининг



мақсадлари эса, аксарият ҳолларда, шартноманинг оилавий муносабатларнинг қайси босқичида тузилаётганлигига боғлиқ.

Никоҳ шартномаси оила қуришни режалаштираётган ёшлар орасида тузилганда, уларнинг келгусида орттирадиган мол-мулкларининг ҳуқуқий ҳолати аниқланилиши лозим. Мол-мулкнинг эр-хотиннинг умумий мулклари ҳисобига ёки уларнинг ҳар бирининг шахсий эгаллигига ўтиши ҳолатлари аниқ белгиланиши лозим.

Эр-хотиннинг иккаласи ҳам ишлаб, барқарор ва салмоқли даромадга эга бўлсалар, уларнинг даромадларини тақсимлаш тартибини ҳам белгилаш зарур бўлади. Яъни, даромадларнинг қайси қисми оила бюджетига, қайси қисми эса бу даромадни олган эр ёки хотиннинг шахсий эгаллигида қолиши ҳал этилмоғи лозим.

Эр ёки хотиндан бири ишламасдан рўзғор юритган тақдирда, у иккинчи тараф даромадларининг қанчасига даъво қилиши мумкинлиги ҳам кўрсатиб ўтилиши лозим.

Келгусида орттириладиган мол-мулкдан ташқари, никоҳ тузилаётган вақтда мавжуд бўлган ва тўйда совға қилинган ашёлар ҳам кўрсатиб ўтилади.

Оила кодекси нормаларига мувофиқ, никоҳгача орттирилган мол-мулк, ушбу мулкни орттирган эр ёки хотиннинг мулки ҳисобланади ва уни никоҳ шартномасида кўрсатиб ўтиш шарт эмас. Бироқ келгусида ушбу мулк никоҳ даврида ёки никоҳгача олинганлиги ҳақидаги низоларнинг олдини олиш мақсадида, қимматбаҳо ашёларни эр ёки хотиннинг алоҳида эгаллигида эканлигини никоҳ шартномасида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Никоҳ шартномаси бир неча йил бир оила бўлиб яшаган эр-хотинлар ўртасида тузилганда, биринчи навбатда, орттирилган мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш лозим бўлади. Баъзи ҳолларда эр ёки хотин уй-рўзғор ишлари ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланиши мумкин. Шундай ҳолларда никоҳ шартномасида эр ёки хотиннинг оила фаровонлигига қўшаётган ҳиссалари қандай баҳоланишини ҳам киритиб ўтиш керак.

Никоҳ даврида эр-хотин мулкий муносабатларини тўла тартибга солиш мақсадида, нафақат орттирилган мулкнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашлари, балки бу мол-мулклардан никоҳ даврида, шунингдек, никоҳ тугатилгандан кейин ҳам фойдаланиш шартларини белгилашлари мақсадга мувофиқдир.



Мулкнинг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартириш билан боғлиқ масалалардан ташқари, никоҳ шартномасида бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин:

– эр ёки хотиннинг моддий таъминоти бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш;

– эр-хотиннинг оилавий мажбуриятларининг бажарилиши;

– никоҳ бекор қилинганда эр ёки хотинга қолдириладиган мол-мулкларни белгилаш;

– эр-хотиннинг мулкий муносабатларига алоқадор бошқа ҳолатлар.

Кўриниб турибдики, никоҳ шартномасида эр-хотин белгилаши мумкин бўлган қоидалар эркин тарзда белгиланади, лекин шуни эътиборда тутиш керакки, никоҳ шартномаси эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади ва оила қонунчилигининг асосий негизларига зид бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 31-моддаси никоҳ шартномасига киритиш мумкин бўлмаган шартларни белгилаб беради. Булар:

– эр ёки хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чекловчи шартлар, зеро фуқароларнинг муомала ёки ҳуқуқ лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир;

– эр (хотин)нинг ўз ҳуқуқларини учинчи шахслар ёки хотин (эр)дан ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чекловчи шартлар;

– эр-хотин ўртасида шахсий номулкий масалаларни тартибга солувчи шартлар;

– эр хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи шартлар;

– меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотинни моддий таъминот олиш ҳуқуқини чеклашга қаратилган шартлар;

– эр ёки хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёки оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартлардир.

Эр ёки хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёки оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни никоҳ шартномасига киритиш мумкин эмас деганда эр-хотиннинг барча ёки деярли барча мол-мулки бир тарафнинг эгаллигида бўлиши ёки оиланинг бутун даромадлари бир тарафларнинг эгаллигига келиб тушиши мумкин эмаслиги назарда тутилади.



Никоҳ шартномасининг ҳажми, шартнома шартларининг сони ва мазмуни эр-хотиннинг ихтиёри билан белгиланади.

Никоҳ шартномасининг кўчмас ва кўчар мулкларга оид шартлари.

Маълумки, никоҳ шартномаси, аксарият ҳолларда, нафақат уй-рўзгор буюмлари ва оилавий даромадларни эр-хотин ўртасида тақсимлаш учун, балки кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни ҳам тартибга солиш мақсадида тузилади.

Никоҳ шартномасининг предмети бўлган кўчмас мулк кўп ҳолларда турар-жойдир, шу сабабли ҳам уларни бўлиш, сотиш ва ҳатто эгалик қилиш ҳам муайян муаммоларни туғдиради.

Никоҳ шартномасига кўчмас мулкка оид шартлар киритилишининг муҳим хусусияти шундаки, шартномада кўрсатилган кўчмас мулкнинг манбалари, баъзи ҳолларда эса баҳосини ҳам тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилади.

НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ

Эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди

Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди (никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно)

Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади

Никоҳ шартномасини нотариал тасдиқлаш мажбурийлиги сабабли, шартномани расмийлаштиришда нотариус шартномада кўрсатилган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини берувчи барча ҳужжатларни талаб қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддасига мувофиқ кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади.

Никоҳ шартномасида кўчар мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш бир вақтнинг ўзида осон ва мураккабдир. Аксарият ҳолларда никоҳгача сотиб олинган кўчар мулк ёки ҳақ эвазига тузилмайдиган битимлар асосида олинган ашёларнинг тақдирини белгилаш бир



қанча муаммоларга сабаб бўлади. Кўп ҳолларда эр-хотиннинг умумий мулкларини бўлишда уй-рўзғор буюмлари: телевизор, компьютер, кир ювиш машиналари ва шунга ўхшаш ашёларнинг тегишлилиги бўйича муаммолар келиб чиқади.

Қандай қилиб бундай низоларнинг олдини олиш мумкин?

Бундай ҳолда никоҳ шартномаси бу муаммоларни оддий ва ишончли йўл билан ҳал этилиши имконини беради. Бунинг учун масалан, шартномага қуйидаги шартларни киритиш мумкин:

1) никоҳ даврида барча уй-рўзғор буюмлари эр-хотиннинг умумий эгалигида бўлиши ҳолатлари;


2) никоҳ тугатилган ҳолларда бу буюмлар эр-хотин ўртасида қуйидаги тартибда тақсимланади деб кўрсатилиб, яъни теле-, видео- ва компьютер техникаси эр (хотин)нинг мулки, мебель ва ошхона ашёлари хотин (эр)нинг мулки деб ҳисобланади.

Бу мисол, албатта, жуда ҳам умумий характерда, бироқ амалиётда бундай шартларни ашёларнинг барча турларини санаб, уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб (масалан, ўсимликлар, ҳайвонлар, махсус техника), батафсил баён этиш мумкин.

Бу усул кўчар мулкни бўлишда юзага келадиган барча муаммоларни ҳал этмайди, албатта. Шу сабабли ҳам, никоҳ шартномасини тузишда, биринчи навбатда эр-хотиннинг ўзаро келишуви билан кўчар мулкнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи шартларни киритиш мақсадга мувофиқдир.



8 БОБ. НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ





8.1. Эр-хотиндан бирининг вафоти оқибатида никоҳ тугатилиши

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 37-моддасининг 1-қисмига асосан эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди.

НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШ АСОСЛАРИ

Эр-хотиндан бирининг вафоти

Суд эр-хотиндан бирини вафот этган деб эълон қилиши

Никоҳдан ажратиш


Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 2-бандида, Оила кодексининг 37-моддасига мувофиқ никоҳ эр-хотиндан бирининг вафоти ёки улардан бири суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида тугаши, эр ва хотин ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан тугатилиши мумкинлиги, зарур ҳолларда, агар буни муомалага лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатлари ҳимояси тақозо этса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза унинг васийси томонидан берилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

СУД АМАЛИЁТИ

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2012 йил 19 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Г. Тўлаганованинг жавобгар А. Тўлагановга нисбатан даъвоси қаноатлантирилиб, тарафлар никоҳдан ажратилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилган.

Аниқланишича, жавобгар А. Тўлаганов 2012 йил 14 январда вафот этган. Жавобгарнинг вафоти муносабати билан никоҳ тугаганлиги сабабли, кассация инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини асоссиз деб топган (4/99-2012-сонли ажрим).



8.2. Суд тартибида никоҳдан ажратиш

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасига асосан агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Суд томонидан никоҳдан ажратиш ишларни кўришда эътибор қилиши керак бўлган масалалар:

Суд эр-хотиннинг қуйидаги масалалар бўйича келишувлари мавжудлигини текширади:

- уларнинг вояга етмаган фарзандлари ким билан яшати тўғрисида;
- фарзандлар ва (ёки) муомалага лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотин таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ва миқдори тўғрисида;
- эр-хотиннинг умумий эгалигидаги мулкни бўлиш тўғрисида.

Никоҳдан ажратилишига эр (хотин) қарши бўлганда суд оилани сақлаш, даъво аризада кўрсатилган ва аниқланган асосларни бартараф қилиш чораларини кўради, даъво аризада кўрсатилган важларнинг қанчалик асосли эканлигини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 15, 16-бандларидаги тушунтиришларда Оила кодекси 1-моддаси иккинчи қисми талабига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда, суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилганда суд Оила кодекси 40-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эр-хотинга ярашишлари



учун олти ойгача муддат тайинлашга ҳақли. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, Оила кодекси 218-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда ярашиш учун бериладиган муддат уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланади. Эр-хотин ярашиши мақсадида олти ойлик муддат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкин.

Никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шарт. Шу мақсадларда, суд ишни иккала тараф иштирокида кўриши лозим.

Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда келмаслик сабаблари узрли ёки узрсизлигидан қатъий назар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради. Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, суд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли. Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли (ФПК 174, 175-моддалари).

НИКОҲДАН ФҲДЁ ОРГАНЛАРИДА АЖРАТИШ

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар

Ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар эр-хотиндан бирининг аризасига кўра эр-хотиндан бири:

- суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса

- суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса

- судир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда башарти даъвогар бунга қарши эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш



юритиш тартибида кўрилиши мумкин (ФПК 224-моддаси). Бундай ҳолда фақат суд жавобгарни сўроқ қилмасдан туриб ҳам ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама ва тўлиқ текширилганлиги ҳақида хулосага келган тақдирдагина никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилиши мумкин.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар

- никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш (ўзр ок 51-банд);
- никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжудлигида тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш (ўзр ок 52-банд);
- мажбурлаш орқали тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш (ўзр ок 53-банд);
- сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш;
- никоҳ тузаётган шахслардан бири томонидан икки шахсдан ўзида таносил касаллиги ёки одам иммунтанқислиги вируси (оитс инфекцияси) мавжудлигини яшириш натижасида тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш (ўзр ок 49-банд 1-қисми 3-хатбоши);
- никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ҳалол эр-хотин етказилган маънавий ва моддий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Эр-хотиндан бири доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетган ва унинг суд мажлисига келиш имконияти бўлмаган ҳолларда суд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари нормаларига мувофиқ тарафларни хабардор қилиш чораларини кўради.

ОҚда никоҳдан ажратиш учун асос бўлган рўйхатлар келтирилмаган.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб фақат эр-

хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим (Оила кодекси 41-модда).

Суд амалиётида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъвони кўзгатишга, одатда, эр-хотиннинг спиртли ичимликка ружу қўйганлиги, қўпол муомала бўлиши, узоқ вақт давомида бирга яшамаслиги, хиёнат ёки иккинчи оиланинг бўлиши, фарзанд бўлмаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлади.

СУДНИНГ НИКОҲДАН АЖРАТИШ АСОСЛАРИ

Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Аммо турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодикий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек, эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий



важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.

Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда суд даъвони рад этади.

СУД АМАЛИЁТИ

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар Н. Сиддиқовнинг даъвоси қаноатлантирилиб, даъвогар жавобгар Г. Толипова билан бўлган никоҳдан ажратилган.

Биринчи инстанция суди тарафларнинг оиласи ёш оила бўлиши, 1 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, фақатгина 4 ой бирга яшашмаётганлиги, даъвогар даъвосини жиддий важлар билан асосламаганлиги ҳолатларини эътиборга олмаган, эр-хотинга ярашишлари учун муддат тайинламаган.

Оилани сақлаб қолишга имконият йўқлигини тасдиқловчи ҳолатлар ишда мавжуд эмаслиги сабабли Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юзасидан даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори чиқарилган (3-278-12-сонли ажримдан кўчирма).

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 39-моддасига мувофиқ хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 6-бандидаги тушунтиришларга кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда шуни инобатга олиш лозимки, Оила кодексининг 39-моддасига мувофиқ, эр хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга, гарчи у туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтариди боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмаётган вафот этган ҳолларга ҳам тадбиқ этилади.

СУД АМАЛИЁТИ

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра даъвогар А. Бердиевнинг жавобгар Н. Бердиевага нисбатан даъвоси қаноатлантирилиб, тарафлар никоҳдан ажратилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни рад қилиш



ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, тарафлар 1999 йил 6 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, турмушларидан икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор. Тарафлар ўзaro келишмовчиликлар сабабли 2010 йил январь ойдан буён алоҳида яшаб келишади.

Судда даъвогар ажрашиб кетишларига жавобгарнинг унга нисбатан ҳурматсизлиги, турмушлари давомида бир-бирларини тушунмаганликлари, жавобгар савдо-сотик билан шуғулланиб, уй-жой ва фарзандлари тарбиясига аҳамият бермай, ўзини менсимай кўйганлиги ва ҳозирда бошқа бегона эркак билан шаръий никоҳ ўқитиб яшаётганлигини, оилани тиклашга ҳаракат қилганлигини, бироқ оиласи тикланмаганлигини, жавобгар билан оилавий муносабатлари тугаганлигини билдириб, никоҳдан ажратишни сўраган.

Жавобгар ҳам ўз навбатида, ажрашишга рози эканлигини, даъвогар билан муносабатлари тугаганлигини билдирган.

Биринчи инстанция суди аниқланган ҳолатларга тегишли баҳо бериб, оилани тиклаш имкони қолмаганлиги тўғрисида асосли хулосага келган бўлсада, кассация инстанцияси тарафларга ярашиш учун муҳлат берилмаганлигини кўрсатиб ҳал қилув қарорини бекор қилган ва даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги янги ҳал қилув қарорини чиқарган.

Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан мазкур иш юзасидан қабул қилинган вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган (ФСХ-229-12-сонли ажримдан кўчирма).

Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул қилинган бўлса, суд иш юритишни тугатади. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш хотиннинг розилиги билан кўзгатилган бўлиб, ишни суд мажлисида кўриш вақтида у никоҳдан ажратишга қарши эътироз билдирган, шунингдек, хотиннинг ҳомиладорлиги ва унинг никоҳдан ажратишга розилиги йўқлиги ишни апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида кўриш вақтида маълум бўлган барча ҳолларда ҳам иш юритиш тугатилиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, Оила кодексининг 39-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво хотин томонидан кўзгатилишига тўсқинлик қилмайди.

СУД АМАЛИЁТИ

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар Т.Бегматовнинг жавобгар М.Бегматовга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилиб, тарафлар никоҳдан ажратилганлар.



Тарафларнинг икки нафар вояга етмаган фарзанди жавобгар М. Бегматованинг қарамоғида қолдирилган. Жавобгар М. Бегматова ҳал қилув қароридан норози бўлиб апелляция шикоятни билан мурожаат этиб, никоҳдан ажратилишига норозилигини, 2010 йил 26 ноябрда туғилган Фозил исмли бир ёшга тўлмаган фарзанди борлигини, оилани сақлаб қолиш ниятидалигини билдирган.

Вилоят суди апелляция инстанцияси тарафларнинг бир ёшга тўлмаган фарзанди бўлиб, хотин никоҳдан ажралишга норозилигини эътиборга олиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва фуқаролик иши юзасидан иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарган (3-12-сонли ажримдан кўчирма).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 18-бандида судларга, айнан ўша тарафлар томонидан айнан ўша асослар бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси суднинг иш юритувига бундай даъво ни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги, ёхуд тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб, камида олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши, бундай даъво янги асосларга кўра тақдим этилганда такрорий даъво аризаси мазкур муддатга риюя қилинмасдан берилиши мумкинлиги тушунтирилган.

СУД АМАЛИЁТИ

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар Ш. Ғайратовнинг жавобгар М. Ғайратовага нисбатан даъвоси қаноатлантирилиб, тарафлар никоҳдан ажратилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, фуқаролик иши юзасидан иш юритиш тугатилган.

Аниқланишича, даъвогар Ш. Ғайратов аввал шу мазмундаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 15 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво ни қаноатлантириш рад этилган эди. Шундан сўнг Ш. Ғайратов жавобгар М. Ғайратова билан ўрталаридаги никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга 2011 йил 18 майда, яъни никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво ни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг 4 ой 13 кун ўтганидан сўнг мурожаат қилган бўлсада, туманлараро суди даъво аризани иш юритувга қабул қилиб, мазмунан ҳал қилган (28.03.2012 йилдаги ажрим).



Никоҳдан ажратиш масаласи ФХДЁ органлари ваколатига тааллуқли бўлган айрим ҳолларда ҳам у суд тартибида амалга оширилиши мумкин, чунончи, агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза беришдан бош тортса ёки ФХДЁ органига ариза бериш учун шахсан келиш имкониятига эга бўлмаса ёхуд ариза бериб, никоҳдан ажратишни қайд этиш учун ҳозир бўлмаса. Бундай ҳолатлар мавжудлиги ФХДЁ органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномалари ва ҳ.к.лар билан тасдиқланиши мумкин.

Эр-хотиндан бирининг никоҳгача бўлган фамилиясига қайтариш

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 46-моддасига биноан, никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли ёхуд унинг хоҳишига биноан суд томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 220-моддасига мувофиқ, эр-хотиндан бирининг никоҳгача бўлган фамилиясини қайтариш тўғрисидаги истаги никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризада кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорини 29-бандига кўра никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисми куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

– тарафларнинг барча талаблари бўйича, шу жумладан, биргаликда кўриш учун бирлаштирилган талаблари бўйича ҳам суд хулосаларини;

– фуқаролик ҳолатларини қайд этиш дафтаридан никоҳдан ажратишни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар (никоҳ қайд қилинган сана, далолатнома ёзувининг рақами, никоҳни қайд қилган органнинг номи);

– эр-хотиннинг фамилиялари никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ (никоҳга кириш вақтида фамилия ўзгартирилган бўлса, никоҳгача бўлган фамилия ҳам);



– эр-хотиннинг ҳар бирдан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори ёки улардан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида кўрсатма (давлат божи миқдорини белгилашда суд улардан ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг бузилишида айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан, вояга етмаган болалар эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади);

– мол-мулк қиймати – эр-хотиндан бирига мол-мулк асл ҳолида берилганда.

Юқорида келтирилган Пленум Қарорининг 30-бандига биноан никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли. Бироқ унинг хоҳишига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда суд томонидан унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин. Агар мазкур масала суд томонидан қарор чиқариш пайтида ҳал қилинмаган бўлса, фамилияни ўзгартириш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан никоҳдан ажралишни қайд этиш пайтида ҳал этилади.

Бундай тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашда куйидагиларга эътибор бериш лозим!!!

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги фуқаролик ишлари никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволар, қоида тариқасида, жавобгарнинг доимий яшаш жойидаги судга, ФПК 241-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса даъвогарнинг хоҳиши бўйича тақдим этилади. Хусусан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво:

- жазо муддатидан қатъий назар, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс билан (агар иш суднинг судловига тааллуқли бўлса) – мазкур шахснинг судлангунга қадар охирги яшаш жойида;

- яшаш жойи номаълум бўлган шахс билан унинг маълум бўлган охирги яшаш жойида ёки унинг мол-мулки турган жойда, даъвогар вояга етмаган болалари борлиги ёки саломатлиги туфайли жавобгарнинг яшаш жойига боришга қийналган ҳолларда эса даъвогарнинг яшаш жойида.

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган ёки мамлакатдан чиқиб кетган шахс билан унинг мол-мулки турган жойда ёки Ўзбекистон Республикасида маълум бўлган охирги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.



8 БОБ. НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризани судга тақдим этишда даъвогар куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг асли, фарзандларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар нусхаси, даъвогар ва жавобгарнинг иш ҳақи тўғрисида маълумотнома, даъвогар ва жавобгарнинг яшаш жойидан маълумотнома, давлат божи тўланганлиги ҳақидаги чипта (квитанция).

НИКОҲДАН АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРИШ ВАҚТИДА СУД ТОМОНИДАН ҲАЛ ЭТИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

<p>Эр-хотиннинг куйидаги масалалар бўйича келишуви (агар бўлса):</p> <ul style="list-style-type: none"> • вояга етмаган болалар ким билан яшаши; • вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби ва ушбу ушбу маблағнинг миқдори; • меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби ва ушбу маблағнинг миқдори; • эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ва ҳ.к. 	<p>Эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаса</p> <p>Келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид бўлса</p>	<p>Суд куйидаги масалаларни ҳал қилиши шарт:</p> <ul style="list-style-type: none"> • никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшаши; • вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилиши; • эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши; • эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши. <table border="1" data-bbox="517 861 987 1037"> <tr> <td data-bbox="517 861 748 1037"> <p>Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади</p> </td> <td data-bbox="748 861 987 1037"> <p>Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди</p> </td> </tr> </table>		<p>Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади</p>	<p>Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди</p>
<p>Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади</p>	<p>Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди</p>				

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш борасида тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдиришга ва эр-хотинга ярашишлари учун олти ойгача муҳлат белгилашга ҳақли.

Оиладаги вақтинчалик келишмовчилик, тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан низолар, шунингдек, жиддий асосларга эга бўлмаган сабабларга кўра эр-хотиндан бирининг ёхуд ҳар иккаласининг никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳни бекор қилиш учун етарли асос бўла олмайди.



Суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик ишларини кўришда Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 44-моддасида кўрсатилган талабларни ҳал этиши лозим.

**НИКОҲДАН АЖРАТИЛГАНДА
НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШ ВАҚТИ**

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик ишларини кўришда судлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 38–47-моддалари, Ўзбекистон Республикаси

ФПК 241-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 06-сонли қарорига асосланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 43-моддасида кўрсатилган ҳолатларда эр-хотиннинг бирининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш ФХДЁ органлари орқали амалга оширилади.



**9 БОБ.
ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ**



9.1. Фарзандликка олиш

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 151-моддасига мувофиқ фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади.

Амалиётда асраб олиш билан боғлиқ қуйидаги талаблар учрайди:

- ўғай ота ёки ўғай она томонидан ўғил бола ёки қиз болани асраб олиш тўғрисида ариза;
- эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан ўғил бола ёки қиз болани асраб олиш тўғрисида ариза;
- асраб олишни бекор қилиш тўғрисида асраб олиш тўғрисидаги иш кўрилаётганда ариза берувчилар, шунингдек, асраб олинувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти ва туғилган жойини ўзгартириш тўғрисида ариза беришлари мумкин.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга

олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 31–1-бобида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади.

КИМЛАР ФАРЗАНДЛИККА ОЛУВЧИЛАР БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС?

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;
- асаб касалликлари ёки нарколегия муассасаларида рўйхатда турувчилар;
- Оила Кодекси 169-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;
- қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ 15 ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.



Ака-укалар ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди, фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларига мувофиқ келган ҳоллар бундан мустасно.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ СИР САҚЛАШ

Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

Куйдагилар фарзандликка олишни сир сақлашлари шарт:

- фарзандликка олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган судьялар;
- фарзандликка олишни давлат рўйхатидан ўтказган мансабдор шахслар;
- фарзандликка олингилар тўғрисида бошқача усулларда хабардор бўлган шахслар.

Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши ёзилган дафтарга, агар бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган бўлса, унинг ота-онаси деб ёзилиши керак.

Фарзандликка олувчиларнинг илтимоси асосида боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига беради.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризага куйдагилар илова қилинган бўлиши керак:

– никоҳда турган шахслар (шахс) томонидан фарзандликка олингилар – фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг кўчирма нусхаси;



– эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинганда бошқасининг розилиги. Агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эрнинг (хотиннинг) яшаш (турган) жойи номаълум бўлса, шунингдек, бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди;

– никоҳда турмаган шахс томонидан фарзандликка олинганда фарзандликка олувчи паспортининг кўчирма нусхаси ва никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

– фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) соғлиғи ҳолати ҳақида тиббий хулоса (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркология муассасалари, шунингдек ОИТСга қарши кураш марказларининг маълумотномалари);

– фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи тўғрисида маълумотнома ёки бошқа даромад манбалари тўғрисидаги маълумотнома;

– турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

– фуқаро фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги ҳужжат.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШДА УСТУНЛИК ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР

Фарзандликка олишда қуйидагилар устунлик ҳуқуқига эга бўладилар:

– турар-жойидан қатъи назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари;

– фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс;

– ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;

– ўғай ота ва ўғай она;

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

– касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига ушбу



модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бола қонуний вакилининг розилиги ва бола қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат ваколатли органининг розилиги илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек, фарзандликка олувчилар қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат (бола Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинаётганда – ушбу шахслар қайси давлатда доимий яшаш жойига эга бўлса, ўша давлат) ваколатли органининг уларнинг яшаш шароитлари ҳақида ва фарзандликка олувчилар бола олиш имкониятлари ҳақидаги хулосаси, тегишли давлат ваколатли органининг фарзандликка олинаётган боланинг ушбу давлатга кириши ва мазкур давлат ҳудудида доимий яшаши учун рухсатномаси, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси вакилларига фарзандликка олинган бола ҳақида ахборот бериш ва бола билан мулоқот қилиш имкониятини яратиб бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган мажбурияти илова қилинади.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНАЁТГАН БОЛаниНГ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНИШИГА РОЗИЛИГИ

10 ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органлари ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда аниқланади.

Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши керак. Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар



Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

БОЛАНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШДА ОТА-ОНАСИНИНГ РОЗИЛИГИ

- нотариал тасдиқланган ёзма шаклдаги аризада акс эттирилиши мумкин;

- фарзандликка олиш тўғрисида иш юритилаётганда бевосита судда баён этилиши мумкин.

Суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар ота-она боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олишга ҳақли.

Ота-она боланинг муайян бир шахс (шахслар) томонидан фарзандликка олинишига розилик беришлари ёки фарзандликка беришга розилик билдириб, фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола қилишлари мумкин.

Бундай тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим!!!

Судья ишни судда кўришга тайёрлашда ажрим чиқаради, унга кўра фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти оқланади.

ОТА-ОНАНИНГ РОЗИЛИГИСИЗ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади:

- ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;

- ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;

- ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

- ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.



Васийлик ва ҳомийлик органининг фарзандликка олиш асосли эканлиги тўғрисидаги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосасига қуйидагилар илова қилинган бўлиши керак:

– фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойи ёки фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномаси. Фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномасида бошқа маълумотлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган фарзандликка олиш учун тўсиқлар бор-йўқлиги кўрсатилиши шарт;

– фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма;

– фарзандликка олинаётган боланинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса;

– ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олишга, шунингдек, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлигига ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) унинг ота-онаси (отаси ёки онаси) сифатида қайд этилишига розилиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 156-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

– бола ота-онасининг (отасининг ёки онасининг) унинг фарзандликка олинишига розилиги, ўн олти ёшга тўлмаган ота-онанинг боласи фарзандликка олинаётганда эса ота-она қонуний вакилларининг ҳам розилиги, қонуний вакиллар мавжуд бўлмаган тақдирда эса – васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 160-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

– бола унинг қариндошлари бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинганда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ва фарзандликка олишга номзодларни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасида фарзандликка олинаётган бола ҳақидаги маълумотлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оиласига тарбияга



олиш ёки боланинг қариндошлари томонидан ушбу қариндошларнинг фуқаролиги ва яшаш жойидан қатъий назар, фарзандликка олиниши имконияти мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Зарурат бўлганда, суд бошқа ҳужжатларни (маълумотларни) ҳам талаб қилиб олиши мумкин.

ОТА-ОНАНИНГ РОЗИЛИГИСIZ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

Фарзандликка олиш куйидаги ҳолларда ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади:

- ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;
- ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
- ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;
- ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни албатта фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида кўриб чиқади.

Зарур ҳолларда суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек, ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда қатнашишга жалб қилиши мумкин.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни суднинг ёпиқ мажлисида кўриб чиқади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни мазмунан кўриб чиқиб, фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида ёхуд уни қаноатлантиришни бутунлай ёки қисман рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарориди фарзандликка олинган боланинг туғилиши ёзилган дафтарга ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) тўғрисидаги барча маълумотлар кўрсатилади.

Бола битта шахс томонидан фарзандликка олинаётганда унинг манфаатларини кўзлаб, агар фарзандликка олувчи эркак бўлса,



онасининг хоҳишига кўра ёки агар фарзандликка олувчи аёл бўлса, отасининг хоҳишига кўра, шунингдек, агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган ота ёки она ота-онасининг (буванинг ёки бувининг) илтимосига кўра суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорида фарзандликка олинган боланинг отаси ёки онаси билан ёхуд вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошлари билан ҳуқуқий муносабатлари сақлаб қолиниши кўрсатиб ўтилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилишини ёзиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан белгиланади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

9.2. Фарзандликка олишни бекор қилиш

Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш даъво ишларини юритиш тартибида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 169-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш агар фарзандликка олувчилар:

- ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар;
- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмом қилаётган бўлсалар;
- фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар;
- муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар бекор қилиниши лозим.

Фарзандликка олинувчининг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олинувчи



вояга етганидан кейин фарзандликка олиш бекор қилинишига йўл қўйилади.

Суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши лозим:

- ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар;
- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар;
- фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар;
- муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар.

Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Суднинг фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб суд уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг (2002 йил 14 июнда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 22, 23, 24-бандларидаги тушунтиришларига кўра «бир қатор объектив сабаблар»га ота-онанинг (улардан бирининг) руҳияти бузилиши ёки бошқа сурункали касаллиги, оғир шароитнинг вужудга келиши, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқаларга кўра болаларни ота-онасининг ихтиёрида қолдириш хавфи деб топилса, суд Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ, шу моддада кўрсатилган шахс ва органларнинг даъвосига биноан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан туриб ота-онадан (улардан биридан) болани олиш



тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаш) ва васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига топшириши мумкин.

КИМЛАР ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШНИ ТАЛАБ ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА?

Қуйидагилар фарзандликка олишни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга:

- фарзандликка олинганнинг ота-онаси;
- прокурор;
- васийлик ва ҳомийлик органлари;
- вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар;
- 16 ёшга тўлган фарзандликка олинган боланинг ўзи.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар ҳам прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўрилади.

Фарзандликка олгандан (олганлардан) болаларни олиш тўғрисидаги масала ҳам, фарзандликка олишни бекор қилиш учун қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлмаса, шундай тартибда ҳал этилиши мумкин.



Фарзандликка олган (олганлар) мажбуриятларини бажаришдан бош тортган ёки ўзининг ҳуқуқларини суиистеъмол қилган ҳолатда, унга нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 169-моддасига мувофиқ фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисида даъво қўзғатилиши мумкин, чунки фарзандликка олувчиларда ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятлари насл-насаби туфайли эмас, балки фарзандликка олганликлари муносабати билан вужудга келади.

Суд болаларни ота-онасидан ёки фарзандликка олганлардан олишда (ота-оналик ҳуқуқини чеклашда) ота-онани (улардан бирини) боланинг таъминоти учун алимент ундириш масаласини ҳал қилиши лозим.

Фарзандликка олганларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлари ёки уларни лозим даражада бажармаганликлари суд томонидан фарзандликка олишни бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Боланинг манфаатлари учун зарур бўлган бошқа ҳолларда ҳам фарзандликка олиш суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Суд фарзандликка олишни бекор қилишда боланинг моддий ёрдамга муҳтожлигини аниқлаб, собиқ фарзандликка олганни унинг таъминоти учун маблағ тўлашга мажбур қилишга ҳақли.

Бундай ҳолда боланинг моддий таъминоти учун маблағ ундириш суд томонидан собиқ фарзандликка олганнинг ва ундирувчининг моддий ва оилавий шароитларини ҳисобга олиб, қатъий суммада амалга оширилади.

Бундай тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашда куйидагиларга эътибор бериш лозим!!!

Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар билан фарзандликка олинганнинг ота-онаси, васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, прокурор, ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган болалар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундай тоифадаги ишларни кўришда суд фарзандликка олувчилар ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортганлик ёки уларни лозим даражада бажармаётганлик, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётганлик, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлганлик, муттасил



ичкиликбозлик ёки гиёхвандликка мубтало бўлганлик ҳолатларини ҳар томонлама, атрофлича текшириб, кўрсатилган ҳолатларнинг бирортаси тасдиқланган тақдирда фарзандликка олишнинг бекор қилиниши мумкинлигига эътиборни қаратиши лозим.

Суднинг фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кириши билан фарзандликка олинган бола бир тарафдан фарзандликка олувчилар ва уларнинг қариндошлари, иккинчи тарафдан, бир-бирлари билан бўлган барча ҳуқуқий муносабатларни тугатадилар, бола билан унинг ота-онаси (ота-онанинг қариндошлари) ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар (агар ота-она ота-оналик ҳуқуқидан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасида назарда тутилган асосларда маҳрум қилинмаган бўлса) тикланади.

Мазкур тоифадаги даъволар фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ ОҚИБАТЛАРИ

Фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинувчи бола билан фарзандликка олувчиларнинг (фарзандликка олувчиларнинг қариндошлари) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота-онанинг қариндошлари) ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади.

Боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек болани ота-онасига бериш унинг манфаатларига зид бўлса, у васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига берилади.

Суднинг ҳал қилув қарориди фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва отасининг исмини сақлаш-сақланмаслиги кўрсатилиши керак.

10 ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Даъвогар даъво аризани тақдим этишда қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши лозим: фарзандликка олиш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қароридан нусха, болани фарзандликка бериш учун




ота-онанинг ёзма розилиги, фарзандликка олувчининг эри (хотини) нинг фарзандликка олишга ёзма розилиги, фарзандликка олувчи ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётганлиги ёки уларни лозим даражада бажармаётганлиги, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмом қилаётганлиги, муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлигини тасдиқловчи далиллар (васийлик ва ҳомийлик органларининг далолатномалари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бўлимларининг хулосалари, суд ҳукмлари, тергов органлари қарорлари ва бошқа ҳужжатлар), давлат божи тўланганлиги ҳақида чипта.

Ушбу ҳисоб кутубхона
Давлат Мустақиллиги
1000 йил 2 юбилейга
100 млн. маблағ билан
ТАҚДИМ ҚИЛДИ

ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ

1. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ
2. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ
3. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ
4. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ
5. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ
6. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ
7. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ
8. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ
9. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ
10. Савдога барқарорлик вакиллик қилишнинг асосий шартлари билан боғлиқ

10 БОБ. ДАВЛАТ БОЖИ





10.1. Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божи

Давлат божи деганда юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов тушунилади.

Давлат божи бошқа мажбурий тўловлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, судлар фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этишлари шарт.

Давлат божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодексининг XVII бўлими (бундан буён – СК), Фуқаролик процессуал кодексининг (кейинги ўринларда – ФПК) ўнинчи боби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги ва 1993 йил 19 августдаги 423-сонли «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида»ги қарорлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 104-моддасига кўра фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

- биринчи инстанция судига бериладиган суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризалардан;
- даъво аризаларидан;
- давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан;
- алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалардан;
- ҳакамлик суди ҳал қилув қарорлари билан боғлиқ ишлар бўйича аризалардан;
- апелляция, кассация шикоятларидан;
- суд қарорлари устидан назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризалардан;
- суд ҳужжатлари нусхаларини берганлик учун.

Давлат божи ариза, даъво аризаси шикоят судга берилгунга қадар тўланади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса (масалан,



тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилинган, давлат божи тўлаш кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган ҳолларида).

Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланиши шарт.

Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган шаклда давлат божини қабул қилган ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланиши керак.

Давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция даъво ариза ёки бошқа ҳужжатга илова қилинади.

Аризачи қонунга кўра давлат божини тўлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тўлашдан озод қилиш ҳақида илтимос мавжуд бўлмаса судья аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқариши шарт. Ажримда тўланиши лозим бўлган давлат божи суммаси, тўлаш муддати ва ФПК 154-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган тўламаслик оқибатлари кўрсатилиши керак.

Агар даъвогар белгиланган муддатда судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган куни берилган ҳисобланади. Акс ҳолда ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Судья аризачига давлат божини тўлашга оқилона муддат бериши лозим.

Агар аризачи қонунга кўра давлат божини тўлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тўлашдан озод қилиш ҳақида илтимос мавжуд бўлса, судья ФПК 110-моддасига риоя этган ҳолда, уни давлат божини тўлашдан озод қилиш масаласида ажрим чиқаради. Аризачи илтимоси рад этилганда шу ажрим билан ариза ҳаракатсиз қолдирилади.



10.2. Давлат божи тўлашдан озод қилиш ва кечиктириш

Жисмоний шахсни суд харажатларини, шу жумладан давлат божини давлат фойдасига тўлашдан озод қилиш, шунингдек, ҳам жисмоний ва ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган бундай харажатларни ФПК 110, 111-моддаларига асосан кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда суд уларнинг бу харажатларни умуман, қисман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслигини тасдиқловчи асослар (масалан, иш ҳақи (даромади), банкда маблағи мавжудлиги, унинг эгалигида бўлган мулк сони ва қиймати, вояга етмаган фарзандлари, бошқа боқимандалари борлиги ва ҳ.к. тўғрисида маълумотларнинг) мавжудлигини текшириши лозим.

Суд тарафларнинг мулкий аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин (ФПК 111-модда).

Суд харажатларини кечиктириш давлат божини тўлаши лозим бўлган суднинг зарур процессуал ҳаракатларини амалга оширганидан маълум вақт ўтганидан сўнг қонун билан белгиланган тўлов миқдорини тўлаш талабига аризачининг суд ажрими билан расмийлаштирилган имконияти ҳисобланади.

Кечиктириш икки хил бўлади:

- маълум календарь вақтга (маълум кунлар, ойлар ёки суд томонидан белгиланган маълум календарь муддати);
- маълум юридик фактнинг бошланғунига қадар, одатда, бундай факт бўлиб иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори ҳисобланади;
- суд харажатларини кечиктириш бўлиб-бўлиб тўлашга умумий асос бўлиб, ариза билан мурожаат қилаётган шахснинг мулкий аҳволининг оғирлиги бўлиб чиқади.

Аризачи томонидан мулкий аҳволининг оғирлигини тасдиқлайдиган далиллар аризага илова қилинади.

Суд харажатларини бўлиб-бўлиб тўлаш давлат божини тўлаши лозим бўлган талабларга аризачининг қонун билан белгиланган тўлов миқдорини бир вақтнинг ўзида эмас, балки қисмларга бўлган ҳолда суд ажрими билан расмийлаштирилган имконияти ҳисобланади.



Суд харажатларини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Даъвонинг баҳоси даъвогар (мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс) билан жавобгар ўртасидаги низо предмети юзасидан баҳо қийматининг пул билан белгиланадиган ифодасини тавсифлайдиган даъво ишларини юритишнинг институтини ташкил қилади.

Мулкий бўлмаган ФПКнинг 279-моддасида алоҳида тартибда кўриладиган ишлар ҳамда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш юритишлар бўйича даъвонинг баҳоси белгиланмайди.

Маънавий зарарни компенсация қилиш ҳақидаги талаблар бўйича ҳам даъвонинг баҳоси белгиланмайди. Маънавий зарар пул билан қопланса-да, номулкий зарар эканлигини ҳисобга олган ҳолда мулкка оид бўлмаган даъво аризалардан ундириладиган миқдорда давлат божи ундирилиши лозим.

Суд томонидан илгари кўрмасдан қолдирилган, такроран берилган ариза бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади, ФПК 97-моддаси 1-бандига асосан ариза кўрмасдан қолдирилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунда аризани қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатиш асослари бартараф этилгандан сўнг такроран берилган аризага давлат божи тўланганлиги ҳақидаги дастлабки ҳужжат илова қилинишига йўл қўйилади (СК 337-моддаси йигирма биринчи қисми).

Давлат божини қайтариш ФПКнинг 108 ва СКнинг 342-моддаларида кўрсатилган асосларга мувофиқ амалга оширилади. Бож қонунда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми қайтарилади. Қонунда қайд этилган бошқа ҳолларда бож тўлиқ миқдорда қайтарилиши лозим.

Бож судьянинг ажрими асосида, агар бож бюджетга ўтказилган кундан бошлаб бир йиллик муддат ўтмаган бўлса, молия органлари томонидан қайтарилади.

Агар даъвогар божни тўлаб, судга ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, суднинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси божни қайтариб бериш учун асос бўлади.

Суд харажатларининг иккинчи тури бўлиб, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар ҳисобланди.

Ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар кўп ҳолатда бундай харажатларни қилган тарафларга ундирилишини назарда тутади.



Улар ишни ҳар тарафлама, асосли ва ўз вақтида кўрилишига хизмат қилади.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Р.Ҳайдарова судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2000 йил 19 ноябрда жавобгар М.Файзиев билан турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан бир нафар вояга етмаган Зафарбек исмли фарзандлари туғилганлигини, ўзаро келишмаганликлари сабабли суднинг 2011 йил 15 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан никоҳдан ажрашганликларини, жавобгар билан мол-мулкларини ўзаро келишган ҳолда бўлишиб олганликларини, лекин жавобгар Урганч шаҳар, Беруний кўчаси, 108-кварталда жойлашган қурилиши тугалланмаган 8-уй-жойни бўлишни истамаётганлиги сабабли мазкур уй-жойни бўлиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра даъвогар Р.Ҳайдарованинг даъвосини қаноатлантириш рад қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажримига асосан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаролик иши юзасидан ўтказилган суд қурилиш экспертизасининг хулосасига кўра низоли уй-жойнинг умумий баҳоси 4.749.805 сўмни ташкил қилиши, лекин қурилиши тугалланмаган турар-жойни бўлиш имконияти йўқлиги қайд қилинган.

Суд, даъвогар ўзига тегишли улушини пул бараварида эмас, балки натура шаклида олиб беришни сўраганлигини, тарафлар улушли мулк бўйича компенсация тўланишига рози эмасликларини инobatга олиб, даъвогарнинг даъвосини рад қилишни лозим топган.

Фуқаролик ишини кўришда суд даъвогар Р.Ҳайдарова томонидан даъво тақдим қилишда давлат божини 24.868 сўм миқдорида, яъни қисман тўланганлигини, ҳал қилув қарори чиқариш чоғида тўланмаган давлат божини низода ноҳақ бўлган тарафдан ундириш масаласини муҳокама қилмаган.

Даъво бўйича экспертиза хулосасига кўра низоли уй-жой баҳосининг ярми 2.370.402 сўм бўлишини, даъвонинг баҳосидан келиб чиқиб 10 фоиз миқдорида, яъни 237.040 сўм давлат божи тўланиши лозимлигини ва ушбу суммадан 24.868 сўм давлат божи дастлаб тўланганлигини инobatга олиб, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсатининг қарори билан суд қарорлари ўзгартирилиб, даъвогар Р.Ҳайдаровадан давлат фойдасига 212.172 сўм миқдорида давлат божи ундирилган. Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган (5-13-сонли қарордан кўчирма).

Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларнинг икки мезони бўлиб, бевосита процессуал маълум ҳаракатларни ёки баъзи ҳаракатлар тўловининг эҳтиёжлилиги (жойига бориб кўздан кечириш, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган



суммалар ва ҳ.к.) қилинган чиқимлар аниқ ишнинг ўз вақтида ва тўғри кўрилишини таъминлаши лозим.

ОИЛА ВА НИХОҲ МУНОСАБАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ТАЛАБЛАР БЎЙИЧА СУДГА ТўЛАНАДИГАН ДАВЛАТ БОЖИ МИҚДОРЛАРИ

<p>Мулкка оид бўлган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) аризалардан давло қиймати миқдоридан келиб чиққан ҳолда</p>		<p>20 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 5 фоизи миқдорида белгиланади.</p>	<p>Мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) аризалардан</p> <p>Энг кам иш ҳақининг 50% миқдорида</p> <ul style="list-style-type: none"> - оталикни белгилаш ҳақида; - бола билан кўришиш, учрашуве вақтини белгилаш ҳақида; - фарзанднинг яшаш жойини белгилаш ҳақида; - фарзандликка олиш ҳақида; - фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақида; - ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ва ҳ.к.
Агар давло баҳоси энг кам иш ҳақининг	20 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 10 фоизи миқдорида белгиланади.	Энг кам иш ҳақининг 50% миқдорида	
	40 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 10 фоизи миқдорида белгиланади.	Энг кам иш ҳақининг 120% миқдорида	
	40 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 15 фоизи миқдорида белгиланади.		
	80 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 20 фоизи миқдорида белгиланади.		
<p>Мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) аризалардан давло қиймати миқдоридан келиб чиққан ҳолда</p>		<p>20 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 5 фоизи миқдорида белгиланади.</p>	<p>Илк никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан</p> <p>Энг кам иш ҳақининг 50% миқдорида</p> <p>Тақрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан</p> <p>Энг кам иш ҳақининг 120% миқдорида</p> <p>Бедарак йўқолганлиги ва руҳий касаллиги еҳуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда қобилиятсиз деб топилган ёки камида 3 йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан</p> <p>Энг кам иш ҳақининг 2% миқдорида</p>
Агар давло баҳоси энг кам иш ҳақининг	20 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 10 фоизи миқдорида белгиланади.	Илк никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан	
	40 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 10 фоизи миқдорида белгиланади.	Тақрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан	
	40 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 15 фоизи миқдорида белгиланади.	Бедарак йўқолганлиги ва руҳий касаллиги еҳуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда қобилиятсиз деб топилган ёки камида 3 йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан	
	80 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 20 фоизи миқдорида белгиланади.	Энг кам иш ҳақининг 2% миқдорида	
<p>Мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) аризалардан давло қиймати миқдоридан келиб чиққан ҳолда</p>		<p>20 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 5 фоизи миқдорида белгиланади.</p>	<p>Илк никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан</p> <p>Энг кам иш ҳақининг 50% миқдорида</p> <p>Тақрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан</p> <p>Энг кам иш ҳақининг 120% миқдорида</p> <p>Бедарак йўқолганлиги ва руҳий касаллиги еҳуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда қобилиятсиз деб топилган ёки камида 3 йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан</p> <p>Энг кам иш ҳақининг 2% миқдорида</p>
Агар давло баҳоси энг кам иш ҳақининг	20 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 10 фоизи миқдорида белгиланади.	Илк никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан	
	40 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 10 фоизи миқдорида белгиланади.	Тақрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан	
	40 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 15 фоизи миқдорида белгиланади.	Бедарак йўқолганлиги ва руҳий касаллиги еҳуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда қобилиятсиз деб топилган ёки камида 3 йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги давло аризаларидан	
	80 баробаригача бўлса, давло баҳосининг 20 фоизи миқдорида белгиланади.	Энг кам иш ҳақининг 2% миқдорида	

Суд никоҳдан ажратилиш ҳақидаги хал қилуве қарорида фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш органлари томонидан никоҳнинг бекор қилинганлигини кайд этишлик учун тўланадиган давлат бож миқдорини ҳам акс этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги «Давлат бож миқдорлари ҳақидаги қарори 5-қисми «б» бандига биноан: - агар эр-хотин биринчи никоҳда бўлса, никоҳнинг бекор қилинганлигини кайд этишлик учун давлат бож миқдори энг кам иш ҳақининг 150-300 фоизигача ташкил этади; - агар эр-хотиндан бири тақрорий никоҳда бўлса, никоҳнинг бекор қилинганлигини кайд этишлик учун давлат бож миқдори энг кам иш ҳақининг 300 фоиздан 400 фоизгача ташкил этади. Ушбу давлат бож эр-хотиннинг биридан ёки уларнинг иккаласидан ҳам ундирилиши мумкин.



Қонунда белгиланган чиқимларнинг тараф (тарафлар) томонидан олдиндан киритилмаганлиги гувоҳни, мутахассисни чақириш, жойга бориб кўздан кечириш ҳақида қилинган илтимосномани рад этиш учун асос бўлмайди, агар бу ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлаш учун зарур бўлса. Суд томонидан бу мақсадлар учун сарфланган суммалар тарафлардан ФПК 120-моддасида белгиланган талаблар инobatга олинган ҳолда ундирилади.

Умумий қоидага кўра, иш бўйича суд харажатларини низода ноҳақ бўлиб чиққан тараф тўлайди.

Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш ФПК 114–120-моддалари билан тартибга солинади.

Суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъво талаблар тўлиқ қаноатлантирилганилиги кўрсатилган бўлса, суд шу қисмда даъвогар тўлаган давлат божи, суд чиқимларини тўлиқ жавобгардан унинг фойдасига ундирилишини кўрсатади.

Даъво қаноатлантирилган ва жавобгарлар зиммасига солидар жавобгарлик юклатилганда суд жавобгарлардан давлат божини ҳам солидар ундиради. Бу қоида фуқаролик ишини кўриш билан боғлиқ чиқимларни ундиришга ҳам татбиқ этилади, процессуал иштирокчининг талаби билан ва фақат унинг манфаатида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар учун қилинган ва бошқа процессуал иштирокчилар томонидан қопланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

Жавобгар томонидан бир неча жавобгар иштирок этган бўлса, даъвогар томонидан қилинган суд харажатлари жавобгарларнинг ҳар бирдан ундирилган суммага нисбатан пропорционал равишда белгиланади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз даъво талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган ҳолларда, давлат божи суд ажримига асосан жавобгардан давлат фойдасига ундирилади.

Арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган тақдирда суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари даъвогардан давлат даромадига ундирилади.



Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган, жавобгар эса суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари суд харажатларини тўлашдан озод қилинмаган даъвогардан талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Агар ҳар икки тараф ҳам суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари давлат ҳисобига ўтказилади.

Иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суд ҳуқуқ тўғрисидаги масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини кўрсатмаган бўлса, қўшимча ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Суд харажатлари билан боғлиқ масалалар суд ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида апелляция тартибида хусусий шикоят келтирилиши мумкин ва шикоят беришда давлат божи тўланмайди.

Агарда суд харажатлари билан боғлиқ масала суднинг ҳал қилув қарорида ҳал қилинган бўлса, бунга хусусий шикоят бериб бўлмайди, манфаатдор тарафнинг суд харажатлари нотўғри ундирилганлиги ҳақидаги важи суд қароридан норози бўлиб келтирган апелляция шикоятида кўрсатилади.

Суд харажатлари нотўғри ундирилган ҳолатлар аниқланганда апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судлари процессуал қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда, суд харажатларини ундиришга, уларни тўлашдан озод қилишга, шунингдек ундирилган сумма миқдорини камайтиришга ёки уларни тарафлар ўртасида қайта тақсимлашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли «Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 21-бандида фуқаролик ишларининг алоҳида тоифалари бўйича даъво баҳосини белгилашнинг хусусиятлари ФПК 105-моддасида назарда тутилганлигига судларнинг эътибори қаратилган. Жумладан:

– алимент ундириш ҳақидаги барча даъволардан (бола, ота-она, эр-хотин ва бошқалар таъминоти учун) давлат божи 12 ой учун алимент тўловлари жами суммасидан, агар алимент ундирилган муддат 12 ойдан ошмаса, шу давр учун алимент тўловлари жами



суммасидан ҳисоблаб чиқилади. Тўловлар суммаси жавобгарнинг охириги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Жавобгар ишламаган тақдирда давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

– алимент қарзини тўлашдан озод қилиш, алимент миқдорини ўзгартириш (камайтириш ёки кўпайтириш) ҳақидаги даъволар бўйича давлат божи тўловлар камайган, кўпайган ёки бекор қилинган, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган давр учун белгиланган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва даъвогардан ундирилади.

СУД АМАЛИЁТИ

Даъвогар Н. Шоқосимова жавобгар Ш. Шоқосимовга нисбатан алимент ундириш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар билан 2008 йил 15 январда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, никоҳидан 2008 йил 19 сентябрда туғилган Баҳодир исмли фарзанди борлигини, жавобгар билан ўзаро келишмовчиликлар оқибатида 2011 йил январь ойдан бирга яшамаётганлигини, жавобгар алиментни ўзи тўлашга ваъда берганлигини, шу сабаб ҳозирги кунгача судга алимент ундириш ҳақида мурожаат қилмаганлигини, жавобгар 2011 йил январь ойдан фарзандига моддий ёрдам бермаётганлигини баён этиб, фарзанди таъминоти учун 2011 йил январдан бошлаб фарзанди вояга етгунга қадар алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2011 йил 23 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра даъвогар Н. Шоқосимованинг даъвоси қаноатлангилан.

Жавобгар Шоқосимов Шомансур Шодиевичдан даъвогар Шоқосимова Нигора Саттаровнанинг фойдасига 2008 йил 19 сентябрда туғилган Баҳодир исмли фарзандининг таъминоти учун ҳар ой ойлик иш ҳақи ва даромадидан 1/4 қисми миқдорида 2011 йил январь ойдан бошлаб алимент ундириш белгиланган.

Жавобгар Ш. Шоқосимовдан давлат фойдасига 28.600 сўм давлат божи ундирилган.

Фуқаролик иши кассация инстанциясида кўрилишида Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 136-моддасининг 4-қисмида белгиланган ўтган давр учун алимент ундиришга асос бўлувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги аниқланган.

Бундан ташқари, туманлараро суди жавобгар Ш. Шоқосимовдан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдорини нотўғри ҳисоблаганлиги аниқланган.

Чунончи, алимент ундириш ҳақидаги барча даъволардан (бола, ота-она, эр-хотин ва бошқалар таъминоти учун) давлат божи 12 ой учун алимент тўловлари жами суммасидан, агар алимент ундирилган муддат 12 ойдан ошмаса шу давр учун алимент тўловлари жами суммасидан ҳисоблаб чиқилади. Тўловлар суммаси жавобгарнинг охириги иш жойидаги



ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Жавобгар ишламаган тақдирда давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Жавобгар Ш. Шоқосимовнинг ойлик иш ҳақи 508.990 сўмни ташкил қилиши тўғрисидаги маълумотномага асосланиб, кассация инстанцияси юқорида қайд этилган қонун талаблари ва Пленумнинг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиш ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдорини қайта ҳисоблаган ва 152.697 сўмни ташкил қилишини аниқлаган. $(508.990 : 4 \text{ қ } 127.247,5 \times 12 \text{ қ } 1.526.970 \text{ сўм (мазкур сумма 12 ой учун алимент тўловларининг жами миқдори)} \times 10\% \text{ қ } 152.697 \text{ сўм.}$

Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, бекор қилинган қисми бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган.


Унга кўра, жавобгар Шоқосимов Шомансур Шодиевичдан даъвогар Шоқосимова Нигора Саттаровнанинг 2008 йил 19 сентябрда туғилган Баҳодир исмли фарзандининг таъминоти учун ҳар ой ойлик иш ҳақи ва даромадидан 1/4 қисми миқдорида 2011 йил 16 сентябрдан бошлаб то вояга етгунга қадар алимент ундириш белгиланган.

Даъвогар Н. Шоқосимованинг жавобгар Ш. Шоқосимовга нисбатан вояга етмаган фарзанди учун ўтган 2011 йил январь ойдан бошлаб алимент ундириш ҳақидаги даъвосини қаноатлантириш рад этилган.

Ҳал қилув қарорининг давлат божи ундиришга оид қисми ўзгартирилиб, жавобгар Ш. Шоқосимовдан давлат фойдасига 152.697 сўм давлат божи ундирилган (4Ф-529-11-сонли ажрим).



11 БОБ. ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИДАН НАМУНАЛАР





11.1. Оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил январь ойининг 6-куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Г. Ибодов,

А. Фозилонинг котиблигида, даъвогарнинг иштирокида, даъвогар Шоҳиста Шукуровна Нуралиеванинг жавобгар Азиз Ражабович Турсуновга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Ш. Нуралиева судга жавобгар А. Турсуновга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан муурожаат қилиб, унда 2009 йил январь ойида жавобгар билан шаръий никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, 2010 йил 25 майда туғилган Адиз исмли фарзанди борлигини, ўртадаги уруш-жанжаллар натижасида жавобгар ҳомиладорлик вақтида 2010 йил январда уни ота-онасининг уйига ташлаб кетганлигини, жавобгар фарзандининг таъминоти учун моддий ёрдам бермаётганлигини кўрсатган.

Судда даъвогар Ш. Нуралиева даъво талабини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар А. Турсуновнинг рўйхатдаги манзилда яшамаётганлиги ва унинг яшаш манзили номаълумлиги сабабли уни судга чақириш имкони бўлмади. Шу сабабли, суд ФПКнинг ФПК 139-моддасига асосан ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Д. Турсунова даъвогар унинг собиқ келини эканлиги бўлишини, ўғли 2009 йилда даъвогар билан шаръий никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, уларнинг турмушидан бир нафар Адиз исмли фарзандлари борлигини, ўғли 2010 йил февралда Россия давлатига ишлашга кетганлигини, ўғлининг яшаш жойини аниқ билмаслигини кўрсатди.

Суд даъвогарнинг тушунтиришларини, гувоҳнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 62-моддасининг 1-қисмига кўра ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Оила кодексининг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Суд мажлисида аниқланишича тарафлар 2009 йил 20 январда шаръий никоҳдан ўтиб турмуш қуриб, 2010 йил январига қадар эр-хотин бўлиб бирга яшаб, умумий рўзгор юритиб келганлар.

Ўзаро келишмовчиликлар сабабли Ш. Нуралиева 2010 йилнинг январидан бери ота-онасининг уйида яшаб келади. Шундан сўнг 2010 йил 25 майда унинг Адиз исмли фарзанди туғилган.

Жавобгар фарзандини моддий таъминлашдан бош тортаётганлиги сабабли, даъвогар оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисида судга даъво билан муурожаат қилган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларга, судга тақдим этилган фотосуратлар ҳамда жавобгарнинг онаси – гувоҳ Д. Турсунованинг вояга етмаган Адиз Нуралиевни набираси сифатида тан олганлигига ҳуқуқий баҳо бериб, тарафлар 2009 йилда шаръий никоҳ асосида эр-хотин бўлиб яшаганликлари, 2010 йилда туғилган Адиз – Азиз Турсуновнинг фарзанди эканлиги судда ўз тасдиғини топди, деган хулосага келиб, даъвонинг шу қисмини қаноатлантиришни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 96-моддасининг 1, 2-қисмларига кўра, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 99-моддасининг 1-қисмига кўра агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир қисми, икки бола учун – учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдорида ундирилади.

Мақзур қонун талабларидан келиб чиқиб, жавобгар вояга етмаган фарзанднинг таъминоти учун моддий ёрдам бермаётганлигини инobatга олиб, суд даъвогарнинг алимент ундириш ҳақидаги даъвосини ҳам қаноатлантиришни лозим, деб топади.

Суд жавобгардан давлат божини ундириш масаласини ҳал этишда унинг иш ҳақи ва даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаганлигини, бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 450.000 сўмни ташкил қилишидан келиб чиқиб, жавобгардан 67.500 сўм давлат божини ундиришни лозим топади. $(450.000 : 4 = 112.500 \text{ алим.} \times 12 \text{ ой} = 1.350.000 \times 5 \% = 67.500 \text{ сўм})$

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Шоҳиста Шукуровна Нуралиеванинг жавобгар Азиз Ражабович Турсуновга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

2010 йил 25 майда туғилган Адиз Азизович Нуралиевга нисбатан 1983 йил 16 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Фаргона йўли кўчаси, 2-уй, 3-квартирада яшовчи, вақтинча ишсиз Азиз Ражабович Турсуновнинг оталиги белгилансин.

Жавобгар Азиз Ражабович Турсуновдан 2010 йил 25 майда туғилган фарзанди Адизнинг таъминоти учун Шоҳиста Шукуровна Нуралиеванинг фойдасига 2012 йил 1 январдан бошлаб, фарзанди вояга етгунига қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилсин.

Жавобгар Азиз Ражабович Турсуновдан давлат фойдасига 67.500 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарорининг алимент ундириш қисми дарҳол ижрога қаратилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

ИМЗО

Г.Обидов



11.2. Оталикка эътироз билдириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил июль ойининг 25 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,
Раислик этувчи судья Г. Ибодов,
А.Фозиловнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида даъвогар Баҳодир Раззакович Исмаиловнинг жавобгар Гўзал Ибрагимовна Гиясовага нисбатан оталикка эътироз билдириш тўғрисидаги фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Б. Исмаилов судга жавобгар Г. Гиясовага нисбатан оталикка эътироз билдириш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 2000 йил 16 январда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан 2006 йил 23 августда туғилган Бахтиёр исмли фарзанди борлигини, бунгача ҳам 2001 йилда ўғил фарзанд кўрганликларини, ўғли етти кун яшаб оламдан ўтганлигини, 2003 йилда жавобгар яна ҳомиладор бўлиб, 3 ойлик ҳомила ривожланмай қолганлиги сабабли аборт қилдирганлигини, врачлар уларга даволаниш кераклигини айтишганлигини, улар даволанишса ҳам натижа бўлмаганлигини, 2005 йилда текширувдан ўтганида, у фарзандли бўла олмаглигини айтишганлигини, жавобгар 2005 йилнинг декабрида ота-онасининг уйига кетганлигини, 2006 йил февралда эса унга ҳомиладорлигини айтганлигини, 2006 йил 23 августда фарзанд кўрганликларини, уни туғруқхонадан ўзи олиб чиққанлигини, туғилганлик тўғрисида гувоҳномани ҳам ўзи олганлигини, лекин бола касал туғилганлиги сабабли қўйналмасин, деб эътироз билдирмаганлигини, жавобгар ота-онасининг уйига кетиб-келиб юрганлиги сабабли унда гумони борлигини, никоҳлари бекор бўлмаганлигини, бироқ 7 ойдан буён умумий рўзгор юритмасликларини кўрсатган.

Судда даъвогар Б.Исмаилов даъво аризасини қувватлашини, бироқ экспертиза хулосаси билан врач-уролог билан маслаҳатлашганлигини, у фарзандли бўлиши мумкинлигини айтганлигини билдириб, даъво аризани ҳал этишни судга ҳавола қилди.

Суд мажлисида жавобгар Г. Гиясова даъвони тан олмасдан, ҳақиқатдан ҳам даъвогар билан 2000 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, турмушларидан бир нафар фарзанди борлигини, даъвогарга ҳеч қачон хиёнат қилмаганлигини, 2005 йил декабрь ойида даъвогар уни ҳайдаб юборганлиги сабабли ота-онасининг уйига кетганлигини, 2005 йил декабрь ва 2006 йил январь ойларида эр-хотинлик муносабатлари давом этганлигини, эр-хотинлик муносабатлари 9 ой олдин тугатилганлигини, экспертиза хулосаси билан келишишини кўрсатиб, суддан даъвони рад қилишни сўради.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини рад этишни лозим, деб топади.

Иш ҳужжатларига қараганда тарафлар 2000 йил 16 январда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар.

Судда аниқланишича, жавобгар Г. Гиясова фарзандига ҳомиладор бўлган вақтида, яъни 2005 йил декабрь 2006 йилнинг январь ойларида ҳам даъвогар билан умумий рўзгор юритиб, эр-хотин бўлиб бирга яшаб келган. Кейинчалик келишмовчиликлар сабабли жавобгар ота-онасининг уйида яшаб қолган ва 2006 йил 23 августда Бахтиёр исмли фарзанди туғилган.

2006 йил 23 августда берилган туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада вояга етмаган Бахтиёрнинг отаси сифатида даъвогар Баҳодир Раззакович Исмаилов кўрсатилган. Ушбу гувоҳномани ФХД бўлимидан Б. Исмаиловнинг ўзи олган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 63-моддасининг 1-қисмига кўра, туғилишни ёзиш дафтаридagi туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан



туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади. Боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдиришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги «Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»ги 6-сонли қарорининг 14-бандида тушунтирилишича, зарур ҳолларда боланинг келиб чиқишини (масалан, ҳомила пайдо бўлиш вақтини, уруғлантириш қобилияти бор-йўқлигини ва ҳ.к.) аниқлаш мақсадида суд, Оила кодекси 62-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган шартлар мавжуд бўлганда, ўз ташаббуси ёки тарафларнинг илтимосномаси бўйича иш юзасидан суд-тиббий экспертизаси, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлаши мумкин.

Суднинг ажримига асосан ўтказилган одам ДНКси суд-биологик экспертизасининг 2012 йил 2 июндаги хулосасига кўра, даъвогар Б. Исмаилов 2006 йил 23 августда туғилган Бахтиёр Раззаковнинг биологик отаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 59-моддасига кўра қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларини бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

Қайд этилган қонун талабидан келиб чиқиб, суд даъвогарнинг даъво аризада келтирилган важлари ўз исботини топмади деган хулосага келиб, уни рад этишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларига қўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Баҳодир Раззакович Исмаиловнинг жавобгар Гўзал Ибрагимовна Гиясовага нисбатан оталикка эътироз билдириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

имзо

Г.Обидов



11.3. Болани олиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил июл ойининг 18 кунги фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Ш. М. Ашурова,

Х. Маматовнинг котиблигида, Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси Г. Исмоилова, тарафлар, адвокат С. Акбароваларнинг иштирокида, даъвогар Дилдора Саидованинг жавобгар Пулат Саидовга нисбатан болани олиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Д. Саидова судга жавобгар П. Саидовга нисбатан болани олиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 1994 йил 23 апрелда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан 1996 йил 17 декабрда туғилган Азизов Равшан Пулат ўғли ва 2000 йил 24 августда туғилган Азизова Гўзал Пулат қизи исмли фарзандлари борлигини, бугунги кунда жавобгар билан келишмай алоҳида яшаб келаётганлигини, уйдан кетишига сабаб уй телефонида гаплашгани учун қайнотаси уни урганлигини, натижада мия чайқалиши жароҳати олганлигини, олган оғир жароҳати туфайли 2011 йил 29 июлда Москва шаҳрида даволаниб, 2012 йил март ойида қайтиб келганлигини, шу пайтда қизи уни соғинганлиги учун тушқунликка тушиб қолганлигини, турмуш ўртоғи тайинли жойда ишламаслигини, фарзандларининг тақдирини ҳақида қайғураётганлигини, ҳар кун болаларига телефон қилишини, жавобгар рухсат берган вақтда болаларни айлантириб келишини, фарзандларини тарбиялаш ва моддий таъминлаш учун унда барча шароит мавжудлигини, бир хонали уйи борлигини кўрсатиб, жавобгар П. Саидовдан ўғли ва қизини ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Д. Саидова даъво аризасини қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар П. Саидов даъвони тан олмай, уларнинг оиласи энг аҳил оила бўлганлигини, даъвогарнинг ота-онаси Россияга бориб келганидан сўнг ўрталарида келишмовчиликлар чиқа бошлаганлигини, отаси даъвогар уни айтганини қилмаганлиги учун урганлигини, даъвогарни уйдан кетишига қарши бўлганлигини, оилани сақлаб қолмоқчи бўлганлигини, бироқ даъвогарнинг отаси уни олиб кетганлигини, даъвогар саккиз ой давомида Россияда яшаб келиб, фарзандларига қарамаганлигини, ўша даврда фарзандларига ўзи қараганлигини, фарзандлари учун уйда барча шароит мавжудлигини, уйларида даъвогар алоҳида эшикдан кириб-чиқиб яшаши учун ҳам шароит мавжудлигини, болалари даъвогар билан бир оила бўлиб туришга қарши эмаслигини, бироқ улар онаси билан алоҳида туришга қарши эканлигини кўрсатиб, болаларини у билан қолдириб, суддан даъво аризани рад этишни сўради.

Суд мажлисида Чилонзор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг болалар ижтимоий ҳимояси бўйича мутахассиси А. Мирзиятова суд сўровига асосан П. Саидовнинг турар-жой шароитини текшириш давомида жавобгарнинг уйда болалар учун барча шароитлар мавжудлиги, Д. Саидованинг турар-жой шароити текширилганда унинг номида икки хонали квартираси мавжудлиги аниқланганлигини баён қилди.

Суд мажлисида ота-онанинг иштирокида сўралган вояга етмаган Азизов Равшан ота-онаси билан бирга яшамоқчи эканлигини, бироқ ота-онаси алоҳида яшаша у отаси билан қолишни кўрсатди.

Суд мажлисида ота-онанинг иштирокида сўралган вояга етмаган Азизова Гўзал ота-онаси билан бирга яшамоқчи эканлигини кўрсатди.



Суд тарафлар баёнотларини ҳамда Чилонзор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими болалар ижтимоий ҳимояси бўйича мутахассиси хулосасини, адвокат С. Акбарованинг музокара сўзини, Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси Г. Исмоилованинг фикрини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасига кўра, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарорининг 3-бандига кўра суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасида ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим, бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онанинг маълумот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини эътиборга олади.

Аниқланишича, даъвогар Дилдора Саидова 1994 йил 23 апрелда жавобгар Пўлат Саидов билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган.

Биргалиқдаги турмушларидан 1996 йил 17 декабрда туғилган Азизов Равшан Пўлат ўғли ва 2000 йил 24 августда туғилган Азизова Гўзал Пўлат қизи исмли фарзандлари бор.

Тарафлар ўртасидаги ўзаро оилавий келишмовчиликлар туфайли 2011 йил 29 июлдан бошлаб алоҳида яшайдилар.

Даъвогар кўзини операция қилиш учун 2011 йил 29 июлдан 2012 йил 11 мартга қадар Москва шаҳрида бўлган. Қайтиб келганида жавобгар вояга етмаган болаларини бермаганлиги сабабли судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Психологлар Ассоциацияси мутахассислари томонидан ўтказилган 2012 йил 8 июндаги Суд-психологик экспертиза хулосасида вояга етмаган Азизов Равшан ва Азизова Гўзалларнинг шахсий-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг ҳозирги вақтда ота-онанинг қай бирига боғланишини ва ўзини тутишини шакллантиришда, «она» ролини чиқаришда отанинг таъсири мавжудлиги, иккаласи ҳам ўзи билмаган ҳолда онасига боғланганлиги, она билан ўзаро ҳиссий уйғунликни чеклаш фарзандларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги қайд этилган.

Бундай ҳолатда суд вояга етмаган Гўзал қиз бола бўлганлиги учун кўпроқ онанинг меҳри, тарбияси керак эканлигини, балоғат ёшига етмаган қизнинг муҳтожликларини кўпроқ она билишини, жавобгарнинг қарамоғида касал онаси ҳам борлигини эътиборга олган ҳолда даъвогарнинг даъвосини қисман қаноатлантириб, вояга етмаган Г. Азизовани онасига олиб беришни лозим деб топади.

Суд вояга етмаган Р. Азизов 15 ёшга тўлиб, суд мажлисида ўз фикрини аниқ билдирганлигини, ўғил бола бўлганлиги учун ҳозирги ёшида кўпроқ ота тарбиясига муҳтож эканлигини эътиборга олган ҳолда уни отаси билан қолдиришни лозим деб топади.



Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206-моддалари қўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Дилдора Сафаровна Саидованинг жавобгар Пўлат Азизович Саидовга нисбатан болани олиш тўғрисидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Вояга етмаган 2000 йил 24 августда тугилган Гўзал Пўлат қизи Азизова даъвогар Дилдора Сафаровна Саидовага олиб берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кунлик муддат ичида мазкур суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

имзо

Ш.М.Ашурова



11.4. Боланинг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил ноябрь ойининг 5 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Зангиота туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья А. Иброҳимов,

Ф. Азизовнинг котиблигида, Зангиота туман прокурорининг ёрдамчиси Н. Мирзаеванинг, тарафлар ҳамда улар вакилларининг иштирокида, даъвогар Фотима Мирзабаевна Балтабоеванинг жавобгар Ғанишер Тўхтамуратович Балтабоевга нисбатан боланинг яшаш жойини белгилаш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

Даъвогар Ф. Балтабоева жавобгар Ф. Балтабоевга нисбатан боланинг яшаш жойини белгилаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиб, унда жавобгар Ф. Балтабоев билан 1989 йил 17 июнда турмуш қурганлигини, турмушларидан 1992 йил 1 январда туғилган Камолиддин, 1993 йил 1 октябрда туғилган Жамолиддин ва 2004 йил 29 майда туғилган Рихсибой исмли фарзандлари борлигини, ўзаро келишмовчиликлар сабабли 2010 йил апрелдан буён бирга яшамасликларини, уйдан ўз хоҳиши билан чиқиб кетганлигини, Камолиддин исмли фарзанди ўзи билан яшашлигини, Жамолиддин ва Рихсибой исмли фарзандлари жавобгар билан яшаётганликларини, фарзанди Рихсибойнинг жавобгар билан яшашига шароит йўқлигини, жавобгар бирор жойга борадиган бўлса, фарзандини бегона одамларга, кўни-қўшниларга қолдириб кетишини, отаси унга яхши тарбия бера олмаслигини кўрсатиб, суддан фарзанди Рихсибойни яшаш жойини ўзи билан белгилашни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Ф. Балтабоева ва унинг ишончли вакили Б. Қажомов даъво аризани қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўрадилар.

Суд мажлисида жавобгар Ф. Балтабоев даъвони қисман тан олиб, ўзаро келишмовчиликлар сабабли 2010 йил апрелдан буён даъвогар билан бирга яшамаётганликларини, Жамолиддин ва Рихсибой исмли фарзандлари билан яшаб келишини, иш вақти эрталаб соат 08:00 дан кечки пайт соат 18:00 гача эканлигини, ишга чиққанида фарзандларини акасининг уйига олиб бориб қўйишини кўрсатиб, суддан даъво аризани рад этишни сўради.

Суд мажлисида сўралган Зангиота туман халқ таълими бўлимининг вакили Ф. Аминова жавобгарнинг фарзандлари билан яшаш шароитларини ўрганиб чиққанлигини, у Жамолиддин ва Рихсибой исмли фарзандлари билан яшаб келишини, уларнинг уй-жойи майдони 0,08 га бўлиб, 3 хонадан иборатлигини, уй жиҳозлари ва шароити болалар тарбияси учун етарли эмаслигини, хоналар йиғиштирилмаган, гигиена талабига жавоб бермаслигини, фарзандлар билан ўтказилган суҳбат давомида Жамолиддин касб-ҳунар коллежида таҳсил олиши, бироқ укаси ёлғиз қолиши сабабли ўқишга бормасдан унга қарashi, фарзандлар ота-онаси бирга яшашини исташи аниқланганлигини, жавобгар фарзандларини ижтимоий-иқтисодий томондан тўлиқ таъминламаганлигини, бола тарбияси ва парварishi учун етарли имкониятларга эга эмаслигини, фарзандлар онаси билан яшаш лозим деб ҳисоблашлигини баён қилди.

Учтала туман халқ таълими болаликни муҳофаза қилиш бўлимининг дололатномасига кўра Ф. Балтабоева фарзанди билан Учтала тумани, Фозилтепа кўчаси, 9-уйда яшаб келади. Уй-жой 0,12 га ер майдонида жойлашган бўлиб, 11 яшаш хонаси, 1 та ошхона, 2 та ҳаммом, 2 та ҳожатхона ва бошқа ёрдамчи хоналардан иборат. Ф. Балтабоевага фарзандлари билан яшашга икки хона ажратилган. Хоналар тоза, санитария ҳолатига жавоб беради, у ерда боланинг ўсиши ва тарбияланиши учун барча



шароитлар яратилган. Хонадон моддий жиҳатдан таъминланган, оила аъзоларининг ўзаро муносабати ва кўни-кўшнилари билан муносабатлари яхши.

Суд тарафларнинг, вакилнинг кўрсатмаларини тинглаб, ишда иштирок этувчи прокурорнинг даъвои қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини, Зангиота туман халқ таълими бўлими вакилининг тушунтиришларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблади.

Аниқланишича, Ф. Балтабоева Ф. Балтабоев билан 1989 йил 17 июнда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган, турмушларидан 1992 йил 1 январда туғилган Камолиддин, 1993 йил 1 октябрда туғилган Жамолддин ва 2004 йил 29 майда туғилган Рихсибой исмли уч нафар фарзандлари бор.

Тарафлар ўзаро келиша олмаганликлари сабабли 2010 йил апрелдан буён бирга яшамайдилар. Ҳозирги кунда вояга етмаган Жамолддин ва Рихсибой исмли фарзандлари отаси Ф. Болтабоев билан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Назарбек» ҚФЙ, «Бешқўргон» маҳалласи, Тинчлик кўчасида яшаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 73-моддасининг 1, 2-қисмларига кўра, ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарорининг 3-бандига кўра суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим. Бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшани ва ота-онадан қайси бирига кўнгил кўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онанинг маълумот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини эътиборга олади.

Суд юқорида қайд этилган ҳолатларга, шунингдек, 2004 йил 29 майда туғилган Рихсибой исмли фарзанднинг отаси Ф. Болтабоев билан яшаш шароити мавжуд эмаслигига, уй жиҳозлари ва шароити болалар тарбияси учун етарли эмаслигига, хоналар йиғиштирилмаганлигига, гигиена талабига жавоб бермаслигига, шунингдек жавобгар ишга кетган вақтда Жамолддин исмли фарзанди ўқишга бормасдан укасига қараб қолаётганига, бу унинг таҳсил олишига ҳам таъсир кўрсатишига, шунингдек, фарзандларнинг тарбияси учун Ф. Болтабаева яшаётган уй-жойда барча шароитлар яратилганлигига, Рихсибой исмли фарзанди ота-онасининг иккаласига ҳам боғланиб қолганлигига ҳуқуқий баҳо бериб, вояга етмаган болаларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда даъво аризани қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддалари қўлланиб, суд



ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Фотима Мирзабаевна Балтабоевнинг жавобгар Ғанишер Тухтамуратович Балтабоевга нисбатан боланинг яшаш жойини белгилаш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

2004 йил 29 майда туғилган Рихсибой Тўхтамуродов Ғанишер ўғлининг яшаш жойи онаси Фотима Мирзабаевна Балтабоева билан бирга белгилансин.

Ҳал қилув қарори норози томонлар 20 кун муддат ичида ушбу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

имзо

А. Иброҳимов



11.5. Фарзанднинг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил февраль ойининг 29 кuni фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья: А. Шокиров,
Ш. Азизбоевнинг котиблигида,

Миробод туман прокурорининг ёрдамчиси С. Абдуллаев, Миробод туман халқ таълими бўлими вакили У. Расулова, Китоб туман халқ таълими бўлими вакили И. Темиров, адвокатлар Н. Мухамадиев, Р. Каримова ва Х. Шарипов ҳамда тарафлар иштирокида, даъвогар Зебо Икромовна Рашидованинг жавобгар Абдуғани Ашуртоевич Тошматовга нисбатан фарзандининг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўзгатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар З. Рашидова жавобгар А. Тошматовга нисбатан фарзандининг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилиб, унда А. Тошматов билан 2005 йил 17 апрелда шаръий никоҳ асосида турмуш қурганлигини, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғига келин бўлиб тушганлигини, турмуш ўртоғи қонуний никоҳдан ўтмасдан, алдаб келганлигини, турмушидан 2008 йил 6 февралда туғилган Аброр исмли фарзанди борлигини, фарзанди туғилганида ҳам жавобгар ундан хабар олмаганлигини, фарзанди билан бирга Бурчмулла қишлоғида қайнонаси билан бир ярим йил яшаганлигини, шу вақтда турмуш ўртоғи ҳар ойда бир марта келиб турганлигини, шундан сўнг А. Тошматов фарзандини Тошкент шаҳрига даволатиш учун олиб кетганлигини, 2010 йил сентябрь ойида Қашқадарё вилоятига қариндошларининг тўйига бориб келганида қайнонаси уни яна Қашқадарёга қайтариб юборганлигини, турмуш ўртоғига телефон қилса, у «менга сендек хотин керак эмас», деб айтганлигини, отаси ва укаси билан Бурчмулла қишлоғига келганида қайнонаси уйга киритмаганлигини, боласини Тошкент шаҳрига турмуш ўртоғи олиб кетганлигини айтганлигини, Тошкент шаҳрига келганида эса турмуш ўртоғи эшикни очмаганлигини, ҳозирги кунда фарзандини соғиниб яшаётганлигини, А. Тошматов Тошкент шаҳрида ишлаб, фарзандига қарашга вақти йўқлигини, у муқаддам ҳам икки марта уйланиб, болаларини ташлаб қўйганлигини, унинг фарзанди тарбиясига ҳам салбий муносабатда бўлишини кўрсатиб, фарзанди Аброрни ўзи билан бирга яшашини белгилашни суддан сўраган.

Суд мажлисида даъвогар З. Рашидова ва унинг ишончли вакили П. Рафиевлар даъвони қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўрадилар.

Суд мажлисида жавобгар А. Тошматов даъво талабини тан олмасдан, З. Рашидова билан 2005 йил 17 апрелда шаръий никоҳ асосида турмуш қурганлигини, турмушларидан 2008 йил 6 февралда Аброр исмли фарзанди туғилганлигини, турмуш ўртоғининг фарзанд тарбиялашга укуви йўқлигини, у фарзандининг қўлини куйдириб олганлиги сабабли фарзандини даволатиш учун уни Тошкент шаҳрига олиб кетганлигини, ҳар икки ҳафтада олиб келиб турганлигини, 2010 йил сентябрь ойида турмуш ўртоғи Қашқадарё вилоятига тўйга кетганлигини, фарзанди у билан қолганлигини, турмуш ўртоғи фарзандини ташлаб кетган бўлсада, Қашқадарёдан қайтиб келишни, фарзандининг ҳолини ўйламаганлигини, фарзандини ўзи катта қилганлигини, даъвогарни фарзанди билан кўришишини чегараламаганлигини, хоҳлаган вақтида келиб кўришишига эътироз йўқлигини, фарзанди учун уйда барча шарт-шароитлар яратиб берганлигини, у ҳеч нарсага муҳтож эмаслигини кўрсатиб, суддан даъвони рад этишни сўради.

Суд мажлисида Қашқадарё вилояти Китоб туман халқ таълими бўлими вакили И. Темиров З. Рашидова Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, «Олмазор» МФЙ, Пахтакор кўчаси, 70-уйда отаси И. Рашидов ва онаси З. Рашидова, укаси ва келини билан бирга



яшаб келишини, улар яшаб турган ҳовли 0,15 га эканлигини, 6 та яшаш хонасидан иборат бўлиб, ушбу ҳовлида 5 киши истиқомат қилишини, ҳовлида бундан ташқари қўшимча хоналар, ошхона, омборхона мавжудлигини, фарзанднинг яшаши ва ривожланиши учун барча шарт-шароитлар мавжудлигини, шу сабабли вояга етмаган фарзанд онаси билан яшаши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатиб тушунтириш берди.

Суд мажлисида Миробод тумани халқ таълими бўлими болаликни муҳофаза қилиш бўлими вакили У. Расулова А. Тошматовнинг фарзанди билан яшаш шароитини ўрганиб чиққанлигини, улар икки хонали хонадонда синглиси ва унинг бир нафар фарзанди билан яшаб келишларини, вояга етмаган фарзандига алоҳида хона ажратилиб, унинг учун барча шароитлар яратилганлигини, мазкур фуқаролик ишини судда кўриш давомида болалар руҳшуноси вояга етмаган фарзандни отаси билан қолиши тўғрисида хулосага келганлигини, шу сабабли ҳамда вояга етмаган Аброр отаси А. Тошматовга боғланиб қолганлигини, унинг тарбияланиши ва камолоти учун шарт-шароит яратиб берилганлигини, яъни боланинг даволаниши, мактабгача таълим муассасасида тарбияланиши, соғлом муҳитда таълим-тарбия олиши учун шароит яратиб берилганлигини, онаси билан қолиш фарзанднинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини эътиборга олиб, вояга етмаган фарзандни отасининг тарбиясида қолдириши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашини, дастлабки хулоса берганида вояга етмаган фарзанд билан суҳбатлашмаганлигини, уни кўрмаганлигини, ҳозирги кунда фарзанднинг онаси билан бўлган муносабатини, руҳшunos фикрини инобатга олиб ва вояга етмаган фарзанднинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни отаси билан қолиши ҳақида хулосага келганлигини баён қилди.

Суд тарафларнинг, Китоб туман ва Миробод туман халқ таълими бўлимлари вакилларининг кўрсатмаларини, мутахассиснинг, гувоҳларнинг тушунтиришларини ва Миробод туман прокурори катта ёрдамчиси С. Абдуллаевнинг даъвои рад этиш ҳақидаги фикрини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, Рашидова Зебо Икромовна Тошматов Абдуғани Ашуртоевич билан 2005 йил 17 апрелда шаръий никоҳ асосида турмуш қурган. Биргалиқдаги турмушларидан 2008 йил 6 февралда туғилган Тошматов Аброр Абдуғаниевич исмли фарзанди бор.

Тарафлар оилавий келишмовчиликлар сабабли 2010 йил сентябрдан буён бирга яшамайдилар. Ҳозирги кунда вояга етмаган 2008 йил 6 февралда туғилган Аброр исмли фарзанди отаси А. Тошматов билан яшаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасига кўра, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари), шуниндек, шу кодекс 73-моддасининг 1, 2-қисмларига кўра, ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан ўзгартриш ва қўшимчалар киритилган 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарорининг 3-бандида тушунтирилишича, суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим. Бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳоли устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор



кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онанинг маълумоти тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини эътиборга олади.

Суд мажлисида Миробод туман ҳақ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими руҳшуноси А. Аллаярова вояга етмаган Ботир билан бўлиб ўтган суҳбат жараёнида, унинг ҳаётида онаси ўз ўрнини эгаллай олмаганлиги маълум бўлганлигини, боланинг кундалик ҳаёти дадаси, Наргиза ва Севаралар билан боғланганлигини, унинг учун қувонч бахш этувчи дамлар фақатгина дадаси билан боғлиқлигини, онасини «Зебо» деб чақиришини, у болада фақат салбий хотира қолдирганлигини, онаси билан учрашувда у онасига боргиси келмай йиғлашга тушганлигини, шу сабабли вояга етмаган Аброр отаси А. Тошматовнинг тарбиясида қолгани маъқул эканлигини, бу боланинг келажаги учун ҳам яхши таъсир кўрсатади деб ҳисоблаши ҳақида тушунтириш берди.

Суд томонидан З. Рашидова ва А. Тошматовларнинг фарзандлари Аброр билан муносабатларини аниқлаш мақсадида суд-психологик экспертизаси тайинланган бўлиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Амалий психология» кафедраси мутахассислари томонидан ўтказилган суд-психологик экспертизаси томонидан берилган хулосага кўра:

1. 2008 йилда туғилган Тошматов Аброр онаси З. Рашидова билан яшаши боланинг ёш хусусиятлари ва ҳозирги психологик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда мақсадга мувофиқ эмас. Унинг онаси билан яшаши бола учун ҳаёт тарзининг, яқин катталарнинг ва умуман социумнинг ўзгариши билан боғлиқ ўзгаришларга олиб келади. Бу болада ўзгаришлар билан боғлиқ кризисли вазиятнинг юзага келиши, нотаниш вазиятга адаптацияда юзага келувчи ҳолатлар, яқин кишилар билан мулоқотнинг кечканиши ва ҳоказо ҳолатлар боладаги хавотирлик даражасининг фонида янада кескинроқ кечиши мумкин.

2. Тошматов Аброрнинг отаси А. Тошматов билан бирга яшаши ҳозирги вақтда унда одатий психологик муҳитнинг сақланиши, муносабатларнинг позитив фонида унинг психологик ва ақлий ривожланиши, шунингдек, вазият билан боғлиқ муаммоларни ечилишини билдиради.

3. Тошматов Аброр ҳозирги вақтда отаси ва унинг оиласи билан яшашни истайди. Отасининг оиласини ўз оиласи деб билади, бу ерда уни яхши кўришларини ва ғамхўрлик қилишларини сезади.

4. Тошматов Аброр отаси билан яшашни исташи ҳақидаги фикр албатта бу ёшда яқин атрофдаги катталарнинг фикри ва болага бўлган муносабати таъсирида юзага келади. Бу ёш даврида бундай фикр ташқи таъсир кўришида эмас, балки оиладаги позитив эмоционал фонда пайдо бўлади.

5. Тошматов Аброр онаси билан яшашни истамаслиги ҳақидаги фикр биринчидан, унинг онаси билан бирга яшамаганлиги, яъни у билан эмоционал боғлиқлиги йўқлиги, иккинчидан, ўзи учун референт (яқин ва обрўга эга) катталарнинг фикри таъсирида пайдо бўлган. Бу ёшда болалар албатта ўзига яқин катталарнинг гапларини такрорлайдилар. Уларда воқеаларни гипотетик таҳлил ва прогноз қилиш қобилияти мавжуд эмас. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ориентировка-тадқиқот кўринишига эга бўлиб, улар ўзларига хавфли сезилган вазиятлардан қочадилар.

6. Тошматов Аброр онаси билан яшашни истамаслиги аввало объектив вазият, яъни боланинг онаси билан мулоқотнинг узоқ вақт давомида бўлмаганлиги ва отаси билан эмоционал яқинлики ҳис қилиши, отанинг оиласини ўз оиласи деб қабул қилиши каби субъектив сабаблар билан боғлиқ.

Юқоридаги Пленум қарорининг 5-бандида тушунтирилишича, суд ота ёки онанинг боласининг тегишлича тарбиясини таъминлай олиш имкониятларини, ота ёки онанинг



боласи билан ўзаро муносабатлари хусусиятларини, боланинг ўз ихтиёрида бўлган шахсларга қанчалик кўнгли қўйганлигини ва бошқа муайян ҳолатларни эътиборга олади.

Суд иш бўйича тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо берар экан, ота-она фарзандни тарбиялашда тенг ҳуқуқларга эга бўлиб, ҳақиқатдан ҳам вояга етмаган Тошматов Аброр отасига ва унинг яқин қариндошларига боғланиб қолганлигини, у шу оилани ўзининг оиласи деб ҳисоблашини, бу оилада ўзини эркин ва ишончли ҳис этишини, отаси А.А. Тошматовнинг ғамхўрлигини сезишини, отаси томонидан фарзандига мактабгача таълим муассасасида тарбияланиши, даволаниши, соғлом муҳитда таълим-тарбия олиши учун шароит яратиб берилганлигини, у яшаб келаётган жойда унинг тарбияси ва камолоти учун барча шароитлар мавжудлигини, фарзанднинг отаси билан яшаши ҳақидаги фикр ташқи тазйиқ остида эмас, балки оиладаги позитив эмоционал фонда пайдо бўлганлигини, фарзанд узоқ вақт онаси билан яшамаганлиги сабабли улар ўртасида эмоционал боғлиқлик йўқлигини, ҳозирги кунда фарзанд тўрт ёшга кирган бўлиб, 162-сонли мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётганлигини инobatга олиб ва вояга етмаган фарзанднинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда вояга етмаган фарзандни отаси А. Тошматовнинг тарбиясида қолдириш тўғрисидаги хулосага келади.

Бундай хулосага келишда суд З. Рашидованинг яшаш жойида ҳам фарзанд учун барча шароитлар мавжуд бўлсада, бироқ вояга етмаган Аброр ва унинг онаси З. Рашидовалар ўртасида эмоционал яқинлик мавжуд бўлмасдан, З. Рашидованинг яшаш шароити вояга етмаган учун нотаниш вазият бўлиб, ўзига таниш бўлмаган муҳит ва одамлар орасига тўсатдан тушиб қолиш вояга етмаган учун ўзгаришлар билан боғлиқ кризисли вазиятнинг юзага келишига, шу вазиятга адаптацияда юзага келувчи хавотирлик даражасининг фонида янада кескинроқ кечишига олиб келиши мумкинлигини ва бу ўз навбатида вояга етмаганнинг соғлигига салбий таъсир этиши мумкинлигини эътиборга олади.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда суд томонидан даъвогар З. Рашидовага фарзанд билан кўришиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилди, бироқ ишни кўриш давомида бундай даъво тақдим этилмади.

Шунингдек, суд даъвогар З. Рашидова фарзанди билан мунтазам равишда учрашиб туриши натижасида улар ўртасида эмоционал боғлиқлик пайдо бўлганидан, яъни вазият ўзгарганидан сўнг фарзанд яшаш жойини белгилаш ҳақида судга қайта янги асосларда мурожаат қилиши мумкин, деб ҳисоблайди. Ҳозирги кунда эса фарзанднинг яшаш жойини онаси З. Рашидова билан белгилаш вояга етмаганнинг манфаатларига тўғри келмайди, деб ҳисоблайди.

Қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, суд даъвогар З.И. Рашидованинг фарзандининг яшаш жойини ўзи билан белгилаш ҳақидаги даъво аризасини рад этишни лозим деб топади.

Юқорида қайд этилганларни инobatган олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларига қўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Рашидова Зебо Икромовнанинг жавобгар Тошматов Абдуғани Ашуртоевичга нисбатан фарзандининг яшаш жойини белгилаш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Хал қилув қароридан норози тарафлар 20 кунлик муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

ИМЗО

А. Шокиров



11.6. Бола билан кўришиш вақтини белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил март ойининг 16 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманларо судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья К. Исамова,

И. Махмудовнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида даъвогар Тўлқин Шовкатович Азимовнинг жавобгар Дилором Дияровна Қўчқаровага нисбатан бола билан кўришиш вақтини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Т. Азимов судга жавобгар Д. Қўчқаровага нисбатан бола билан кўришиш вақтини белгилаш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 2001 йил 2 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, турмушларидан 2002 йил 28 июнда туғилган Толиб исмли бир нафар фарзанди борлигини, оилавий муросалари тўғри келмаганлиги боис суднинг 2008 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан никоҳдан ажрашганликларини, ҳозирда бир оила бўлиб яшамасликларини, жавобгар фарзанди билан ўз ота-онасининг уйда яшаб келаётганлигини ва фарзанди билан кўришиб туришига эътироз билдираётганлигини кўрсатган.

Судда даъвогар Т. Азимов даъво талабини қувватлаб, фарзанди билан ҳар ҳафтанинг шанба куни соат 9-00 дан якшанба куни соат 19-00 га қадар кўришиш вақтини белгилашни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Д. Қўчқарова даъвони қисман тан олиб, ҳақиқатдан ҳам даъвогар билан 2008 йилдан буён бирга яшамасликларини, фарзанди унинг тарбиясида эканлигини, у турмушга чиқиб кетганлиги боис фарзанди унинг иккинчи турмуш ўртоғини ота деб билишини, даъвогар ўз боласидан бирор марта хабар олмаганлигини, моддий ёрдам бермаганлигини, шунингдек, бола уни танимаслигини, мазкур учрашув белгиланиши боланинг руҳий ҳолатига таъсири бўлиши мумкинлигини билдириб, даъвони рад қилишни сўради.

Судда учинчи шахс сифатида сўралган Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими вакили А. Файзиева, боланинг отаси билан кўришиб туриши учун ҳар ойнинг иккинчи якшанба куни соат 11-00 дан 17-00 гача вақт белгилаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса берди.

Суд тарафларнинг кўргазмаларини, учинчи шахснинг фикрини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим, деб ҳисоблайди.

Суд мажлисида аниқланишича, тарафлар 2001 йил 2 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар ва биргалиқдаги турмушларидан 2002 йил 28 июнда туғилган Толиб исмли фарзандлари бор.

Оилавий келишмовчиликлар сабабли тарафлар фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманларо судининг 2008 йил 20 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан никоҳдан ажратилганлар. Ҳозирда тарафларнинг фарзанди Толиб жавобгар Д. Қўчқарованинг қарамоғида.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман Халқ таълими бўлимининг 2012 йил 10 февралдаги хулосасида тарафларнинг вояга етмаган фарзанди Толиб онаси Д. Қўчқарованинг қарамоғида бўлиб, даъвогар фарзанди билан 2008 йилдан ҳозирга қадар кўришмаганлиги ва бунга жавобгар Д. Қўчқарованинг бошқага турмушга чиққанлиги сабаб бўлганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасига кўра, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Ушбу Кодекснинг 76-моддасига кўра, боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола



билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишга, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилик қилмаслиги керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарори 7-бандининг 3-4-хатбошисига кўра, агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади.

Суд алоҳида турадиган ота ёки онанинг боласини тарбиялашда иштирок этиш тартибини белгилайди ва бола билан бирга турадиган ота ёки онага бунга қаршилик кўрсатмаслик мажбуриятини юклайди.

Суд қайд этиб ўтилган қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг тушунтиришлардан келиб чиқиб, тарафлар вояга етмаган фарзандига нисбатан бир хил ҳуқуққа эга эканликларини, даъвогар ҳам фарзанди билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ҳамда тарбиялаш масаласини ҳал этишда қатнашиши лозимлигини инобатга олиб, шу билан бирга вояга етмаган Толиб Азимов ўрта мактабнинг 3-синфида таълим олаётганлигини, ҳафтанинг шанба кунлари ҳам ўқишда бўлишини, қўшимча спорт тўғрракларида иштирок этишини инобатга олиб, унинг ўқиш режимида келиб чиқиб, унинг даъвосини қисман қаноатлантириб, Толиб исмли фарзанди билан кўришиш вақтини ҳар ойнинг иккинчи яшанба куни соат 11-00 дан 17-00 га қадар белгилашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206-моддаларини қўлаб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Тўлқин Шовкатович Азимовнинг жавобгар Дилором Дияровна Қўчқаровага нисбатан бола билан кўришиш вақтини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар Тўлқин Шовкатович Азимовнинг 2002 йил 28 июнда туғилган Азимов Толиб Тўлқин ўғли исмли фарзанди билан ҳар ойнинг иккинчи яшанба куни соат 11-00 дан 17-00 га қадар кўришиш ва тарбиясида иштирок этиш тартиби белгилансин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

имзо

К.Исамова



11.7. Алимент ундириш ҳақидаги суд буйруғи намунаси

СУД БУЙРУҒИ

(Алимент ундириш ҳақида)

Сана

суд буйруғи рақами

Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота таманлараро суди судьяси Х. Камолов, ундирувчи Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бодомзор кўчаси, 3-уйда яшовчи Амонбаева Зилола Мамадалиевнанинг қарздор Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Фишткўприк кўчаси 31-уйда яшовчи 1970 йилда туғилган Асқаров Тўлқин Саматовичдан бир нафар вояга етмаган фарзандларига алимент ундириш ҳақида суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб,

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 238-2-моддаси 3-бандига асосан,

БУЮРАМАН:

Қарздор Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Фишткўприк кўчаси 31-уйда яшовчи 1970 йилда туғилган Асқаров Тўлқин Саматовичдан ундирувчи Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бодомзор кўчаси 3-уйда яшовчи 1977 йилда туғилган Амонбаева Зилола Мамадалиевнанинг фойдасига вояга етмаган 2007 йил 15 март куни туғилган Асқаров Шодмон Тўлқинович исмли фарзандининг таъминоти учун ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа турдаги барча даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисми миқдорида, бироқ ҳар бир фарзанд учун энг кам ойлик иш ҳақининг $\frac{1}{3}$ қисмидан кам бўлмаган миқдорда 2013 йил 4 март кунидан бошлаб фарзандларининг вояга етгунига қадар алимент ундириб борилсин.

Қарздор Асқаров Тўлқин Саматовичдан 9.438 сўм давлат божи ундирилсин.

Қарздор буйруқни олган кундан эътиборан арз қилинган талаб юзасидан эътирозини ўн кунлик муддатда судга юборишга ҳақли.

Судья:

имзо

Х. Камолов



11.8. Фарзанд таъминотига кўшимча харажат ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2011 йил июль ойининг 12 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья И. Ақромов, Ф. Азизходжаевнинг котиблигида, Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси У. Эшанов, тарафлар иштирокида, даъвогар Адила Жўраевна Мирҳақимованинг жавобгар Жўра Қахрамонович Абдуллаевга нисбатан кўшимча харажатлар учун пул маблағини ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўзгатишган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар А. Мирҳақимова жавобгар Ж. Абдуллаевга нисбатан кўшимча харажатлар учун пул маблағини ундириш тўғрисидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, унда фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2009 йил 10 августдаги ҳал қилув қарорига асосан 2008 йил 3 сентябрда туғилган фарзанди Маликанинг таъминоти учун Ж. Абдуллаевдан ўзининг фойдасига 2009 йил 29 июлдан бошлаб фарзанди вояга етгунига қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилганлигини, Ж. Абдуллаевдан 2009 йил 10 августдан 2009 йил ноябрь ойигача алимент олганлигини, 2009 йил декабрь ойидан жавобгар алимент тўламай қўйганлигини, шунингдек, фарзанди Малика учун бир ойда 91.000 сўмга кўшимча овқат ва гигиена предметини сотиб олишини, қайнонаси ўзига тегишли мол-мулкларни бермаётганлигини, шу сабабли ўзи ва фарзанди учун фаслга қараб кийим-кечак ва оёқ кийим учун 200.000 сўм сарфлашини, ҳозирги кунда ҳеч қаерда ишламаётганлиги, бир ойда ўртача 300.000 сўм харажат қилишини кўрсатган.

Кейинчалик даъвогар А. Мирҳақимова судга ариза билан мурожаат қилиб, унда даъво талабларини ўзгартиришини, фарзандига озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа харажатларни 400.000 сўм, деб баҳолашини кўрсатиб, ушбу харажатларни жавобгардан ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида А. Мирҳақимова даъво талабини тўлиқ қувватлаб, жавобгардан ҳар ойда 400.000 сўмдан фарзанди таъминоти учун пул ундиришни сўраб тушунтириш берди.

Суд мажлисида жавобгар Ж. Абдуллаев даъвони тан олмасдан, даъвогар билан 2007 йил 22 мартда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилавий муносабатлари тўғри келмаганлиги сабабли 2009 йилдан бирга яшамасликларини, ҳозирги кунда суднинг қарорига асосан фарзанди ва даъвогарнинг таъминоти учун алимент тўлаб келаётганлигини, даъвогар фарзандини кўрсатмаганлиги сабабли ундан хабар олмаётганлигини, ҳозирги кунда 60.000 сўм миқдорида ойлик иш ҳақи олиб келаётганлигини кўрсатиб, даъвони рад этишни сўради.

Суд тарафларнинг кўрсатмаларини ва ишда иштирок этувчи прокурорнинг даъвони рад этиш ҳақидаги фикрини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини рад этиш лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, даъвогар А. Мирҳақимова жавобгар Ж. Абдуллаев билан 2007 йил 22 мартда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган, биргаликдаги турмушларидан 2008 йил 3 сентябрда туғилган Малика исмли қизлари бор.

Ўзаро келишмовчиликлар сабабли тарафлар алоҳида-алоҳида яшайдилар ва вояга етмаган Малика онаси А. Мирҳақимованинг қарамоғида.

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2009 йил 10 августдаги ҳал қилув қарорига асосан Ж. Абдуллаевдан 2008 йил 3 сентябрда туғилган Малика исмли фарзандининг таъминоти учун А. Мирҳақимованинг фойдасига 2009 йил 29



июлдан бошлаб фарзанди вояга етгунига қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдориди ҳамда Ж. Абдуллаевдан А. Мирҳакимованинг таъминоти учун фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ҳар ойда 25.000 сўм миқдориди алимент ундирилган.

Жавобгар фарзанди ва даъвогарнинг таъминоти учун алимент тўлаб келган бўлиб, буни тасдиқловчи ҳужжатлар судга тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 103-моддасига кўра, ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Ушбу кодекснинг 59-моддасига кўра, қонун буйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларни бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

Судга даъвогар А. Мирҳакимова фарзанди Маликанинг таъминоти учун фавқулодда ҳолатлардан келиб чиқадиган харажатларни қилганлигини тасдиқловчи далилларни тақдим эта олмади.

Шунингдек, суд жавобгар суднинг қарорига асосан алимент мажбуриятларини бажараётганлигига, ҳозирги кунда фарзанднинг таъминоти учун қўшимча харажатлар қилинмаганлигини инобатга олиб даъво талабни рад этишни лозим деб топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206-моддаларига қўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Адила Жўраевна Мирҳакимованинг жавобгар Жўра Қахрамонович Абдуллаевга нисбатан фарзандининг таъминоти учун қўшимча харажатларни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарордан норози томон 20 кун муддат ичида ушбу суд орқали фуқаролик ишлари буйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибиди шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

ИМЗО

И. Ақромов



11.9. Алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2011 йил октябрь ойининг 10 кuni фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Н. Алиев

Ф. Алиқулловнинг котиблигида, тарафлар иштирокида, даъвогар Рашид Абдуганиевич Ҳақимовнинг жавобгарлар Нодира Равшановна Авазова ва Гулсара Омоновна Султановаларга нисбатан алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Р. Ҳақимов жавобгарлар Н.Авазова ва Г.Султановаларга нисбатан алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, унда фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2005 йил 15 августдаги суд буйруғига асосан 2005 йил 20 июнда туғилган фарзанди Нигорахоннинг таъминоти учун жавобгар Н. Авазованинг фойдасига ойлик маошнинг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундирилаётганлигини, бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2011 йил 7 февралдаги суд буйруғига асосан Г. Султанова фойдасига 2006 йил 1 майда туғилган қизи Райхона ва 2010 йил 4 июлда туғилган қизи Олияларнинг таъминоти учун ойлик иш ҳақининг 1/3 қисми миқдоридан алимент ундирилганлигини, ундан ундирилаётган алиментнинг умумий миқдори ҳар ойлик иш ҳақининг ярмидан кўп қисмини ташкил қилаётганлигини кўрсатиб, ўзидан ундирилаётган алимент миқдорини камайтиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Р. Ҳақимов даъво аризасини қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Н. Авазова даъвони тан олмасдан, даъвогар Р. Ҳақимов собиқ турмуш ўртоғи бўлишини, қизи Нигорахоннинг таъминоти учун 2005 йилдан бошлаб даъвогарнинг ойлик иш ҳақининг 1/4 қисми миқдоридан алимент олиб келаётганлигини, охириги маротаба 796.090 сўм алимент олганлигини, фарзандига ҳар ой 700.000 сўмга яқин ҳаражат қилишлигини, алимент миқдорини камайтиришга қарши эканлигини, сабаби тўлаётган алимент миқдори камайтирилса боласининг эҳтиёжлари учун етмаслигини кўрсатиб, суддан даъво аризани рад этишни сўради.

Жавобгар Г. Султанова ҳам даъвони тан олмасдан, икки нафар фарзанди таъминоти учун ундирилиши лозим бўлган алимент миқдори камайтирилишига қарши эканлигини баён қилиб, даъвони рад этишни сўради.

Суд тарафларнинг кўрсатмаларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2005 йил 15 августдаги суд буйруғи билан даъвогар Р. Ҳақимовдан Н. Авазованинг фойдасига 2005 йил 20 июнда туғилган Нигорахон исмли фарзанди вояга етгунга қадар ҳар ойлик даромадларининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундирилган.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2011 йил 7 февралдаги суд буйруғига асосан Г. Султанованинг фойдасига 2006 йил 1 майда туғилган Райхона ва 2010 йил 4 июлда туғилган Олия исмли фарзандларининг таъминоти учун улар вояга етгунга қадар ҳар ойлик даромадларининг 1/3 қисми миқдоридан алимент ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 115-моддасининг 1, 2-қисмларига кўра, бошқа-бошқа ота-онадан туғилган вояга етмаган болалар учун суднинг бир неча ҳал қилув қарорларига асосан бир ота (она)дан ундирилаётган алиментнинг умумий миқдори ушбу Кодекснинг 99-моддасида назарда тутилган миқдордан ошиб кетса, алимент



тўловчи ота (она) алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суднинг буйруғи кимнинг фойдасига чиққан бўлса, ўша шахсларнинг ҳар бирига нисбатан алиментнинг миқдорини тегишинча камайтириш тўғрисида даъво тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 99-моддасининг 1-қисмига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун–тўртдан бир қисми, икки бола учун–учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун–ярмиси миқдориди ундирилади.

Суд судларнинг барча ҳал қилув қарорларига биноан тўланиши лозим бўлган, Оила кодексининг 99-моддасида белгиланган алимент миқдоридан келиб чиққан ҳолда, болаларга нисбатан судларнинг ҳал қилув қарорлари мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган алиментнинг тенг улушдаги янги миқдорини белгилайди.

Суд Р. Ҳақимов суд буйруқларига асосан жавобгарларнинг фойдасига ҳар ойда ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг жами ($1/4 + 1/3$) $7/12$ қисми миқдориди алимент тўлаши белгиланганлигига, алимент миқдори Оила кодексининг 99-моддасида кўрсатилган миқдордан, яъни иш ҳақининг ярмидан ошиб кетганлигига ҳуқуқий баҳо берган ҳолда даъво талабини қаноатлантиришни ва Р. Ҳақимовдан ҳар бир фарзанд учун ундирилаётган алимент миқдорини унинг ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ($1/2 : 3$ фарзанд) $1/6$ қисми миқдоригача камайтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Бунда Н. Авазованинг фойдасига ундириладиган алимент миқдори $1/4$ қисмдан $1/6$ қисмга камайтирилади ҳамда Г. Султанованинг фойдасига ундириладиган алимент миқдори ўзгармаган ҳолда ($1/6 \times 2$ фарзанд) $1/3$ қисмда қолади.

Суд давлат божи масаласини муҳокама қилиб, даъво ариза беришда 25.000 сўм давлат божи тўланганлигини инobatга олиб, даъвогарнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2.439.876 сўм эканлиги ва камайтирилган алимент миқдори ҳар ойда 203.323 сўмга тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда ФПК 105-моддасининг 7-бандига асосан даъвогардан давлат фойдасига (203.323×12 ой = $2.439.876 \times 10\% = 243.987 - 25.000$) 218.988 сўм давлат божи ундиришни лозим деб топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларига қўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Рашид Абдуғаниевич Ҳақимовнинг жавобгарлар Нодира Равшановна Авазова ва Гулсара Омоновна Султановаларга нисбатан алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Рашид Абдуғаниевич Ҳақимовдан Наргиза Равшановна Авазованинг фойдасига фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судини 2005 йил 15 августдаги суд буйруғига асосан 2005 йил 20 июнда туғилган Нигорахон исмли фарзандининг таъминоти учун ундирилаётган алимент миқдори иш ҳақининг $1/6$ қисм миқдорига камайтирилсин.

Даъвогар Рашид Абдуғаниевич Ҳақимовдан давлат фойдасига 218.988 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичида ушбу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

ИМЗО

Н. Алиев



11.10. Алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил май ойининг 4 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Бекобод туманларо судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Х. Хошимов,

Д. Абдуқодировнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида, даъвогар Азиз Рустамович Азимовнинг жавобгар Нигора Юлдашевна Азимовага нисбатан алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзгатиш фуқаролик ишларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар А. Азимов жавобгар Н. Азимовага нисбатан алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманларо судининг 2011 йил 15 ноябрдаги суд буйруғига асосан 2011 йил 10 майда туғилган фарзанди Асадбекнинг таъминоти учун жавобгар Н. Азимованинг фойдасига ойлик маошининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундирилаётганлигини, бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманларо судининг 2011 йил 24 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Н. Азимованинг фойдасига фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар ҳар ой қатъий суммада 150.000 сўмдан алимент ундирилганлигини, жами бўлиб ўзининг иш ҳақидан 270.000 сўм нафақа ундирилаётганлигини, ундирилаётган алиментнинг умумий миқдори ҳар ойлик иш ҳақининг ярмидан кўп қисмини ташкил қилаётганлигини кўрсатиб, ундирилаётган алимент миқдорини камайтиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Н. Азимов даъво аризасини қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Н. Азимова даъвони тан олмасдан, даъвогар А. Азимов собиқ турмуш ўртоғи бўлишини, ўғли Асадбекнинг таъминоти учун 2011 йилдан бошлаб даъвогарнинг ойлик иш ҳақининг 1/4 қисми миқдоридан алимент олиб келаётганлигини, охириги маротаба 270.000 сўм алимент олганлигини, фарзандига ҳар ой 400.000 сўмга яқин харажат қилишларини, алимент миқдорини камайтиришга қарши эканлигини, чунки тўлаётган алимент миқдори камайтириши билан боласининг таъминоти ёмонлашишини кўрсатиб, суддан даъво аризани рад этишни сўради.

Суд тарафларнинг кўрсатмаларини тинглаб, фуқаролик иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманларо судининг 2011 йил 15 ноябрдаги суд буйруғи билан даъвогар А. Азимовдан Н. Азимованинг фойдасига 2011 йил 10 майда туғилган Асадбек исмли фарзанди вояга етгунга қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундирилган.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманларо судининг 2011 йил 24 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан А. Азимовдан Н. Азимованинг фойдасига фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар ҳар ой қатъий суммада 150.000 сўмдан алимент ундирилган, жами даъвогарнинг иш ҳақидан 270.000 сўм алимент ундирилмоқда.

Даъвогар тақдим қилган ойлик иш ҳақи ҳақидаги маълумотномага кўра, у январь ва февраль ойларида 408.729 сўмдан, март ойида эса 583.898 сўм ойлик иш ҳақи олган.

Бундан кўринадики, унинг ойлик иш ҳақидан 50 фоиздан кўпроқ қисми алимент учун ундирилмоқда.

Шунингдек судда даъвогарнинг оилани ягона боқувчиси эканлиги, ёлғиз онаси ва икки нафар вояга етмаган укаси борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 146-моддасига кўра алимент миқдори суд тартибидан белгиланганидан кейин тарафлардан бирининг моддий ёки



оилавий аҳволи ўзгарса, суд улардан ҳар бирининг талабига кўра алиментнинг белгиланган миқдорини ўзгартиришга ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахсни алимент тўлашдан озод қилишга ҳақли. Алимент миқдорини ўзгартиришда ёки уни тўлашдан озод қилишда суд тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини ҳисобга олишга ҳақли.

Суд юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда, даъвогарнинг даъво талабини асосли деб ҳисоблаб, алимент миқдорини 75.000 сўмгача камайтиришни лозим топади.

Суд давлат божи масаласини муҳокама қилиб, даъво ариза беришда 15.000 сўм давлат божи тўланганлигини инобатга олиб, камайтирилган алимент миқдори ҳар ойда 75.000 сўмга тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда ФПК 105-моддасининг 7-бандига асосан даъвогардан давлат фойдасига $(75.000 \times 12 \text{ ой} = 900.000 \times 5 \% = 45.000 - 15.000 = 30.000)$ 30.000 сўм давлат божи ундиришни лозим деб топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206-моддаларига қўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Азиз Рустамович Азимовнинг жавобгар Нигора Юлдашевна Азимовага нисбатан алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Азиз Рустамович Азимовдан Нигора Юлдашевна Азимованинг фойдасига 2011 йил 10 майда туғилган Асадбек исмли фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ундирилаётган алимент миқдори 150.000 сўмдан 75.000 сўмга камайтирилсин.

Даъвогар Азиз Рустамович Азимовдан давлат даромадига 30.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичида ушбу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

имзо

Х. Ҳошимов



11.11. Фарзанд уч ёшга тўлгунга қадар хотиннинг таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил январь ойининг 17 кuni фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья А.Иброҳимов,

А.Базаровнинг котиблигини, тарафларнинг иштирокида даъвогар Хуршида Иминжон қизи Абдурахмонованинг жавобгар Бахтиёр Тахирович Абдурахмоновга нисбатан бола уч ёшга тўлгунга қадар алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзгатишган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Х. Абдурахмонова жавобгар Б. Абдурахмоновга нисбатан бола уч ёшга тўлгунга қадар алимент ундириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиб, унда жавобгар Б. Абдурахмонов билан 2010 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан бир нафар 2011 йил 29 июнда туғилган Асадбек исмли фарзандлари борлигини, тарафлар ўзаро келишмовчиликлар сабабли 2011 йил сентябрдан буён бирга яшамётганликларини, жавобгар фарзандига моддий ёрдам бермаслигини, фарзандини соғлиги яхши эмаслигини, моддий жиҳатдан қийналганини билдириб, даъво талабларини қаноатлантиришни ҳамда жавобгар Б. Абдурахмоновдан 2011 йилда туғилган Асадбек исмли фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда қатъий сўмдада 300.000 сўм миқдорида алимент ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Х. Абдурахмонова даъво аризасини қувватлаб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Б. Абдурахмонов даъвони қисман тан олиб, ҳақиқатан даъвогар Х. Абдурахмонова билан 2010 йил 28 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганликларини ва ўзаро турмушларидан бир нафар фарзандлари борлигини, ўзаро келишмовчиликлар сабабли бирга яшамасликларини, даъвогарнинг таъминоти учун ҳар ойда 60.000 сўмдан алимент тўлай олишини кўрсатиб, суддан даъвони қисман қаноатлантиришни сўради.

Суд тарафларнинг кўрсатмаларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, Б. Абдурахмонов ва Х. Худайбердиева 2010 йил 28 сентябрда Тошкент шаҳар Бектемир тумани ФҲДЁ бўлимида 172-сон билан қайд қилинган далолатнома ёзувига асосан қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганлар.

Биргаликдаги турмушларидан 2011 йил 29 июнда туғилган Асадбек Тахиров исмли фарзандлари бор.

Ўзаро келишмовчиликлар сабабли тарафлар бугунги кунда бирга яшамайдилар ва умумий рўзгор юритмайдилар. Жавобгар Б. Абдурахмонов оиласининг таъминоти учун моддий ёрдам кўрсатмаганлиги боис, даъвогар судга мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 117-моддасига кўра, эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан 1 гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр) дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга.

Иш материалларига қўшилган жавобгар Б. Абдурахмоновнинг иш жойи «Оловдан кучли» МЧЖдан талаб қилиб олинган маълумотномага кўра, унинг ўртача ойлик иш ҳақи 400.000 сўмни ташкил қилади.



Суд жавобгарнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори, боланинг моддий таъминоти учун туланадиган алимент миқдори иш ҳақининг 1/4 миқдорини ташкил қилишини инobatга олиб, даъво аризани қисман қаноатлантиришни ҳамда Б. Абдурахмоновдан Х. Абдурахмонова фойдасига 2011 йил 29 июнда туғилган А. Тахиров исмли фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар 2011 йил 16 декабрдан бошлаб ҳар ойда 60.000 сўм миқдоридан алимент ундиришни лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 120-моддасига асосан ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, ушбу Кодекс 105-моддасининг 4-бандига кўра, алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб белгиланади ва даъво баҳоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат божи ставкалари» 1-қисмининг «а» бандига кўра даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача бўлганда даъво баҳосининг 5 фоизи миқдоридан давлат божи ундирилади.

Ушбу қонун талабига кўра, Б. Абдурахмоновдан ундирилаётган давлат божи миқдори 36.000 сўмни ташкил қилади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206-моддаларига кўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Хуршида Иминжон қизи Абдурахмонованинг жавобгар Бахтиёр Тахирович Абдурахмоновга нисбатан бола уч ёшга тўлгунга қадар ўз таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар 1985 йилда туғилган Бахтиёр Тахирович Абдурахмоновдан даъвогар Хуршида Иминжон қизи Абдурахмонова фойдасига 2011 йил 29 июнда туғилган Асадбек Тахиров Бахтиёр ўғли исмли фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар 2011 йил 16 декабрдан ҳар ойда 60.000 сўм миқдоридан қатъий суммада алимент ундирилсин.

Жавобгар Абдурахмонов Бахтиёр Тахировичдан 36000 (ўттиз олти минг) сўм миқдоридан давлат божи ундирилсин.

Хал қилув қарорининг алимент ундириш қисми дарҳол ижро этилсин.

Хал қилув қароридан норози томон 20 кунлик муддат ичида ушбу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

имзо

А.Иброҳимов



11.12. Оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2011 йил август ойининг 22 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья А.Рустамов,

К. Исламовнинг котиблигида, Ҳамза туман прокурорининг катта ёрдамчиси О. Умиров, тарафлар иштирокида, даъвогар Ҳамза туман халқ таълим бўлими Васийлик ва ҳомийлик органининг Умида Анваровна Валентинованинг манфаатида жавобгар Анвар Ахорович Валентиновга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзгатишган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Ҳамза туман халқ таълим бўлими Васийлик ва ҳомийлик органи Умида Анваровна Валентинованинг манфаатида жавобгар Анвар Ахорович Валентиновга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, унда М. Исхакова уларга ариза бериб, вояга етмаган набираси У. Валентиновани туғилгандан буён боқиб катта қилаётганлигини, унинг онаси О. Валентинова 2005 йил 30 апрелда вафот этганлигини, отаси А. Валентинов эса қизидан хабар олмаслигини, моддий-маънавий ёрдам кўрсатмаслигини маълум қилганлигини, шундан сўнг жавобгар васийлик ва ҳомийлик органига, маҳаллага қақирилганлигини, бироқ жавобгар вояга етмаган қизининг тақдири билан қизиқмаганлиги сабабли келмаганлигини, ҳозирги кунда 1998 йилда туғилган У. Валентинова отасининг қаровисиз қолганлигини, отаси А. Валентинов эса қизининг тарбияси билан шуғулланмасдан, унга нисбатан васий тайинлаш учун ёзма розилик ҳам бермаганлигини кўрсатиб, Анвар Ахорович Валентиновни 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентиновга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилишни, ҳамда ундан вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун алимент ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Ҳамза туман халқ таълим бўлими Васийлик ва ҳомийлик органи вакили даъвои қувватлаб, суддан даъвои қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар А. Валентинов даъво талабини тан олмасдан, Ойша Мухафаровна Валентинова билан 1997 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, ўрталарида бир нафар вояга етмаган 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентинова исмли фарзанди туғилганлигини, 2005 йил 30 апрелда турмуш ўртоғи вафот этганлигини, шундан кейин фарзандини олиб кетмоқчи бўлганлигини, лекин кайнонаси М.М. Исхакова йўғлаб, болани унда қолдиришни сўраганидан кейин фарзандини олиб кетмаганлигини, 2006 йилдан буён фарзандини умуман кўрмаганлигини, уни тарбияси билан шуғулланмаганлигини, моддий ёрдам бермаганлигини, байрам ва туғилган кунда бориб хабар олмаганлигини, ҳар-хил гап-сўзлар сабабли фарзандидан хабар олмай қўйганлигини, боланинг таъминоти учун пул маблағларини турмуш ўртоғи вафот этгунга қадар унинг қўлига берганлигини, буни тасдиқловчи ҳужжатлари йўқолганлигини, ҳозирги кунда бу фарзандига моддий ёрдам бера олмаслигини, сабаби 8 йил олдин, яъни 2003 йилда бошқа оила қурганлигини, ҳозирги кунда шу оиласидан бир ўғли ва бир қизи борлигини, топган маблағини иккинчи турмушига харажат қилишини, келажақда фарзандига ўзи қараб, оталик қилиб, уни ўз тарбиясига олмоқчи эканлигини кўрсатиб, суддан даъво талабини рад этишни сўради.

Суд мажлисида учинчи шахс сифатида сўралган М.М. Исхакова даъво талабини қувватлаб, болани васийликка олмоқчи эканлигини, қизи 2005 йилда вафот этганлигини, жавобгар бундан олдин ҳам фарзандидан хабар олмаганлигини, жавобгар 2001 йилдан буён фарзандидан хабар олмаслигини, фақатгина қизи вафот этган вақтда келганлигини кўрсатиб, суддан даъво талабини қаноатлантиришни сўради.



Суд тарафларнинг кўрсатмаларини, Ҳамза туман прокурори катта ёрдамчиси О. Умировнинг фикрини тинглаб, фуқаролик иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъвои қаноатлантиришни лозим деб топади.

Суд мажлисида аниқланишича, Анвар Ахрорович Валентинов Ойша Муҳафаровна Валентинова билан 1997 йил 25 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган ва уларнинг турмушларидан 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентинова исмли фарзандлари бор.

Уртадаги узаро келишмовчиликлар сабабли А. Валентинов О. Валентинова билан суднинг 2001 йил 17 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилган. Мазкур ҳал қилув қарорига кўрсатилишича, тарафлар 1998 йилдан буён бирга яшамаганлар ва вояга етмаган фарзанд онасининг тарбиясида бўлган.

Ойша Муҳафаровна Валентинова 2005 йил 30 апрелда вафот этган, ва унинг вояга етмаган фарзанди бувиси М.М. Исақованинг қарамоғида қолган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасига асосан, ота-она ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарорининг 15-бандига биноан, ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлash – бу ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин гамхўрлик қилмаслиқдир. Болаларнинг ёшларига қараб ота(она)нинг ҳар бир муайян ҳолатдаги ҳаракати (харакатсизлиги) болани ҳалокатга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилган.

Ота-онанинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганликлари уларнинг болаларининг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёргарлиги тўғрисида гамхўрлик қилмаганлигида намоян бўлади.

Суд томонидан аниқланишича, жавобгар А. Валентинов 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентинова исмли фарзандидан 2006 йилдан бошлаб умуман хабар олмайди, моддий ёрдам бермайди, фарзандининг тарбиясида иштирок этмайди, унинг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, соғлиги ва тақдири билан умуман қизиқмайди, унга гамхўрлик қилмайди.

Мазкур ҳолатлар иш ҳужжатларидаги далиллар, хусусан «А. Навоий» маҳалла фуқаролар йиғинининг 2010 йил 13 августдаги далолатномаси, 2010 йил 14 декабрдаги маълумотномаси, Ҳамза туман халқ таълими бўлимининг 2011 йил 27 июлдаги хулосаси билан, ҳамда тарафларнинг, хусусан жавобгар А. Валентиновнинг судда берган кўрсатмалари билан ўз исботини топди.

Қайд этилган ҳолатлар А. Валентинов фарзанди 1998 йил 31 августда туғилган У. Валентинованинг олдда ўз оталик мажбуриятларини бажармаганлигидан, унинг иккинчи турмуш қуриб, бир ўғил ва бир қиз фарзандлик бўлиб, шу оиласи билан бўлиб қолганлигидан, ва биринчи турмушидаги фарзанди ҳаёти билан қизиқиши умуман йўқолганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 80-моддасининг 1-қисмига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибда амалга оширилади.

Суд юқорида қайд этилган ҳолатларни А. Валентинов фарзанди олддаги оталик мажбуриятини бажаришдан бўйин товланганлик каби баҳолаб, оталиқдан маҳрум қилиш охири чора ҳисоблансада, бироқ жавобгар узоқ муддат давомида фарзандига нисбатан оталик бурчларини узлуксиз равишда бажармасдан келаётганлигига ҳуқуқий баҳо бериб, даъво аризини асосли деб ҳисоблайди, ҳамда уни қаноатлантириш лозим деган хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 81-моддасининг 2-қисмига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 99-моддасининг 1-қисмига кўра, агар



вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир қисми, икки бола учун – учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдориди ундирилади.

Ҳозирги кунда вояга етмаган фарзанд бувиси М. Исақованинг қарамоғида бўлганлиги ва жавобгар фарзандининг таъминоти учун моддий ёрдам бермаётганлиги сабабли суд ундан фарзандлари таъминоти учун М. Исақованинг фойдасига 2011 йил 6 апрелдан бошлаб жавобгарнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларидан 1/4 миқдорда алимент ундириш лозим деган хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 120-моддасига асосан ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, ушбу Кодекс 105-моддасининг 4-бандига кўра, алимент ундириш тўғрисидаги даъволар буйича бир йиллик тўловларнинг йигиндисига қараб белгиланади ва даъво баҳоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат божи ставкалари» 1-қисмининг «а» бандига кўра даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача бўлганда даъво баҳосининг 5 фоизи миқдориди давлат божи ундирилади.

Ушбу қонун талабига кўра, жавобгарнинг ўртача ойлик иш ҳақи 480.000 сўмни ташкил қилиши муносабати билан, ундан ундирилаётган давлат божи миқдори 72.000 сўмни ташкил қилади ($480.000 : 4 = 120.000 \times 12 \text{ ой} = 1.440.000 \text{ сўм} \times 5\% = 72.000$).

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203-206-моддалари кўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ҳамза туман халқ таълим бўлими Васийлик ва ҳомийлик органининг Умида Анваровна Валентинованинг манфаатида жавобгар Анвар Ахрорович Валентиновга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

1971 йилда туғилган Анвар Ахрорович Валентинов 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентиновга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинсин.

1971 йилда туғилган Анвар Ахрорович Валентиновдан 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентинованинг таъминоти учун Исақова Муқаррам Мадждивонанинг фойдасига 2011 йил 6 апрелдан бошлаб фарзанди вояга етгунига қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдориди алимент ундирилсин.

Жавобгар Анвар Ахрорович Валентиновдан давлат фойдасига 72.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига шу суд орқали апелляция тартибиди шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

ИМЗО

А.Пустамов



11.13. Оналик ҳуқуқини тиклаш, болаларни ўз тарбиясига олиб бериш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2011 йил июнь ойининг 7 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Д. Сафарова,

А. Базаровнинг котиблигида, тарафларнинг, Тошкент шаҳар Бектемир тумани прокурори ёрдамчиси У. Эшановнинг, адвокатлар А. Сиддиқова, Р. Толибов, иштирокида, даъвогар Хамидова Лола Шакировнанинг жавобгар Шарапова Раҳима Мамуровнага нисбатан оналик ҳуқуқини тиклаш, болаларни ўз тарбиясига олиб бериш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Л.Ш. Хамидова жавобгар Р.М. Шараповага нисбатан оналик ҳуқуқини тиклаш, болаларни ўз тарбиясига олиб бериш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2008 йил 16 январдаги ҳал қилув қарорига асосан 2002 йилда туғилган Азиз ва 2005 йилда туғилган Камронбек исми икки нафар фарзандларига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлигини, жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг ҳужмига асосан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганлигини, ҳозирда 2010 йил 29 октябрдан озодликка чиққанлигини, фарзандлари Бектемир туман ҳокимининг 2007 йилдаги қарорига асосан қайнонаси Р.М. Шарапованинг васийлигига вақтинчалик берилганлигини, фарзандлари ҳозирда қайнонасининг оиласи билан яшаб келаётганлигини, у суднинг қарорига кўра фарзандларига нисбатан эътиборсиз бўлганлиги ёки уларни тарбиясида иштирок этмаганлиги, уларга бирон-бир шикаст етказганлиги учун эмас, балки турмуш ўртоғини қасддан ўлдирганлиги сабабли оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлигини, Р.М. Шарапова илгари фарзандларининг тарбиясида умуман иштирок этмаганлигини, у турмуш ўртоғи билан алоҳида бошқа уйда яшаб келганлигини, ҳозирда қайнотаси қамалганлигини, қайнонаси ҳеч қаерда ишламаслигини инобатга олиб, икки нафар фарзандларига нисбатан оналик ҳуқуқини тиклаб, уларни ўз тарбиясига олиб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Л.Ш. Хамидова даъво аризасини тўлиқ қувватлаб, бугунги кунда болаларини ўзининг тарбиясига олмоқчи эканлигини, «Зарафшон Коммунал сервис» ХУЖМШда ишлаётганлигини, ҳозирда С. Сафаров билан фуқаролик никоҳида яшаб келаётганлигини, ҳомиладорлигини, ўзи Бектемир тумани, Водник қаҳаси, 37-уй, 99-квартирада яшаётганлигини билдириб, даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида даъвогар Л.Ш. Хамидованинг ишончли вакили Р. Толибов даъво аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Р.М. Шарапова даъво аризасини тан олмасдан, 1999 йилда ўғли М. Шарапов даъвогар Л. Шамидовани олиб қочиб келганлигини, урф-одатлар, яшаш тарзида фарқ бўлганлиги сабабли уларнинг оила қуришига қарши бўлганлигини, шундай бўлсада, улар оила қуриб, икки нафар фарзандлик бўлганликларини, катта невараси Азиз доимий равишда унинг тарбиясида бўлганлигини, даъвогар Л.Ш. Хамидованинг синглиси К.Ш. Хамидова Дубай шаҳрига бориб, араб миллатига мансуб Халифа исмли шахс билан 2004 йилдан буён яшаб келишини, даъвогар ҳам шу йўлни танлаб, Дубай шаҳрига бормоқчи бўлганида, ўғли қарши чиққанлигини, шунда Л.Ш. Хамидова ўғлидан қутулиш йўлларини излаганлигини, 2007 йил 10 майда Л.Ш. Хамидова оила аъзолари билан қафга борганларида жанжал чиқариб, натижада ўғли М. Шараповни ўлдирганликларини, шу куни кечаси Л.Ш. Хамидова келиб унга «ўғлингиз маст бўлиб ётибди, ўғли Азизни олиб келишни сўради, укамни машинасида келдим», деб айтганлигини, унга ўғлини ўлдирганлигини айтмасдан, неварасини олиб



кетганлигини, шу куни Л.Ш.Хамидова болаларини олиб, Дубай шаҳрига кетмоқчи бўлганида ушланганигини, жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2007 йил 25 сентябрдаги ҳукми билан Л.Ш.Хамидова Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топilib, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганлигини, Л.Ш.Хамидова озодликка чиқиб, синглиси К.Ш.Хамидовага тегишли квартирада рўйхатдан ўтиб яшаётганлигини, унинг ўз уй-жойи йўқлигини, синлисининг икки нафар фарзанди, унинг эри ва Л.Ш.Хамидоваларнинг бирга яшаши фарзандларига етарли тарбия бера олмаслигини билдиришини, Л.Ш.Хамидова вояга етмаганларга нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигини, Бектемир туман ҳокимининг қарорига асосан вояга етмаганлар аввалига васийликка вақтинчалик бериш ҳақидаги қарори билан, кейинчалик Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимининг 2008 йил 29 октябрдаги қарорига асосан унга фарзандликка берилганлигини, унинг номига тўлиқ расмийлаштирилганлигини, болалар уни онаси деб билишларини, невараларини ўз фарзандлари қаби катта қилганлигини, Л.Ш.Хамидова суд ҳукмига қадар ҳам болаларни тарбияси билан шуғулланмаганлигини, вояга етмаганларнинг яшаш шароитлари юзасидан ҳеч қандай камчиликлари йўқлигини билдириб, суддан даъво аризасини рад қилишни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Р.М.Шарапованинг ишончли вакили А.Сиддиқова даъво аризасини тан олмасдан, жавобгарга ўхшаш кўргазма бериб, даъво талабларини тўлиқ рад қилишни сўради.

Суд, даъвогар ва жавобгарнинг, уларнинг вакилларининг кўрсатмаларини ҳамда Бектемир тумани прокурорининг ёрдамчиси У.М.Эшановнинг даъво аризасини рад қилиш ҳақидаги фикрини тинглаб, фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб ва иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақидаги хулосага келади.

Аниқланишича, Л.Ш.Хамидова Р.М.Шарапованинг ўғли М.Н.Шарапов билан 1999 йилда шаърий никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан 2002 йил 14 январда туғилган Неъматиллаев Азиз Мехмонали ўғли ва 2005 йил 9 ноябрда туғилган Хамидов Камронбек Мехмонали ўғли исмли фарзандлари туғилган.

Иш ҳужжатларида мавжуд бўлган 2007 йил 25 сентябрдаги жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг ҳукмидан кўринишича, Шарапов Мехмонали Неъматиллаевич 2007 йил 10 майда вафот этган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 2008 йил 16 январдаги ҳал қилув қарорига асосан Шарапова Раҳима Мамуровнанинг Хамидова Лола Шокировнага нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси ҳамда аризачи Бектемир туман халқ таълими бўлимининг оталик фактини белгилаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, 2005 йил 9 ноябрда туғилган Хамидов Камронбек Мехмонали ўғли исмли фарзанднинг отаси 1980 йил 28 августда туғилган, миллати лўли Шарапов Мехмонали Неъматиллаевич эканлиги факти белгиланган.

Мазкур ҳал қилув қарорига асосан Хамидова Лола Шокировна 2002 йил 14 январда туғилган Неъматиллаев Азиз Мехмонали ўғли ва 2005 йил 9 ноябрда туғилган Хамидов Камронбек Мехмонали ўғли исмли фарзандларига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Вояга етмаган фарзандлар Бектемир туман васийлик ва ҳомилийк органининг қарамоғига олиб берилган.

Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимининг 2007 йил 03 июлдаги қарорига асосан вояга етмаган 2002 йил 14 январда туғилган Неъматиллаев Азиз Мехмонали ўғли ва 2005 йил 9 ноябрда туғилган Хамидов Камронбек Мехмонали ўғли бувиси Шарапова Раҳима Мамуровнага вақтинчалик васийликка берилган. Мазкур қарорда Хамидова Лола Шокировнани прокуратура томонидан суриштирув ишлари тугатилиб, суд ҳукми чиққунга қадар болаларни вақтинча васийликка бериш масаласи назарда тутилган.

Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимининг 2008 йил 29 октябрдаги қарорига асосан фуқаро Шарапова Раҳима Мамуровнага вояга етмаган 2002 йил 14 январда



туғилган Неъматиллаев Азиз Мехмонали ўғли ва 2005 йил 9 ноябрда туғилган Хамидов Камронбек Мехмонали ўғли фарзандликка берилган.

Ушбу қарорнинг 2-бандида туман ФХДЁ бўлими зиммасига вояга етмаганларнинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида вояга етмаганларнинг туғилганлик жойи, туғилганлик йили, ойи, кuni, исми ўзгартрилмаслиги, «Хамидов Камронбек Мехмонали ўғли» ўрнига «Шарапов Камронбек Неъматилла ўғли» ва «Неъматиллаев Азиз Мехмонали ўғли» ўрнига «Шарапов Азиз Неъматилла ўғли» деб, «отаси» деган жойига «Шарапов Неъматилла Хайитматович» миллати тожик ҳамда «онаси» деган жойига «Шарапова Раҳима Мамуровна» миллати тожик деб ёзишга рухсат берилган.

Ушбу қарорга асосан вояга етмаганларнинг туғилганлик гувоҳномасига ўзгартриш киритилган бўлиб, Тошкент шаҳар Бектемир туман ФХДЁ бўлими томонидан 2002 йилда туғилган Шарапов Азиз Неъматилла ўғли ва 2005 йилда туғилган Шарапов Камронбек Неъматилла ўғлига 2009 йил 4 февралда туғилганлик гувоҳномаси берилган.

Юқоридаги иш ҳолатларидан кўринишича, вояга етмаганларни вақтинчалик васийликка бериш ҳақидаги Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимининг 2007 йил 3 июлдаги қарориди Л.Ш. Хамидовага нисбатан суриштирув ишлари тугатилиб, суд ҳукми чиққунга қадар болаларни вақтинча васийликка бериш масаласи назарда тутилган ва Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимининг 2008 йил 29 октябрдаги фуқаро Шарапова Раҳима Мамуровнага вояга етмаган 2002 йилда туғилган Неъматиллаев Азиз Мехмонали ўғли ва 2005 йилда туғилган Хамидов Камронбек Мехмонали ўғлини фарзандликка бериш ҳақидаги қарори чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 82-моддасининг 6-қисмига асосан, бола фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 20-бандида тушунтирилишича, болалар бошқа шахслар томонидан фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

Юқоридаги қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, бугунги кунда вояга етмаган – 2002 йил 1 январда туғилган А.Н. Шарапов ва 2005 йил 9 ноябрда туғилган К.Н. Шараповлар Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимининг 2008 йил 29 октябрдаги қарорига асосан фуқаро Шарапова Раҳима Мамуровнага фарзандликка берилганлигини, қонун талабига мувофиқ, болалар бошқа шахслар томонидан фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган ёки ҳақиқий эмас, деб топилмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмаслиги боис, суд даъвогар Л.Ш. Хамидованинг оналик ҳуқуқини тиклаш ва фарзандларни ўз тарбиясига олиб бериш ҳақидаги даъво талабларини рад қилиш ҳақидаги хулосага келади.

Шунингдек, суд даъвогар Л.Ш. Хамидова томонидан келтирилаётган вазлар, яъни унинг бугунги кунда озодликка чиқарилганлиги, «Зарафшон» ХУЖМШда ишлаб келаётганлиги, синглиси К.Ш. Хамидованинг эгалигида шахсий уйи борлиги, даъвогар Л.Ш. Хамидованинг банкдаги ҳисоб рақамига қариндошлари томонидан пул ўтказиб берилганлиги каби вазлари даъвони қаноатлантириш учун асос бўла олмайди деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206-моддаларига асосан, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Лола Шакировна Хамидованинг жавобгар Раҳима Мамуровна Шараповага нисбатан оналик ҳуқуқини тиклаш, болаларни ўз тарбиясига олиб бериш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинсин.



11 БОБ. ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига шу суд орқали апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:

имзо

Д. Сафарова



11.14. Аналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил июль ойининг 1 куни фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро суднинг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Н.Халилов,

Ф. Ходжаевнинг котиблигида, Бекобод шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б. Мирзаевнинг, тарафларнинг иштирокида, даъвогар Мухаббат Хамзаевна Бобожонованинг жавобгар Бекобод шаҳар ХТМФМТ ва ТЭБ ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органига нисбатан оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўзгатишган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар М. Бобожонова даъво билан судга мурожаат қилиб, унда суднинг қарорига кўра 2003 йил 3 январда туғилган Қундуз исмли фарзандига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигини, ҳозирда оила куриб, икки нафар фарзанди борлигини, тикувчилик билан шуғулланишини, моддий томондан ўзини тиклаб олганлигини, қизини ўз оиласига олиб келиб тарбиялашини, қизини етук ва комил инсон қилиб тарбиялашга турмуш ўртоғи К. Алиев билан келишиб олганлигини кўрсатиб, унинг оналик ҳуқуқини тиклаб беришни сўраган.

Даъвогар М. Бобожонова даъво аризани қувватлаб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида учинчи шахс К. Алиев М. Бобожонова билан 2009 йил 19 майда қонуний никоҳдан ўтганлигини, биргаликдаги турмушларидан икки нафар фарзандлари борлигини, ўзи ишлаб оилани боқишга тўлиқ имкони борлигини, Қундузни оиласига олишга розилигини кўрсатиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Бекобод тумани ХТМФМТ ва ТЭБ ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органи вакили С. Солиева даъвони тан олиб, М. Бобожонованинг турар жойи бўйича маҳалла раиси билан суҳбат ўтказилганини, унинг оилавий шароити яхшилانганлигини, маҳалла томонидан М. Бобожоновага ижобий тавсифнома берилганлигини, унинг уй шароитлари ўрганилиб, бу ҳақида далолатнома тузилганлигини, М. Бобожонованинг оналик ҳуқуқи тикланса мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд тарафларнинг кўргазмаларини ва ишда иштирок этувчи прокурорнинг даъвони қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 82-моддаси талабига кўра, ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Аниқланшича, фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 2008 йил 10 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, М. Бобожонова оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Суднинг ушбу қароридан 2003 йил 3 январда туғилган Қундуз онаси М. Бобожонова томонидан қаровсиз қолдирилганлиги, М. Бобожонованинг муқим яшаш жойи йўқлиги ва ишламаслиги, бола қаровсиз қолганлиги, у фарзандининг тарбияси билан шуғулланмай қўйганлиги ҳолатлари кўрсатиб ўтилган.

Ҳозирда М. Бобожонова ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини, бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган.

Судга тақдим қилинган ҳужжатлардан кўринишича, М. Бобожонова К. Алиев билан 2009 йил 19 майда қонуний никоҳдан ўтган, уларнинг 2005 йил 6 июлда туғилган Назолат



ва 2007 йил 14 апрелда туғилган Ботир исмли фарзандлари бор.

Ушбу ҳолатлар Бекобод шаҳар ХТМФМТ ва ТЭБ ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик кенгашининг 2012 йил 24 майдаги хулосаси ва Бекобод шаҳар «Намуна» МФЙнинг 2012 йил 5 июндаги далолатномаси ҳамда 6 июндаги маълумотномаси билан тасдиғини топган.

Суд аниқланган ҳолатларга ва қонун талабига асосан М. Бобожоновани фарзанди 2003 йил 3 январда туғилган Қундузга нисбатан оналик ҳуқуқини тиклашни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206-моддаларига қўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Мухаббат Хамзаевна Бобожонованинг жавобгар Бекобод шаҳар ХТМФМТ ва ТЭБ ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органига нисбатан оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Даъвогар Мухаббат Хамзаевна Бобожонованинг 2003 йил 3 январда туғилган Қундуз Икромова исмли фарзандига нисбатан оналик ҳуқуқи тиклансин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичида ушбу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

имзо

Н. Халилов



11.15. Уй-жойдан улуш белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил ноябрь ойининг 20 кунى фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Л.Алиева,

Х. Маматов котиблигида, Бекобод шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А. Фозилов, ишончли вакил Ш. Исмоилова ҳамда тарафларнинг иштирокида, даъвогар Ирода Қодировна Мирзаеванинг жавобгар Умид Шокирович Мирзаевага нисбатан уй-жойдан улуш белгилаш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзгатишган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар И. Мирзаева судга жавобгар У. Мирзаевага нисбатан даъво аризаси билан муножаат қилиб, унда жавобгар билан 2002 йил 12 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан икки нафар фарзандлари борлигини, Бекобод шаҳар, Олмазор кўрғони, 12-уй, 14-квартирада эри билан яшаб келганлигини, ўзаро келишмовчиликлар сабабли жавобгар ушбу квартирадан чиқиб кетганлигини, ҳозирги вақтда фарзандлари билан шу квартирада яшаб келаётганлигини, ушбу квартира биргаликдаги умумий мулк сифатида эрининг номига сотиб олинганлигини кўрсатиб, мазкур квартирадан улушини белгилаб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар И. Мирзаеванинг ишончли вакили Ш. Исмоилова даъво талабини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар У.Ш. Мирзаев даъво талабларини қисман тан олиб, даъво талабларини қонун доирасида ҳал қилишни сўради.

Суд даъвогар вакили, жавобгарнинг тушунтиришларини, Бекобод шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Н. Фозиловнинг даъво талабини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, даъвогар И. Мирзаева жавобгар У. Мирзаев билан 2002 йил 12 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган ва биргаликдаги турмушларидан 2 нафар фарзандлари бор.

Уч хонали, яшаш майдони 37.76 кв. м дан иборат Бекобод шаҳар, Олмазор кўрғони, 12-уйнинг низоли 14-квартираси 2008 йил 2 октябрдаги олди-сотди шартномасига кўра жавобгар У. Мирзаевага тегишли бўлиб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тарафлар оилавий келишмовчиликлар сабабли 2012 йил 12 январдаги суднинг қарорига кўра никоҳдан ажратилганлар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 23-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 28-моддасининг 1-қисмига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Бундай ҳолатда, суд юқоридаги қонун талабига асосан даъвони қаноатлантиришни, эр-хотин ўртасидаги умумий мулк ҳисобланган низоли квартирадан даъвогар И. Мирзаевага унинг ушбу квартирадан 1/2 қисми микдоридagi улушини белгилаб беришни лозим топади.



Суд квартираддан даъвогарнинг улуши белгилаб берилиши ва унинг мулк ҳуқуқи ТЖБКХда рўйхатдан ўтиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 207-моддасини қўллаб, даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқишни ва жавобгарнинг ҳам квартирадаги унга тегишли 1/2 қисми микдоридаги улушини белгилаб беришни лозим топади.

Суд ҳаражатлари масаласини муҳокама қилиб, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 120-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, жавобгардан давлат божини давлат даромадига ундиришни лозим топади. Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги қарорининг 1-бандига кўра, У. Мирзаевдан квартиранинг мутахассислар томонидан баҳоланган нархи 34.984.050 сўмнинг 1/2 қисми 17.492.025 сўмни ташкил қилишини, ушбу суммадан 20 фоиз – 3.498.405 сўмни ташкил қилишини, жавобгарнинг мулкий аҳволини, ногиронлигини, икки нафар фарзандининг таъминоти учун алимент тўлаб келишини ҳисобга олиб, жавобгардан тўланиши лозим бўлган суд ҳаражатларини Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 111-моддасига кўра камайтиришни ва ундан 1.000.000 сўм давлат божини давлат даромадига ундиришни лозим деб топади.

Бинобарин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206 моддаларига қўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар И. Мирзаевнинг даъво талаби қаноатланирилсин.

Бекобод шаҳар, Олмазор кўргони, 12-уйнинг низоли 14-квартираси даъвогар И. Мирзаева ва жавобгар У. Мирзаевларнинг биргаликдаги умумий мулки деб эътироф этилиб, ушбу квартирага нисбатан И. Мирзаевнинг 1/2 улуши ва У. Мирзаевнинг 1/2 улуши белгилансин.

Жавобгар У. Мирзаевдан давлат даромадига 1.000.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кунлик муддат ичида мазкур суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:

имзо

Л.Алиева



11.16. Мол-мулкни бўлиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил март ойининг 22 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлисида ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья А.Рустамов,

К. Исламовнинг котиблигида, Ҳамза туман прокурорининг катта ёрдамчиси О. Умировнинг, тарафларнинг иштирокида, даъвогар Иззатулло Аликулович Худойкуловнинг жавобгар Рухсона Ильхамовна Худойкуловага нисбатан мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзгатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйдагиларни,

АНИҚПАДИ:

Даъвогар И. Худойкулов судга жавобгар Р. Худойкуловага нисбатан мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 2008 йил 29 мартда қонунчи никоҳдан ўтиб, бир нафар фарзандли бўлишганлигини, 2009 йилда улар «Нексия» русумли автомашинасини сотиб олганлигини, ушбу автомашинани турмуш ўртоғи номига расмийлаштирилганлигини, суднинг 2011 йил 23 майдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилганликларини, уй-жой бўйича низолари мавжуд эмаслигини кўрсатиб, низоли автомашинанинг жавобгарга тегишли бўлган қисмини ўзидан пул шаклида ундириб, собиқ турмуш ўртоғини ушбу автомашинага нисбатан эгалик ҳуқуқини тугатишни сўради.

Суд мажлисида сўралган даъвогар И. Худойкулов даъво ни қувватлаб, унда келтирилган важларини такрорлаб, даъво ни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Р. Худойкулова даъво ни тан олиб, ҳақиқатдан ҳам низоли автомашина даъвогарнинг ва ўзининг турмушлари давомида сотиб олинганлигини, низоли автомашинани даъвогар бошқариб юришини, шунингдек, автомашинанинг техник ҳолатига ҳам собиқ турмуш ўртоғи қараганлигини, ўзининг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлигини, уй-жой борасида ўрталарида низо мавжуд эмаслигини кўрсатиб, автомашинадаги улушини пул шаклида ундирилиб берилишига қарши эмаслигини кўрсатиб, даъво ни қаноатлантиришни сўради.

Суд тарафларнинг кўрсатмаларини, Ҳамза туман прокурори ёрдамчисининг даъво ни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, куйдаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, И. Худойкулов билан Р. Худойкулова 2008 йил 29 мартда қонунчи никоҳдан ўтган. Биргаликдаги турмушларидан бир нафар 2009 йилда тугилган Алимардон исмли фарзанди бор.

2009 йил 4 январдаги олди-сотди шартномасига асосан Р. Худойкулованинг номига «Нексия» русумли автомашинасини сотиб олинган.

Суднинг 2011 йил 23 майдаги ҳал қилув қарори билан тарафлар никоҳдан ажратилган.

Шунингдек, суднинг 2011 йил 23 майдаги буйруғи билан Р. Худойкулованинг фойдасига вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 23-моддасининг 1 қисмига мувофиқ, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биригаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти



тўғрисида»ги қарорнинг 25-бандига мувофиқ, эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолида бериш масаласини хал этишда суд мулкнинг хусусияти ва нима учун мўлжалланганлигини, уни сотиб олиш шартлари ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Чунончи, автомобилни бўлишда суд эр-хотиндан қайси бири ундан амалда фойдаланганлигини, техник ҳолатига қараб келганлигини, уни бошқариш учун ҳуқуқи борлигини ва ҳ.к.ларни эътиборга олади.

Суд томонидан тайинланган суд-автотехник экспертизасининг хулосасига кўра, низоли «Нексия» русумли автомашинанинг ўртача бозор нархи 28.600.000 сўм, автомашинанинг 1/2 қисми 14.300.000 сўмни ташкил қилиши қайд этилган.

Суд, қайд этилган қонун ҳамда раҳбарий кўрсатмаларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, суд-автотехник экспертизасининг хулосасини инобатга олиб, жавобгарнинг низоли автомашинадан ўзига тегишли 1/2 қисмини пул тариқасида олишга рози эканлигини, низоли автомашинани тарафларнинг турмушлари давомида, шунингдек, никоҳлари бекор бўлгандан кейин ҳам даъвогарнинг фойдаланувида бўлганлигини, жавобгарнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси мавжуд эмаслигини ва автомашинага муҳтож эмаслигини инобатга олиб, жавобгарнинг 1/2 қисмини пул тариқасида даъвогардан жавобгарнинг фойдасига ундиришни, жавобгарнинг ушбу автомашинага нисбатан эгаллик ҳуқуқини тугатишни лозим топади.

Суд давлат божини ундириш масаласини хал этишда Фуқаролик процессуал кодекси 116-моддасининг 1-қисмига мувофиқ жавобгардан даъвогар томонидан тўланган 2.860.000 сўм давлат божини даъвогарнинг фойдасига ундиришни лозим топади.

Бинобарин суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206-моддалари талаблари асосида

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар И. Худойкуловнинг жавобгар Р. Худойкуловага нисбатан мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

«Нексия» русумли давлат рақами 01 V 488 IY бўлган автомашина И. Худойкуловнинг эгалигида қолдирилсин.

И. Худойкуловдан Р. Худойкулованинг фойдасига «Нексия» русумли давлат рақами 01 V 488 IY бўлган автомашинанинг нархидан 14.300.000 сўм ундирилсин.

Р. Худойкулованинг «Нексия» русумли давлат рақами 01 V 488 IY бўлган автомашинага нисбатан эгаллик ҳуқуқи тугатилсин.

Р. Худойкуловдан И. Худойкуловнинг фойдасига 2.860.000 сўм тўланган давлат божи ундирилсин.

Хал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига шу суд орқали апелляция тартибда шикоят бериши, прокурор протест келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик этувчи

имзо

А.Рустамов



11.17. Никоҳдан ажратишни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил апрель ойининг 13 кuni фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья К. Исраилов,

Р. Махмудовнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида даъвогар Олима Ферузовна Олимжонованинг жавобгар Шавкат Обидович Олимжоновга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзгатиш фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

Даъвогар О. Олимжоновга жавобгар Ш. Олимжоновга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, унда 2010 йил 16 июнда Ш. Олимжонов билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан 2011 йил 20 апрелда туғилган Фарангиз Олимжоновга исмли фарзандлари борлигини, турмушлари бошида яхши яшаганликларини, лекин кейинчалик характерлари тўғри келмай, келиша олмай қолганликларини, оилани сақлаб қолиш учун кўп ҳаракат қилганлигини, лекин бунинг имкони бўлмаганлигини, 2011 йил июль ойдан бирга яшамасликларини, оилани сақлаб қолиш имкони йўқлигини кўрсатиб, жавобгар билан никоҳдан ажратишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар О. Олимжоновга даъво аризани қувватлаб, суддан даъвошни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Ш. Олимжонов даъвошни тан олмасдан, даъвогар билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганликларини, биргаликдаги турмушларидан вояга етмаган бир нафар фарзандлари борлигини, турмушлари яхши бўлганлигини, охири вақтларда келишмай қолганликларини, оиласини тиклашга ҳаракат қилишини, даъвогар билан ярашиш нияти бўлиб, оилани тиклаш имкони борлигини, фарзандини отасиз қолишини хоҳламаслигини кўрсатиб, суддан даъво аризани рад этишни сўради.

Суд тарафларнинг кўрсатмаларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, О. Олимжонов ва Ш. Олимжоновлар 2010 йил 19 июнда Тошкент шаҳар Олмасор тумани ФХДЁ бўлимида қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар, бу ҳақида никоҳ тузиш далолатномасини қайд қилиш дафтарида 576-сонли ёзув киритилган.

Тарафларнинг турмушларидан 2011 йил 20 апрелда туғилган Фарангиз Олимжоновга исмли фарзандлари бор, ўзаро келишмовчиликлар натижасида тарафлар 2011 йил июль ойдан буён бирга яшамайдилар, умумий рўзгор юритмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасига мувофиқ, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 06-сонли қарорининг 16-бандига кўра, турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек, эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий вазвлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди. Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда, суд даъвошни рад этади.

Суд иш ҳолатини муҳокама қилиб, тарафлар ўртасида вужудга келган келишмовчиликлар вақтинчалик бўлиб, уларни никоҳдан ажратиш учун асос бўла



олмайди деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолатда, суд иш ҳолатларини ҳар тарафлама кўриб чиқиб ҳамда юқоридаги қонун нормасига асосланиб, тарафлар ўзаро тушунмовчиликлар туфайли келиша олмаётганликлари, оилада юзага келган келишмовчиликлар эса вақтинчалик эканлиги, уларнинг ажрашишлари учун жиддий сабаблар йўқлиги, даъвогарнинг келтирган асослари никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмаслиги, жавобгар оилани тиклаш истаги борлигини билдирганлигини инобатга олиб, оилани сақлаб қолиш имконияти бор деган хулосага келади ва даъво аризани рад этишни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206 моддаларига қўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Олима Ферузовна Олимжонованинг жавобгар Шавкат Обидович Олимжоновга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар 20 кун муддат ичида ушбу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибда шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

имзо

К. Исраилов



11.18. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил август ойининг 17 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг очиқ суд мажлиси Ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья К.Исраилов,

Д. Рауповнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида даъвогар Абдулла Нуриддинович Исमतовнинг жавобгар Дилором Абдурахмановна Исमतовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзгатиш фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар А. Исमतов судга жавобгар Д. Исमतовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво ариза билан муружаат қилиб, жавобгар Д. Исमतова билан 1997 йил 19 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, турмушларидан икки нафар вояга етмаган 1999 йил 15 майда туғилган Азиза исмли ва 2002 йил 16 октябрда туғилган Давлат исмли фарзандлари борлигини, турмушларининг бошида яхши яшашганлигини, кейинчалик оилавий муносабатлари тўғри келмай, келишмовчиликлар келиб чиққанлигини, оилани тиклашнинг иложи йўқлигини, 2009 йил февраль ойидан бери бирга яшамасликларини, оилалари барбод бўлганлигини, ярашиш учун берилган муҳлат ёрдам бермаганлигини, ҳозирда бошқа оила қуриб яшаётганлигини кўрсатиб, никоҳдан ажратишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар А. Исमतов даъво аризани қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Д. Исमतова даъво аризани тан олиб, даъвогар А. Исमतов билан биргаликдаги турмушларидан икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, турмушларининг дастлабки йиллари яхши кечганлигини, лекин кейинчалик оилавий муносабатлари бир бирига тўғри келмаганлигини, даъвогар спиртли ичимлик ичиб, арзимаган нарсалардан уруш-жанжал чиқарганлигини, даъвогарнинг бошқа оиласи борлигини, оиласини сақлаб қолишга бир неча мартаба ҳаракат қилганлигини, аммо натижа бўлмаганлигини, оиласи барбод бўлганлигини, 2009 йил февраль ойидан бери бирга яшамасликларини, ярашиш учун берилган муддатда ярашмаганликларини, фарзандларини ўзини тарбиясида қолдиришни кўрсатиб, суддан даъво аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд тарафларнинг кўрсатмаларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасига кўра, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 06-сонли қарорининг 16-бандига кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб фақат эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли, уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳоллардагина қаноатлантирилиши лозим.

Мазкур қарорнинг 15-бандига кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда, суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли.



11 БОБ. ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Аниқланишича, А. Исमतов ва Д. Исमतовалар 1997 йил 19 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар, бу ҳақида Тошкент шаҳар 2-сон «Шодлик» никоҳ уйида 1435-сонли далолатнома ёзуви қайд этилган.

Тарафларнинг турмушларидан 1999 йил 15 майда туғилган Азиза исмли ва 2002 йил 16 октябрда туғилган Давлат исмли икки нафар фарзандлари бор. Тарафлар ўзаро муносабатлари тўғри келмай 2009 йил февраль ойидан буён бирга яшамайдилар, эр-хотинлик муносабатлари ҳам шу даврдан тугатган.

Суд томонидан тарафларга ярашишлари учун олти ойлик муҳлат тайинланган, аммо тарафлар оилани тиклаш чораларини кўрмаганлар, оилани тиклашга қаршиликларини билдирганлар, бундай ҳолда суд эр-хотиннинг бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг имкони қолмаган деган хулосага келади.

Суд иш ҳолатларини ҳар томонлама муҳокама қилиб, тарафлар ўртасида эр-хотинлик муносабатлари 2009 йил февралда тугаганлиги, улар бирга яшамаётганлиги, оилавий муносабатлар барбод бўлганлиги, тарафлар оилани тиклашга қаршиликларини инobatта олиб, уларнинг оиласини сақлаб қолиш имконияти йўқ деган хулосага келади ва даъво талабини қаноатлантириб, тарафларни никоҳдан ажратишни лозим топади.

Суд жавобгар Д.Исमतованинг никоҳга қадар бўлган фамилиясини қайтаришни сўраганлигини инobatта олиб, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 46-моддасига асосланиб, унга никоҳга қадар бўлган «Абдусаматова» фамилиясини қайтаришни лозим топади.

Суд мазкур фуқаролик иши юзасидан давлат божини ундириш масаласини муҳокама қилишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 45-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги 533-сонли қарорига асосланиб, даъвогар А. Исमतовдан давлат фойдасига 217.065 сўм давлат божи ундиришни, жавобгар Д. Исमतовани давлат божи тўловидан озод қилишни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203-206-моддаларига кўлланиб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Абдулла Нуриддинович Исमतовнинг жавобгар Дилором Абдурахмановна Исमतовага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Абдулла Нуриддинович Исमतов ва Дилором Абдурахмановна Исमतовалар 1997 йил 19 сентябрда Тошкент шаҳар 2-сон «Шодлик» никоҳ уйида тузилган 1435-сонли далолатнома ёзуви билан қайд этилган никоҳдан ажратилсинлар.

Дилором Абдурахмановна Исमतовага никоҳга қадар бўлган «Абдусаматова» фамилияси қайтарилсин.

Тарафларнинг 1999 йил 15 майда туғилган Азиза Абдулла қизи Исमतова ва 2002 йил 16 октябрда туғилган Давлат Абдулла ўғли Исमतов исмли фарзандлари жавобгар Д. Исमतованинг тарбиясида қолдирилсинлар.

Никоҳдан ажратиш ҳақида гувоҳнома берилаётганида даъвогар Абдулла Нуриддинович Исमतовдан давлат фойдасига 217.065 сўм давлат божи ундирилсин, жавобгар Дилором Абдурахмановна Исमतова давлат божи тўловидан озод қилинсин.

Хал қилув қароридан норози томон 20 кун ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:

имзо

К.Исраилов

**12 БОБ.
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
ҚАРОРЛАРИ**





Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

“СУДЛАР ТОМОНИДАН ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИШДА ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДА”

Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти судлар оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни асосан тўғри ҳал этишаётганликларини кўрсатади. Шу билан бирга, судлар фаолиятида мазкур қонунчиликни қўллашда хатоликлар ҳам мавжуд.

Оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг судлар томонидан тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилганлиги, унда оила давлат томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланганлиги тўғрисидаги нормаларнинг мавжудлиги никоҳ-оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда судлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Судлар оила тўғрисидаги қонунчилик вазифаларидан келиб чиқиб, қонунда назарда тутилган ҳамда оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва уларнинг болалари ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча чораларни кўришлари лозим.

2. Тушунтирилсинки, Оила кодексининг 37-моддасига мувофиқ никоҳ эр-хотиндан бирининг вафоти ёки улардан бири суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида тугайди.

Эр ва хотин ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан тугатилиши мумкин. Зарур ҳолларда, агар буни муомалага лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатлари ҳимояси тақозо этса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза унинг васийси томонидан берилиши мумкин.

3. Оила кодексининг 42-моддасига кўра, вояга етмаган умумий болалари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлган тақдирда никоҳдан ажратиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида (бундан буён матнда-ФХДЁ органлари) амалга оширилади, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

4. Оила кодексининг 43-моддасига мувофиқ никоҳдан ажратиш қўйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича, улар ўртасида вояга етмаган умумий болалар борлигидан қатъий назар, ФХДЁ органларида амалга оширилади, агар эр-хотиндан бири суд томонидан:



бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса.

Қайд этилган асослардан бирортаси мавжуд бўлганда ФХДЁ органи никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабни рад этишга ҳақли эмас. Эр-хотин ўртасида болалар тўғрисида, меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

5. Тушунтирилсинки, ОК 42-моддаси иккинчи қисми ва 43-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган барча ҳолларда никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳдан ажратиш масаласи ФХДЁ органлари ваколатига тааллуқли бўлган айрим ҳолларда ҳам у суд тартибида амалга оширилиши мумкин, чунончи, агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза беришдан бош тортса ёки ФХДЁ органига ариза бериш учун шахсан келиш имкониятига эга бўлмаса ёхуд ариза бериб, никоҳдан ажратишни қайд этиш учун ҳозир бўлмаса. Бундай ҳолатлар мавжудлиги ФХДЁ органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномалари ва ҳ.к.лар билан тасдиқланиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, ОК 43-моддаси биринчи қисмида белгиланган никоҳдан ФХДЁ органларида ажратиш тартиби спиртли ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши оқибатида муомала лаёқати чекланган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳолларига тадбиқ этилмайди. Бундай шахсларга нисбатан берилган, шунингдек бундай шахслар томонидан берилган даъволар бўйича никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

6. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда шуни инобатга олиш лозимки, ОК 39-моддасига мувофиқ, эр хотиннинг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга, гарчи у туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам тадбиқ этилади.

Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул қилинган бўлса, суд иш юритишни тугатади. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш хотиннинг розилиги билан кўзғатилган бўлиб, ишни суд мажлисида кўриш вақтида у никоҳдан ажратишга қарши эътироз билдирган, шунингдек хотиннинг ҳомиладорлиги ва унинг никоҳдан ажратишга розилиги йўқлиги ишни апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида кўриш вақтида маълум бўлган барча ҳолларда ҳам иш юритиш тугатилиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, ОК 39-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво хотин томонидан кўзғатилишига тўсқинлик қилмайди.



7. Судларга тушунтирилсинки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволар, қоида тариқасида, жавобгарнинг доимий яшаш жойидаги судга, ФПК 241-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса, даъвогарнинг ҳоҳиши бўйича тақдим этилади. Хусусан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво:

жазо муддатидан қатъий назар, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс билан (агар иш суднинг судловига тааллуқли бўлса) – мазкур шахснинг судлангунга қадар охириги яшаш жойида;

яшаш жойи номаълум бўлган шахс билан–унинг маълум бўлган охириги яшаш жойида ёки унинг мол-мулки турган жойда, даъвогар вояга етмаган болалари борлиги ёки саломатлиги туфайли жавобгарнинг яшаш жойига боришга қийналган ҳолларда эса,–даъвогарнинг яшаш жойида;

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган ёки мамлакатдан чиқиб кетган шахс билан – унинг мол-мулки турган жойда ёки Ўзбекистон Республикасида маълум бўлган охириги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

8. Бир йил давомида яшаш жойи ҳақида маълумот бўлмаган шахсга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилинганда судья даъвогарга фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тартибини тушунтиради (ФК 33-моддаси).

Шу билан бирга агар эр ёки хотиндан бири иккинчисини бедарак йўқолган деб топиш ҳақида ариза беришдан бош тортса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас, суд эса, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони умумий асосларда кўришга мажбур.

9. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет эл фуқаролари билан тузилган, чет эл фуқароларини ўзаро тузилган никоҳдан ажратиш, шунингдек мазкур шахсларнинг оилавий-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа низолар Оила кодексининг 9-моддаси ҳамда VIII бўлимида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

10. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси ФПК 149, 150-моддалари талабларига жавоб бериши керак. Унда жумладан, никоҳ қачон ва қаерда расмийлаштирилганлиги, никоҳдан болалар бор-йўқлиги, уларнинг ёши, эр-хотин ўртасида уларнинг таъминоти ва тарбияси ҳақида келишувга эришилган-эришилмаганлиги, никоҳдан ажратиш сабаблари никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан бирга кўрилиши мумкин бўлган бошқа талаблар бор-йўқлиги кўрсатилади.

Аризага никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, эр-хотиннинг ойлик маоши ва ўзга даромадлари ҳақидаги, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, даъво талабларини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

Фуқаролик процессуал қонунда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабларни судга қадар кўриб чиқиш тартиби белгиланмаганлиги сабабли суд даъвогардан қонунда белгиланмаган ҳужжатларни, жумладан мазкур низо дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида кўрилганлиги тўғрисида маълумотнома талаб қилишга ҳақли эмас.

11. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризани қабул қилгач, судья ҳар бир иш бўйича уни ФПК 16-бобида назарда тутилган тартибда судда кўришга тайёрлаши шарт.



Жумладан, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида, қоида тариқасида, иккинчи тарафни чақириши, унинг аризага нисбатан муносабатини аниқлаши керак. Шу мақсадларда судья тарафлар билан оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказади. Судья, шунингдек эр-хотин ўртасида никоҳдан ажратиш даъвоси билан бир вақтда ҳал қилиниши лозим бўлган бошқа низолар бор-йўқлигини аниқлайди, тарафларга вояга етмаган болалари таъминоти учун буйруқ тартибида алимент ундириш ҳуқуқини тушунтиради, ишнинг кўрилиши учун аҳамиятга молик бошқа масалаларни аниқлайди.

12. Оила кодексининг 44-моддасига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда эр-хотин судга қуйидаги масалалар юзасидан келишув тақдим этишлари мумкин:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар улардан қайси бири билан яшаши тўғрисида;

вояга етмаган болалар ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр(хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисида;

эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида.

Бундай келишув мавжуд бўлмаган ёки мазкур масалалар юзасидан эр-хотин ўртасида низо бўлган ҳолларда улар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб билан бир вақтда мазмунан кўриб чиқилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда никоҳ шартномасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб ҳам, башарти бундай талаблар ўзаро боғлиқлиги сабабли кўриб чиқилиши мумкин (ФПК 156-моддаси). Суд мазкур ишда жавобгарнинг никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарши даъвосини ҳам кўришга ҳақли (ФПК 247-моддаси).

13. Агар даъво аризасида никоҳдан ажратиш иши билан бир вақтда кўрилиши мумкин бўлмаган талаб қўйилган бўлса (масалан, никоҳ тузилгунга қадар топилган мол-мулкни олиб бериш, уйга киритиш ва ҳ.к.), бундай даъво алоҳида иш юритишга ажратилади.

14. Никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шарт. Шу мақсадларда, суд ишни иккала тараф иштирокида кўриши лозим.

Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, келмаслик сабаблари узрли ёки узрсизлигидан қатъий назар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради. Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда суд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли. Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли (ФПК 174, 175-моддалари).

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда башарти даъвогар бунга қарши эътироз билдирмаса иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши



мумкин (ФПК 224-моддаси). Бундай ҳолда фақат суд жавобгарни сўроқ қилмасдан туриб ҳам ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама ва тўлиқ текширилганлиги ҳақида хулосага келган тақдирдагина никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилиши мумкин.

Эр-хотиндан бири доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетган ва унинг суд мажлисига келиш имконияти бўлмаган ҳолларда, суд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари нормаларига мувофиқ тарафларни хабардор қилиш чораларини кўради.

15. Судларга тушунтирилсинки, ОК 1-моддаси иккинчи қисми талабига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилганда суд ОК 40-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эр-хотинга ярашишлари учун олти ойгача муддат тайинлашга ҳақли. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, ОК 218-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда ярашиш учун бериладиган муддат уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланади. Эр-хотин ярашиши мақсадида олти ойлик муддат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкин.

Эр-хотинга ярашиши учун муддат берилиши муносабати билан ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими тарафларнинг тушунтиришлари тинглангандан сўнг, зарур ҳолларда эса, бошқа далиллар текширилганидан сўнг чиқарилади.

Суд эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра ярашиш учун берилган муддатни бунга жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда қисқартиришга ва ишни бу муддат тугагунга қадар кўришга ҳақли. Ярашиш учун берилган муддатни қисқартириш тўғрисидаги масала суд мажлисида тарафларни хабардор қилган ҳолда ва ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилади.

Эр-хотин ярашиши учун ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади ва бундай ажрим келгусида ишнинг ҳаракатига тўсқинлик қилмаслиги сабабли, унинг устидан апелляция, кассация тартибида шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин эмас (ФПК 346, 34816-моддалари).

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилиб, эр-хотинга ярашиш учун муддат берилганда суд ОК 112-моддаси ва ФПК 263-моддасига мувофиқ болалар таъминоти учун алимент ундириш масаласини муҳокама қилишга ҳақли.

16. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб, фақат, эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим (ОК 41-моддаси).

Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек эр-



хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.

Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда суд даъвои рад этади.

17. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво рад этилган тақдирда мазкур даъво билан бирга берилган бошқа талаблар суд томонидан алоҳида иш юритишга ажратилиши лозим (ФПК 157-моддаси).

Агар даъвогар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъводан воз кечса, ишнинг шу қисми иш юритишдан тугатилиши, эр ёки хотиннинг мазкур даъво билан бирга берган бошқа талаблари эса мазмунан кўрилиши лозим.

18. Судларга тушунтирилсинки, айнан ўша тарафлар томонидан айнан ўша асослар бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси суднинг иш юритувига бундай даъвои рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги ёхуд тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб камида олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин. Бундай даъво янги асосларга кўра тақдим этилганда, такрорий даъво аризаси мазкур муддатга роя қилинмасдан берилиши мумкин.

19. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда эр-хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги низони кўришда судлар бундай низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилиш-қилмаслигини аниқлашлари лозим.

Агар низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилса (масалан, мол-мулк деҳқон (фермер) хўжалиги мулки бўлиб, унинг таркибида эр-хотин ва уларнинг вояга етмаган болаларидан ташқари бошқа аъзолар ҳам бўлса) суд тарафларга уларнинг умумий тартибда алоҳида даъво тақдим этиш ҳуқуқларини тушунтириши лозим, чунки қонун (ОК 44-моддаси учинчи қисми) бундай ҳолларда никоҳдан ажратиш ва мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларни битта иш юритувда ҳал этишга йўл қўймайди. Бу қоида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (АЖ, МЧЖ ва ҳ.к.) устав фонди омонатларига, шунингдек ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари пайларига нисбатан ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни ҳал этишга ҳам тадбиқ этилади. Бундай ширкатлар ва жамиятлар мулкни бўлиш масалалари фуқаролик қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади.

Оила кодекси 44-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қоида эр-хотин томонидан банклар ёки бошқа кредит-молия ташкилотларига қўйилган омонатларни бўлиш ҳолларига (пул маблағлари эр-хотиндан қайси бирининг номига қўйилганлигидан қатъий назар) тадбиқ этилмайди, чунки бундай омонатларни бўлишда банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари ҳуқуқларига дахл этилмайди.

Агар эр ёки хотинга учинчи шахслар пул маблағлари берган ва уни эр ёки хотин ўз номига банк ёки бошқа кредит-молия ташкилотига қўйган бўлса, ФК нормаларига мувофиқ учинчи шахслар пул суммасини қайтариш тўғрисида (омонатни бўлиш тўғрисида эмас) даъво қўзғатишга ҳақли бўлиб, у алоҳида иш юритувда ҳал этилиши лозим. Деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоларининг ва



бошқа шахсларнинг деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоси бўлган эр ёки хотинга нисбатан талаблари ҳам шу тартибда ҳал этилиши мумкин.

20. Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ эр-хотиннинг бўлиниши лозим бўлган биргаликдаги умумий мол-мулки деганда улар томонидан никоҳ давомида орттирган мол-мулклар, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган ва ФК 81, 82, 209-моддаларига кўра фуқароларнинг мулк ҳуқуқи объекти бўла оладиган кўчар ва кўчмас ҳар қандай мол-мулклар тушунилади, башарти улар ўртасида тузилган никоҳ шартномасида мол-мулкка нисбатан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса.

Судларга тушунтирилсинки, суд томонидан фақат ишни кўриш вақтида амалда мавжуд ҳамда эр-хотиннинг бирида ёки учинчи шахсларда (масалан, ижара, мулкдан текин фойдаланиш, омонат сақлаш ва ш.к. шартномалар бўйича) бўлган умумий мол-мулк бўлиниши лозим.

Мулкни бўлишда, шунингдек эр-хотиннинг умумий қарзлари (ОК 28-моддаси учинчи қисми) ва оила манфаатлари йўлида вужудга келган мажбуриятлар бўйича талаб қилиш ҳуқуқи инobatга олинади. Бироқ судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўйни, шунингдек никоҳ маросимлари билан боғлиқ бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича қарзлар ва бошқа харажатлар инobatга олинмайди (ОК 44-моддаси).

Никоҳни ФХДЁ органларида қайд этмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкый низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилади.

21. Оила кодексининг 25-моддаси биринчи қисмига мувофиқ никоҳга қадар эр ва хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган, шунингдек улардан бири томонидан никоҳ давомида ҳадя тариқасида, мерос ҳуқуқи бўйича ёки бошқа текин битимлар бўйича олинган мол-мулк унинг ўз мулки ҳисобланади.

Эр-хотин томонидан текин асосларга кўра олинган, жумладан тўй совғалари, тўйдан сўнг ўтказиладиган маросимлар муносабати билан олинган совғалар, агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, биргаликдаги умумий мулк таркибига киради. Агар бу совғалар эр-хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса, улар ўша эр ёки хотиннинг ўз мулки ҳисобланади (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно).

Эр-хотиндан бирига никоҳга киргунга (тўйга) қадар тегишли бўлган мол-мулк, бу буюмлардан никоҳ тузилганидан сўнг фойдаланилганлигидан қатъий назар, биргаликдаги умумий мулк таркибига кирмайди (масалан, мебель, гиламлар, идиш-товоқ ва келин сепини ташкил этувчи бошқа мол-мулк).

Оила кодексининг 25-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, эр-хотиндан ҳар бирига тегишли бўлган мулк, башарти никоҳ давомида мазкур мулк қийматини анча ошишига олиб келган маблағ қўшилганлиги (капитал таъмирлаш, қўшимча иморат қуриш, янгидан жиҳозлаш ва ҳ.к.) аниқланса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки деб топилиши мумкин.

22. Оила кодексининг 24-моддасига мувофиқ эр-хотин ўзларининг биргаликдаги умумий мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини (эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш) ҳар иккаласининг розилиги бўйича амалга



оширилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда, агар умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги талабни кўришда эр ёки хотиндан бири иккинчисининг иродасига хилоф тарзда ўз хоҳишига кўра умумий мулкни бошқага ўтказган ёки оила манфаатига мос бўлмаган тарзда сарфлаган ёхуд мол-мулкни яширган бўлса, бўлиш чоғида ўша мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

Агар оилавий муносабатлар ва умумий хўжалик юритилиши амалда тугагандан сўнг эр-хотин биргалиқда мулк орттиришмаган бўлса, суд ОК 27-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, ҳар бир эр ёки хотин томонидан улар алоҳида яшаган даврда топилган мол-мулкни улардан ҳар бирининг мулки деб топиши ва фақат эр-хотин томонидан умумий хўжалик юритилиши тўхтатилган вақтга қадар топилган мол-мулкни бўлиши мумкин.

23. Судлар эр-хотиннинг умумий мулкни бўлишда шуни назарда тутишлари лозимки, ОК 27-моддаси олтинчи ва еттинчи қисмларига кўра, вояга етмаган болалар эҳтиёжи учун олинган нарсалар (кийим-кечак, оёқ кийими, мактаб ва спорт анжомлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар), шунингдек эр-хотин томонидан уларнинг умумий мулки ҳисобидан улар ўртасидаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ҳам эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳисобга олинмайди.

24. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда судлар ОК 28-моддасига риоя этишлари ва, қоида тариқасида, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан келиб чиқишлари лозим.

Агар никоҳ шартномасида биргалиқдаги мулкка нисбатан қонунда белгиланган тартиб ўзгартирилган бўлса, суд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги низони ҳал этишда бундай шартнома шартларига риоя этиши лозим. Бунда шуни инобатга олиш керакки, ОК 31-моддаси бешинчи қисмига кўра никоҳ шартномасининг эр ёки хотиндан бирини ўта ноқулай шароитга солиб қўядиган (масалан, эр-хотиндан бирини никоҳ даврида топилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқидан батамом маҳрум этадиган) шартлари мазкур эр ёки хотин талаби бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда суд айрим ҳолларда ОК 28-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ вояга етмаган болалар манфаатларидан ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаатидан келиб чиқиб, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан чекинишга ҳақли. Эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаати деганда, жумладан нафақат эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган ёки умумий мол-мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган ҳоллар, балки эр-хотиндан бири соғлиғи ҳолатига ёки унга боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра меҳнат фаолиятидан даромад олиш имкониятидан маҳрум этилган ҳоллар ҳам тушунилиши лозим. Агар никоҳ шартномасига мувофиқ эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан чекиниш мумкин бўлмаса, унга фақат шартноманинг шу қисми ҳақиқий эмас деб топилгандагина йўл қўйилади.

Суд ҳал қилув қарорида умумий мулкда эр ва хотин ҳиссалари тенглиги қоидасидан чекиниш сабабларини баён этиши шарт.



25. Эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолида бериш масаласини ҳал этишда суд мулкнинг хусусияти ва нима учун мўлжалланганлигини, уни сотиб олиш шартлари ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Чунончи, автомобилни бўлишда суд эр-хотиндан қайси бири ундан амалда фойдаланганлигини, техник ҳолатига қараб келганлигини, уни бошқариш учун ҳуқуқи борлигини ва ҳ.к.ларни эътиборга олади.

Уйни асл ҳолида бўлиш масаласи суд томонидан фуқаролик қонунчилиги нормаларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши лозим (ФК 223-моддаси).

26. Бўлиниши лозим бўлган мол-мулк қиймати ҳал қилув қарори чиқариладиган кундаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Уйнинг қиймати низоли уй турган жойдаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулки қиймати юзасидан низо бўлган тақдирда тегишли экспертиза тайинланиши мумкин.

27. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, 1944 йил 8 июлга қадар никоҳни қайд этмасдан туриб оилавий муносабатларга киришган шахсларнинг мол-мулкига нисбатан эр-хотин ўртасидаги биргалиқдаги мулк тартиби тадбиқ этилади. Бундай мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги низоли ҳал этишда ОК 23–28-моддаларида белгиланган қоидаларга риоя этиш лозим.

28. Оила кодекси 27-моддасининг тўққизинчи қисмида никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво мuddатининг ўтишини никоҳ тугатилган вақтдан (яъни, ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш қайд этилган ёки суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан) эмас, балки шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисоблаш лозим (ФК 154-моддаси биринчи қисми).

29. Никоҳдан ажратиш ёки никоҳдан ажратишни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний, асосли бўлиши ҳамда суд мажлисида ҳар томонлама текширилган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд томонидан аниқланган эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик сабаблари, суднинг оилани сақлаб қолиш имконияти борлиги ёки унинг узил-кесил барҳам топанлиги тўғрисидаги хулосасига асос бўлган далиллар, суд томонидан у ёки бу далилларни рад этиш учун асос бўлган вазжлар, шунингдек суд қўллаган қонунлар кўрсатилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

тарафларнинг барча талаблари бўйича, шу жумладан биргалиқда кўриш учун бирлаштирилган талаблари бўйича ҳам суд хулосаларини;

фуқаролик ҳолатларини қайд этиш дафтарида никоҳдан ажратишни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар (никоҳ қайд қилинган сана, далолатнома ёзувининг рақами, никоҳни қайд қилган органнинг номи);

эр-хотиннинг фамилиялари—никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ (никоҳга кириш вақтида фамилия ўзгартирилган бўлса, никоҳгача бўлган фамилия ҳам);

эр-хотиннинг ҳар бирдан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори ёки улардан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида



кўрсатма (давлат божи миқдорини белгилашда суд улардан ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг бузилишида айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан вояга етмаган болалар эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади);

мол-мулк қиймати – эр-хотиндан бирига мол-мулк асл ҳолида берилганда.

30. Судларга тушунтирилсинки, никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли. Бироқ унинг хоҳишига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда суд томонидан унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин. Агар мазкур масала суд томонидан қарор чиқариш пайтида ҳал қилинмаган бўлса, фамилияни ўзгартириш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан никоҳдан ажралишни қайд этиш пайтида ҳал этилади (ОК 220-моддаси).

31. Никоҳдан ажратишни рад этганда, шунингдек иш юритиш тугатилган барча ҳолларда, суд даъвогарнинг аризасига кўра унга никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қайтаради.

32. Оила кодексининг 47-моддасига мувофиқ никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади.

Мазкур қоида никоҳ тугатилиши пайти қонунга кўра суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган пайтдан бошланиши тан олинган (1998 йил 30 апрелдан 2010 йил 15 сентябргача) даврга нисбатан тадбиқ этилмайди.

33. Судларга тушунтирилсинки, ОК 50-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибда амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда, судья никоҳнинг ҳақиқийлиги қандай асос бўйича низолашилаётганлигини ва даъвогар ОК 51-54-моддаларига кўра айнан даъво аризасида кўрсатилган асос бўйича никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги масалани кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига кириш-кирмаслигини аниқлаши лозим. Агар аризачи бундай шахслар доирасига кирмаса, судья унинг даъво аризасини қабул қилишни ФПК 152-моддаси биринчи қисми 1 бандига асосан рад этади.

34. Оила кодексининг 49-моддасида кўрсатилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қатъий бўлиб, уларни кенгайтириб талқин этишга йўл қўйилмайди. Бундай асосларга қуйидагилар киради:

Оила кодексининг 14–16-моддаларида белгиланган шартлар бузилиши;
сохта никоҳ тузилиши, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирса;

никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ/ОИТС касаллиги) борлигини иккинчисидан яширса.

Жумладан, агар никоҳни тузиш вақтида шахс ўз ҳаракати моҳиятини тушунмаганлиги ва уларни идора қила олмаганлиги натижасида никоҳга киришга нисбатан ўзининг ҳақиқий розилигини бермаганлиги аниқланса, никоҳ



ОК 14-моддасида назарда тутилган шартлар бузилган деган асос билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, сохта никоҳ тузган шахслар иш суд томонидан кўрилгунга қадар амалда оила қурган бўлсалар, бундай никоҳ эр-хотин ҳуқуқларини кўриқлаш мақсадида сохта деб топилиши мумкин эмас.

35. Агар никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво никоҳдан суд таритибида ажратилгандан сўнг берилган бўлса, судья даъво аризасини қабул қилишни у судда кўришга тегишли эмаслиги сабабли рад этади (ФПК 152-моддаси биринчи қисми 1 банди). Бундай даъво фақат никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ва никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзуви белгиланган тартибда бекор қилинган ҳолда кўрилиши мумкин.

Агар никоҳдан ФХДЁ органларида ажратилган бўлиб, кейинчалик никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини бекор қилиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаблар қўйилган бўлса, суд бу талабларни бир вақтнинг ўзида кўриши шарт.

36. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар оиланинг бузилиши сабабларини аниқлашлари ва оила бузилишида айбдор бўлган эр-хотин ва бошқа шахсларнинг номуносиб хулқ-атворларидан далолат берувчи фактларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари лозим.

37. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб боришлари ва ушбу тоифа ишлар бўйича қонунчиликни қўллашда йўл қўйилган суд хатоларининг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўришлари лозим.

38. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 22-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси

Б.Мустафаев



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

“СУДЛАР ТОМОНИДАН НИКОҲДАН АЖРАТИШГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ ТўҒРИСИДА”

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга доир ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши шуни кўрсатадики, судлар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни асосан тўғри ҳал этишмоқда. Айни пайтда мазкур тоифага оид ишларни кўришда суд амалиётида никоҳнинг тугатилиши, уни ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек иқтисодиёт эркинлашуви шароитида эр-хотин мулкый муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ масалалар келиб чиқмоқда.

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга доир ишларни кўришда қонунчиликнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилганлиги, унда оила давлат томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланганлиги тўғрисидаги нормаларнинг мавжудлиги никоҳ-оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда судлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Судлар оила тўғрисидаги қонунчилик вазифаларидан келиб чиқиб, қонунда назарда тутилган ҳамда оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва уларнинг болалари ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча чораларни кўришлари лозим.

2. Тушунтирилсинки, Оила кодексининг 37-моддасига мувофиқ никоҳ эр-хотиндан бирининг вафоти ёки улардан бири суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида тугайди.

Эр ва хотин ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан тугатилиши мумкин. Зарур ҳолларда, агар буни муомалага лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатлари ҳимояси тақозо этса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза унинг васийси томонидан берилиши мумкин.

3. Оила кодексининг 42-моддасига кўра вояга етмаган умумий болалари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлган тақдирда никоҳдан ажратиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида (бундан буён матнда – ФХДЁ органлари) амалга оширилади, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

4. Оила кодексининг 43-моддасига мувофиқ никоҳдан ажратиш қуйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича, улар ўртасида вояга етмаган



умумий болалар борлигидан қатъий назар, ФХДЁ органларида амалга оширилади, агар эр-хотиндан бири суд томонидан:

бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса.

Қайд этилган асослардан бирортаси мавжуд бўлганда ФХДЁ органи никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабни рад этишга ҳақли эмас. Эр-хотин ўртасида болалар тўғрисида, меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

5. Тушунтирилсинки, ОК 42-моддаси иккинчи қисми ва 43-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган барча ҳолларда никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳдан ажратиш масаласи ФХДЁ органлари ваколатига тааллуқли бўлган айрим ҳолларда ҳам у суд тартибида амалга оширилиши мумкин, чунончи, агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза беришдан бош тортса ёки ФХДЁ органига ариза бериш учун шахсан келиш имкониятига эга бўлмаса ёхуд ариза бериб, никоҳдан ажратишни қайд этиш учун ҳозир бўлмаса. Бундай ҳолатлар мавжудлиги ФХДЁ органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномалари ва ҳ.к.лар билан тасдиқланиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, ОК 43-моддаси биринчи қисмида белгиланган никоҳдан ФХДЁ органларида ажратиш тартиби спиртли ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши оқибатида муомала лаёқати чекланган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳолларига тадбиқ этилмайди. Бундай шахсларга нисбатан берилган, шунингдек бундай шахслар томонидан берилган даъволар бўйича никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

6. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда шуни инобатга олиш лозимки, ОК 39-моддасига мувофиқ эр хотиннинг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга, гарчи у туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам тадбиқ этилади.

Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул қилинган бўлса, суд иш юритишни тугатади. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш хотиннинг розилиги билан қўзғатилган бўлиб, ишни суд мажлисида кўриш вақтида у никоҳдан ажратишга қарши эътироз билдирган, шунингдек хотиннинг ҳомиладорлиги ва унинг никоҳдан ажратишга розилиги йўқлиги ишни апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида кўриш вақтида маълум бўлган барча ҳолларда ҳам иш юритиш тугатилиши лозим.



Шуни назарда тутиш лозимки, ОК 39-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво хотин томонидан кўзгатилишига тўсқинлик қилмайди.

7. Судларга тушунтирилсинки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволар, қоида тариқасида, жавобгарнинг доимий яшаш жойидаги судга, ФПК 241-моддасида назарда тutilган ҳолларда эса, даъвогарнинг хоҳиши бўйича тақдим этилади. Хусусан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво:

жазо муддатидан қатъий назар, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс билан (агар иш суднинг судловига тааллуқли бўлса) – мазкур шахснинг судлангунга қадар охириги яшаш жойида;

яшаш жойи номаълум бўлган шахс билан–унинг маълум бўлган охириги яшаш жойида ёки унинг мол-мулки турган жойда, даъвогар вояга етмаган болалари борлиги ёки саломатлиги туфайли жавобгарнинг яшаш жойига боришга қийналган ҳолларда эса, – даъвогарнинг яшаш жойида;

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган ёки мамлакатдан чиқиб кетган шахс билан – унинг мол-мулки турган жойда ёки Ўзбекистон Республикасида маълум бўлган охириги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

8. Бир йил давомида яшаш жойи ҳақида маълумот бўлмаган шахсга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилинганда судья даъвогарга фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тартибини тушунтиради (ФК 33-моддаси).

Шу билан бирга, агар эр ёки хотиндан бири иккинчисини бедарак йўқолган деб топиш ҳақида ариза беришдан бош тортса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас, суд эса, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони умумий асосларда кўришга мажбур.

9. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет эл фуқаролари билан тузилган, чет эл фуқароларини ўзаро тузилган никоҳдан ажратиш, шунингдек мазкур шахсларнинг оилавий-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа низолар Оила кодексининг 9-моддаси ҳамда VIII бўлимида назарда тutilган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

10. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси ФПК 149, 150-моддалари талабларига жавоб бериши керак. Унда жумладан, никоҳ қачон ва қаерда расмийлаштирилганлиги, никоҳдан болалар бор-йўқлиги, уларнинг ёши, эр-хотин ўртасида уларнинг таъминоти ва тарбияси ҳақида келишувга эришилган-эришилмаганлиги, никоҳдан ажратиш сабаблари никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан бирга кўрилиши мумкин бўлган бошқа талаблар бор-йўқлиги кўрсатилади.

Аризага никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, эр-хотиннинг ойлик маоши ва ўзга даромадлари ҳақидаги, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, даъво талабларини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

Фуқаролик процессуал қонунида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабларни судга қадар кўриб чиқиш тартиби белгиланмаганлиги сабабли суд даъвогардан қонунда белгиланмаган ҳужжатларни, жумладан мазкур низо дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида кўрилганлиги тўғрисида маълумотнома талаб қилишга ҳақли эмас.



11. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризани қабул қилгач, судья ҳар бир иш бўйича уни ФПК 16-бобида назарда тутилган тартибда судда кўришга тайёрлаши шарт.

Жумладан, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида, қоида тариқасида, иккинчи тарафни чақирishi, унинг аризага нисбатан муносабатини аниқлаши керак. Шу мақсадларда судья тарафлар билан оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказади. Судья, шунингдек эр-хотин ўртасида никоҳдан ажратиш даъвоси билан бир вақтда ҳал қилиниши лозим бўлган бошқа низолар бор-йўқлигини аниқлайди, тарафларга вояга етмаган болалари таъминоти учун буйруқ тартибида алимент ундириш ҳуқуқини тушунтиради, ишнинг кўрилиши учун аҳамиятга молик бошқа масалаларни аниқлайди.

12. Оила кодексининг 44-моддасига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда эр-хотин судга қуйидаги масалалар юзасидан келишув тақдим этишлари мумкин:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар улардан қайси бири билан яшаши тўғрисида;

вояга етмаган болалар ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр(хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисида;

эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида.

Бундай келишув мавжуд бўлмаган ёки мазкур масалалар юзасидан эр-хотин ўртасида низо бўлган ҳолларда улар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб билан бир вақтда мазмунан кўриб чиқилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда никоҳ шартномасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб ҳам, башарти бундай талаблар ўзаро боғлиқлиги сабабли, кўриб чиқилиши мумкин (ФПК 156-моддаси). Суд мазкур ишда жавобгарнинг никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарши даъвосини ҳам кўришга ҳақли (ФПК 247-моддаси).

13. Агар даъво аризасида никоҳдан ажратиш иши билан бир вақтда кўрилиши мумкин бўлмаган талаб қўйилган бўлса (масалан, никоҳ тузилгунга қадар топилган мол-мулкни олиб бериш, уйга киритиш ва ҳ.к.), бундай даъво алоҳида иш юритишга ажратилади.

14. Никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шарт. Шу мақсадларда, суд ишни иккала тараф иштирокида кўриши лозим.

Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда келмаслик сабаблари узрли ёки узрсизлигидан қатъий назар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради. Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда суд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли. Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли (ФПК 174, 175-моддалари).



Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда башарти даъвогар бунга қарши эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин (ФПК 224-моддаси). Бундай ҳолда, фақат суд жавобгарни сўроқ қилмасдан туриб ҳам ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама ва тўлиқ текширилганлиги ҳақида хулосага келган тақдирдагина никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилиши мумкин.

Эр-хотиндан бири доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетган ва унинг суд мажлисига келиш имконияти бўлмаган ҳолларда, суд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари нормаларига мувофиқ тарафларни хабардор қилиш чораларини кўради.

15. Судларга тушунтирилсинки, ОК 1-моддаси иккинчи қисми талабига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилганда суд ОК 40-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эр-хотинга ярашишлари учун олти ойгача муддат тайинлашга ҳақли. Бунда шунга эътиборга олиш лозимки, ОК 218-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда ярашиш учун бериладиган муддат уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланади. Эр-хотин ярашиши мақсадида олти ойлик муддат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкин.

Эр-хотинга ярашиши учун муддат берилиши муносабати билан ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими тарафларнинг тушунтиришлари тинглангандан сўнг, зарур ҳолларда эса, бошқа далиллар текширилганидан сўнг чиқарилади.

Суд эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра ярашиш учун берилган муддатни бунга жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда қисқартиришга ва ишни бу муддат тугагунга қадар кўришга ҳақли. Ярашиш учун берилган муддатни қисқартириш тўғрисидаги масала суд мажлисида тарафларни хабардор қилган ҳолда ва ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилади.

Эр-хотин ярашиши учун ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади ва бундай ажрим келгусида ишнинг ҳаракатига тўсқинлик қилмаслиги сабабли, унинг устидан апелляция, кассация тартибида шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин эмас (ФПК 346, 34816-моддалари).

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилиб, эр-хотинга ярашиш учун муддат берилганда суд ОК 112-моддаси ва ФПК 263-моддасига мувофиқ болалар таъминоти учун алимент ундириш масаласини муҳокама қилишга ҳақли.

16. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб, фақат, эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечириларининг



ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим (ОК 41-моддаси).

Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.

Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда суд даъвои рад этади.

17. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво рад этилган тақдирда, мазкур даъво билан бирга берилган бошқа талаблар суд томонидан алоҳида иш юритишга ажратилиши лозим (ФПК 157-моддаси).

Агар даъвогар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъводан воз кечса, ишнинг шу қисми иш юритишдан тугатилиши, эр ёки хотиннинг мазкур даъво билан бирга берган бошқа талаблари эса, мазмунан кўрилиши лозим.

18. Судларга тушунтирилсинки, айнан ўша тарафлар томонидан айнан ўша асослар бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси суднинг иш юритувига бундай даъвои рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги ёхуд тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб камида олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин. Бундай даъво янги асосларга кўра тақдим этилганда такрорий даъво аризаси мазкур муддатга риоя қилинмасдан берилиши мумкин.

19. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда эр-хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги низони кўришда судлар бундай низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилиш-қилмаслигини аниқлашлари лозим.

Агар низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилса (масалан, мол-мулк деҳқон (фермер) хўжалиги мулки бўлиб, унинг таркибида эр-хотин ва уларнинг вояга етмаган болаларидан ташқари бошқа аъзолар ҳам бўлса) суд тарафларга уларнинг умумий тартибда алоҳида даъво тақдим этиш ҳуқуқларини тушунтириши лозим, чунки қонун (ОК 44-моддаси учинчи қисми) бундай ҳолларда никоҳдан ажратиш ва мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларни битта иш юритувда ҳал этишга йўл қўймайди. Бу қоида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (АЖ, МЧЖ ва ҳ.к.) устав фонди омонатларига, шунингдек ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари пайларига нисбатан ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни ҳал этишга ҳам тадбиқ этилади. Бундай ширкатлар ва жамиятлар мулкни бўлиш масалалари фуқаролик қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади.

Оила кодекси 44-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қоида эр-хотин томонидан банклар ёки бошқа кредит-молия ташкилотларига қўйилган омонатларни бўлиш ҳолларига (пул маблағлари эр-хотиндан қайси бирининг номига қўйилганлигидан қатъий назар) тадбиқ этилмайди, чунки бундай омонатларни бўлишда банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари ҳуқуқларига дахл этилмайди.

Агар эр ёки хотинга учинчи шахслар пул маблағлари берган ва уни эр ёки хотин ўз номига банк ёки бошқа кредит-молия ташкилотига қўйган бўлса, ФК



нормаларига мувофиқ учинчи шахслар пул суммасини қайтариш тўғрисида (омонатни бўлиш тўғрисида эмас) даъво қўзғатишга ҳақли бўлиб, у алоҳида иш юритувда ҳал этилиши лозим. Деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоси бўлган эр ёки хотинга нисбатан талаблари ҳам шу тартибда ҳал этилиши мумкин.

20. Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ эр-хотиннинг бўлиниши лозим бўлган биргаликдаги умумий мол-мулки деганда улар томонидан никоҳ давомида орттирган мол-мулклар, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган ва ФК 81, 82, 209-моддаларига кўра фуқароларнинг мулк ҳуқуқи объекти бўла оладиган кўчар ва кўчмас ҳар қандай мол-мулклар тушунилади, башарти улар ўртасида тузилган никоҳ шартномасида мол-мулкка нисбатан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса.

Судларга тушунтирилсинки, суд томонидан фақат ишни кўриш вақтида амалда мавжуд ҳамда эр-хотиннинг бирида ёки учинчи шахсларда (масалан, ижара, мулкдан текин фойдаланиш, омонат сақлаш ва ш.к. шартномалар бўйича) бўлган умумий мол-мулк бўлиниши лозим.

Мулкни бўлишда, шунингдек эр-хотиннинг умумий қарзлари (ОК 28-моддаси учинчи қисми) ва оила манфаатлари йўлида вужудга келган мажбуриятлар бўйича талаб қилиш ҳуқуқи инobatга олинади. Бироқ судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўйни, шунингдек никоҳ маросимлари билан боғлиқ бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича қарзлар ва бошқа харажатлар инobatга олинмайди (ОК 44-моддаси).

Никоҳни ФХДЁ органларида қайд этмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкий низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилади.

21. Оила кодексининг 25-моддаси биринчи қисмига мувофиқ никоҳга қадар эр ва хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган, шунингдек улардан бири томонидан никоҳ давомида ҳады тариқасида, мерос ҳуқуқи бўйича ёки бошқа текин битимлар бўйича олинган мол-мулк унинг ўз мулки ҳисобланади.

Эр-хотин томонидан текин асосларга кўра олинган, жумладан тўй совғалари, тўйдан сўнг ўтказиладиган маросимлар муносабати билан олинган совғалар, агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, биргаликдаги умумий мулк таркибига киради. Агар бу совғалар эр-хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса, улар ўша эр ёки хотиннинг ўз мулки ҳисобланади (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно).

Эр-хотиндан бирига никоҳга киргунга (тўйга) қадар тегишли бўлган мол-мулк, бу буюмлардан никоҳ тузилганидан сўнг фойдаланилганлигидан қатъий назар, биргаликдаги умумий мулк таркибига кирмайди (масалан, мебель, гиламлар, идиш-товоқ ва келин сепини ташкил этувчи бошқа мол-мулк).

Оила кодексининг 25-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, эр-хотиндан ҳар бирига тегишли бўлган мулк, башарти никоҳ давомида мазкур мулк қийматининг анча ошишига олиб келган маблағ қўшилганлиги (капитал таъмирлаш, қўшимча иморат қуриш, янгидан жиҳозлаш ва ҳ.к.) аниқланса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки деб топилиши мумкин.



22. Оила кодексининг 24-моддасига мувофиқ эр-хотин ўзларининг биргаликдаги умумий мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини (эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш) ҳар иккаласининг розилиги бўйича амалга оширилиши лозимлигини инobatга олган ҳолда, агар умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги талабни кўришда эр ёки хотиндан бири иккинчисининг иродасига хилоф тарзда ўз хоҳишига кўра умумий мулкни бошқага ўтказган ёки оила манфаатига мос бўлмаган тарзда сарфлаган ёхуд мол-мулкни яширган бўлса, бўлиш чоғида ўша мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

Агар оилавий муносабатлар ва умумий хўжалик юритилиши амалда тугагандан сўнг эр-хотин биргаликда мулк орттиришмаган бўлса, суд ОК 27-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ ҳар бир эр ёки хотин томонидан улар алоҳида яшаган даврда топилган мол-мулкни улардан ҳар бирининг мулки деб топиши ва фақат эр-хотин томонидан умумий хўжалик юритилиши тўхтатилган вақтга қадар топилган мол-мулкни бўлиши мумкин.

23. Судлар эр-хотиннинг умумий мулкни бўлишда шуни назарда тутишлари лозимки, ОК 27-моддаси олтинчи ва еттинчи қисмларига кўра вояга етмаган болалар эҳтиёжи учун олинган нарсалар (кийим-кечак, оёқ кийими, мактаб ва спорт анжомлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар), шунингдек эр-хотин томонидан уларнинг умумий мулки ҳисобидан улар ўртасидаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ҳам эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳисобга олинмайди.

24. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда судлар ОК 28-моддасига риоя этишлари ва, қоида тариқасида, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан келиб чиқишлари лозим.

Агар никоҳ шартномасида биргаликдаги мулкка нисбатан қонунда белгиланган тартиб ўзгартирилган бўлса, суд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги низони ҳал этишда бундай шартнома шартларига риоя этиши лозим. Бунда шуни инobatга олиш керакки, ОК 31-моддаси бешинчи қисмига кўра никоҳ шартномасининг эр ёки хотиндан бирини ўта ноқулай шароитга солиб қўядиган (масалан, эр-хотиндан бирини никоҳ даврида топилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқидан батамом маҳрум этадиган) шартлари мазкур эр ёки хотин талаби бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда суд айрим ҳолларда ОК 28-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ вояга етмаган болалар манфаатларидан ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаатидан келиб чиқиб, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан чекинишга ҳақли. Эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаати деганда, жумладан нафақат эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган ёки умумий мол-мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган ҳоллар, балки эр-хотиндан бири соғлиғи ҳолатига ёки унга боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра меҳнат фаолиятидан даромад олиш имкониятидан маҳрум этилган ҳоллар ҳам тушунилиши лозим. Агар никоҳ шартномасига мувофиқ эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан чекиниш мумкин бўлмаса, унга фақат шартноманинг шу қисми ҳақиқий эмас деб топилгандагина йўл қўйилади.



Суд ҳал қилув қарорида умумий мулкда эр ва хотин ҳиссалари тенглиги қоидасидан чекиниш сабабларини баён этиши шарт.

25. Эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолида бериш масаласини ҳал этишда суд мулкнинг хусусияти ва нима учун мўлжалланганлигини, уни сотиб олиш шартлари ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Чунончи, автомобилни бўлишда суд эр-хотиндан қайси бири ундан амалда фойдаланганлигини, техник ҳолатига қараб келганлигини, уни бошқариш учун ҳуқуқи борлигини ва ҳ.к.ларни эътиборга олади.

Уйни асл ҳолида бўлиш масаласи суд томонидан фуқаролик қонунчилиги нормаларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши лозим (ФК 223-моддаси).

26. Бўлиниши лозим бўлган мол-мулк қиймати ҳал қилув қарори чиқариладиган кундаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Уйнинг қиймати низоли уй турган жойдаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулки қиймати юзасидан низо бўлган тақдирда тегишли экспертиза тайинланиши мумкин.

27. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, 1944 йил 8 июлга қадар никоҳни қайд этмасдан туриб оилавий муносабатларга киришган шахсларнинг мол-мулкига нисбатан эр-хотин ўртасидаги биргаликдаги мулк тартиби тадбиқ этилади. Бундай мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги низони ҳал этишда ОК 23–28-моддаларида белгиланган қоидаларга риоя этиш лозим.

28. Оила кодекси 27-моддасининг тўққизинчи қисмида никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддатининг ўтишини никоҳ тугатилган вақтдан (яъни, ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш қайд этилган ёки суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан) эмас, балки шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисоблаш лозим (ФК 154-моддаси биринчи қисми).

29. Никоҳдан ажратиш ёки никоҳдан ажратишни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний, асосли бўлиши ҳамда суд мажлисида ҳар томонлама текширилган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд томонидан аниқланган эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик сабаблари, суднинг оилани сақлаб қолиш имконияти борлиги ёки унинг узил-кесил барҳам топганлиги тўғрисидаги хулосасига асос бўлган далиллар, суд томонидан у ёки бу далилларни рад этиш учун асос бўлган важлар, шунингдек суд қўллаган қонунлар кўрсатилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

тарафларнинг барча талаблари бўйича, шу жумладан биргаликда кўриш учун бирлаштирилган талаблари бўйича ҳам суд хулосаларини;

фуқаролик ҳолатларини қайд этиш дафтарида никоҳдан ажратишни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар (никоҳ қайд қилинган сана, далолатнома ёзувининг рақами, никоҳни қайд қилган органнинг номи);

эр-хотиннинг фамилиялари, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ (никоҳга кириш вақтида фамилия ўзгартирилган бўлса, никоҳгача бўлган фамилия ҳам);



эр-хотиннинг ҳар биридан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори ёки улардан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида кўрсатма (давлат божи миқдорини белгилашда суд улардан ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг бузилишида айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан вояга етмаган болалар эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади);

мол-мулк қиймати – эр-хотиндан бирига мол-мулк асл ҳолида берилганда.

30. Судларга тушунтирилсинки, никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли. Бироқ, унинг хоҳишига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда суд томонидан унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин. Агар мазкур масала суд томонидан қарор чиқариш пайтида ҳал қилинмаган бўлса, фамилияни ўзгартириш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан никоҳдан ажралишни қайд этиш пайтида ҳал этилади (ОК 220-моддаси).

31. Никоҳдан ажратишни рад этганда, шунингдек иш юритиш тугатилган барча ҳолларда, суд даъвогарнинг аризасига кўра унга никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қайтаради.

32. Оила кодексининг 47-моддасига мувофиқ никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади.

Мазкур қоида никоҳ тугатилиши пайти қонунга кўра суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган пайдан бошланиши тан олинган (1998 йил 30 апрелдан 2010 йил 15 сентябргача) даврга нисбатан тадбиқ этилмайди.

33. Судларга тушунтирилсинки, ОК 50-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда, судья никоҳнинг ҳақиқийлиги қандай асос бўйича низолашилаётганлигини ва даъвогар ОК 51–54-моддаларига кўра айнан даъво аризасида кўрсатилган асос бўйича никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги масалани кўзғатиш ҳукуқига эга бўлган шахслар тоифасига кириш-кирмаслигини аниқлаши лозим. Агар аризачи бундай шахслар доирасига кирмаса, судья унинг даъво аризасини қабул қилишни ФПК 152-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан рад этади.

34. Оила кодексининг 49-моддасида кўрсатилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қатъий бўлиб, уларни кенгайтириб талқин этишга йўл қўйилмайди. Бундай асосларга қуйидагилар киради:

Оила кодексининг 14–16-моддаларида белгиланган шартлар бузилиши;
сохта никоҳ тузилиши, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирса;

никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ/ОИТС касаллиги) борлигини иккинчисидан яширса.

Жумладан, агар никоҳни тузиш вақтида шахс ўз ҳаракати моҳиятини тушунмаганлиги ва уларни идора қила олмаганлиги натижасида никоҳга



киришга нисбатан ўзининг ҳақиқий розилигини бермаганлиги аниқланса, никоҳ ОК 14-моддасида назарда тутилган шартлар бузилган деган асос билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, сохта никоҳ тузган шахслар иш суд томонидан кўрилгунга қадар амалда оила қурган бўлсалар, бундай никоҳ эр-хотин ҳуқуқларини кўриқлаш мақсадида сохта деб топилиши мумкин эмас.

35. Агар никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво никоҳдан суд таритибида ажратилгандан сўнг берилган бўлса, судья даъво аризасини қабул қилишни у судда кўришга тегишли эмаслиги сабабли рад этади (ФПК 152-моддаси биринчи қисми 1 банди). Бундай даъво фақат никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ва никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзуви белгиланган тартибда бекор қилинган ҳолда кўрилиши мумкин.

Агар никоҳдан ФХДЁ органларида ажратилган бўлиб, кейинчалик никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини бекор қилиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаблар қўйилган бўлса, суд бу талабларни бир вақтнинг ўзида кўриши шарт.

36. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар оиланинг бузилиши сабабларини аниқлашлари ва оила бузилишида айбдор бўлган эр-хотин ва бошқа шахсларнинг номуносиб хулқ-атворларидан далолат берувчи фактларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари лозим.

37. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб боришлари ва ушбу тоифа ишлар бўйича қонунчиликни қўллашда йўл қўйилган суд хатоларининг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўришлари лозим.

38. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 22-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси

Б.Мустафаев



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

“БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚОНУНЛАРНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ Тўғрисида”

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Республика фуқароларининг шахсий ва ижтимоий манфаатлари узвий мувофиқлашган оилани ҳимоя қилиш давлат аҳамиятига молик бўлган вазифалардан биридир.

Болаларни умуминсоний қадриятларни ҳурматлаш, оналикни муҳофаза этиш ва болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ қоидаларига содиқ бўлиш, маънавий меросни сақлаш ва ривожлантириш, юксак ватанпарварлик, софлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш ота-оналарнинг конституциявий ва маънавий бурчидир.

1998 йил 1 сентябрдан амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оилани мустаҳкамлаш, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг манфаатларини қўриқлашнинг устунлигини назарда тутди.

Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилиши ота-оналарнинг ва болалар ҳуқуқларининг муҳофазасини, ота-оналарнинг болаларини тарбиялашдаги масъулиятлари оширилишини таъминлашга имконият туғдиради, ота-оналарнинг болалари манфаатларига зид бўлган ҳуқуқларидан фойдаланишларига барҳам беради, вояга етмаганлар қонунбузарликларининг олдини олиш чораларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилиниши муносабати билан, қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш ва оилавий низоларни кўриш жараёнида судларда келиб чиқаётган саволларни тушунтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни кўришда судларнинг эътибори бундай низоларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш болалар ва оила манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланишини назарда тутган ҳолда, қонунларга қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилсин.
2. Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган: боланинг бошқа-бошқа турган ота-онадан қайси бири билан бирга яшаши; боласидан алоҳида турадиган ота



ёки онани боласининг тарбиясида иштирок этишга қаршилиқни бартараф этиш; бошқа шахсларнинг тарбиясида бўлган болаларни ота-онасига қайтариш; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ва ота-оналик ҳуқуқини тиклаш; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этмасдан болаларини олиш (ота-оналик ҳуқуқини сағлаш); боланинг ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан кўришиши; ота-оналик ҳуқуқи чекланишини бекор қилиш; фарзандликка олишни бекор қилиш ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ва бошқа низолар судда кўрилиши лозим.

3. Суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган уларнинг қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасида белгиланган ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим. Бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онанинг маълумот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини эътиборга олади.

Суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онанинг қайси бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин.

4. Вояга етмаган болаларнинг ота-онанинг қайси бири билан яшашлиги ҳақидаги низо никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво билан биргаликда ҳал этилаётган ҳолларда болалар бошқа шахсларнинг тарбиясида эканлиги ҳамда улар болаларни ота-онасига қайтаришга қаршилиқ кўрсатаётганликлари аниқланса, суд бу низони алоҳида иш юритишга ажратиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши лозим.

5. Оила кодексининг 73-моддасига мувофиқ ота-оналар бошқа шахслар олдида болаларини шахсан тарбия қилишда устун ҳуқуқга эгадирлар ва болаларини қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Бу талабни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Шунингдек, суд ота ёки онанинг боласининг тегишлича тарбиясини таъминлай олиш имкониятларини, ота ёки онанинг боласи билан ўзаро муносабатлари хусусиятларини, боланинг ўз ихтиёрида бўлган шахсларга қанчалик кўнгил қўйганлигини ва бошқа муайян ҳолатларни эътиборга олади. Агар ота-онанинг ҳам, бола ихтиёрларида бўлган шахсларнинг ҳам уни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмасликлари аниқланса, суд васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки прокурорнинг даъвосига асосан болани



васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига олиб беради. Бундай талаб қўйилмаган бўлса, суд ўзининг хусусий ажрими билан бу органларнинг эътиборини шундай даъво қўзғатиш зарурлигига қаратади.

6. Судлар ота-оналарнинг болаларини, уларни қонунга ёки суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ ўз ихтиёрларида сақлаётган шахслардан (васийлардан, ҳомийлардан, болалар муассасаларидан ва ҳ.к.) олиб бериш тўғрисидаги даъволарни кўраётганларида, низо юзага келган вақтга келиб, қайд этилган шахсларга ёки болалар муассасаларига болаларни олиб бериш учун асос бўлган ҳолатлар ўзгарган-ўзгармаганлигини, болаларни ота-оналарига қайтариш уларнинг манфаатларига мос келиш-келмаслигини аниқлашлари лозим.

7. Оила кодексининг 76-моддасига биноан боласидан алоҳида турадиган ота ёки она боласи билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиш масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир.

Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади.

Суд алоҳида турадиган ота ёки онанинг боласини тарбиялашда иштирок этиш тартибини белгилайди ва бола билан бирга турадиган ота ёки онага бунга қаршилик кўрсатмаслик мажбуриятини юклайди.

Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-оналарнинг, қонунга ёки суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ, бошқа шахслар ихтиёридаги болаларини тарбиялашларига монелик қиладиган ҳолатларни бартараф этиш тўғрисидаги масала ҳам судлар томонидан худди шундай ҳал этилиши лозим.

8. Ота-оналарнинг маҳрум қилиниши мумкин бўлган ота-оналик ҳуқуқи дейилганда, уларга боласини вояга етгунча тарбиялаш, унинг манфаатларини ҳимоя этиш ва унга вакиллик қилиш, боласини бошқа шахслардан талаб қилиб олиш, унинг фарзандликка олинишига розилик бериш ва ҳ.к.лар учун берилган ҳуқуқлар тушунилмоғи лозим. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналар болалари билан туғишганлик фактига асосланган ҳуқуқларини: вояга етган болаларидан нафақа олиш, улар вафот этган тақдирда нафақа билан таъминланиш, болаларининг мулкига ворис бўлиш ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларини ҳам йўқотадилар.

9. Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим



болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

Аризаларни қабул қилишда судлар бундай ишлар бўйича фақат қонунда кўрсатилган шахсларгина даъвогар бўлиши мумкинлигини эътиборга олишлари лозим. Юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланувчи давлат ёки жамоат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 48-моддасига мувофиқ, уларга амалдаги қонунларга кўра вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва ман фаатларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган бўлса, бундай ишлар бўйича даъвогар бўлишлари мумкин (васийлик ва ҳомийлик органлари, чақалоғлар уйи, болалар уйи, мактаб-интернатлар, касаба уюшмаларининг кўмиталари ва ҳ.к.).

Туман, шаҳар, вилоят ҳокимиятлари қошидаги вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссияларга, республикада амалда бўлган ушбу комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Комиссиянинг тақдимномаси, даъво аризаси тариқасида, даъво ишларини юритиш тартибларида кўрилишини назарда тутмоқ лозим.

10. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги даъво боланинг туғилганлик тўғрисидаги ёзувда ота-онаси тариқасида кўрсатилмаган фарзандликка олганларга ва болани ҳақиқатда тарбиялаётган шахсларга нисбатан кўзғатилиши мумкин эмас.

Васийни (ҳомийни) болани тарбиялашга виждонан ёндашмаганлиги муносабати билан ўз вазифаларини бажаришдан четлатиш масаласи суд томонидан эмас, балки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳал қилинади. Васийлик (ҳомийлик) вазифасидан четлатилган шахс болани беришдан бош тортса, унга нисбатан болани олиш ҳақида даъво кўзғатилиши мумкин.

11. Ота-онадан бирини ота ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги даъвони кўришда суд болаларнинг келгусидаги тарбияси учун етарли шароитларни таъминлаш ва ота-онанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, ҳар бир ҳолатда, алоҳида турадиган ота ёки онанинг турган жойини аниқлаши, уни ишда иштирок этишга жалб этиши ва болани тарбиялаш учун олиб бериш ҳақида талаб қилинган ҳолларда унга болани олиб бериш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши шарт.

12. Иш ҳолатларини, ота-онанинг болаларига муносабатлари хусусиятларини ҳар тарафлама аниқлаш мақсадида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар, қоидага кўра, суд мажлисида жавобгарлар иштирокида кўрилиши лозим.

Муқаддам жавобгардан нафақа ундирилмаган ва уни ундириш ҳақидаги масала ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво билан биргалликда ҳал этилаётган бўлса, суд, жавобгар суд мажлисига келишдан бўйин товлаётган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180-моддасига мувофиқ унга жарима солишга ҳақли. Жавобгарнинг туриш жойи ноаниқ бўлган ҳолда суд унга нисбатан қидирув эълон қилади.



13. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилиши лозим.

Прокурор ёки васийлик ва ҳомийлик органи вакили судга келмаган тақдирда ишни кўриш бошқа вақтга қолдирилиши лозим.

14. Суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 156-моддасига мувофиқ вояга етмаганнинг манфаатларини назарга олиб, манфаатдор шахсларнинг жавобгарнинг жамиятда яшаш қоидаларини муттасил равишда бузиб келаётганлиги ва у билан биргаликда яшаш имконияти йўқлиги сабабли турар жойидан кўчириш тўғрисидаги даъвосини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво билан биргаликда кўришга ҳақли (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 81-моддаси).

Бундай талаб кейинчалик мустақил даъво кўзғатиш йўли билан ҳам тақдим этилиши мумкинлигини судлар назарда тутишлари лозим.

15. Ота-она (улардан бири) Оила кодексининг 79-моддасига биноан ота-оналик ҳуқуқидан ўзларининг айбли хулқ-атвориغا кўра, агар улар ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, ўқув-тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги судларга тушунтирилсин.

Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашлик деганда – ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмаслик тушунилади. Болаларнинг ёшларига қараб ота (она)нинг ҳар бир аниқ ҳолатдаги ҳаракати (ҳаракатсизлиги) бола учун уни ҳалокатга олиб келади.

Алимент тўлашдан бош тортганда бу факт суднинг ҳукми билан тасдиқланиши шарт эмас. Алимент тўлаш, ўз болаларини моддий таъминлашдан доимий равишда қочишга уринганлигига ишонч ҳосил қилишликнинг ўзи кифоядир.

Узрсиз сабабларга кўра боласини туғруқхонадан ва бошқа болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаларидан олишдан бош тортганлик туғруқхона ва болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаси комиссиялари томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Ота-онанинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганликлари уларнинг болаларининг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёргарлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаганлигида намоён бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш деганда – бу ҳуқуқлардан болаларнинг манфаатларига зид равишда фойдаланишни, масалан, ўқишига, жамоат топшириқларини бажаришига тўсқинлик қилишни, тиланчиликка



ундашни, уни спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ўргатиш, жиноят қилишда, жиноий йўл билан даромад топишда вояга етмаганни жалб қилишни тушунмоқ керак.

Болалар билан шафқатсиз муомалада бўлиш жисмоний ва руҳий қийнашда, тарбиялашнинг йўл қўйиб бўлмайдиган усулларини қўллашда, болаларининг инсоний ғурурларини камситишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

Агар болаларга нисбатан ота-она эмас, балки оила аъзолари шафқатсиз муомалада бўлсалар, боланинг ота ва онаси бунга қаршилиқ қилмасалар, бундай ота-оналарнинг ота-оналик ҳуқуқлари Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ чекланиши мумкин.

Ота-онанинг сурункали ичкиликбозликка ёки гиёҳвандлик касалига учраганлиги тегишли тиббиёт хулосаси билан тасдиқланган бўлиши керак. Бундай асос билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарни муомалага лаёқати чекланган деб танилганлигидан қатъий назар амалга оширилиши мумкин.

Боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота-она томонидан қасддан жиноят содир қилиш ўта оғир ва жамоат учун хавфли ҳисобланади. Бундай асосларга кўра ота (она)ни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга фақат суднинг ҳукми бўлгандагина йўл қўйилади.

Болани ота (она)сининг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота (она)си томонидан қасддан жиноят содир қилганлиги асосига кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишлик ҳақидаги ишларни кўришда бола жиноят объекти унинг ота (она)си бўлган ҳолларда зарар кўришини ҳисобга олишлари лозим. Бундай асосларга кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишликка ҳам айбдорга нисбатан суднинг ҳукми бўлиши лозим.

16. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш охириги чора эканлигига судларнинг эътибори жалб этилсин. Алоҳида ҳолларда ота ёки онанинг айбли хулқ-атвори тасдиқланган тақдирда ҳам суд унинг хулқ-атвори хусусиятларини, шахсини ва бошқа муайян ҳолатларни эътиборга олиб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво ни рад этишга ва васийлик ва ҳомийлик органларига унинг ота-оналик мажбуриятларини бажаришини назорат қилишни юклаб, жавобгарни болалар тарбиясига нисбатан ўзининг муносабатларини ўзгартириши зарурлиги тўғрисида огоҳлантиришга ҳақли. Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво ни рад этиб, кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мавжуд бўлганида, боланинг манфаатлари тақозо қилса, ота-онадан боласини олиш ва уни васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига топшириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишга ҳақли.

17. Суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан болани тарбиялаш учун кимга: бошқа турадиган отаси ёки онасига, васийлик ва ҳомийлик органига ёки у қонунда белгиланган тартибда тайинланган бўлса, васийга (ҳомийга) берилаётганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Болани бошқа турадиган отаси ёки онасига бериш мумкин бўлмаганида ёки отаси ва онасининг ҳар иккаласи ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолларда (агарда васий ҳали тайинланмаган бўлса) бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига топширилиши керак.



Болани қариндошлари ва бошқа шахсларнинг тарбиясига беришга, агар улар унинг васийлари ёки ҳомийлари қилиб тайинланган бўлсалар йўл қўйилади.

Болани васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига топшира туриб, судлар болани жойлаштиришнинг муайян тартибини белгилашга ҳақли эмаслар, чунки бу масала фақат кўрсатилган органларнинг ваколатларига тааллуқлидир.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг нусхаси суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органига ва боланинг туғилганлиги қайд этилган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига юборилиши лозим.

18. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 81-моддасига мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани болаларини таъминлаш мажбуриятидан озод қилмайди. Шу сабабли суд жавобгарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 205, 207-моддаларининг қоидаларига асосланиб, ундан алимент ундириш тўғрисидаги масалани, бундай даъво қўзғатилган-қўзғатилмаганлигидан қатъий назар, биргаликда ҳал этиши шарт.

Ота ёки онадан бири ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва болалар улардан иккинчисининг, васийнинг ёки ҳомийнинг тарбиясига берилганда, алиментлар шу шахсларнинг фойдасига ундирилади. Болалар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала ҳал этилгунга қадарли болалар муассасаларига жойлаштирилган бўлсалар, алиментлар шу муассасаларнинг фойдасига ундирилиши керак. Болалар васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига топширилаётганларида алимент болалар топшириладиган шахсларнинг ёки болалар муассасаларининг фойдасига ундирилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онадан алимент, қоидага кўра даъво қўзғатилган вақтдан бошлаб ундирилиши лозим. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслардан нафақа ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ижро этиш жараёнида вужудга келадиган, жумладан, муайян алимент ундирувчини кўрсатиш ҳақидаги, агар бола ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиққанидан сўнг то уни олиб қўйилгунга қадар шу ота ёки онаси билан яшаб келаётган бўлса, ундириш муддати тўғрисидаги масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 216-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилиши керак.

19. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсга болалари учун тайинланган пенсия, пул ёрдами ва бошқа тўловларни, шунингдек унинг фойдасига ундирилган алиментларни тўлаш тўхтатилади. Шу сабабли судлар томонидан ишларни кўришда бу масалаларни аниқлаш лозим ва ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг унинг нусхасини кўрсатилган тўловларни амалга оширадиган тегишли органларга ёки тўловлар тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган жойдаги судга, бу тўловларни болалар муассасасига ёки бола тарбиясига берилган шахсга ўтказиш ҳақидаги масалани муҳокама қилиш учун юбориш керак.



20. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 82-моддасига мувофиқ судлар ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъволарни кўришда ота-оналарнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзи ўзгарган-ўзгармаганлигини, уларнинг болаларини тарбия қила олиш-олмасликларини синчиклаб текширишлари лозим. Ота-оналик ҳуқуқини тиклашга агар бу болаларнинг манфаатларига мос келса, йўл қўйилади.

Болалар бошқа шахслар томонидан фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

21. Суд ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги масалани ота ёки она ота-оналик ҳуқуқидан суднинг фуқаролик ёки жиноят иши бўйича чиқарган қарорига биноан маҳрум қилинганлигига қарамасдан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этади.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъво ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар ёки прокурор томонидан бола кимнинг қарамоғида эканлигига қараб, ота ёки онанинг иккинчисига ённки васийга (ҳомийга) ёки болалар муассасасига нисбатан кўзғатилади. Бундай ишлар судлар томонидан васийлик ва ҳомийлик органлари вакилларининг ва прокурорнинг иштирокида кўрилиши лозим.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъво билан биргаликда шу шахснинг болани унга бериш тўғрисидаги даъвоси ҳам кўрилиши мумкин.

Агар ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорининг нусхаси судлар томонидан васийлик ва ҳомийлик органларига ва боланинг туғилганлиги қайд қилинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилиши керак.

22. Бир қатори объектв сабабларга ота-онанинг (улардан бирининг) руҳияти бузиллиши ёки бошқа сурункали касаллиги, оғир шароитнинг вужудга келиши, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқаларга кўра болаларни ота-онанинг ихтиёрида қолдириш хавфли деб топилса, суд Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ, шу моддада кўрсатилган шахс ва органларнинг даъвосига биноан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан туриб ота-онанинг (улардан бирининг) болани олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаш) ва васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига топшириши мумкин.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирининг)



ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи баланинг манфаатларини эътиборга олиб, ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар ҳам прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўрилади.

Фарзандликка олганлардан болаларни олиш тўғрисидаги масала ҳам, фарзандликка олишни бекор қилиш учун қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлмаса, шундай тартибда ҳал этилиши мумкин.

Фарзандликка олган мажбуриятларини бажаришдан бош тортган ёки ўзининг ҳуқуқларини суиистеъмом қилган ҳолатда унга нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 169-моддасига мувофиқ фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисида даъво қўзғатилиши мумкин, чунки фарзандликка олувчиларда ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятлари насл-насаби туфайли эмас, балки фарзандликка олганликлари муносабати билан вужудга келади.

Суд болаларни ота-онасидан ёки фарзандликка олганлардан олишда (ота-оналик ҳуқуқини чеклашда) ота-онани (улардан бирини) боланинг таъминоти учун алимент ундириш масаласини ҳал қилиши лозим.

Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-онанинг боласи билан кўришиши унга салбий таъсир кўрсатмаса, бола билан кўришишга рухсат берилиши мумкин. Бундай кўришишга васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан, агар васий (ҳомий) тайинланган бўлса, унинг, ёхуд боланинг тутинган ота-онаси ёинки бола турган муассаса маъмуриятининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар ота-она (улардан бири)нинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланишига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, суд ота-она (улардан бири)нинг даъвосига биноан болани ота-онасига (улардан бирига) қайтариш ва Оила кодексининг 83-моддасида назарда тутилган чеклашларни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Болани ота-онасига (улардан бирига) қайтариш унинг манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

23. Фарзандликка олганларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлари ёки уларни лозим даражада бажармаганликлари суд томонидан фарзандликка олишни бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Боланинг манфаатлари учун зарур бўлган бошқа ҳолларда ҳам фарзандликка олиш суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъво, республика қонунларига мувофиқ, уни расмийлаштиришда қонун бузилганлигини асос



қилиб қўзғатилган бўлса, суд низони ҳал этишда барча ҳақиқий ҳолатларни, жумладан фарзандликка олишни бекор қилиш боланинг манфаатларига зид келиш-келмаслигини ҳисобга олиши шарт.

24. Суд фарзандликка олишни бекор қилишда, боланинг моддий ёрдамга муҳтожлигини аниқлаб, собиқ фарзандликка олганни унинг таъминоти учун маблағ тўлашга мажбур қилишга ҳақли.

Бундай ҳолда боланинг моддий таъминоти учун маблағ ундириш суд томонидан собиқ фарзандликка олганнинг ва ундирувчининг моддий ва оилавий шароитларини ҳисобга олиб, қатъий суммада амалга оширилади.

25. Суд томонидан фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш фақат Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 168-моддасида кўрсатилган ҳолларда: фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қалбаки ҳужжатларга асосланган бўлса; фарзандликка олиш сохта бўлса; вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса; фарзандликка олувчи шахс Оила кодексининг 152-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса ва бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан фарзандликка олиш оқибатида ҳуқуқи бузилган ҳар қандай шахс, масалан, фарзандликка олинганнинг ота-онаси, фарзандликка олганлар, вояга етган фарзандликка олинганларнинг ўзлари, фарзандликка олганнинг ворислари, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари ва прокурор мурожаат қилиши мумкин.

26. Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган суддаги барча низоларни кўришда уларнинг ҳимояси юзасидан ким томонидан даъво қўзғатилганлигидан қатъий назар ишда иштирок этиш учун халқ таълими бўлими жалб қилиниши лозим. Қайд этилган орган даъво тақдим қилмаган бўлса, у суд томонидан давлат бошқарув органи сифатида ўзига юклатилган мажбуриятларини бажариш мақсадида хулоса бериш учун процессда иштирок этишга жалб қилинади (Оила кодексининг 88-моддаси).

Халқ таълими бўлимининг, даъво талабларининг моҳияти бўйича хулосасини суд бошқа иш материаллари билан биргаликда баҳолайди. Бу хулоса билан келишмаганлик суд томонидан иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарориди асослантирилган бўлиши лозим.

27. Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилишни таъминлаш мақсадида, судлар, муайян низонинг хусусиятларини эътиборга олиб, уларни кўришга пухта тайёрлашлари керак. Болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини, мактабдан таърифномани, нотинч оиланинг назорат қилинганлиги тўғрисидаги материалларни, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг мудирини тасдиқлаган васийлик ва ҳомийлик органларининг асослантирилган хулосасини, шунингдек болаларнинг тарбияланиш шароитларини ва ота-онани таърифловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш лозим. Бу ишлар фақат халқ таълими бўлимидан боланинг яшаш шароитлари текширилганлиги тўғрисидаги акт ва унга асосланган хулоса олингандан сўнг кўрилиши мумкин.

28. Болаларнинг фикрини, уларнинг тарафларга бўлган муносабатини аниқлаш, халқ таълими бўлими томонидан болаларнинг яшаш шароитини



текшириш вақтида амалга оширилади. Иш ҳолатларига кўра суд томонидан болани сўраш зарур деб топилса, бундай сўровни боланинг ёшини ва ривожланганлигини эътиборга олиб, педагог қатнашувида, унга манфаатдор шахслар таъсир этмайдиган вазиятда амалга ошириш лозим.

29. Судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар, болаларни олиш билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар кўзга тилганда болаларнинг манфаатлари тақозо этса, алоҳида ҳолларда, судья ишни суд муҳокамасида кўриш учун тайёрлаш жараёнида ёки суд ишни кўриш вақтида, ҳал қилув қарори чиқаргунча, болаларни жавобгардан вақтинча олиб туриш тўғрисидаги масалани ҳал қилишлари лозим (Оила кодексининг 87-моддаси).

Бу масалани кўриш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 250-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддасига мувофиқ суд, зарур ҳолларда, болаларни ота-онасидан ва бошқа шахслардан олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига ҳам йўл қўяди.

30. Судлар болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича ҳал қилув қарорларининг бажарилишига алоҳида эътиборларини қаратишлари лозим. ҳал этилаётган ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, судлар, зарурат туғилганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 216-моддасига мувофиқ, бундай ҳал қилув қарорларини ижро этишнинг усули ва тартибини белгилаш тўғрисидаги масалани муҳокама этишлари шарт.

Болаларни олиш ва уларни бошқа шахсларга бериш билан боғлиқ бўлган ҳал қилув қарорларини мажбурий равишда ижро этиш, суд ижрочиси томонидан, қоидага кўра, ҳал қилув қарорини бажаришга мажбур бўлган шахс яшайдиган жойда амалга оширилиши лозим. ҳал қилув қарорини чиқарган суд, айрим ҳолларда, ҳал қилув қарорини ижро этишни бола турган жойда амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб топиши мумкин. Бундай ҳал қилув қарорларини ижро этиш васийлик ва ҳомийлик органлари вакилларининг муқаррар иштирокида, вазият тақозо этса, ички ишлар органларининг ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирокида амалга оширилиши лозим.

31. Судлар болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солувчи қонунлар бузилишининг олдини олиш учун фаол иш олиб боришлари лозим.

Судларга ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни, зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакилларининг иштирокида, сайёр суд мажлисларида кўриш тавсия этилсин.

Судлар ишларни кўришда болалар қаровсизлиги, болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ўз вақтида чора кўрилмаганлиги, вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссия ва инспекцияларнинг, болалар муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг ишларида муҳим камчиликлар борлиги ҳолатларини аниқласалар, хусусий ажримлар чиқариб, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатган ҳолда тегишли ташкилотларга юборишлари шарт.

Суд томонидан ишларни кўришда ўсмирларнинг қонунни бузгани аниқланса, бу ҳақда вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи



12 БОБ. МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

комиссияга ёки тегишли органларга зарур бўлган тарбиявий ва огоҳлантириш чораларини кўриш учун маълум қилиш лозим.

32. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1993 йил 16 апрелдаги 5-12-93-сонли қарори ва унга 1997 йил 2 майда ўзгартиришлар киритилган «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси

Б.Мустафаев



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

“БҲЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТўҒРИСИДА”

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 25-сонли, 2009 йил 24 ноябрдаги 15-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

Бўйруқ тартибида иш юритишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳамда мазкур тартибда иш юритишни белгиловчи қонунчиликка оғишмай риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Суд бўйруғи биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг алоҳида бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2382-моддасида кўрсатилган талаблар юзасидан суд муҳокамаси талаб қилинмайдиган ишлар бўйича чиқарилади ва у ижро ҳужжати кучига эга.

2. Суд бўйруғи чиқариш ҳақидаги талаб Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 145-моддасида белгиланган судловга тааллуқлилиқнинг умумий қоидаларига амал қилинган ҳолда судга берилади. Шу билан биргаликда вояга етмаган фарзанднинг таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги талаб ундирувчи яшаётган жойдаги судга, ижро қилиш жойи кўрсатилган нотариал тасдиқланган битимга асосланган талаб ушбу талаб бажарилиши лозим бўлган жойдаги судга тақдим қилиниши ҳам мумкин.

3. Суд бўйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади. Бунда фуқаролик процессуал қонун талабига кўра суд бўйруғи чиқариш ҳақидаги аризанинг шакли ва мазмунига қўйилган талаблар даъво аризага қўйилган талабларга ўхшаш эканлигини назарда тутиш лозим. Шу билан биргаликда бўйруқ тартибида иш юритиш ундирувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг соддалаштирилган усули эканлигидан келиб чиқиб, судлар аризани қабул қилишда ундирувчининг вакили томонидан берилган аризада вакилнинг номи ва манзили кўрсатилиши шарт эмаслигини назарда тутишлари лозим. Ундирувчи томонидан вакилга суд бўйруғини олиш ва ижрога қаратиш ваколати берилган ҳолатлар бундан мустасно.

4. Фуқаро соғлиғи, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаро манфаати юзасидан суд бўйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилсин. Бундай ҳолда суд бўйруғи чиқариш ҳақидаги аризага арз қилинган талабни тасдиқловчи ҳужжатлардан ташқари фуқаронинг судга мурожаат қила олмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим.



5. Судларга тушунтирилсинки, буйруқ тартибида иш юритиш суд муҳокамаси ўтказишни истисно қилиши сабабли кўчар мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисида суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризада ушбу мол-мулкнинг қиймати кўрсатилиши шарт.

6. Оила қонунчилиги талабига кўра вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги талаб, ота-оналарнинг бири ёки ҳар иккаласидан, бошқа ота-оналар, фарзандликка олувчи, боланинг васий ёки ҳомийи ёхуд болаларни тарбиялаш муассаса маъмурияти томонидан ҳам берилиши мумкинлиги сабабли, улар ҳам суд буйруғи чиқариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

7. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 152-моддаси билан белгиланган даъво аризани қабул қилишни рад этишнинг умумий асослари билан бир қаторда, агарда:

қарздорнинг яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса;

ундирувчининг талаби ва у тақдим этган ҳужжатларни ўрганишда ҳуқуқ тўғрисида низо борлиги аниқланса;

ундирувчининг талаби ФПКнинг 2382-моддасида назарда тутилмаган бўлса;

арз қилинган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса; аризанинг шакли ва мазмуни ФПКнинг 2383-моддаси талабига жавоб бермаса;

давлат божи тўланмаган бўлса судья суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этади.

8. Суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризада Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2832-моддасида белгиланган талаб билан биргаликда низоли бошқа талаб кўйилган бўлиб, ушбу талабларни алоҳида кўриш имкони бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2385-моддасига мувофиқ суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза қабул қилишдан рад қилиниши ва ундирувчига тегишли тартибда даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозим.

9. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2382-моддасида назарда тутилган талаблар бўйича ундирувчи суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан ёки даъво талаби тартибида мурожаат қилишга ҳақли. Мазкур ҳолатда суд даъво талабини қабул қилиш ва ишни даъво тартибида кўришни рад қилишга ҳақли эмас.

10. Судья Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2382-моддасида кўрсатилган талаблар бўйича фақатгина ушбу талаб ҳужжат асосида тасдиқланган ҳамда талаб юзасидан қарздор томонидан эътироз билдирилмаган тақдирда суд буйруғи чиқариши мумкин. Шунга кўра, ундирувчи тарафлар ўртасида даъво тартибида ҳал қилиниши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд эмаслиги ҳақидаги ўз талабини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиши шарт.

Агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинган бўлса, унга қарздорнинг фамилияси, исми, ота исми, аниқ яшаш манзили, қарз миқдори кўрсатилган, қарздор ва коммунал хизмат



идорасининг ваколатли ходими томонидан имзоланиб, коммунал идоранинг муҳри билан тасдиқланган маълумотнома илова қилиниши шарт.

Қарздорликни ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқариш ҳақидаги талаб албатта коммунал хизмат идораси раҳбари томонидан имзоланиши лозим.

Ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинганда иш ҳақидан қарздорлик миқдори аниқ кўрсатилган ва иш берувчи томонидан тасдиқланган маълумот илова қилиниши шарт.

Судларнинг эътибори, ортиқча харажатларнинг олдини олиш ҳамда иш вақтини тежаш мақсадида коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни, ёзма шартномага асосланган сафарбарлик қақурув резервида хизматни ўташ учун пул бадалини ҳамда ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги низосиз талаблар, суд буйруғи тартибида ҳал этилиши лозимлигига қаратилсин.

11. Судларнинг эътибори қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси ФПК 2382-моддасининг 3-бандига асосан, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги талаб бўйича суд буйруғи арз қилинган талаб оталикни белгилаш ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаса чиқарилади.

Бунда судлар, биргина оталикни белгилаш ҳақидаги талаб арз қилинган ҳолда эмас, балки шу билан биргаликда иккинчи тараф томонидан оталик (оналик)ка нисбатан эътироз билдирилган ҳолларда ҳам суд буйруғи чиқариш мумкин эмаслигини назарда тутишлари лозим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси низо мавжудлигидан далолат бериб, суд буйруғи чиқаришни истисно этади. Шунингдек, Оила кодекси 102-моддасининг 2-қисмига асосан вояга етмаган фарзанд таъминоти учун қатъий суммада алимент ундириш ҳақидаги талаб ҳам суд буйруғи тартибида кўрилиши мумкин эмас.

12. Оила кодекси 136-моддасининг 3-қисми талабига кўра вояга етмаган болалар учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилишини эътиборга олиб, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш талабида ўтган давр учун ҳам алимент ундириш талаби кўйилган бўлса, ўтган давр учун алимент ундириш ҳақидаги талаб Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 136-моддасининг 4-қисмида кўрсатилган ҳолатлар аниқлангандагина қаноатлантирилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, суд талаб берилган кундан бошлаб алимент ундириш ҳақида суд буйруғи бериб, ўтган давр учун алимент ундириш қисми бўйича эса ундирувчига даъво тартибида судга мурожаат қилиши ҳуқуқини тушунтиради.

13. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2384-моддасига мувофиқ суд буйруғи чиқариш тўғрисида ариза берилганда қонун ҳужжатларида даъво аризалар учун белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божи ундирилади.

Аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтариб берилади. Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда тўланган давлат божи қайтариб берилмайди, балки у ундирувчи қарздорга нисбатан даъво иши юритиш тартибида ариза билан судга мурожаат этган тақдирда тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўтказилади.



14. Умумий қоида бўйича суд мажлисида иштирок этишга жалб қилинмаган тарафга нисбатан чиқарилган суд қарорлари чет давлатлар томонидан, шунингдек, чет давлатларнинг шу тартибда қабул қилинган суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинмайди ва ижро қилинмайди. Бир вақтнинг ўзиде ижро ҳужжати ҳам бўлган суд буйруғини чиқариш тарафларни суд мажлисига чақириб, уларнинг тушунтиришларини эшитиш имкониятидан маҳрум қилиши сабабли қарздорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида эканлиги суд буйруғини чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш учун ҳам асос бўлади. Бундай ҳолда, ундирувчининг ҳуқуқлари қарздорга суд мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи тўғрисида хабар берилган ҳолда ишни суд муҳокамасида кўриш орқали ҳимоя қилинади.

15. Агар ариза Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2383-моддаси талабларига жавоб бермаса ёки давлат божи тўланмаган бўлса, судья суд буйруғини чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилиб, ўз ажрими билан ундирувчига камчиликларни бартараф этиш ёхуд давлат божини тўлаш учун кўпи билан уч кун муҳлат бериши мумкин. Ундирувчи белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этса, давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган кундан қабул қилинган ҳисобланади. Акс ҳолда судья қонун талабига мувофиқ аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

16. Суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим уч кунда чиқарилиши ва мазмуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 153-моддаси талабига жавоб бериши шарт.

17. Судлар суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш асосларини суд буйруғи чиқаришни рад этиш асосларидан фарқлай билишлари лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси ФПК 2385-моддасида кўрсатилган суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш асосларидан фарқли равишда суд буйруғи чиқаришни рад этиш учун ариза қабул қилинганидан кейин тарафлар ўртасида ҳуқуқ тўғрисидаги низо мавжудлиги, шунингдек, арз қилинган талабнинг ФПК 2382-моддасида назарда тутилмаганлиги асос бўлади. Суд буйруғи чиқаришни рад қилиш тўғрисида судья ажрим чиқаради.

18. Аризани қабул қилишни рад этиш ҳамда суд буйруғи чиқаришни рад этиш ундирувчини шу талаб бўйича даъво тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги сабабли, шу тўғрида чиқарилган суд ажримлари устидан шикоят берилмаслигига судларнинг эътибори қаратилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси ФПК 2388-моддасининг талабларига кўра суд буйруғи ҳал қилув қароридан фарқ қилиб, унда баён ва асослантирувчи қисмлар мавжуд бўлмасдан, талабларни қаноатлантиришга асос бўлган моддий қонун нормасини кўрсатиш билан чегараланишига судларнинг эътибори қаратилсин.

Судлар, суд буйруғини чиқариш ва уни ижрога қаратишда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 375-моддаси, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон



Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллашда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар ҳақида»ги қўшма қарорининг 6–9 бандларида баён этилган талабларга асосланишлари лозим.

20. Тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2389-моддасида назарда тутилган суд буйруғининг нусхасини қарздорга дарҳол юбориш тартиби, шунингдек, ФПКнинг 23810-моддасида кўрсатилган суд буйруғини бекор қилиш асослари қарздор ҳуқуқларининг кафолатидир.

21. Агар ўн кунлик муддатда қарздор томонидан арз қилинган талабга нисбатан эътироз берилса, судья ўз ажрими билан суд буйруғини бекор қилиши шарт. Шу билан бирга, судья буйруғни бекор қилиш тўғрисидаги ажримда ундирувчига арз қилган талаби бўйича даъво ишларини юритиш тартибида муурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари ажрим чиқарилганидан кейин уч кундан кечиктирилмай тарафларга юборилади.

22. Судлар, суд буйруғи тартибидаги ишлар бўйича давлат божи миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 105-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги қароридан баён этилган тушунтиришларга асосланишлари лозим.

23. Суд буйруғига нисбатан эътироз билдириш учун қонунда белгиланган ўн кунлик муддатнинг қарздор томонидан ўтказиб юборилганлиги суд томонидан узрли деб топилган тақдирда суд унинг аризасига асосан ушбу муддатни тиклаши мумкин. Муддатни тиклаш ҳақида ариза билан муурожаат қилинмасдан туриб муддат ўтказилгандан сўнг берилган шикоятлар суд томонидан кўрилмайди ва муаллифга қайтарилади.

24. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2389-моддасида кўрсатилган қарздор томонидан эътирозлар тақдим қилиниши мумкин бўлган ўн кунлик муддат процессуал муддатлар тоифасига киришлиги сабабли ушбу муддатларга нисбатан ФПКнинг 12-бобида кўрсатилган талаблар қўлланилиши, шу жумладан, ўтказилган муддатни тиклаш ҳақидаги аризани рад этиш тўғрисидаги ажримга нисбатан ФПКнинг 130-моддасига мувофиқ хусусий шикоят келтириш мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

25. Мазкур институтнинг суд ҳоқимияти самарадорлигини оширишдаги ва суд ишини соддалаштиришдаги муҳим аҳамиятини инобатга олиб, судларга суд буйруғи чиқариш амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси в.б.

Н.Ташматов



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

“ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД ХАРАЖАТЛАРИНИ УНДИРИШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА”

Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиётида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, судлар томонидан мазкур масалага доир қонунчилик тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, фуқаролик ишлари бўйича суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат.

2. Қонунга кўра давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинadиган мажбурий тўлов тушунилади (Солиқ кодексининг 326-моддаси).

Давлат божи бошқа мажбурий тўловлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, судлар фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этишлари шарт.

3. Тушунтирилсинки, фуқаролик ишлари бўйича давлат божи куйидагилардан ундирилади:

биринчи инстанция судига берилadиган суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризалардан, даъво аризаларидан, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан, алоҳида тартибда юритилadиган ишлар бўйича аризалардан, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорлари билан боғлиқ ишлар бўйича аризалардан;

апелляция, кассация шикоятларидан, суд қарорлари устидан назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризалардан;

суд ҳужжатлари нусхаларини берганлик учун.

4. Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодексининг XVII бўлими (бундан буён СК), Фуқаролик процессуал кодексининг ўнинчи боби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги ва 1993 йил 19 августдаги 423-сонли «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида»ги қарорлари билан тартибга солинади.

5. Давлат божи ариза, даъво аризаси шикоят (бундан буён ариза) судга берилгунга қадар тўланади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса



(масалан, тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилинган, давлат божи тўлаш кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган ҳолларида).

Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланиши шарт.

Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан ёки Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси белгиланган шаклда давлат божини қабул қилган ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланиши керак.

Судга мулкий низо бўйича даъво баҳоси чет эл валютасида кўрсатилган даъво аризаси берилганда давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставкалар ва тартибда чет эл валютасида ундирилади.

Агар муайян судда кўрилиши керак бўлган бир неча аризалар бўйича давлат божи бир тўлов топшириқномаси билан тўланган бўлса, тўлов топшириқномаси ишлардан бирига илова қилинади. Қолган ишларга судья томонидан тўлов топшириқномаси санаси ва рақами кўрсатилган ҳамда тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган ишга ҳавола қилинган ҳолда давлат божи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилади (маълумотнома тузилади).

6. Шуни назарда тутиш лозимки, тўланиши шарт бўлган давлат божи миқдори аризачи судга мурожаат қилаётган талабнинг хусусиятига (мулкий ёки номулкий) боғлиқ бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ставкалар бўйича аниқланади.

Аризачининг талаби мулкий хусусиятга эга бўлган ҳолларда давлат божи миқдори даъвогар томонидан кўрсатиладиган даъво баҳосидан келиб чиққан тарзда белгиланади ва судья томонидан ФПК 105 ва 106-моддаларига мувофиқ текширилади.

Бир вақтнинг ўзида мулкий ва номулкий характерга эга бўлган мустақил талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида, мулкий ва номулкий характердаги аризалар учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича ундирилади. Масалан, никоҳдан ажратиш ва мол-мулкни бўлиш ҳақидаги талаб битта даъво аризасида қўйилганда ёки битта ишга бирлаштирилганда давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида ундирилади.

Даъво суммаси кўпайтирилганда, давлат божининг етишмаётган суммаси даъво миқдорининг кўпайтирилганлиги инobatга олинган баҳосига мувофиқ ундирилиши лозим, даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилганда эса, давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

7. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонунга мувофиқ (СК 337-моддаси) давлат божи қуйидаги ҳолларда умумий асосларда ундирилади: қарши даъво аризаларидан;

учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан.



Суд дастлабки даъвогарни унинг розилиги билан бошқа шахс билан алмаштирганда ёки ишдан дастлабки даъвогар ҳуқуқий ворис билан алмаштирилганда давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, ишга киришган шахсдан ёки ҳуқуқий ворисдан умумий асосларда ундирилади.

8. Даъво бир неча даъвогар томонидан биргаликда бир ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади.

Бир даъвогар томонидан бир неча жавобгарга нисбатан даъво тақдим этилганда ҳам, шунингдек судья томонидан бир турдаги бир неча талаб бир иш юритишга бирлаштирилганда ҳам давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ундирилади.

Бирлаштирилган бир ёки бир неча даъво талаблари судья томонидан алоҳида иш юритишга ажратилганда қонунчилик талабларига мувофиқ тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. У алоҳида ажратилган иш юритиш бўйича ҳисобга олинади, бу ҳақда судья томонидан тегишли маълумотнома тузилади ва иш материалларига қўшиб қўйилади.

9. Суд томонидан илгари кўрмасдан қолдирилган, такроран берилган ариза бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади, ФПК 97-моддаси 1-бандига асосан ариза кўрмасдан қолдирилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунда аризани қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатиш асослари бартараф этилгандан сўнг такроран берилган аризага давлат божи тўланганлиги ҳақидаги дастлабки ҳужжат илова қилинишига йўл қўйилади (СК 337-моддаси йигирма биринчи қисми).

10. Судга давлат божи тўланмаган ариза келиб тушганда, судья аризачи қонун бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган-қилинмаганлигини текшириши шарт (СК 329-моддаси).

Агар аризачи қонунга кўра давлат божини тўлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тўлашдан озод қилиш ҳақида илтимос мавжуд бўлмаса, судья аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқариши шарт. Ажримда тўланиши лозим бўлган давлат божи суммаси, тўлаш муддати ва ФПК 154-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган тўлашмаслик оқибатлари кўрсатилиши керак.

Агар аризачи қонунга кўра давлат божини тўлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тўлашдан озод қилиш ҳақида илтимос мавжуд бўлса, судья ФПК 110-моддасига риоя этган ҳолда уни давлат божини тўлашдан озод қилиш масаласида ажрим чиқаради. Аризачи илтимоси рад этилганда шу ажрим билан ариза ҳаракатсиз қолдирилади.

11. Жисмоний шахсни суд харажатларини, шу жумладан давлат божини давлат фойдасига тўлашдан озод қилиш, шунингдек, ҳам жисмоний ва ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган бундай харажатларни ФПК 110,111-моддаларига асосан кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда суд уларнинг бу харажатларни умуман, қисман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслигини тасдиқловчи



асослар (масалан, иш ҳақи (даромади), банкда маблағи мавжудлиги, унинг эгаллигида бўлган мулк сони ва қиймати, вояга етмаган фарзандлари, бошқа боқимандалари борлиги ва ҳ.к. тўғрисидаги маълумотлар) мавжудлигини текшириши лозим.

12. Давлат божини қайтариш ФПКнинг 119- ва Солиқ Кодексининг 342-моддаларида кўрсатилган асосларга мувофиқ амалга оширилади. Бож қонунда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми қайтарилади. Қонунда қайд этилган бошқа ҳолларда бож тўлиқ миқдорда қайтарилиши лозим.

Бож судьянинг ажрими асосида, агар бож бюджетга ўтказилган кундан бошлаб бир йиллик муддат ўтмаган бўлса, молия органлари томонидан қайтарилади.

Агар даъвогар божни тўлаб, судга ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, суднинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси божни қайтариб бериш учун асос бўлади.

13. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ чиқимларга қуйидагилар киради:

гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

ФПК 140-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

вакил (адвокат) ёрдами учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

йўқотилган вақт учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар.

14. Фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ чиқимларни қоплаш, қоида тариқасида, тарафлар зиммасига юклатилиши сабабли, судья ишни суд муҳокамасига тайёрлашда, тараф (тарафлар) томонидан ФПК 113-моддасига мувофиқ зарур пул суммаси суднинг депозит ҳисобига киритиш чораларини кўриши лозим.

Шуни назарда тутмоқ лозимки, қонунда белгиланган чиқимларнинг тараф (тарафлар) томонидан олдиндан киритилмаганлиги гувоҳни, мутахассисни чақириш, жойга бориб кўздан кечириш ҳақида қилинган илтимосномани рад этиш учун асос бўлмайди, агар бу ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлаш учун зарур бўлса. Суд томонидан бу мақсадлар учун сарфланган суммалар тарафлардан ФПК 120-моддасида белгиланган талаблар инобатга олинган ҳолда ундирилади.

15. Тушунтирилсинки, гувоҳлар, экспертлар мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги кейинчалик қўшимча ва ўзгартишлар киритилган «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга харажатларни тўлаш тартиби ва миқдори ҳақида»ги қонуни билан белгиланган.

16. Назарда тутмоқ лозимки, суд қарорини ижро қилиш билан боғлиқ харажатлар дейилганда, Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг



75-моддасида назарда тутилган харажатлар тушунилади. Уларни қоплаш мазкур Қонуннинг 77-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

17. Умумий қоидага қўра, иш бўйича суд харажатларини низода ноҳақ бўлиб чиққан тараф тўлайди.

Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш ФПК 114–120-моддалари билан тартибга солинади. Шу сабабли, суд муҳокамаси жараёнида суд (судья) суд харажатлари билан, зарур ҳолларда эса, бир тарафга бошқа тараф йўқотган иш вақти учун ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаш билан боғлиқ ҳолатлар мавжудлигини текшириши шарт, бу ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида тегишли хулосалар қилиши ва, нафақат ундирувга бўлган ҳуқуқни, балки иш бўйича тарафлар(тараф)дан ундирилиши лозим бўлган аниқ суммани белгилаши ҳамда шу суммани ҳал қилув қарорининг (ажримнинг) хулоса қисмида кўрсатиши лозим.

18. Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар томонидан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божи қаноатлантирилган даъво суммасига мос тарзда жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса) давлат фойдасига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган бир неча даъвогарлар томонидан бир неча жавобгарларга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, давлат божи ҳар бир жавобгардан алоҳида, ундан ундирилган суммадан келиб чиққан ҳолда давлат фойдасига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз даъво талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган ҳолларда давлат божи суд ажримига асосан жавобгардан давлат фойдасига ундирилади.

19. Агар суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилаётганда умумий даъво суммаси ошса, давлат божи даъвонинг ошган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Бунда келиб чиққан фарқ давлат фойдасига даъвогардан, даъво тўлиқ қаноатлантирилганда эса, жавобгардан ундирилади.

Суд арз қилинган талаблар доирасидан қонунда белгиланган ҳолларда четга чиққанида ҳам давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда давлат божи даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

20. Даъво қаноатлантирилган ва жавобгарлар зиммасига солидар жавобгарлик юклатилганда суд жавобгарлардан давлат божини ҳам солидар ундиради. Бу қоида фуқаролик ишини кўриш билан боғлиқ чиқимларни ундиришга ҳам татбиқ этилади, процессуал иштирокчининг талаби билан ва фақат унинг манфаатида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар учун қилинган ва бошқа процессуал иштирокчилар томонидан қопланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

21. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, фуқаролик ишларининг алоҳида тоифалари бўйича даъво баҳосини белгилашнинг хусусиятлари ФПКнинг 105-моддасида назарда тутилган.



Жумладан:

алимент ундириш ҳақидаги барча даъволардан (бола, ота-она, эр-хотин ва бошқалар таъминоти учун) давлат божи 12 ой учун алимент тўловлари жами суммасидан, агар алимент ундирилган муддат 12 ойдан ошмаса, шу давр учун алимент тўловлари жами суммасидан ҳисоблаб чиқилади. Тўловлар суммаси жавобгарнинг охириги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Жавобгар ишламаган тақдирда давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

алимент қарзини тўлашдан озод қилиш, алимент миқдорини ўзгартириш (камайтириш ёки кўпайтириш) ҳақидаги даъволар бўйича давлат божи тўловлар камайган, кўпайган ёки бекор қилинган, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган давр учун белгиланган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва даъвогардан ундирилади.

22. Мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганда давлат божи суд томонидан мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Бунда мол-мулкнинг умумий қийматига қуйидагилар кирмайди:

шахсий ва мулкий суғурта шартномалари бўйича суғурта суммаси;

Ўзбекистон Республикасининг кредит муассасаларида сақланаётган облигациялар ва омонатлар;

даромад суммалари (меҳнат ҳақлари), муаллифлик ҳақлари;

васиятнома ва ҳадя шартномалари бўйича давлат ва юридик шахсларга ўтаётган мол-мулк қиймати;

Ватанни ҳимоя қилиш, давлат ёки жамият олдидаги бошқа мажбуриятларни бажариш муносабати билан ёки инсон ҳаётини, давлат мулкани ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича фуқаролик бурчини бажариш пайтида вафот этган шахслар мол-мулки;

уй-жой (квартира) ёки уй-жой қурилиш ширкатидаги пай, башарти ворислар шу уй-жой (квартира)да мерос қолдирувчи билан бирга яшаб келишган, у вафот этган кунга қадар рўйхатдан (пропискадан) ўтишган ва мерос қолдирувчи вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётган бўлсалар.

23. Фуқаролик процессуал кодексининг 214-моддасига кўра, суд харажатлари масаласига доир қўшимча ҳал қилув қарори фақат, бу масала ҳал қилув қарори чиқариш вақтида ечилмаган ҳолдагина чиқарилиши мумкин.

24. Юқори инстанция судлари фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш вақтида биринчи инстанция суди томонидан суд харажатларини ундиришда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш чораларини кўришлари лозим.

25. Суд харажатлари нотўғри ундирилган ҳолатлар аниқланганда апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судлари процессуал қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда, суд харажатларини ундиришда, уларни тўлашдан озод қилишга, шунингдек ундирилган сумма миқдорини камайтиришга ёки уларни тарафлар ўртасида қайта тақсимлашга ҳақи.



12 БОБ. МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ва жиноят ишлари юзасидан суд чиқимларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси

Б.Мустафаев